

Т. ҚУДРАТОВ, Т. НАФАСОВ

# ЛИНГВИСТИК ТАҲЛИЛ

















ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИНИНГ ФИЛОЛОГИЯ  
ФАКУЛЬТЕТЛАРИ СТУДЕНТЛАРИ УЧУН  
ҚЎЛЛАНМА

Филология фанлари доктори,  
профессор А. ҲОЖИЕВ таҳрири остида




«ЎҚИТУВЧИ» ТОШКЕНТ 1981

# ШАРТЛИ БЕЛГИЛАР






## 1. Сатр ости белгилари

|  |                          |   |   |
|--|--------------------------|---|---|
|  | эга                      |  | синтактик вази-<br>фа бажармаган  |
|  | кесим                    |   | элементлар (сўз-<br>юклама, ундов,<br>уудалма, кириш<br>сўз, кириш би-<br>рикма, кириш<br>гап, киритма сўз,<br>киритма бирик-<br>ма, киритма гап) |
|  | тўлдирувчи               |   |   |
|  | аниқловчи                |   |   |
|  | ҳол                      |   |   |
|  | ажратилган<br>тўлдирувчи |  | тобе сўз  |
|  | ажратилган<br>аниқловчи  |  | ҳоким сўз   |
|  | ажратилган<br>изоҳловчи  |  | бош гап   |
|  | ажратилган ҳол           |  | эргаш гап   |
|  |                          |  | уюшиқ (бирга-<br>лик) эргашини  |
|  |                          |  | кетма-кет эрга-<br>шини   |

## 2. Сатр усти белгилари

|   |  |   |   |
|---|--|---|---|
|   | тенг боғланиш  |   |   |
|  | сўз бирикмаси<br>ва гап бўлак-<br>ларининг боғла-<br>ниши (тобе боғ-<br>ланиш) |  | синтактик вази-<br>фа бажармаган эле-<br>ментларнинг боғ-<br>ланиши |

## 3. Схема учун белгилар

|   |   |   |   |
|---|---|---|---|
|  | эргаш гап   |  | нисбий бош гап,<br>бир гапга бош<br>гап, бошқа гапга<br>нисбатан эргаш<br>гап |
|  | бош гап, боғлан-<br>ган қўшма гап.<br>боғлочисиз қўш-<br>ма гап компо-<br>ненти |  | автор гапи  |
|   |   |  | ўзга гап  |

## СЎЗ БОШИ

Фан асосларини эгаллашда лекциялар билан бир қаторда амалий машғулотларнинг ҳам роли катта. Хусусан, тил фанининг илмий-назарий асосларини, қонун-қоидаларини амалий мушоҳадасиз ўрганish қийин. Амалий машғулотлар савиясини ошириш, хилма-хиллигини таъминлаш, илғор методлардан фойдаланиш, студентларнинг ижодий активлигига эришиш назарий билимларини чуқур ва пичил ўзлаштиришнинг муҳим омилларидандир.

Лингвистик таҳлил ўзбек тилшунослигининг назарий билимларини системали ўрганишнинг мақбул усулларидан биридир. Таҳлил жараёнида тил фактлари ҳақидаги назарий маълумотлар, грамматиканинг қонун-қоидалари конкрет мисолларда амалиётга татбиқ қилинади. Таҳлил этувчи ҳар бир тил фактининг назарий асосларини пухта эгаллашга интилади.

Ўзбек тилшунослигида амалий машғулотлардан бири бўлган лингвистик таҳлил методикаси назарий ва амалий жиҳатдан ишлаб чиқилмаган. Тилшуносликнинг маълум соҳалари бўйича таҳлил ўтказиш принциплари ва тартиби белгилалмаган. Ҳолбуки, олий ўқув юрларининг ўқув-ўқитув тажрибасида студентлар билиминини янада ошириш учун лингвистик таҳлил машғулотларига ва бу хил машғулотларни ўтказиш йўл-йўриқлари баён қилинган қўлланмага эҳтиёж катта. Ушбу қўлланма ана шу эҳтиёж талаб асосида яратилди.

Қўлланма «Ҳозирги ўзбек адабий тили» программаси асосида тузилди ва қўлланмани яратишда ҳозирги ўзбек тили бўйича яратилган илмий грамматикалар ва илмий асарлар, олий ўқув юрларининг филология факультети студентларига мўлжалланган дарслик ва қўлланмаларга суянилди, олий ўқув юрларида ўзбек тилшунослиги соҳалари бўйича дарс ўтиш ва кузатиш жараёнида орттирилган узоқ йиллик тажрибаларга асосланилди. Ўзбек тилшунослиги соҳалари, айрим қисм ва темаларни ўтиш методлари ҳақида матбуотда эълоҳ қилинган таклиф ва мулоҳазалар эътиборга олинди. Шунингдек, тилшуносликнинг сўнги ютуқлари ҳам ҳисобга олинди.

Лингвистик таҳлил ўтказиш методикаси, принциплари ва тартиби, ўзбек тилининг турли қисмлари бўйича таҳлил этиш намуналари акс этган ушбу қўлланма бу соҳадаги биринчи тажриба бўлганлиги учун авторлар касбдошларнинг барча таклиф ва мулоҳазаларини самимият билан қабул қиладилар.

Қўлланманинг лингвистик таҳлил ҳақида, лексикологик, фразеологик, фонетик, орфографик ва орфоэпик, морфемага ажратилиш, морфологик ва синтаксик таҳлил қисмлари Т. Қудратов, синтаксик ва пунктуацион таҳлил қисмлари Т. Нафасов томонидан ёзилди.

## ЛИНГВИСТИК ТАҲЛИЛ ҲАҚИДА

Тил ҳодисалари лингвистик таҳлил асосида амалий ўрганилади. Лингвистик таҳлил — олинган назарий билимлар асосида тил ҳақидаги ҳар бир фаннинг талабига кўра конкрет бир тил ёки нутқ бирлигини (сўз ёки гапни) парчалаб ўрганишдир. Бўлажак ўқитувчиларнинг тил ҳодисаларини тез ва тўғри ажрата олиш малакаларини эгаллашларида назарий билимлар билан бир қаторда лингвистик таҳлил ҳам муҳим роль ўйнайди. Лингвистик таҳлил — студент билимининг кўзгуси. Билим — турли қоидалар ва терминларни ўзлаштиришдан иборат. Бироқ ундан амалда фойдалана олмаса, у фақат механик тарзда ёдланган қоида ва терминлардан иборат бўлиб қолади, холос. Кишининг маълумоти, маданияти унинг фаолиятида кўринганидек, ҳақиқий билим амалиётда қўлланиши билан белгиланади. Агар студент тилшуносликдан назарий дарс ўтилгандан сўнг шу дарсда берилган билимни маълум бир текстни парчалаб ўрганишда мустақил қўллай олса, бундай билим ҳақиқий лингвистик билим саналади. Студент билимининг ҳақиқийлиги, мустақамлиги таҳлил жараёнида кўринади. Лингвистик таҳлил студентда билимни амалда ишлата билиш малакасини ҳосил қилади. Лингвистик таҳлил орқали студентлар берилган назарий билимнинг — лингвистик қоидалар, формулировкаларнинг — моҳиятига онгли, амалий тушуниб етадилар. Студент лингвистик таҳлил жараёнида, тилнинг конкрет бир ҳодисасига боғлиқ ҳолда, назарий дарсларда олинган билим, қоидалар устида мустақил мушоҳада қилади, ўз онгида уларни қайта ишлаб чиқади. Бу эса мазкур ҳодисалар мазмунини очувчи фикрларнинг студент хотирасида нисбатан узоқ сақланиб қолишини таъминлайди. Фақат таҳлил орқалигина айрим мурак-

каб тил ҳодисаларининг моҳиятини яхшироқ англаш мумкин.

Лингвистик таҳлил студентларга мустақкам билим бериш йўлидаги методик приёмлардан биридир. Тилшуносликнинг ҳар бир тармоғи ўқитилаётганда ўқитувчи лингвистик таҳлилдан, албатта, фойдаланиши лозим. Лингвистик таҳлил уй вазифаси сифатида ҳам берилиши мумкин. Аммо бунинг учун студентларда тил фактларини таҳлил қила олиш малақаси бўлмоғи лозим. Морфология ва синтаксис билан бир қаторда фонетика, лексикология, орфоэпия, орфография, сўзнинг морфологик структураси, сўз ясалиши каби соҳалар ўтилаётганда шуларга алоқадор лингвистик ҳодисалар юзасидан таҳлил уюштирилади.

Студентлар билан олиб бориладиган лингвистик таҳлилни амалий жиҳатдан икки турга ажратиш мумкин:

1. **Оғзаки лингвистик таҳлил.**
2. **Ёзма лингвистик таҳлил.**

Таҳлилдаги бу икки усулнинг ҳам ўз афзалликлари бор. **Оғзаки таҳлил** кам вақт талаб қилади, студентнинг лингвистикадан олган билимини қисқа муддат ичида аниқлашга имкон беради. Бундан ташқари, таҳлил қилаётган студентга, агар у хатоларга йўл қўйса, ўз вақтида ёрдамлашиш имконияти ҳам бўлади. Таҳлилнинг бу усулидан дарс процессида кўпроқ фойдаланилади.

**Ёзма лингвистик таҳлилнинг** ҳам ўзига хос ижобий томонлари бор. Ёзма таҳлил қилаётган студент бемалол фикрлаш имкониятига эга бўлади. Ҳатто, у назарий материаллардан ҳам фойдаланиши мумкин. Ёзма лингвистик таҳлил кўпроқ уй вазифаси қилиб берилади.

Лингвистик таҳлил тил ҳодисаларини қамраш чегарасига қараб **тўлиқ** ва **тўлиқсиз таҳлил** деб ҳам ажратилади. Текстни тўлиқ лингвистик таҳлил қилиш кўп вақт талаб қилувчи мураккаб ишдир. Текстни тил ҳақидаги фаннинг ҳамма тармоқлари бўйича текшириш, том маънода, тўлиқ лингвистик таҳлил ҳисобланади. Дарс жараёнида бундай таҳлилдан фойдаланиб бўлмайди. Умуман, бундай таҳлилга эҳтиёж ҳам сезилмайди. Тўлиқ лингвистик таҳлилдан факультатив курсларда, тилни чуқур ўрганувчи тўғарақларда фойдаланилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Бу қўлланмада биз «тўлиқ лингвистик таҳлил» тушунчасини маълум бир

тармоқ, бўлим ёки туркумга нисбатан ишлатдик: тўлиқ морфологик таҳлил, тўлиқ синтактик таҳлил каби.

Лингвистиканинг бирор тармоғи юзасидан ўтказилмайдиган тўлиқ таҳлил шу предмет учун берилган соатларнинг охириги қисмида ёки тилшуносликнинг бошқа кейинги тармоқлари ўрганилаётганда ўтказилади. Масалан, тўлиқ фонетик таҳлил фонетикадан берилган ҳамма темалар ўрганилиб бўлгач ёки орфографиядан бўладиган дарслар орасида ўтказилгани маъқул. Тўлиқ таҳлилдан ёзма иш сифатида фойдаланилса ҳам бўлади.

Тўлиқсиз ёки тематик таҳлил маълум бир тармоқнинг айрим темалари юзасидан ўтказилади. Масалан, «От ҳақида маълумот», «Атоқли ва турдош отлар» темалари ўтилгандан сўнг тўлиқсиз таҳлил ўтказилади. Бунда диққат уч масалага қаратилади: от, атоқли от, турдош от. Бундан кейинги таҳлил дарсларида эътибор қаратиладиган масалалар сони ошиб бораверади, яъни от, отнинг маъно турлари (атоқли, турдош, конкрет, абстракт, якка, жамловчи отлар), отларда сон, эгалик, келишик катергориялари каби. Тўлиқсиз таҳлилни маълум бир кичик теманинг ўзигагина боғлаб ўтказишнинг дидактик нуқтан назардан аҳамияти кам. Олдин ўтилган, шу темага алоқаси бор материалларни ҳам таҳлил талабига киритиш керак. Масалан, келишиклар юзасидан бўладиган таҳлил дарсида фақат келишик қўшимчалари ва уларнинг маъносига эътибор бериш шу темани унга (келишикларга) алоқадор олдинги соатларда ўтилган темалардан узиб қўяди. От туркуми бўйича келишик категориясига қадар ўтилган материалларни ўрганишни ҳам таҳлил талабига киритиш ўринлидир. Бунда олдин (биринчи планда) келишик аффикслари ва уларнинг маъноси, сўнг (иккинчи планда) отнинг маъно турлари ҳамда бошқа категориялари таҳлил этилади. Тўлиқсиз таҳлилдан ҳар бир амалий машғулот дарсида фойдаланиб, вазифалар сони ошириб борилаверса, студентнинг билими қатъийлашиб, кенгайиб, мустаҳкамланиб боради.

Маълумки, тил материаллари таҳлили илмий ва методик адабиётларда «Грамматик таҳлил» номи билан юритилиб келмоқда. Бироқ бу терминни тушунишда бир хиллик кўринмайди. Мактабда таҳлил проблемасини кенг ўрганган методист олим А. В. Текучев ўзининг «Грамматик таҳлил методикаси» (1952), «Мактабда грамматик таҳлил» (1963) асарларида «грамматик

таҳлил» термини остида фонетик, морфологик, этимологик, синтактик ва грамматик стилистика юзасидан бўладиган таҳлилларни тушунади. Муаллиф этимологик таҳлилга морфологик таҳлилнинг бир тури сифатида ёндашади. Н. Н. Стаховский Г. П. Домашенкина, Т. Б. Ивановалар ҳам А. В. Текучев изидан боради. Лекин улар стилистик таҳлилни грамматик таҳлил таркибига киритмайдилар. (Н. Н. Стаховский. О грамматическом разборе по русскому языку, Львов — 1962. Г. П. Домашенкина, Т. Б. Иванова. Грамматический разбор в вузе и в школе, Москва, 1974). Р. И. Лихтман ва О. Я. Прик грамматик таҳлил деганда фақат морфологик ва синтактик таҳлилни тушунадилар. (Грамматический разбор на занятиях по русскому языку, Махачкала — 1960). Биз ҳам грамматик таҳлил дейилганда, морфологик ва синтактик таҳлилни тушунишни тўғри деб биламиз. Грамматика морфология ва синтаксисдан иборат экан, грамматик таҳлил ҳам шу тармоқларни ўз ичига олиши керак. Гарчи фонетикасиз грамматика бўлмаса-да, у грамматиканинг таркибий қисми эмас. Этимологик, стилистик таҳлиллар ҳақида ҳам шу хилда гапириш мумкин. Демак, таҳлилнинг морфологик ва синтактик турларидан бошқа турларини ҳам ўз ичига олган ишни, равшанки, «грамматик таҳлил» деб атаб бўлмайди. Шундай экан, уни қандай ном билан аташ керак? Биз бундай ишни тил ҳақидаги фаннинг умумий номига мослаб, «лингвистик таҳлил» деб юритишни лозим топдик. Бундай номлашда, назаримизда, ҳеч қандай қарама-қаршилик сезилмайди. Аксинча, «грамматик таҳлил» терминига қараганда у умумлаштирувчи хусусиятга эга ва тилшунослик фани тармоқларининг ҳаммасини ўзида мужассамлаштиради.

Дарс тури сифатида лингвистик таҳлил маълум дидактик ва методик талабларга жавоб бериши лозим. Лингвистик таҳлил тил ҳақидаги фаннинг ҳар бир тармоғи учун тузилган программа талабига тўла мос бўлиши керак. Унинг олдига ҳам тил ҳақидаги фанларни ўқитиш олдига қўйиладиган методологик ва методик талаблар қўйилади.

Лингвистик таҳлил олдига қўйиладиган принципаал талаблар қуйидагилар: 1. Илмийлик принципи. 2. Маълум схема асосида иш кўриш принципи. 3. Бир тур таҳлилни бошқа тур таҳлил билан аралаштириб юбормас-

лик принципи. 4. Таҳлилни систематик ўтказиб бориш принципи.

Таҳлилда илмийликка амал қилиш принципи жуда муҳим бўлиб, тил ҳодисаларига марксистик муносабатда бўлишдан келиб чиқади. Илмийлик — тил ҳодисаларининг табиатини тўғри кўрсатиш, қандай мавжуд бўлса, шундай таърифлаш демакдир. Ҳар бир тил ҳодисасига конкрет ёндашиш, унинг бошқа ҳодисаларга муносабатини, узоқ ёки яқинлигини; айрим ёки умумийлигини кўрсатиш тил фактларига онгли муносабатда бўлишни талаб этади. Тил фактларини тарихийлик нуқтаи назардан ёритиш ҳам илмийлик талабидир.

Иккинчи принцип белгиланган таҳлил схемаси бўйича студентнинг мустақил ҳаракат қилишини талаб қилади. Худди шў принцип орқали студентнинг назарий билимларни қай даражада эгаллаганлиги кузатилади. Маълум схема асосида эркин таҳлил эта билиш маънасини ҳосил қилиш принципиал аҳамиятга эга. Таҳлил схемаси яхши ўйланган, тармоқ, фан ёки айрим категорияларнинг асосий хусусиятларини ўзида акс эттирувчи, содда, тушунарли бўлмоғи керак. Схема қисмларини ўта мураккаблаштириб юбориш таҳлилнинг маъноси ва принципларини тушунишни қийинлаштиради.

Ҳар бир таҳлил турининг мақсади ва чегараси қатъий бўлмоғи зарур. Бу студентда бир хил таҳлил билан бошқа хилини аралаштирмаслик кўникмаларини мустаҳкамлайди.

Лингвистик таҳлилни систематик ўтказиб бориш принципи ҳам совет педагогикасининг дидактик талабларидан келиб чиқади. Системасиз таҳлил орқали тил фанидан студентларни чуқур билимли қилиб бўлмаганидек, олинган билимларни ҳам яхши аниқлаш мумкин эмас.

Биз ушбу ишда лингвистик таҳлилнинг баъзи бирлари устида тўхталиб намуналар кўрсатдик. Унда тилшуносликнинг маълум бир соҳаси бўйича дастлаб таҳлил қилишнинг сиққиқ ҳолда тартиби кўрсатилди, сўнг таҳлил намуналари берилди. Таҳлил тартибида маълум соҳа ёки туркумнинг асосий категорияларини, хусусиятларини кўрсатиш кўзда тутилди.

Лингвистик таҳлил учун мисол танлашда қуйидаги тартибга амал қилиш талаб этилади:



а) алоҳида тил бирлиги танланади: товуш, сўз, сўз бирикмаси, гап ва ҳоказо;

б) маълум контекст танланиб, шу текст ичидан тил бирлиги ёки тил birlikлари олинади; сўз, унинг фонетик ёки морфологик структураси ўрганилади, сўз бирикмаси ёки гап бўлаги танланиб синтактик хусусиятлари ўрганилади;

в) маълум контекст танланиб, у яхлитлигича ўрганилади.

Қўлланмада ана шу тартибга амал қилинди, алоҳида олинган тил birlikлари таҳлил қилиниб, намуналари кўрсатилди, маълум контекст олиниб, ундаги зарурий тил birlikлари таҳлил этилди, бундан ташқари, танланган контекстнинг барча қисмлари яхлитлигича таҳлил қилиниб намуналари берилди.

## ЛЕКСИКОЛОГИК ВА ФРАЗЕОЛОГИК ТАҲЛИЛ

Лексикология ва фразеология луғавий birlikларнинг маъно структураси, маъноларнинг ранг-баранглиги, сўз ва ибора маъноларининг кўчиш хусусиятлари; полисемия, синонимия, омонимия, антонимия, луғавий birlikларнинг ишлатилиш доираси ва замонавийлигига кўра классификацияси; луғавий birlikларнинг нутқ стилларига хосланганлиги каби масалалар билан шуғулланади.

Лексикологик ва фразеологик таҳлил программа талаб қилган масалаларни қамраб олиши лозим. Лексикологик ва фразеологик таҳлилда луғавий birlikлар ўрганилар экан, лексема ва фраземалар ҳар томонлама изоҳланади. Уларнинг маъноси, маънонинг қандайлиги (кўчганми, қайси усул билан кўчган, стилистик бўёққа эгами; кўп маънолими ёки бир, маънолими), синоним, омоним, антоними борми, замонавийлик бўёғи қандай (эскирганми, историзмми, неологизмми) ва ҳоказолар кўрсатилади. Лексикологик ва фразеологик таҳлил тилнинг луғавий бойлиги, луғавий birlikларнинг маъно тараққиёти, ишлатилиш доираси, замонавийлиги, нутқ кўринишларига хосланганлиги, бошқа тилдан ўзлашган-ўзлашмаганлиги бўйича студентга мустақкам билим беришда, улар томонидан олинган билимлар даражасини аниқлашда жуда қулай методик приёмдир.

## Лексикологик ва фразеологик таҳлил тартиби

1. Текстдаги луғавий бирликлар лексик ва фразеологик бирликларга ажратиб кўрсатилади.

2. Луғавий бирликларнинг семантик структураси аниқланади:

а) сўзнинг лексик маъноси ва стилистик бўёғи;

б) иборанинг фразеологик маъноси ва стилистик бўёғи;

3. Луғавий бирликларнинг полисемияси аниқланади:

а) лексик полисемия;

б) фразеологик полисемия.

4. Луғавий синонимия кўрсатилади:

а) лексик синонимлар;

б) фразеологик синонимлар.

5. Луғавий антонимия кўрсатилади:

а) лексик антонимлар;

б) фразеологик антонимлар.

6. Луғавий омонимия кўрсатилади:

а) лексик омонимлар;

б) фразеологик омонимлар.

7. Луғавий бирликларнинг замонавийлиги нуқтаи назаридан типлари кўрсатилади; а) неологизмлар; б) архаизмлар; в) историзмлар ва бундай бўёққа эга бўлмаган сўзлар.

8. Луғавий бирликларнинг ўз қатламга ва ўзлашган қатламга алоқадорлиги (ўзлашган бўлса, қайси тилдан ўтганлиги) кўрсатилади.

## Лексикологик ва фразеологик

### таҳлил намунаси

*Дадамнинг иши орқага кетишига, заводдан ҳайдалишига мен сабабчи, шумоёқ эмишман. (Э. Раимов.)*

Текстда бешта лексик бирлик (*дада, завод, ҳайдалмоқ, мен, сабабчи*) ва иккита фразеологик бирлик (*иши орқага кетмоқ, шумоёқ*) бор.

*дада* — сўз, лексик маъноси *кишининг отаси*, яъни *ота* сўзининг лексик маъносига тенг. Бироқ *ота* сўзи стилистик бўёқ нуқтаи назаридан нейтрал: унда сўзловчининг ижобий ёки салбий муносабати сезилмайди. *дада* сўзида эса бундай муносабат сезилиб туради. Унда лексик маъно билан бир қаторда сўзловчининг эркалаш, ҳурмат каби муносабати ҳам ифодаланаётир.

Бундан ташқари, *дада* лексик диалектизм бўлиб, у, асосан, шаҳар тип шеваларга хос сўздир. *Дада* моносемантик (бир маъноли) сўз: маъно плаинида биринчи кишининг отаси семемаси мавжуд. *дада* сўзи *ота* сўзи билан синонимдир. Булар ўзаро стилистик синонимлар ҳисобланади. *дада* замонавий қатламга оид, унда эскилик ёки янгилик бўёғи сезилмайди. *дада* — умумтуркий сўз. У қардош туркий тилларда турли маъно ва фонетик вариантларда учрайди.

**иши орқага кетмоқ** — ибора. Фразеологик маъноси: *ишда муваффақиятсизликка учрамоқ*. Фразеологик бирликнинг турига нисбатан бу ибора фразеологик қўшилмадир, чунки умумий маъноси уни ташкил қилган сўзларнинг лексик маънолари йнфиндисидан келиб чиқмоқда. Иборанинг стилистик бўёғи иборода ифодаланган воқелик ҳақидаги фикрни кучайтиришдан иборат. *иши орқага кетмоқ* моносемантик ибора. Синонимлари бор: *иши юришмай қолмоқ*, *иши чапга тушмоқ*. Булар иборанинг вариантлари эмас, балки синонимларидир. Чунки буларда *иши орқага кетиш* ибораси аналлатган маъно бошқа-бошқа лексик birlikлар воситасида юзага чиқаётир, яъни биричи иборода (*иши*) *юришмай қолмоқ*, иккинчи иборода (*иши*) *чапга тушмоқ* бирикмалари иборанинг асосини ташкил этапти. Ибора замонавий қатламга мансуб, унда архаизм ёки неологизмга хос хусусият сезилмайди.

**завод** — сўз, лексик маъноси *корхона*, турли хил ёки бир хил маҳсулот ишлаб чиқариладиган иш жойи. Синоними йўқ, термин, корхонанинг номи, шунга кўра моносемантик сўз саналади. Стилистик бўёққа эга эмас. Замонавий қатламга мансуб. Ўзлашма қатламга тегишли, рус тилидан ўзлашган.

**ҳайдалмоқ** — сўз, лексик маъноси *ишдан бўшатилмақ*. Унинг бу маъноси (*ишдан*) *қувилмоқ*, (*ишдан*) *бўшатилмақ* сўзларининг лексик маъносига тенг. Бу уч сўздан *бўшатилмақ* сўзида стилистик бетарафлик бор; *ҳайдалмоқ*, *қувилмоқ* сўзларида сўзловчининг антипатик (салбий) муносабати сезилади, *ҳайда(л)моқ* полисемантик (кўп маъноли) сўз: 1) қув(ил)моқ, 2) ҳайвонларни ҳаракатга келтирмоқ (молларни ҳайдамоқ); жувозни ҳаракатга келтирмоқ (мой жувозни ҳайдамоқ) каби. *ҳайдалмоқнинг* лексик омонимик жуфти бор. У ҳамма грамматик формаларида бирор восита билан, мас., *трактор билан ерни ағдармоқ* маъносида ишла-

тиладиган *ҳайдалмоқ* сўзи билан омонимик жуфтликни ташкил этади. *ҳайдалмоқ* замонавий қатламга тегишли сўз. У туркий тилларга хос, ўзбекча сўздир. Чунки *ҳайдалмоқ* тарихан *-да* (*-ла* нинг фонетик варианты) аффикси орқали ясалгандир.

**мен** — сўз, кишилик олмоши, биринчи шахс сўзловчини кўрсатади. Стилистик бўёқ нуқтаи назаридан нейтрал, моносемантик сўз, синоними ва омоними йўқ. Замонавийлик бўёғи нейтрал. Ўз қатламга оид сўз.

**сабабчи** — сўз, лексик маъноси *бирор нарса, ҳодиса-воқеанинг юз беришига восита бўлиши*. Стилистик бўёғи нейтрал. Моносемантик сўз. Синоними бор: *воситачи*. Антоними, омоними йўқ. Замонавий қатламга оид. Сўзнинг ўзағи араб тилидан ўзлашган.

**шумоёқ** — ибора. Фразеологик маъноси: *келиши зарарли, ёқимсиз*. Фразеологик бирликларнинг турига кўра бу ибора фразеологик чатишмадир. Чунки иборанинг маъноси уни ташкил этган сўзларнинг лексик маъноси йиғиндисидан келиб чиқмайди. Иборанинг стилистик бўёғи сўзловчининг салбий муносабатини кўрсатади. Моносемантик ибора. Синоними йўқ, антоними бор: *қутлуғ қадам, қадами қутлуғ*. Ибора замонавий ва ўз қатламга тегишли.

*Мураббия ҳай-ҳайлаганича бориб унинг ҳовучидаги сувни тўкиб ташлади ва қўлидан етаклаб келди-да, қайнамаган сувдаги қуртлар ҳақида гапирди. (Ойдин.)*

Контекстда ўн тўртта лексик бирлик (*мураббия, ҳай-ҳайлаганича, бормоқ, у, ҳовуч, сув, тўкиб ташламоқ, қўл, етакламоқ, келмоқ, қайнамоқ, қурт, ҳақида, гапирмоқ*) бор.

**мураббия** — сўз, лексик маъноси *тарбиячи*. Бироқ *мураббия* сўзи стилистик бўёғи жиҳатдан китобий. *мураббия* моносемантик сўз. Синоними бор: *тарбиячи*. Антоними ва омоними йўқ. Архаизм. Аниқроғи, ўз ўрнини *тарбиячи* синонимига қолдириб, тобора архаиклашиб бормоқда. Ўзлашма қатламга оид, араб тилидан ўзлашган.

**ҳай-ҳайлаганича** — сўз, лексик маъноси *огоҳлантирганича, огоҳлантирувчи овоз чиқарганича* сўз ва бирикмаларининг маъносига тўғри келади. Стилистик бўёқ нуқтаи назаридан нейтрал. Моносемантик сўз, синоними бор: *огоҳлантирганича*. Антоними ҳам бор: *индамасдан*. Омоними йўқ. Замонавий ва ўз қатламга мансуб сўз.

**ташламоқ** — сўз, лексик маъноси *бирор предметни*

*ерга қўймоқ, ташламоқ*ни англатади. Стилистик бўёғи — бетараф. Полнсемантик сўз. У турли сўзлар билан бирикиб ҳар хил лексик, фразеологик маъноларнинг юзага чиқишига асос бўлади. Мас., *тошни ерга ташламоқ, папиросни ташламоқ (чекмай қўймоқ), кўз қирини ташламоқ (қиё боқмоқ), шох ташламоқ (қийшангламоқ)* ва ҳоказо. *Бизнинг* контекстда *тўкиб* сўзи билан бирикиб кўмакчи феъл вазифасида келган ва ҳаракатнинг (*тўкмоқ* сўзида ифодаланган ҳаракатнинг) тезда, шартта бажарилишини англатган.

**ҳақида** — сўз, лексик маъноси йўқ, грамматик маънонинг юзага чиқишида бошқа сўзларга кўмаклашади, яъни кўмакчи сўз. Синонимлари бор: *тўғрисида, хусусида*. Антоними ва омоними йўқ. Замоनावийлиги нейтрал, ўз қатламга оид. Сўзнинг ўзаги арабча, аффикслари ўзбекча (*ҳақ-и-да*).

*Қаттиқ уйқуга чўмган тун фақат станциядан поездлар нари-бери ўтгандагина ёруғдан кўзи қамашгандек сесканиб кетарди-да, яна ўша заҳотиёқ атрофни зулмат қопларди.* (Ч. Айтматов).

Контекстда ўн бешта лексик бирлик бор: *қаттиқ, тун, фақат, станция, поезд, нари-бери, ўтмоқ, ёруғ, сесканмоқ, кетмоқ, ўша, заҳоти, атроф, зулмат, қопламоқ*. Иккита фразеологик бирлик бор: *уйқуга чўммоқ, кўзи қамашмоқ*.

**қаттиқ** — сўз, лексик маъноси юмшоқнинг тескарисини англатади. Полнсемантик сўз. Бу контекстда унинг маъноси *зўр, кучли* каби сифатларнинг маъносига мос келади. Синоними йўқ. Аммо контекстуал ҳолда унга *баланд, юқори, яхши, зўр, кучли* сўзлари синоним бўлиши мумкин. Контекстга қараб, *юмшоқ, секин, аста, наст, бўш* сўзлари унга антоним бўла олади. Омоними йўқ. Замоनावий ва ўз қатламга тегишли лексема.

**уйқуга чўмган** — ибора. Фразеологик маъноси *ухлаб қолган, ухлаган*. Кўчган маънода, яъни инсонга хос белги инсондан бошқа предметга, жонсиз нарсага кўчирилган. Контекстда *тунга* нисбатан ишлатилиб, *сокин, тинч* маъноларини англатади. Фразеологик бирликларнинг турига кўра бу ибора фразеологик қўшилмадир. Чунки иборанинг маъноси уни ташкил этган сўзларнинг маъноларидан иборат. Иборанинг стилистик бўёғи унда ифодаланган воқелик ҳақидаги фикрни кучайтиришдан, образлиликни оширишдан иборат. Моносемантик ибора, биргина *ухлаган* маъносида ишлатилади. Сино-

нимлари бор: *уйқуга кетган, маст уйқуда*. Булардан ташқари, *у ухлаган* лексемаси билан ҳам синонимик муносабатдадир. Контекстдаги маъносига кўра унга *сокин, тинч* сўзлари ҳам синоним ҳисобланади. Фразеологик антоними йўқ, фақат *уйғоқ* сўзи билан антонимик муносабатда. Омоними йўқ. *Уйқуга чўмган* ибораси замонавий ва ўз қатламга киради.

**кўзи қамашмоқ** — ибора. Фразеологик маъноси нур таъсирида кўзнинг жимирлаб кетишини англатади. Контекстда *тун* сўзига нисбатан ишлатилган бўлиб, жонли предметга хос хусусият жонсиз предметга кўчирилган. Фразеологик бирликларнинг турига кўра фразеологик қўшилма. Иборанинг стилистик бўёғи айтилган фикрни ёрқинлаштиришдан, бўрттиришдан иборат. Моносемантик ибора. Синоними, антоними ва омоними йўқ. Фақат *кўрмади* лексемаси билан синонимик муносабатда. Ибора замонавий ва ўз қатламга мансуб.

## ФОНЕТИК ТАҲЛИЛ

Олий мактаб программасига биноан студентлар ўзбек адабий тили фонетикаси юзасидан анча кенг назарий билимга эга бўладилар: адабий тил фонемалари системаси, унли, ундош фонемалар сони ва характеристикаси, товуш ва фонема, сўзнинг фонетик қурилиши, бўғин тузилиши; урғу, нутқнинг фонетик бўлиниши; нутқ товушларининг ҳосил бўлиш қонуниятлари ва нутқ органлари, уларнинг вазифаси кабилар билан муфассал танишадилар. Фонетика дарсларида транскрипцияга ҳам эътибор берилади. Ҳар бир студентнинг фонетик транскрипция бўйича назарий билим ва ёзув малакасига эга бўлмоғига эътибор берилади. Фонетикани чуқур ўрганиш студентга ўзбек адабий тили орфоэпиясини яхши ўзлаштиришга, сўз морфемалари ва уларнинг ёзилишини яхшироқ англашга ёрдам беради. Ўзбек адабий тили фонетикасига хос хусусиятларни пухта билмаган киши орфоэпия нормаларини онгли англай олмайди, орфография қоидаларини ўзлаштиришда қийналади, сўзни морфемаларга ажратишда хатоларга йўл қўяди.

Фонетика маълум бир тилнинг нутқ товушларини ўрганади. Тилнинг ҳар бир ҳодисаси нутқ товушлари билан боғланган. У тилдаги ҳодисаларнинг юзага чиқишида, сўз ҳосил қилишда моддий база ҳисобланади.

«Ҳар бир тилнинг материали товушлардир» (К. Маркс, Ф. Энгельс). Фонетик таҳлилда нутқ товушларининг табиати, турли фонетик ҳодисаларнинг фонемаларга таъсири кабилар ўрганилади.

Таҳлил учун мисоллар гап тарзида олинди. Шунинг учун фонемаларни таҳлил этганда уларни алфавит тартибда кўрсата олмадик, шунингдек, уларнинг классификациясидаги тартибга ҳам амал қилишнинг иложи бўлмади. Сўз товушларини таҳлил қилишда қайтариқлардан қочиш мақсадида контекстда такрорланган товушларга бир марта характеристика берилди. Агар бирор товушнинг кейинги ишлатилган ўрнида товуш сифатига алоқадор ўзгаришлар бўлса, ўшалар устида тўхталинди.

### Фонетик таҳлил тартиби

1. Таҳлил қилинаётган сўз ёки гап адабий тил талаффузини кўрсатувчи фонетик транскрипцияда ёзилади.

2. Унли товушлар таҳлил этилади:

а) фонемалар характеристикаси: тилнинг вертикал ҳаракатига кўра (тор, ўрта, кенг), тилнинг горизонтал ҳаракатига кўра (тил олди, тил орқа), лабнинг иштирокига кўра (лабланган, лабланмаган);

б) сўздаги ҳолатига — позициясига кўра (қаттиқ, юмшоқ, қандай ундошлар билан ёндош келган, ургули бўғиндами ва ҳоказо);

в) шу позицияда унли фонеманинг талаффузи (чўзиқ, қисқа, редукцияланган ва ҳоказо).

3. Ундош товушлар таҳлил этилади:

а) фонемалар характеристикаси: овоз ва шовқининг иштирок этишига кўра (шовқинли, сонор, жараңли жараңсиз); пайдо бўлиш ўринга кўра (лаб товуши, тил товуши, бўғиз товуши, буларнинг ички бўлинишлари айтилади: лаб-лаб, лаб-тил, тил олди, тил ўрта, тил орқа; саёз тил орқа, чуқур тил орқа); ҳосил бўлиш усулига кўра (портловчи, сирғалувчи, қоришиқ, бурун товуши, ёи товуш, титроқ товуш);

б) сўздаги ҳолатига кўра (қандай унли ёки ундош билан ёндош келганлиги, бошқа ундошга ўтиш-ўтмаслиги);

в) шу позицияда ундошнинг талаффузи.

4. Бўғин, бўғин тузилиши, ҳар бир бўғиннинг хусу-

сияти (очиқ, ёпиқ, неча товушдан иборат, товушлар қандай жойлашган).

5. Урғунинг сўздаги ўрни ва характери (кўчувчи ёки кўчувчи эмаслиги).

6. Сўздаги фонема ва ҳарфларнинг сони; фонема ва ҳарфларнинг бир-бирига сон жиҳатдан тўғри келиш-келмаслиги айтилади.

### Фонетик таҳлил намунаси

*Тендошларимиз орасида қолақлар бўлмасин.*  
(А. Мухтор.)

Тендэшләрәмъз сўзида тўртта унли товуш бор:  
е, о, а, и. Бир унли икки марта ишлатилган.

е — ўрта кенг олд қатор лабланмаган унли. Уни талаффуз этишда тилнинг учи нейтрал ҳолатда бўлади, оғиз ўртача очилади. Эшитилиши ўрта чўзиқликда (нормада), сўзнинг абсолют бошида келувчи э га қараганда бир оз ёпиқроқ, нг ундоши билан ёндош келган, урғусиз бўғинда. Бу унли сўзнинг биринчи бўғинидан кейинги бўғинларида кела олмайди.

о — кенг, орқа қатор, бир оз лабланган унли. Уни талаффуз этганда оғиз ўртадан бир оз кенгроқ очилади, тил орқага тортилади, лаб билинар-билинемас олдинга интилади.

а — кенг олдинги қатор лабланган унли. Бу товуш ўзбек адабий тилида икки хил талаффуз этилади: тил олди ва саёз тил орқа ундошлари билан ёндош келганда олдинги қатор унли сифатида, чуқур тил орқа ундошлардан сўнг орқа қатор унли сифатида кўринади. Қиёсланг: *ака, аранг* ва *хас, қарға*. Бу ўринда, **к, р** ундошлари орасида юмшоқ (олдинги қатор) талаффуз этиляпти. **а** — сўзнинг ҳар қандай бўғинида кела олади.

и — юқори кўтарилиш тор унли. У ўзбек адабий тилида, асосан, қисқа талаффуз этилади. Хусусан, **к — р, т — р, п — т** каби ундошлар орасида йўқ даражада эшитилади. Шу билан бирга баъзи четдан ўзлашган сўзларда эшитиладиган чўзиқ варианты ҳам бор: *муди:р, ти:р* каби. **и** ҳам **а** сингари, асосан, юмшоқ талаффуз этилади. Аммо **қ, ғ, х**, ундошларидан сўнг келганда қаттиқ эшитилади. Қиёс қилинг: *кир — қир, кеткиз — турғиз, кира — хира*.

Сўзда саккизта ундош товуш бор: **т, нг, д, ш, л, р, м, з**.



**т** — тил олди, портловчи, жарангсиз, шовқинли ундош. Уни талаффуз этишда тилнинг учи олдинги тишларга тегиб, кескин орқага тортилади ва ҳаво оқими ўтади. Жуфти бор: **т** — **д**. Сўзнинг абсолют охирида ундошдан сўнг баъзи сўзларда талаффуз қилинмайди: *гўшт(т)*, *Тошкен(т)* каби. Бу сўзда кучли позицияда, сўзнинг бошида, унлидан олдин келган, нормал эшитилади.

**нг** — саёз тил орқа бурун сонори. Талаффузида тил бир оз орқага тортилади, тил ўртаси қаттиқ танглайга тегиб ажралади. Ўзбек тилида сўз бу товуш билан бошланмайди. Жуфти йўқ.

**д** — тил олди жарангли портловчи товуш. Тилнинг учи олдинги тишларга тегиб, кескин орқага тортилиши натижасида ҳосил бўлади. Жуфти бор: **д** — **т**. Сўз охирида кела олмайди, унинг ўрнида **т** талаффуз этилади ёки **д** талаффуздан тушади. Сонор **нг** дан сўнг келгани учун аниқ эшитилмапти.

**ш** — тил олди, сирғалувчи, жарангсиз, шовқинли товуш. Жарангли жуфти бор: **ш** — **ж**. Сўзда ҳар қандай позицияда кела олади.

**л** — тил олди, ён сонор товуш. Тил юқори тишлар милкига тегиши натижасида ҳаво унинг икки ёнidan ўтади ва бу товуш эшитилади. Сўзнинг ҳар қандай бўғинида кела олади. Жарангсиз жуфти йўқ. Баъзи сўзларда унинг оддий талаффузда тушиб қолиш ҳоллари бор. Бу, асосан, *келмоқ*, *бўлмоқ*, *олмоқ* каби феълларнинг *кепти*, *кеган*, *бўпти*, *бўган*, *опти*, *оган* формаларида кузатилади. Лекин бундай талаффуз ҳали адабий норма сифатида тан олинган эмас.

**р** — тил олди, титроқ сонор товуш. Тилнинг учи юқори тиш милкларига яқинлашиб титрашидан бу товуш ҳосил бўлади. Сўзнинг ҳамма бўғинларида кела олади. Жарангсиз жуфти йўқ.

**м** — лаб-лаб, бурун сонор товуши. Лаблар қаттиқ ёпилиб, ҳаво бурун орқали ўтади, шундан сўнг лаблар тез бир-биридан узоқлашади, шу ҳаракат натижасида бу ундош ҳосил бўлади. Сўзда ҳар қандай позицияда кела олади. Жарангсиз жуфти йўқ.

**з** — тил олди, сирғалувчи, жарангли шовқинли товуш. У ҳаво оқимида тил учининг зириллаши натижасида пайдо бўлади. Бошқа жарангли ундошлар каби **з** нинг пайдо бўлишида ҳам шовқин билан бир қаторда жаранг иштирок этади. У баъзи бир кўп бўғинли сўзларнинг охирида (ауслаутда), шунингдек, жарангсиз

ундошлар олдида келганда бир оз жарангсизлашади. Жарангсиз жуфти бор: з — с. Бу сўзда кучли эшитилди, чунки кейинги сўз унли билан бошланади, з икки унли орасида талаффуз қилинапти. *Тенгдошларимиз орасида.*

Сўз беш бўгиндан иборат. *Тенг-дош-ла-ри-миз.* Уч бўгини ёпиқ, икки бўгини очик; охириги бўгин урғули. Бўгин тузилиши ундош + унли + ундош, ундош + унли + ундош, ундош + унли, ундош + унли, ундош + унли + ундош, яъни **СУС, СУС, СУ, СУ, СУС.**

Бу сўзда урғу кўчувчан характерда, яъни сўзга қўшимчалар бирикуви билан урғу сўз охирига қараб силжиб боради: *тенгдош — тенгдошлар — тенгдошларимиз* каби. Сўзда ўн тўрт ҳарф бор: **е, о, а, и, т, н, г, д, ш, л, р, м, з.** Бир ҳарф (*и*) икки марта ишлатилган. Улар ўн уч товушни кўрсатяпти. Булардан тўрттаси унли, саккизтаси ундош фонемалардир. нг тозушини **н** ва **г** ҳарфлари биргалликда ифодалайди. Талаффузда **н** ва **г** товушлари бир-биридан ажратилмайди, улардан бирини ташлаб айтиш ҳам хатодир. **е** — ҳарфи бу сўзда бир товуш э ни англатади.

**эрэсьдэ** сўзида учта унли товуш бор: **о, а, и.** Бир товуш икки марта ишлатилган. Юқорида бу унли товушларга характеристика берилди.

Сўзда учта ундош фонема бор: **р, с, д.** Бу фонемалардан **р** ва **д** товушларига юқорида характеристика берилган эди.

**с** — тил олди, сирғалувчи, жарангсиз, шовқинли товуш. **с** тилнинг озгина кўтарилган учи устидан ҳавонинг шовқин билан ўтиши натижасида ҳосил бўлади. У сўзнинг барча бўгинларида ўз сифатини сақлайди. Жарангли жуфти бор: **с — з.** Бу сўзда кучли позицияда, яъни интервокал позицияда келган.

Сўзда тўртта бўгин бор: *э-ра-си-да.* Бўгинларнинг ҳаммаси очик. Бўгин тузилиши: унли, ундош+унли, ундош+унли, ундош+унли, яъни, **У, СУ, СУ, СУ.**

Урғу кўчувчан, сўзга морфема қўшилган сари сўз охирига силжиб боради. Ҳозир **-да** морфемасига тушаётир.

Сўзда еттита товуш ва шунча ҳарф бор, ҳар бир ҳарф бир товушни ифодалайди.

**қэлқлэр** сўзида иккита унли товуш бор: **о, а.** Бир унли икки марта такрорланган. Юқорида бу унлиларга характеристика берилди.

Сўзда учта ундош товуши бор: қ, л, р. Булардан қ, л товушлари икки мартадан такрорланган. Юқорида л, р товушларига характеристика берилди. Шунинг учун улар устида тўхтамаймиз.

қ — чуқур тил орқа, портловчи, шовқинли, жарангсиз ундош товуш. Уни талаффуз қилишда тилнинг туби орқа танглай билан жипслашиб кескин очилади ва ҳаво оғиз бўшлиғига ўтади. Жарангли жуфти бор: қ — ғ. Бир бўғинли сўзларнинг охирида келганда ўз сифатини сақлайди: Қоқ, ўқ, суқ каби. Кўп бўғинли сўзларнинг охирида жарангли ғ товушига мойил эшнтилади. Бир бўғинли сўзларда адабий талаффузда интервокал позицияда (икки унли орасида) келганда ҳам ўз ҳолатини ўзгартирмас сақлайди (ўқи, суқи, қоқи каби). Кўп бўғинли ўзбекча сўзларда бундай шаронда жарангли жуфти билан алмашади (ўртоғи, қулоғим, сўроғинг каби). Араб тилидан ўзлашган айрим кўп бўғинли сўзларда интервокал позицияда ҳам ўз сифатини сақлайди (иштиёқ — иштиёқи, иттифоқ — иттифоқи каби).

Мисолдаги биринчи товуш сўз бошида келганлиги учун кучли позицияда, шунинг учун аниқ эшнтилади. Иккинчи қ товуши ён сонор товуш л билан ёндош келганлиги учун жаранг билан (ғ тарзида) айтилади. Агар у соф қ тарзида айтилса, талаффузда сунъийлик пайдо бўлади.

Сўзда уч бўғин бор: ~~у~~-лоқ-лар. Биринчи бўғин очиқ, кейинги икки бўғин ёпиқ. Бўғин тузилиши: ундош + унли, ундош + унли + ундош, ундош + унли + ундош, яъни **СУ, СУС, СУС**.

Урғу кўчувчан, у сўзга морфема қўшилган сари сўз охирига томон силжиб бораверади. Мисолда урғу сўзнинг охириги бўғини -лар га тушган.

Сўзда саккизта товуш ва шунча ҳарф бор. Ҳар бир ҳарф бир товушни ифодалайди.

**болмэсьн** сўзида учта унли товуш бор: ў, а, и.

ў — ўрта кенг, орқа қатор, лабланган унли. У ўзбекча ўзак-негизларнинг фақат биринчи бўғинида кела олади. Бу товуш қ, ғ, х товушлари ёнида қаттиқроқ, к, г, й, ч каби товушлар ёнида юмшоқроқ талаффуз этилади. Шу сўзда ҳам бир оз қаттиқроқ эшитилаётир. Урғули бўғинда, кучли позицияда келган.

Сўзда бешта ундош бор: б, л, с, м | н.

б — лаб-лаб, портловчи, шовқинли товуш. У лабларнинг бир-бирига қаттиқ тегиб, тез узоқлашуви асосида

ҳавонинг ўтишидан ҳосил бўлади. Жарангсиз жуфти бор: б — п. Бу сўзда унлидан олдин, яъни кучли позицияда келган. б сўзнинг абсолют охирида кела олмайди, унинг ўрнида жарангсиз жуфти п талаффуз этилади. Интервокал позицияда баъзи сўзларда сирғалувчи в товуши билан алмашади.

с товушига юқорида характеристика берилди.

н — тил олди юмшоқ бурун сонори жарангсиз жуфти йўқ. Унинг талаффузида лаблар бир-бирига яқинлашади, лекин тегмайди: тил юқори тишларга тегиб ҳаво йўлини беркитади. Ҳаво бурун орқали ўтади. н сўзнинг ҳамма бўғинларида кела олади.

Сўз уч бўғиндан иборат: *бўл-ма-син*. Биринчи ва учинчи бўғинлар ёпиқ, иккинчи бўғин очиқ. Бўғин тузилиши: ундош + унли + ундош, ундош + унли, ундош + унли + ундош, яъни *СУС, СУ, СУС*.

Урғу биринчи бўғинга тушади. Сўзга форма ясовчи қўшимчалар қўшилганда ҳам урғу кейинги бўғинларга кучмайди: *бўлмади, бўлди, бўласан* каби.

Сўзда саккизта ҳарф ва саккизта товуш бор. Ҳарфларнинг учтаси унли (у, а, и), бештаси ундош (б, л, м, с, н).

*Шу топда Саида ўзини кучига куч қўшилаётгандек сезиб, ҳамма ишни ҳаш-наш дегунча битириб қўйгиси келарди. (Ч. Айтматов.)*

шу тэптэ — бирикмада учта унли товуш бор: у, о, а.

у — юқори кўтарилиш, тор, лабланган, орқа қатор унли товуш. Унинг талаффузида лаблар олдинга чўзилади ва чўччаяди, тил бир оз орқага тортилади. Ўртача чўзиқликда (нормал) эшитилади, ўзидан кейинги сўз билан жуда яқин (сандҳи ҳолатда) айтилади, яъни икки сўз бир сўздек эшитилади. Бу унинг қисқароқ айтилишига сабаб бўлган. Бирикмадаги қолган унлиларга юқорида характеристика берилган.

Бирикмада учта ундош бор: ш, т, п. Бир ундош икки марта қайтарилган. т, ш ундошларига юқорида характеристика берилди.

п — жарангсиз, портловчи, лаб-лаб шовқинли товуш. Оддий портловчилар группасига киради. Уни талаффуз этганда лаблар қаттиқ қисилиб, зарб билан очилади ва ҳаво оқими ўтади. Жарангли жуфти бор: п — б. Сўзда ҳар қандай бўғинда ҳам кела олади. Контекстда жарангли портловчи д дан олдин келган ва уни ўзига мослаштирган (прогрессив ассимиляция пд < пт юз берган).

Кучли позицияда, сўз бошида келган т жарангсиз товуш ва унинг кучли эшитилишига кўмаклаган.

Бирикмада учта бўгин бор. Биринчи компонент бир бўгинли: *шу топ-да*. Биринчи ва охириги бўгинлар очиқ, ўртадаги бўгин ёпиқ. Бўгин тузилиши: ундош + унли, ундош + унли + ундош, ундош + унли, яъни **СУ, СУС, СУ**.

Урғу турғун бўлиб, биринчи бўгин (биринчи компонент)га тушяпти: *шу топда*.

Бирикмада еттита товуш ва шунча ҳарф бор. Ҳар бир ҳарф бир товушни ифодалайди.

кучыгэ сўзида учта унли товуш бор: у, и, а. Бу товушларга характеристика берилди. Сўзда учта ундош товуш бор: к, ч, г.

к — жарангсиз, портловчи, саёз тил орқа, шовқинли товуш. Оддий портловчилар группасига киради. Уни талаффуз этишда тилнинг орқа қисми танглайга тегиб ҳаво оқими йўлини тўсади, тўсилган ҳавонинг зарб билан оғиз бўшлиғига ўтиши билан бу товуш ҳосил бўлади. Жарангли жуфти бор: к — г. Сўзнинг ҳар қандай бўгинида кела олади. Сўзнинг бошида, унлидан олдин, кучли позицияда келган.

ч — жарангсиз, қоришиқ, портловчи, тил олди, шовқинли. Унинг талаффузида тилнинг учи юқори тишларга тегиб зарб билан очилади ва ҳаво оқими ўтади. Жуфти бор: ч — ж. Интервокал позицияда келган, аниқ эшитилади.

г — жарангли, оддий портловчи, саёз тил орқа, шовқинли товуш. Унинг талаффузида тилнинг орқа қисми танглайга тегиб очилади ва ҳаво оқими зарб билан ўтади. Жуфти бор: г — к. Контекстда кучли позицияда, икки унли орасида келган.

Сўзда уч бўгин бор. Ҳар учаласи ҳам очиқ бўгин: *ку-чи-га*. Бўгин тузилиши: ундош + унли, ундош + унли, ундош + унли, яъни **СУ, СУ, СУ**.

Урғу кўчувчан, у сўзга морфема қўшилиши билан сўз охирига қараб силжийди. Урғу охириги бўгинга тушган: *кучига*.

Сўзда олтита товуш ва олтита ҳарф бор, ҳар бир ҳарф бир товушни ифодалаган.

ҳэмме сўзида бир унли (а) ва иккита ундош (ҳ, м) товуш бор (ҳ дан бошқа унли ва ундошларга юқорида характеристика берилди).

ҳ — жарангсиз сирғалувчи шовқинли бўғиз товуши-

дир. Уни талаффуз этганда бўғиз хиёл кенгаяди, ўпкадан чиққан ҳаво оқими товуш пайчаларини секин тигратиб бўғиздан сирғалиб чиқади. Жуфти йўқ. Сўзнинг ҳар қандай бўғинида кела олади.

Сўзда иккита бўғин бор. Биринчиси ёпиқ, иккинчиси очик: *хам-ма*. Бўғин тузилиши: ундош + унли + ундош, ундош + унли, яъни **СУС, СУ**. Урғу турғун, у ҳамма вақт сўзнинг биринчи бўғинига тушади. Сўзда бешта товуш ва шунча ҳарф бор.

қойгъсь келәрдъ сўзида тўртта унли бор: **ў, и, е, а**. Бир унли уч марта такрор ишлатилган. Сўзда саккизта ундош бор: **қ, й, г, с, л, р, д, к**.

й — тил ўрта, сирғалувчи, жарангли, шовқинли товуш. Уни талаффуз қилганда тилнинг ўрта қисми танглай ўртасига томон кўтарилади ва ўша ердан ҳаво сиқилиб ўтади. Жуфти йўқ. Сўзда ҳар қандай позицияда кела олади.

Сўзда олтита бўғин бор. Биринчи ва бешинчиси ёпиқ, қолганлари очик: *қўй-ғи-си ке-лар-ди*. Бўғин тузилиши: ундош + унли + ундош, ундош + унли, ундош + унли, ундош + унли, ундош + унли + ундош, ундош + унли, яъни **СУС, СУ, СУ, СУ, СУС, СУ**. Урғу турғун, у тўртинчи (иккинчи компонентнинг биринчи) бўғинига тушяпти. Бунда биринчи компонентнинг ҳам иккинчи даражали урғуси бор. Сўзда ўн тўртта товуш ва шунча ҳарф бор. Ҳар бир ҳарф бир товушни ифода-лайди.

*Вазмин, батариб, ҳатто бир оз бетакаллуф Воронов ҳам қизиққон, жўшқин, тез, аммо ҳаётини тиккан ишга жон-дили билан берилган. Виснецовнинг қалбида нималар кечаётганини англаб етди. (А. Чаковский.)*

вэзмин сўзида иккита унли бор: **а, и**, тўртта ундош товуш бор: **в, з, м, н**.

в — сирғалувчи лаб-тиш, жарангли, шовқинли товуш. Уни талаффуз қилганда ҳаво юқори қатор тишлар билан пастки лаб орасидан сирғалиб ўтади. Бу товуш бошқа тиллардан (араб, тожик, рус) ўзлашган сўзларда учрайди. Айниқса, совет даврида тилимизда кўплаб совет-интернационал сўзларнинг ишлатилиши, лаб-тиш в товуши талаффузининг оммавийлашиб боришига сабаб бўлмоқда. Жуфти бор: **в — ф**. Контекстда сўз бошида, унлидан олдин, кучли позицияда келган.

Сўзда икки бўғин бор. Ҳар иккаласи ҳам ёпиқ: *вазмин*. Бўғин тузилиши: ундош + унли + ундош, ундош +

унли + ундош, яъни **СУС, СУС**. Урғу турғун, у ҳар вақт охирги бўғинга тушади. Сўзда олти товуш ва олти ҳарф бор. Ҳар бир ҳарф бир товушни ифодалайди.

тәкәллу **f** (**ф**) сўзида иккита унли бор: **а, у**; тўртта ундош бор: **т, к, л, ф**. **f** (**ф**) — сирғалувчи, лаб-лаб, жарангсиз, шовқинли товуш. Уни талаффуз қилганда ҳаво оқими бир оз чўччайган лаблар орасидан ўтади. Жуфти бор: **f—w** (**ф—в**).

Сўзда уч бўғин бор. Биринчи бўғин очик, қолганлари ёпиқ: *та-кал-луф*. Бўғин тузилиши: ундош + унли, ундош + унли + ундош, ундош + унли + ундош, яъни **СУ, СУС, СУС**.

Урғу кўчувчан, сўзга морфемалар қўшилиши билан сўзнинг охирги бўғинига кўча боради.

Сўзда сакқизта товуш ва шунча ҳарф бор.

жошқън сўзида иккита унли (**у, и**), тўртта ундош бор: **ж, ш, қ, н**.

**ж** — тил олди, қоришиқ, жарангли, портловчи, шовқинли товуш. Уни талаффуз қилганда тилнинг учи юқори тишларга тегиб зарб билан ажралади ва ҳаво оқими ўтади. Жуфти бор: **ж — ч**. Сўзнинг ҳар қандай бўғинида келади. Баъзан сўз охирида жарангсизлашгани сезилади.

Сўзда иккита бўғин бор: *жўш-қин*. Ҳар иккиси ҳам ёпиқ. Бўғин тузилиши: ундош + унли + ундош, ундош + унли + ундош, яъни **СУС, СУС**.

Урғу кўчувчан, сўзга морфемалар қўшилиши билан сўз охирига қараб силжиб боради: *жўшқин, жўшқинлик* каби.

Сўзда олти товуш ва шунча ҳарф бор. Ҳар бир ҳарф бир товушни ифодалайди.

**Вәснецоф** сўзида учта унли (**а, е, о**) бешта ундош бор: **в, с, н, ц, в**.

**ц** — тил олди, қоришиқ, портловчи, жарангсиз шовқинли товуш. Унинг талаффузида тилнинг учи юқори тишларга тегиб зарб билан қайтади ва ҳаво оқими жарангсиз шовқин билан ўтади. Жуфти йўқ. У ўзбек адабий тилида фақат совет интернационал сўзларда учрайди. Кўпинча бу товуш ўрнида с эшитилади. Мисолда кучли позицияда, аниқ эшитилади. Сўзнинг ҳамма бўғинларида кела олади.

Сўзда уч бўғин бор. Биринчи ва учинчи бўғин ёпиқ, иккинчи бўғин очик. Бўғин тузилиши: ундош + унли +

ундош, ундош + унли, ундош + унли + ундош, яъни **СУС, СУ, СУС.**

Урғу турғун, сўзнинг учинчи бўғинига тушади. Сўзда саккизта товуш ва шунча ҳарф бор. ц ҳарфи икки рефлексли товушни ифодалайди.

*Агар цементдан сизиб ўтаётган бўлса, бориб-бориб тўғонни бутунлай ўпиради. Участка инженери водолазларга одам юборди. (А. Мухтор.)*

**Тогэн** сўзида иккита унли товуш (ў, о), учта ундош товуш бор: т, ғ, н.

ғ — чуқур тил орқа, жарангли, сирғалувчи, портловчи, шовқинли товуш. Уни талаффуз этишда тилнинг энг орқа томони юмшоқ танглайнинг орқа қисмига яқинлашади ва ҳаво оқими жаранг билан қисилиб ўтади. Жуфти бор: ғ — х. У сўзда ҳар қандай позицияда кела олади. Контекстда кучли позицияда, икки унли орасида келган, аниқ эшитилади.

Сўз икки бўғинли. Биринчиси очиқ бўғин. Бўғиннинг тузилиши: ундош + унли, ундош + унли + ундош, яъни **СУ, СУС.**

Урғу кўчувчан, сўзга морфема қўшилиши билан урғу сўз охирига қараб силжиб боради. Урғу охириги бўғинига тушган.

Сўзда бешта товуш ва бешта ҳарф бор.

**ёнженер** сўзида иккита унли (и, е), учта ундош бор: н, ж, р. Бир ундош икки марта ишлатилган.

ж — тил олди, сирғалувчи, жарангли, шовқинли товуш. Уни талаффуз қилганда тилнинг олдинги қисми пастга қайрилиб, ўрта қисми юқорига кўтарилиб, олдинга томон силжийди, ҳаво оқими тил ва танглайнинг олдинги қисми орасидан сирғалиб ўтади. Жуфти бор: ж — ш. ж фонемаси асосан четдан ўзлашган сўзларда учрайди. Сўзда сонор (н) ва унли (е) орасида келган, кучли позицияда, аниқ эшитилади.

Сўз уч бўғинли, биринчи ва учинчи бўғинлар ёпиқ. Бўғин тузилиши: унли + ундош, ундош + унли, ундош + унли + ундош, яъни **СУ, СУ, СУС.**

*Луқмонча хафаҳол, шифтга тикилди... (А. Мухтор.)*

**Хафәҳәл** сўзида иккита унли (а, о), тўртта ундош бор: х, ф, ҳ, л.

х — чуқур тил орқа, жарангсиз, сирғалувчи, портловчи, шовқинли товуш. Унинг талаффузида тилнинг энг орқа томони юмшоқ танглайнинг орқа қисмига яқинлашади ва ҳаво оқими жарангсиз шовқин билан



ўтади. Жупти бор: х — ғ. х — сўзнинг ҳар қандай бўғинида кела олади.

Ф — сирғалувчи шовқинли лаб товуши. Уни талаффуз этишда остки лаб бир оз тортилиб юқориги тишларга яқинлашади, ҳаво оқими улар орасидан жарангсиз шовқин билан ўтади. Жупти бор: ф — в. Бу товуш, асосан, бошқа тиллардан ўзлашган сўзларда учрайди. Оддий талаффузда кўпинча п га ўтади. Сўзда икки унли орасида келган, аниқ эшитилади.

Сўз уч бўғинли, учинчи бўғин ёпиқ. Бўғин тузилиши: ундош + унли, ундош + унли, ундош + унли + ундош. **СУ, СУ, СУС.** Урғу кўчувчан характерда, ҳозир сўзнинг охириги (ҳол) бўғинида.

Сўзда еттита товуш ва шунча ҳарф бор. Бир товушни бир ҳарф ифодалайди.

## ОРФОГРАФИҚ ТАҲЛИЛ

Олий педагогика ўқув юртларида орфографик таҳлил ҳам методик иш тури сифатида ниҳоятда муҳим ҳисобланади. У бўлажак ўқитувчиларда орфографик саводхонлик кўникмаларини мустаҳкамлайди, орфограммаларни осонлик билан ажрата билиш қобилиятини тарбиялайди. Орфографик таҳлил студентларнинг ҳозирги ўзбек адабий тили орфографияси бўйича олган билимларини тўлдириш ва мустаҳкамлашда гоят катта аҳамиятга эгадир. Маълумки, орфография грамматика билан яқиндан (баъзан эса бевосита) боғлангандир. Кўпгина орфографик қоидалар грамматикага асосланади. Орфографик таҳлил морфология ва синтаксисдаги айрим ҳодисалар хусусиятини очишда қўл келади.

### Орфографик таҳлил тартиби

1. Текстдаги ҳамма орфограммаларни ажратиш.
2. Ҳар бир орфограмманинг типини аниқлаш. (Бунда орфограмма ўзбек орфографиясининг 1956 йил қабул қилинган қоидаларининг қайси бўлимига тегишли эканлиги аниқланади.)
3. Ёзувга асос бўлган қоидалини келтириш.
4. Қайси орфографик принципга асосан ёзилганлигини аниқлаш.

## Орфографик таҳлил намунаси

*Чумчуқдан қўрққан тариқ экмас. (Мақол.)*

**чумчуқдан** — айрим ҳарфларнинг имлосига тегишли. Қоида: биринчи бўғинида у(ю) келган сўзларнинг иккинчи бўғинида ҳам у(ю) ёзилади: *узум, уруғ, қуюқ* каби. Аммо тусловчи ва турловчи, феъл даражасини ҳосил қилувчи ҳамда сўз ясовчи аффикслар таркибидаги унли олдин келган унлига мослашмайди: *учди, туширди, узил-кесил* каби. Жарангли ундошдан олдин келган қ жарангсиз, портловчи ундоши сирғалувчи, жарангли ғ дек эшитилса ҳам, морфологик принципга кўра, сўзнинг иккинчи морфемаси **-чуқ** тарзида ёзилади.

**қўрққан** — ўзак-негиз ва қўшимчалар имлосига тегишли. Қоида: ғ ёки г, қ, ёки к билан тугаган сўзларга г билан бошланган қўшимчалар қўшилганда сўз охири ва қўшимча бошидаги ундошлар айтилишига мувофиқ қўш қ ёки қўш к тарзида ёзилади: *ўроқ-га — ўроққа, ту-ган — туккан* каби. Ёзувга фонетик принцип асос бўлган.

**Моҳидил қора кўзойнагини қўлига олиб, қулаб кетишдан ўзини зўрға тутганича томоша қила бошлади.** (Ж. Абдуллахонов.)

**Моҳидил** — қўшма сўзларнинг ёзилиши қоидасига оид. Қоида: иккинчи қисми турдош от бўлган атоқли отлар қўшиб ёзилади: *Ойсулув, Норпошиша, Қашқадарё* каби. Сўз традицион-тарихий принципда ёзилган.

**кўзойнак** — қўшма сўзлар имлосига алоқадор. Қоида: бир тушунчани ифодаловчи ва бир бош урғу билан айтиладиган қўшма отлар қўшиб ёзилади: *томорқа, ойболта, билагузук* каби. *кўзойнаги* — ўзак-негиз ва қўшимчалар имлосига тегишли. Қоида: қ ёки к ундоши билан тугаган кўп бўғинли сўзларга эгалик қўшимчаси қўшилганда қ товуши ғ, к товуши г тарзида айтилади ва шундай ёзилади: *қишлоқ — қишлоғи, куртак — куртаги* каби. Бунда **-и** III шахс эгалик қўшимчасидир. Сўз фонетик-морфологик принципга биноан ёзилган.

**қулаб** — ўзак-негиз ва қўшимчалар имлосига тегишли. Қоида: равишдош ясовчи **-(и)б** аффикси сўз охирида ёки шахс-сон қўшимчаларидан олдин жарангсизланиб **-(и)п** тарзида эшитилади, аммо **-(и)б** ёзилади; *қараб, борибман, кўрибсиз* каби. Ёзувга морфологик принцип асос бўлган.

**тутганича** — ўзак-негиз ва қўшимчалар имлосига оид.

Қоида: равишдош қўшимчалари айтилишига мувофиқ, **-гани, -қани, -кани** шаклларида ёзилади: *ўқигани, чиққани, чеккани* каби. Бунда **-ча** равиш ясовчи аффикс. Бу сўзда ёзув морфологик принцип асосида бажарилган.

**томоша қила бошлади** — қўшма сўзлар ва сўз бирикмалари имлосига оид. Қоида: бошқа сўз туркуми ёки равишдош билан феълнинг бирикишидан тузилган қўшма феъллар ажратиб ёзилади: *бош олиб кетмоқ, бориб келмоқ* каби. Қўшма феълни ташкил этган ҳар учала компонент ҳам фонетик принцип билан ёзилгандир.

*Булбул тўлиб-тошиб сайраб, бошини гул косасига тикармиш, ўткир тумшуғи билан гулнинг оч-қизил барглари юлармиш. (Ҳинд эртақларидан.)*

**тўлиб-тошиб** — қўшма (жуфт) сўзлар имлосига тегишли. Қоида: жуфт сўзлар чизиқча билан ёзилади: олди-қўйди, катта-кичик каби.

**ўткир** — ўзак-негиз ва қўшимчалар имлосига доир. Қоида: ундош г билан бошланадиган **-гир, -гин, -гиз, -газ** касъ қўшимчалар жарангсиз товушлар билан тугаган сўзларга қўшилганда **-кир, -қир: ўткир, чопқир** каби; **-кин, -қин: кескин, тошқин** каби; **-киз, -қиз: етқизмоқ, ётқизмоқ** каби; **-каз, -қаз; ўтказмоқ, ютқазмоқ** каби шаклларда ёзилади. Ёзув фонетик принципда амалга оширилган.

**билан** — айрим ҳарфлар имлосига тегишли. Қоида: и ҳарфи *бир, билим, билак, тилак, бироқ, сира, пировардида, сигир, пилик, тирак, чигит, йигит* каби сўзларда қисқа айтиладиган и унлиси ўрнида, *муҳит, лирика, коммунизм* каби сўзларда чўзиқроқ айтиладиган и унлиси ўрнида ёзилади. Ёзувга фонетик принцип асос бўлган. Унлининг эшитилиш-эшитилмаслигидан қатъи назар бўғинни ифодалаш кўзда тутилган.

**оч қизил** — қўшма сўзлар имлосига тегишли. Қоида: сифатларнинг олдига айрим сўз келтириш йўли билан ясалган қўшма сифатлар ажратиб ёзилади: *оч пушти, тўқ қизил, тим қора, ним пушти, лиқ тўла, жиққа ҳўл, ланг очиқ* каби. Ёзув морфологик принципга асосан бажарилган.

**тиқармиш, юлармиш** — қўшма сўзлар имлосига алоқадор. Қоида: *эди, экан, эмиш, эмас* каби тўлиқсиз феъллар қатнашган қўшма феъллар ажратиб ёзилади. Аммо бундай феълларнинг иккинчи қисми бошидаги э унлиси тушиб қолганда, ҳар иккала қисми қўшиб ёзи-

лади: борарди, бораркан, борармиш, борганмас каби. Ёзувга фонетик принцип асос бўлган, чунки талаффуз-да қандай эшитилса, шундай ёзилган.

## ОРФОЭПИК ТАҲЛИЛ

Орфоэпия адабий тил талаффузни ўрганади. Ёзма нутқда орфография қандай муҳим аҳамиятга эга бўлса, оғзаки адабий сўзлашувда орфоэпия ҳам шундай муҳим аҳамият касб этади. Ўзбек адабий тилида сўзнинг ёзилиши билан талаффузи, асосан, мос келади: бир қанча сўз ва сўз формалари қандай ёзилса, шундай талаффуз этилади. Лекин шунга қарамасдан, ёзув билан адабий талаффуз орасида айрим фарқлар ҳам борлиги сезилиб туради. Бундай номосликни турли фонетик қуршовда келган унли ва ундош товушларнинг талаффузида кўрса бўлади.

Орфография (ёзув) билан орфоэпия (талаффуз) ўртасида пайдо бўлган айирма (фарқ)ларни дастлаб иккига ажратиб қарашга тўғри келади: 1) талаффузда маълум бир шевага хос хусусиятларнинг акс этиши туфайли пайдо бўладиган номослик; 2) адабий талаффуз билан ёзув орасида пайдо бўладиган номослик. Орфоэпик таҳлилда, асосан, кейинги номослик ўрганилади. Шунини айтиш керакки, ҳали ўзбек адабий тили орфоэпик нормалари узил-кесил ишлаб чиқилмаган, катта монографик тадқиқотлар йўқ. Баъзи бир ишлар қилинган бўлса-да, ҳали уларнинг мунозара талаб томонлари анчагина.

Маълумки, бизнинг халқимиз келиб чиқишига кўра, камда учта этник қатламдан, унинг тили ҳам уч лаҳжадан ташкил топгандир (қорлик, қипчоқ ва ўғуз лаҳжалари). Бу лаҳжалар кўплаб шеваларни ўзида бирлаштиради. Ҳар бир шеванинг тил системаси сифатида ўз орфоэпик нормалари бўлади. Шеваларга хос айрим орфоэпик нормалар баъзи ҳолларда адабий тилда сўзловчиларнинг талаффузига ўз таъсирини ўтказиб туради. Бу эса шу нормаларнинг узоқ яшовчан эканлигини кўрсатади. Орфоэпик таҳлилда талаффуздаги шевачилик хусусиятлари ҳисобга олинмайди. Адабий сўзлашув учун норма деб ҳисобланган хусусиятлар таҳлил қилинади.

Орфоэпия қондалари фонетик қонунларга суянади. Фонетик қонунлар эса маълум бир тилда сўзлашувчи

халқнинг артикуляцион имкониятларини асосида пайдо бўлади. Орфография қондаларини ишлаганда баъзан ёзувда унификацияга эришув мақсадида сунъийликка ҳам йўл қўйилади, яъни фонетик қонунлардан четлаш-лади. Бунга морфологик принцип мисол бўла олади. Худди шундай «сунъийлик» орфография билан орфо-эпия орасида номосликни келтириб чиқаради. Бироқ бундай сунъийликлар орфография учун зарур ҳисобла-нади.

Орфоэпик таҳлилда эътибор фонемаларнинг ёзувда-ги шакли ва талаффузи орасидаги номосликларни кўр-сатишга қаратилади.

### Орфоэпик таҳлил тартиби

1. Текст адабий тил талаффузида транскрипция билан ёзилади.

2. Сўз ёки сўзларнинг бирор морфемаси, товуши-нинг ёзилиши билан талаффузи орасидаги номослик кўрсатилади.

3. Номосликни келтириб чиқарган сабаблар аниқ-ланади:

а) фонетик шароит;

б) тарихий-традицион орфографик принцип ва та-лаффуз муносабати;

в) талаффузнинг (этимологик-график принципи асо-сида ёзилган сўзларда) манба тил орфоэпиясига ало-қадорлиги;

г) талаффузда «оддий нутқ» (просторечие)нинг ўрни;

д) талаффузда экспрессиянинг кучи.

### Орфоэпик таҳлил намунаси

*Қиз катта гулдасталарни Погодинга ташлаб, Ҳалим бобонинг боғига чопиб кетди ва кўп ўтмай кўчатларни қўлтиқлаб келди. (Ш. Рашидов.)*

*Қъс кәттә гулдәстәләрнә Пәгодънғә тәшләп, Ҳәләм бобәнъ(не) бәғъгә чәпәп кәттә ва көп өтмәй көчәтләрнә қолтәғләп келдә.*

Контекстда ёзув билан талаффуз орасида учрайдиган саккизга номослик кўзга ташланади. Шулардан бири икки марта такрорланган (*чәпәп кәттә, қолтәғләп келдә*); олти хусусият фонетик шароит талаби билан юз берган (*қъс кәттә, тәшләп, чәпәп кәттә, қолтәғләп келдә*), бир хусусият (*Пәгодън*) рус тилининг фонетик қонунла-

рига мос, бир хусусият (бобонъ), «оддий нутқ» (просторечие) га хос, бир хусусият тарихий-адабий традицияга боғлиқ (бобо).

а) қиз сўзидаги **з**, *чопиб*, *қўлтиқлаб* сўзларидаги **б** товушлари регрессив ассимиляция натижасида **с**, **п** тарзида талаффуз этилади. Улардан кейин келган сўзнинг биринчи товуши жараңгсиз бўлиб, узлуксиз талаффузда ўздан олдинги ундошга таъсир ўтказган, чунки **к**, **с** сўз бошида, улардан кейин унли товуш бор, демак, кучли позицияда. Бундай ассимиляция адабий орфоэпия учун нормал ҳодиса ҳисобланади.

**ташлаб** сўзининг охириги товуши ауслаутда келганлиги учун жараңгсиз бўлиб эшитилади. Чунки сўзнинг абсолют охирида келган **б**, **д**, **з** товушларининг жараңгсизлашуви тилимиз учун характерли ҳисобланади. *Кетди* сўзининг талаффузидан прогрессив ассимиляция амал қилган, яъни ўзакнинг охириги товуши қўшимчаниннг биринчи товушини ўзига мослаган. *Ўзак-негиз* охирида келган жараңгсиз ундошлар кўпинча кучли позицияда бўлади ва қўшимчаниннг биринчи товушларини ўзига мослайди. Қиёс қилайлик: *Отть отди; қисти қисди; оштъ ошди* каби. Бундай талаффуз ҳам адабий орфоэпия учун нормал эмас. *Қўлтиқлаб* сўзида сонор **л** дан олдин келган **қ** жараңгли сиргалувчи **ғ** дек талаффуз этилади. Бу унга ўздан кейин келган сонорнинг таъсири албатта (регрессив ассимиляция). Агар талаффузда шу позицияда **қ** сақланса, сунъийлик пайдо бўлади. Талаффуз адабий тил орфоэпик нормасига мос бўлмайди.

б) **бобо** сўзи ўзбек маданияти, адабиёти тарихида ёзилганидек ўқилиб келган, бу ҳол ҳозир ҳам давом этмоқда. Бироқ бундай талаффуздан чекиниш ҳоллари баддий адабиётларда, сахналарда кузатилаётир. Бу тарихий-традицион *бобо* ни *бува* деб талаффуз этишда кўринади. *бобо* сўзининг икки хил шакли ёзма нутқда ҳам, оғзаки нутқда ҳам ишлатилиб келмоқда. Булардан бири консерватив (*бобо*), иккинчиси прогрессив (*бува*) дир. Дублетларнинг ҳар бири орфографик шакли қандай бўлса, шундай талаффуз этилмоғи лозим, яъни *бобо*, *бува* тарзида.

в) **Погодин** сўзининг биринчи бўғинида **о** эмас, **а** эшитилиши бизнинг талаффузимиз жараёнида бўладиган ўзгариш эмас, бу сўзнинг талаффузи рус тилидан биринчи бўғинида **а** эшитиладиган ҳолда қабул қилини-

ган. Шунга кўра сўзловчи унли *о* ни *а* деб тасаввур қйлади. Маълумки, рус тилида урғу олмаган бўғиндаги унлилар кўпинча ўзгаришга учрайди. Буни *о* нинг талаффузида ҳам кўриш мумкин. Ургули бўғиндан олдин келган *о* *а* дек, ургули бўғиндан кейин келганда эса *и* дек талаффуз этилади. Қиёслайлик: *калхóз* < *колхóз*, *Масквá* < *Москвá* *Карóвин* < *Корóвин*; *тра́ктир* < *тра́ктор*, *дóктир* < *дóктор*, *рéктир* < *рéктор*. Аксинча ўз сифатини ўзгартирган унли қатнашган бўғин урғу олса, яна аслига қайтади: *дамá* < *домá* — *дом*, *акно́* — *окно́* — *окны* каби. Ўзбек тилида ургуниинг аҳамияти рус тилидагидек кўзга ташланмайди.

Рус ва совет интернационал сўзларнинг ургули бўғинида келган *о* товушининг талаффузи ўзбекча ў товушининг эшитилишига тўғри келади. Шунинг учун уни *ош*, *ота*, *она*, *мадор*, *қаҳрамонона* каби сўзларнинг биринчи ва кейинги бўғинларида эшитиладиган *о* товуши билан тенглаштириб айтиш хатодир. *Погодин* сўзининг иккинчи бўғинида келган товуш учун ҳам юқоридаги фикр тўғри келади. Бу товуш *кўз*, *ўтин*, *тўда* сўзларида эшитиладиган ў дек айтилади.

г) **бобонинг** сўз формасида нг товушини тушириб талаффуз қилиш «оддий нутқ» (просторечие) талаби билан юз беради. Маълумки, деярли ҳамма марказий шаҳарлар ва уларга тил жиҳатидан ўхшаш қишлоқлар аҳолиси нутқида тушум келишиги билан қаратқич келишиги қўшимчаси бир шаклда. Бу ҳодиса оғзаки адабий нутқда ҳам сезиларли ўрин эгаллагандир. Шакли бир хил бўлса ҳам мазмуи гап конструкцияси туфайли фарқланиб туради. Сўзловчи ва тингловчи орасида ноаниқлик келтириб чиқармайди.

д) Бизнинг мисолимизда экспрессия талаби билан талаффузида ўзгариш юз берган сўзлар йўқ.

— *Қачон?*—*деб сўради уста Даврон ҳайрон бўлиб.* (С. Назар.)

— *Қачо:н?* — *деп сорэдъ уста Дэврэн ҳэйрэм болън.*

Контекста ёзув билан талаффуз орасидаги фарқни кўрсатувчи бешта ҳодиса бор (*қачо:н?* — *деп сорэдъ уста Дэврэн ҳэйрэм болън*).

а) **деб**, **бўлиб** сўзларидаги **б** > **п** фонетик шароитдан келиб чиқадиган икки хил сабаб ҳам юқорида кўрсатилганлиги учун, уларни изоҳламаймиз. *Ҳайрон*, *бўлиб* сўзлари бирикма бўлиб келганда регрессив ассимиляция амал қилади. Лаб-лаб **б** товуши н сонорини ўзига бир

томондан ўхшаш бўлган м сонорига айлантиради. Бундай талаффуз орфоэпик нормага зид эмас.

б) **Даврон** сўзи тарихий-традицион орфографик принцип асосида ёзилган. Аммо шу кунги талаффузи билан ёзув орасида бир оз фарқ сезилади. Сўзнинг биринчи бўғинидаги **а** товуши **в** жарағли ундоши таъсирида **о** ёки шунга яқин товуш сифатида талаффуз этилади ва орфоэпик норма ҳисобланади. Бу сўзнинг биринчи унлисини **а** талаффуз этиш Самарқанд-Бухоро шеваларида учрайди.

Мисолимизда в), г) пунктларга алоқадор ҳодисалар йўқ.

д) **қачон** сўроқ олмошининг иккинчи бўғинидаги **о** таажжубни ифодалаш учун чўзиқ талаффуз этилган. *Гулдаста, кўп, кўчат* сўзларидаги **у, ў** товушлари саёз тил орқа ва тил олди ундошлари орасида келганлиги учун жуда юмшоқ эшитилади. Аксинча, *ўтмай, қўлтиқлаб* сўзларидаги **ў** товуши қаттиқ талаффуз этилади. Чунки биринчи сўзда ўзакнинг ўзи тарихан қаттиқ айтилса, иккинчи сўзда **ў** нинг талаффузида **қ** товуши таъсир этади. *Қиз, боғига, қўлтиқлаб* сўзларида **қ, ғ** товушлари билан ёндош келган **и** товуши бир оз қаттиқроқ ва қисқа айтилади. *Катта, гулдасталарни, ташлаб, Ҳалим* сўзларида **а** жуда юмшоқ, олдинги қатор кенг унли бўлиб эшитилади.

## СЎЗНИ МОРФЕМАЛАРГА АЖРАТИШ ТАҲЛИЛИ

Сўзни морфемаларга ажратиш юзасидан бўладиган таҳлилда сўз энг кичик маъноли қисмларга ажратилади. Ўзак ва аффиксал морфемалар аниқланади. Аффиксал морфемалар икки хил бўлади: сўз ясовчи ва форма ясовчи. Форма ясовчи морфемалар ҳам иккига ажратиб қаралади: 1. **Категориал морфемалар.** 2. **Нокатегориал морфемалар.** Категориал морфема маълум бир туркумга хос грамматик категориялар формасини ҳосил қилади. Нокатегориал морфемалар юқоридагидек хусусиятга эга бўлмайди. Таҳлилда ҳар бир морфеманинг моҳияти ва вазифаси айтилади.

Сўзларни морфемаларга ажратиш уч хил мақсад билан амалга оширилади:



1. Сўзни ҳозирги ўзбек адабий тили нуқтаи назаридан маъноли қисмларга ажратиш. Бунда ўзак, аффикс, аффиксларнинг турлари (сўз ясовчи, форма ясовчи — категориал, нокатегориал ясовчилар) аниқланади. Бундай таҳлил морфема таҳлили деб юритилади.

2. Сўзни унинг ясалишига кўра таҳлил этиш. Бундай таҳлил сўзнинг қандай база асосида юзага келганлиги, қандай сўз ясовчи воситалар ёрдамида ясалганлигини аниқлаш имконини беради. Биз сўз ясалиши таҳлилида ясовчи морфемаларнигина эмас, уларнинг бирикш тартибини ҳам аниқлаймиз.

3. Этимологик томондан таҳлил қилишда сўзнинг тузилиши, унинг тарихи, келиб чиқиши нуқтаи назардан қаралади. Этимологик таҳлил сўзнинг пайдо бўлиш даври билан бўлган алоқасини тиклашга ёрдам беради.

Бу уч тип таҳлил бир-бирига боғлангандир. Хусусан, морфема таҳлили билан сўз ясалиши таҳлили бир-бирига жуда ўхшаш. Бироқ ҳар қайси таҳлилнинг ўз мақсади, принципи ва вазифаси бор.

Морфема таҳлилида ҳозирги замон нуқтаи назардан сўз маъноли қисмларга ажратилади. Ўзак, аффикслар таҳлил этилади. Аффикслар вазифаларига кўра турларга ажратилади. Сўз ясалиши таҳлилида фақат сўз ясовчи аффикслар, уларнинг асосга бирикш принциплари ўрганилади. Этимологик таҳлилда, асосан, кўп бўғинли сўзларнинг тарихан ясалган ёки ясалмаганлиги аниқланади, асоснинг дастлабки маъноси кўрсатилади.

## **Морфема таҳлили**

Бу хил таҳлилнинг мақсади сўзни ҳозирги ўзбек тили нуқтаи назаридан энг кичик маъноли қисмларга — морфемаларга ажратиш, бир ўзакли ва бир хил структурали сўзларни аниқлаш кўникмаларини ҳосил қилишдан иборатдир.

## **Морфема таҳлили тартиби**

1. Сўздаги морфемалар аниқланади.
2. Морфемалар ашлатган маъно белгиланади.
3. Аффиксал морфемаларнинг турлари (сўз ясовчи, форма ясовчи категориал, нокатегориал) кўрсатилади.

## Морфема таҳлилининг намунаси

*Билимдонлик совет кишиларига хос фазилатлардан бири ҳисобланади. (Газетадан.)*

**билимдонлик** сўзида тўртта морфема бор: бил-им-дон-лик. *Бил* — ўзак морфема, қолганлари аффиксал морфемалар. **-им** процесс оти ясовчи, **-дон** хусусият билдирувчи сифат ясовчи, кам маҳсул аффикс, **-лик** белги оти ясовчи аффикс. Аффиксал морфемаларнинг учаласи ҳам сўз ясовчи аффикслардир.

**кишиларига** сўзида тўртта морфема бор: *киши-лар-и-га*. *Киши* — ўзак морфема. **-лар**, **-и**, **-га** аффиксал морфемалар. **-лар** отнинг кўплик формасини, **-и** эгалик, **-га** келишик формаларини ҳосил қилувчи морфемалар. Аффиксал морфемаларнинг учаласи ҳам форма ясовчи (категориал форма ясовчи) аффикслардир.

**ҳисобланади** сўзида бешта морфема бор: *ҳисоб-ла-н-а-ди*. *Ҳисоб* — ўзак морфема **-ла**, **-н**, **-а**, **-ди** аффиксал морфемалар. **-ла** сўз ясовчи (деривацион) морфема, у бошқа сўз туркумларидан феъл ҳосил қилади. **-н**, **-ди** категориал, **-а** нокатегориал аффиксдир. **-н** феълнинг ўзлик нисбати категориясини, **-ди** шахс-сон (учинчи шахс, бирлик) категориясини ясайди, **-а** феълнинг равишдош (келаси замон равишдоши) функционал формасини ҳосил қилади.

*Сув усти ифлос, битмаган котлован тубидаги хас-хашак, ёғоч-тахта, қорамойли латта, яна алланималар юзага қалққан, бу хунук, ифлос сувдан кузнинг зах совуғи уриб турарди. (А. Мухтор.)*

**битмаган** сўзида учта морфема бор: *бит-ма-ган*. *Бит* — ўзак морфема, **-ма**, **-ган** аффиксал морфемалар. Аффиксал морфеманинг иккаласи ҳам форма ясовчи морфемалар ҳисобланади. **-ма** категориал морфема, бўлишсиз феъл ясайди. **-ган** нокатегориал морфема, феълнинг функционал (сифатдош) формасини ясайди.

**тубидаги** сўзи уч морфемадан иборат: *туб-и-даги*. *Туб* — ўзак, **-и**, **-даги** аффиксал морфемалар. **-и** категориал форма ясовчи — отнинг эгалик категориясини ҳосил қилади. **-даги** нокатегориал форма — отнинг ўрин белгиси формасини ясовчи аффикс.

**қорамойли** сўзида учта морфема бор: *қора-мой-ли*. *Қора*, *мой* — ўзак морфемалар, **-ли** аффиксал морфема. *Қора* — сифат, *мой* — от, Уларнинг атрибутив бирикма

ҳолатидан қўшма сўз пайдо бўлган. -ли сўз (сифат) ясовчи морфема.

**алланималар** сўзида учта морфема бор: алла-нималар, **алла-** — гумон олмоши ясовчи элемент, *нима* — ўзак морфема, **-лар** аффиксал морфема, *нима* — сўроқ олмоши. **-лар** категориал форма — отнинг кўплик формасини ясайди.

**юзага** сўзида учта морфема бор: *юз-а-га*. *Юз* — ўзак морфема. **-а**, **-га** аффиксал морфемалар. **-а** сўз ясовчи морфема, от ясовчи, **-га** — форма ясовчи морфема, отнинг жўналиш келишиги формасини ясайди.

**қалққан** сўзида икки морфема бор: *қалқ-қан*. *Қалқ* — ўзак морфема, **-қан** аффиксал морфема, **-қан** нокатегориал морфемалар сирасига киради, феълнинг функционал (сифатдош) формасини ясайди.

**турарди** сўзида учта морфема бор: *тур-ар-ди* (эди). *Тур* — ўзак морфема, **-ар** аффиксал морфема, **-ди** эди тўлиқсиз феълнинг қисқарган шакли. **-ар** морфема, феълнинг келаси замон сифатдош (функционал) формасини ясайди.

*Отим Раҳимжон-у, мана булар ҳаммаси Луқмонча дейишади. (А. Мухтор.)*

**Раҳимжон** сўзи икки морфемадан иборат: *Раҳим-жон*. *Раҳим* — ўзак морфема, **-жон** аффиксал морфема, **-жон** отнинг функционал (модал-эркалаш) формасини ясайди.

**Луқмонча** сўзида иккита морфема бор: *Луқмон-ча*. *Луқмон* — ўзак морфема. **-ча** аффиксал морфема, отнинг кичрайтиш модал функционал формасини ясайди.

**дейишади** сўзида тўртта морфема бор: *де(й)-иш-а-ди*. *де-* — ўзак морфема. **-иш**, **-а**, **-ди** аффиксал морфемалар. **-иш**, **-ди** категориал форма (даража ва шахсон формасини) ясовчи морфемалар. **-а** феълнинг равишдош функционал формасини ясайди.

*Приёмкадагилар... транспортёрнинг йилтироқ қайишига тикилганча, соатлаб шағал кутар эдилар. (А. Мухтор.)*

**тикилганча** сўзида тўртта морфема бор: *тик-ил-ган-ча*. *Тик* — ўзак морфема, **-ил**, **-ган**, **-ча** аффиксал морфемалар. **-ил** форма ясовчи морфема бўлиб, феълнинг мажҳул даража формасини ясайди. **-ган** феълнинг сифатдош функционал формасини ҳосил қилувчи морфема, **-ча** сўз ясовчи морфема, равиш туркумига тегишли сўзлар ҳосил қилади.

**соатлаб** сўзида иккита морфема бор: *соат-лаб*. *Соат* — ўзак морфема. **-лаб** сўз ясовчи (равиш ясовчи) аффиксал морфема. **-лаб** икки аффиксдан ҳосил бўлган қўшма аффиксдир. (**-ла — б**).

*Иигирма учинчи сентябрда ерга қўндик. (А. Воинов.)*

**учинчи** сўзида икки морфема бор: *уч-инчи*. *уч* — ўзак морфема, **-инчи** аффиксал морфема, соннинг тартиб сон турини ясайди.

*Ойқиз келиши билан иккала чол ҳам уйғониб кетишди. (Ш. Рашидов.)*

**иккала** сўзида икки морфема бор: *икк(и)-ала*. *Икки* — ўзак морфема, **-ала** аффиксал морфема, жамловчи сон турини ясайди.

*Бўтабой ундан самимий узр сўради. (С. Аҳмад.)*

**Бўтабой** сўзида иккита морфема бор: *Бўта-бой*. *Бўта* — ўзак морфема. **-бой** ёрдамчи аффиксоид морфема, отнинг функционал модал формасини ясайди.

**ундан** сўзида иккита морфема бор: *у-дан*. *у* — ўзак морфема, **-дан** аффиксал морфема, отнинг келишиқ формасини ясайди, чиқиш келишиқ аффикси.

## СЎЗ ЯСАЛИШИ ТАҲЛИЛИ

Сўз ясалиши тилшуносликнинг мустақил бўлимларидан бўлиб, янги сўз ҳосил қилиш, унинг қонун-қоидалари, усуллари кабилар билан шуғулланади. Сўз ясалиши таҳлилининг мақсади ва вазифалари морфемалар таҳлилига қараганда бир оз бошқачароқ. Унда шу сўз қандай ясалган, сўз ясовчи морфемалар ва бошқа воситалар қандай тартибда бириккан (префикс, суффикс ва уларнинг бир ёки бирдан ортиқ) эканлиги аниқланади. Сўз ясалиши таҳлилида сўз асос ва ясовчиларга бўлиб қаралади. «Сўз яшаш анализи сўзнинг ясалиши структурасини — ясама сўзнинг структурасини аниқлайди. Бунда: ясовчи ва ясалма, бу икки қисм орасидаги семантик-морфологик муносабат белгиланади». (А. Ғ. Ғуломов.)

### Сўз ясалиши таҳлили тартиби

1. Сўз ясалиши. усули: аффиксация, композиция.
2. Ясовчи асос ва унинг характери.
3. Ясама сўз ва сўз ясовчи аффикс (аффикслар).

*Одатда шоликорлик ботқоғида қанча кўп шалоплатиб юрилса, шунча қиёғи кўп бўлади. (С. Аҳмад.)*

**шоликорлик:** ясалиш усули — аффиксация: *шоликор* асосидан соҳа оти ясовчиси **-лик** аффикси ёрдамида ясалган, *шоликор* ҳам ясалма бўлиб, *шоли* асосидан шахс оти ясовчи **-кор** аффикси ёрдамида ҳосил қилинган.

**шалопламоқ:** ясалиш усули — аффиксация: *шалоп* асосидан (тақлид сўздан) **-ла** феъл ясовчи аффикси орқали ясалган.

*Сергей бу бемазагарчиликка чек қўйишга бир неча марта аҳд қилган эди. (К. Икромов.)*

**бемазагарчилик:** ясалиш усули — аффиксация: *бемаза* асосидан **-гарчилик** аффикси ёрдамида ясалган от. Бу аффикс учта сўз ясовчи (**-гар**, **-чи**, **-лик**) аффиксининг бирикувидан ҳосил бўлган қўшма аффикс. *Бемаза* сўзи ҳам ясама бўлиб, *маза* отига сифат ясовчи **бе-** аффиксининг қўшилишидан ҳосил бўлган.

*Кимдир Йигиталига ҳазил-мутойиба қилди. (С. Қароматов.)*

**Йигитали:** ясалиш усули — композиция. Икки компонентдан тузилган. Ҳар икки компонент ҳам бир туркумдан. Тарихан биринчи компонент сифат бўлиб, лексик-семантик усул билан отга кўчган. Қиёс қилинг: *Йигит кишига етмиш ҳунар ҳам оз. (Мақол.)*

*Қишлоқ Совети устидаги қип-қизил байроқ Олтинсой ҳуснига ҳусн қўшиб ҳилпираб турарди. (Ш. Рашидов.)*

**Олтинсой:** ясалиш усули — композиция. Икки асос (*олтин* ва *сой*)нинг қўшилишидан ҳосил бўлган.

*Улуғ Октябрь тонги руслар билан қадамдош,  
Сенинг байроғинг билан борар эди бутун халқ.*

(*Ғ. Фулом.*)

**қадамдош:** ясалиш усули — аффиксация. Ясовчи асос *қадам* абстракт от, **-дош** отдан от ясовчи аффикслар группасига киради. Бу аффикс иш-фаолиятда бирга бўлувчи шахс маъносига от ясайди,

*Тоғлардан тоққа ошиб қуйилган ҳар шаршара,  
Катта-кичик ГЭС ларга айланди бу ўлкада.*

(*Ф. Фулом.*)

**шаршара:** ясалиш усули — аффиксация. Ясовчи асос — *шар-шар* товушга тақлид сўз. **-а** тақлид сўзлардан от туркумига оид сўз ясовчи аффикс. Қиёс қилинг: *фарғара, дағдаға.*

**ГЭС:** ясалиш усули — аббревиация: ГЭС — *гидро-электро-станция*. Қисқартма от (аббревиатура).

*Ҳар бир қишлоқда мен қизил аскарга ёзиламан, деган талабгорлар бор.* (*К. Икромов.*)

**қизил аскар:** ясалиш усули — композиция. Икки компонентдан тузилган. Биринчи компонент сифат, иккинчи компонент от. Асли сифатловчи сифатланмиш типдаги атрибутив бирикмадан ўсиб чиққан. Иккала компонент биргаликда бир ном маъносида қўллана бошлагандан сўнг улар орасидаги ҳоким-тобелик муносабати ички ҳолатга ўтади. Энди уларнинг ҳар бири алоҳида сўроққа жавоб бўлмайди, бир сўз сифатида бир сўроққа жавоб бўлади (*ки м? қизил аскар каби*).

**талабгор:** ясалиш усули — аффиксация. Ясовчи асос *талаб*, от туркумидаги сўз, **-гор** сифат ясовчи аффикс. Мисолда бу сўз отлашган.

*Далада эрталабки оромбахш шамол эсади.* (*С. Назар.*)

**эрталабки:** ясалиш усули — аффиксация. Ясовчи асос — *эрталаб* **-ки** сифат ясовчи, *эрталабки* — ясалма. *Эрталаб* сўзи ҳам аффиксация усули билан ясалган равиш: ясовчи асос — *эрта*, ясовчи аффикс — **-лаб**.

**оромбахш:** ясалиш усули — композиция. Икки компонентдан тузилган. Биринчи компонент (*ором*) от, иккинчи компонент — *бахш* тожик тилидан ўзлашма. У ўзбек тилида бир неча сўзлардан сифат ҳосил қилади: *шифобахш, роҳатбахш, ҳаётбахш.*

*Ариқчалар бўйида ўткир ҳидли қорамтир, ялпизлар, сершоҳ жамбиллар ўсиб ётарди.* (*Ҳ. Назир.*)

**сершоҳ:** ясалиш усули — аффиксация. Ясовчи асос — *шоҳ*, конкрет от, **сер-** тожик тилидан ўзлашган сифат ясовчи префикс. У асосдан англашилган нарса-ҳодисанинг миқдор жиҳатидан кўплик, нормадан ортиқлик маъносини англатади, *сершоҳ* — шоҳи миқдор жиҳатидан кўп. Яна қиёсланг: *серҳаракат, серсув, серзавқ* ва б.

*Қўрқоқ дўст дунимандан хавfli. (Л. Толстой.)*

**қўрқоқ:** ясални усули — аффиксация. Ясовчи асос — қўрқ, -оқ феълдан сифат ясовчи аффикс. Бу аффикс асос феълдан англашилган ҳолат-хусусиятга эгалик маъносидаги сифатлар ясайди.

*Социалистик давлатимизнинг ҳар бир граждани келажак ишодчисидир. (Ш. Рашидов.)*

**социалистик:** ясалиш усули — аффиксация. Ясовчи асос — *социалист*, от, -ик совет-интернационал сўзлар (отлар)га қўшилиб сифат ясовчи аффикс. У русча **-ический** ясовчисининг ўзбекчадаги муқобили (эквиваленти)дир. Баъзи сўзларда -ик ясовчиси **-ичный** ясовчисига ҳам эквивалент бўлиб келади (*античный* — *антик*, *эластичный* — *эластик* каби). Аммо бундай сўзлар ўзак ва ясовчига ажралмайди.

*Тулпорнинг эгар-жабдуғи ва юганини олиб силлиқ устундаги заррин ҳалқага боғлабди. (Рус халқ эртагидан.)*

**боғламоқ:** ясалиш усули — аффиксация. Ясовчи асос — *боғ*, ип, боғлаш воситаси маъносидаги от. Аммо ҳозир сўз ясовчи ёки атрибут олмасдан кам ишлатилади. -ла феъл ясовчи маҳсулдор аффикс. Бу мисолда асосдан англашилган нарса билан бажариладиган ҳаракатни билдирувчи феъл ясапти.

*Баҳор яқинлигидан дарак бериб, онда-сонда қурбақалар қуриллайди. (Ҳ. Гулом.)*

**қурилламоқ:** ясалиш усули — аффиксация. Ясовчи асос — *қур*, товушга тақлид сўз, жонли нарсалар товушига тақлид қилиш асосида яратилган. -илла тақлид сўзлардан феъл ясовчи аффикс.

*Ойқиз қўриқ ва бўз ерларга яқинлашди. (Ш. Рашидов.)*

**яқинлашмоқ:** ясалиш усули — аффиксация. Ясовчи асос — *яқин*, равиш, ҳаракатнинг ўринга, вақтга бўлган белгисини ифодалайди. -лаш феъл ясовчи қўшма аффикс. У феъл ясовчи -ла билан -ш ўзлик нисбат кўрсаткичининг бирикувидан ҳосил бўлган. Қиёс қилинг: *баҳслашмоқ*, *равшанлашмоқ*, *қуюқлашмоқ* ва б.

*1920 йил Большевиктик партиянинг ташаббуси билан намоиш ўрнига бутун Россияда шанбалик ташкил қилинди. (Газетадан.)*

**ташкил қилмоқ:** ясални усули — композиция. Икки компонентдан тузилган. Биринчи компонент *ташкил* предмет маъносидаги сўз. Иккинчи компонент *қилмоқ*,

фeъл. У фeълдан бошқа сўзларга бирикиб қўшма фeъл ҳосил қилишда кенг қўлланади.

*Бўшаган ерларнинг бағрини плусларнинг ўткир тиллари тилка-пора қилмоқда. (Ҳ. Назир.)*

**тилка-пора қилмоқ:** ясалиш усули — композиция. Икки компонентдан тузилган. Биричи компонент жуфт от (*тилка-пора*). Бунда ҳам кейинги компонент *қилмоқ* фeъли. Уни *-ла* ясовчиси билан алмаштириш мумкин: *тилка-пора қилмоқ — тилка-пораламоқ*. Ясалма — от + фeъл типда ясалган қўшма фeъл.

*Дадам янги кўйлик олиб бердилар. (Ойбек.)*

**олиб бермоқ:** ясалиш усули — композиция. Ясалма — фeъл + фeъл типда ясалган қўшма фeъл. Ясалманинг маъноси ҳар икки компонент маъноларининг йиғиндисидан келиб чиқади.

*Усмонжон гуноҳкорона жилмайди. (С. Зуннунова.)*

**гуноҳкорона:** ясалиш усули — аффиксация. Ясовчи асос *гуноҳкор* — сифат. **-она** равиш ясовчи аффикс. *Гуноҳкорона* сўзининг ясалишига асос бўлган қисмнинг ўзи ҳам ясама сўз. Унинг ясалиш усули ҳам аффиксация усули. Бунда ясовчи асос — *гуноҳ*, ясовчи аффикс — **-кор**.

## ЭТИМОЛОГИК ТАҲЛИЛ

Этимологик таҳлил орқали сўзнинг дастлабки маъноси, унинг тузилиши, ясалиш усули ва воситалари аниқланади. Ҳозирги ўзбек тилидаги бир қисм кўп бўғинли сўзларнинг тарихан ясама бўлганлигини осонликча аниқлаш мумкин: ўзак ўз лексик маъносини, аффикс эса сўз ясалиши ёки грамматик маъносини сақлаган бўлади. Бошқа бир группа сўзлар борки, улар кўп бўғинли бўлишларига қарамасдан, ҳозирги тил нуқтан назаридан таркибий қисмларга ажралмайди. Бундай ҳолларда этимологик таҳлил орқали, баъзан жуда қийинчилик билан, уларнинг таркиби аниқланади. Тилда таркибини умуман аниқлаб бўлмайдиган сўзлар ҳам бор.

Этимологик таҳлилда ҳам сўз морфемаларга ажратилади, лекин уни морфологик таҳлил билан бир деб бўлмайти, чунки бу икки хил таҳлил маълум белгилар хусусиятларига кўра бир-биридан фарқ қилади. Морфологик таҳлилда маъноли қисмларга ажралмайдиган



сўз формалари этимологик таҳлилда бўлакларга ажралиши мумкин. Шунга кўра, кўп морфемали этимологик сўз морфологик таҳлилда ўзак деб қаралади. Этимологик таҳлил тил соҳасида кенг билимни талаб қилади, у тил ҳодисаларига эътибор билан қараб боришни тақозо этади.

Таҳлилни чуқур этимологик анализ талаб қилмайди-ган, осонгина морфемаларга ажраладиган, морфемаларининг маъносини аниқлаш унча қийин бўлмаган сўзлардан бошлаш лозим. Акс ҳолда этимологик таҳлил студентда қизиқиш уйғотмайди ва зерикарли ишга айланади.

Этимологик таҳлил «Сўз ясалиши», «Морфологияга кириш», «Лексикология» бўлимлари ўрганилаётганда ўтказилиб турилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

### Этимологик таҳлил тартиби

1. Сўзнинг ҳолати (ҳозирги ўзбек адабий тили нуқтаи назаридан ва тарихан морфемаларга ажралиш-ажралмаслиги).

2. Морфемаларнинг маънолари: ўзакнинг этимологик ва ҳозирги маъноси.

3. Сўз тарихида юз берган фонетик ўзгаришлар (торайиш, товуш ортиши, ассимиляция, метатеза ва ҳ.)

4. Ўз ёки ўзлашма қатламга мансублиги.

### Этимологик таҳлил намунаси

*Биз рус тилини севиб ўрганамиз.*

**ўрган** — феъл. Ҳозирги ўзбек тилида маъноси бўлакларга ажратилмайди. Тарихан *ўрган* ясалма бўлиб, у уч морфемага ажралади: *ўгр-а-н*;

*ўг* — ақл, насиҳат маъносидаги сўз, от туркумига киради. Қиёсланг: *ўғит* — *насиҳат*. Бироқ даврлар ўтиши билан *ўг* истемолдан чиқиб кетган. **-ра** — феъл ясовчи аффикс. **-н** феълнинг ўзлик нисбатини ҳосил қилувчи аффикс. Сўзнинг дастлабки маъноси: *насиҳатга қулоқ сол, ақл ол*;

сўзда метатеза ҳодисаси юз берган, яъни *ўрган* — *ўрган*. Бундай ўзгариш натижасида қадимги ясама сўз бўлинмас, ясама экани билинмас ҳолга келиб қолган.

Қардош туркий тилларнинг кўпларида у *ўгран, уйран* шаклида ишлатилади. Қиёсланг: туркча *ўгрен; қозоқча уйрену; уйғурча ўргатмак;*

сўз туркий тилларга тегишли, ўз қатламга киради.

**тилак** — от туркумига қарашли абстракт маъноли сўз. Ҳозирги ўзбек тилида икки морфемадан иборат, яъни *тила-к, тила* — ўзак, **-к** от ясовчи аффикс. **тилак** тарихан уч морфемали ясама сўз бўлган: *тил-а-к, тил* — сўз, нутқ, *тила* — қадимда тил сўзидан ясалган феъл.: *тил-а*. Бундаги ясовчини **-ла** деб тасаввур қилиш керак. Қатор келган икки л товушидан бири талаффузда тушиб, сўз торайган бўлиши мумкин. Қиёсланг: *тиллашмоқ — гаплашмоқ, тил — сўз, гап, нутқ: тил-(л)а — сўра, сўз орқали бирор мақсадни баён қил. -к* феълдан от ясовчи аффикс;

асл туркий сўз, бу сўзнинг ўзаги ва ясовчиларидан кўриниб турибди. У билан ўзакдош *тиланчи, тилов, тиламоқ* каби сўзлар мавжуд.

*Кўп ўртоқларимиз шиддатли жангда қурбон бўлди. (Шухрат.)*

**ўртоқ** — шахс оти. Ҳозирги ўзбек тилида морфемаларга ажралмайди. Ҳозирги маъноси: *дўст, тенгдош*; қадимги маъноси *шерик, иштирокчи, дўст*. Тарихан ясама сўз ҳисобланади ва икки морфемага ажралади: *ўрта-қ*;

*ўрта* — ўзак, қадимда ҳам ҳозирги маъносида қўлланган, яъни *ўрта «середина, -қ* от ясовчи аффикс. Бу ясовчи қадимги туркий тилда кенг тарқалган. Л. З. Будагов *ўртоқ* сўзининг бир қанча маъноларини келтиради: *умумий, тенг бўлинган, бирга, иштирокчи, шерик, улушчи, ўртоқ (общий, пополам, вместе, участник, дольшик, товарищ...* («Сравнительный словарь турецко-татарских наречий» 1. 122-бет). Тарихий манбаларда *ўртоқламоқ, ўртоқлашмоқ* сўзлари берилиб, маъноси *шерик бўлмоқ* деб изоҳланган. Хуллас, *ўртоқ* қадимда *ўрта сўзидан -қ* орқали ясалган отдир;

тарихий ҳаёти даврида бу сўз айтарли ўзгаришга учрамаган. Фақат ўзбек тили қонун-қондасига биноан **-қ** дан олдинги умумтуркий **а>о** га айланган. Аммо ҳозир унинг компонентлари орасида маъно боғланиши йўқолган, туб сўзга айланган;

*ўртоқ* — умумтуркий сўз. У уйғур, озарбайжон, қозоқ, қорақалпоқ, татар, бошқирд, олтой, қумиқ, нўғой, қирғиз тилларида турли фонетик вариантларда учрайди.

*Кўчманчилар чорвасини боқади, деҳқонлар шולי, маккажўхори, пахта экишга киришади. (К. Икромов.)*

**кўчманчи** — от туркумига тегишли конкрет маъноли сўз. Ҳозирги ўзбек тилида морфемаларга ажралмайди. **-чи** нинг ясовчи морфема эканлиги кўриниб турса ҳам, ясовчи асос *кўчмон* ҳозир ишлатилмаслиги учун бу сўз маъноли қисмларга ажратилмайди. Этимологик жиҳатдан уни морфемаларга ажратиш мумкин: *кўч-ман-чи*. *Кўч* — ўзак, **-мон (-ман)** шахс оти ясовчи. *Кўч*: 1) кўчириладиган юк; 2) буйруқ феъли. *Кўчмон* — кўчни олиб юрувчи киши (ясалма *кўч* нинг кейинги семаси асосида ясалган). **-чи** шахс оти ясовчи аффикс.

*Миркомилнинг тўппончасидаги етти ўқ бирпасда тугади. (К. Икромов.)*

**тўппонча** — ҳозирги ўзбек адабий тилида морфемаларга ажралмайди. У порох билан ишловчи отиш қуролининг бир тури, **-ча** нинг модал форма ясовчи аффикс эканлиги сезилади. Бироқ сўзнинг қолган қисми ёлғиз қўлланмайди. Этимологик нуқтаи назардан қаралганда, бу сўз икки морфемага ажралади: *тўппон-ча*. *Тўппон* <*тўппанг* <*тўпанг* <*туфанг* — милтиқ. Бу сўзнинг *тўпак*/*тупак* деган шакли ҳам бўлиб, у ғаров ўсимлигидан қилинган ов қуролини билдиради. *Тўпак* узун найдан (стволдан) иборат бўлиб, у билан кичик паррандалар овланган. *Тўпак тўппонча* ёки *тўфангдан* порохсиз, қисилган ҳаво билан ишлаши жиҳатидан фарқ қилган. Ўқ ўрнида кичик тошчалар ва лойдан тайёрланган маҳсус кесакчалар ишлатилган. *Тўпак* билан, асосан, чумчуқ овланган. *Тўпакни тўфанг* билан алоқадор десак, у ҳам морфемаларга ажралади: *тўп-ак*: *тўп* — отув қуроли, **-ак** тожикча кичрайтиш аффикси. Ёки *тўфанг* сўзи охиридаги *нг* товуши икки рефликс (товуш)га ажралган ва бири тушган: *тўфанк* > *тўфаг* > *туфанк* > *тўфанк* + *ча* > *тўфанча* > *тўппонча*. Тожикча *тўфанг* — милтиқ (ТРС 400). Демак, *тўфанг* — милтиқ, *тўфангча* — кичик милтиқ, *тўппонча* — милтиқнинг ўзига хос бир тури. Сўз ўзлашма қатламга киради.

*Кечаси қочмоқчи бўлган йигит қайрағочга боғлаб қўйилган эди. (К. Икромов.)*

**қайрағоч** сўзи ҳозирги ўзбек адабий тилида маъноли қисмларга ажралмайди, туб сўз. Тарихан қараганда, уни икки морфемага (икки компонентга) ажратиш мумкин: *қора* ва *ёғоч*. *Қора* ранг билдирувчи аслий сифат, *ёғоч (оғоч)* предмет номи, *қора ёғоч* атрибутив бирик-

ма. қорайгооч сўз бирикмасидан ўсиб чиққан қўшма от. Сўз тарихий тараққиёти жараёнида метатеза ва тораёишга учраган. **р** ва **й** товушлари метатезага учрайди ва **й** товушидан кейин келувчи **а** талаффузда тушиб қолади: қайрағоч. Ўз қатламга мансуб сўз.

*Уша пушти гулларга бурканган шафтолизор орқасида унинг уйи. (Ғ. Ғулом.)*

Уша сўзи ҳозирги тил нуқтаи назаридан морфемаларга ажралмайди. Унинг морфологик структурасига тарихан ёндошсак, қўшма сўз эканлиги маълум бўлади: *ўш + ал (ўш + ул)*. Бу компонентларнинг ҳар иккиси ҳам кўрсатиш олмоши. Аммо уларнинг маъноларида фарқ бор. *Уш* (<уш) олмоши ҳозирги ўзбек тилидаги *мана* олмоши маъносида ишлатилган бўлса, *ул* олмоши ҳозирги кўрсатиш олмоши унинг ўзидир. Қадимда *ўшал (уш + ул)* олмоши *мана* у деган маънода қўлланган. Ҳозир *ўша* олмоши аввалдан сўзловчига ҳам, тингловчига ҳам маълум бўлган предмет, ҳодиса, белги-хусусиятни кўрсатиш учун ишлатилади. Тарихий тараққиётида сўзнинг ифода планида ҳам, мазмун планида ҳам ўзгариш юз берган: ушул → ўшал → ўша.

Биринчи компонентдаги *тор* у фонемаси, ўрта-кенг ў билан, иккинчи компонентдаги *у* эса кенг лабланмаган **а** товуши билан алмашган. Иккинчи компонентнинг охириги товуши талаффуздан тушган.

*Ичкарида ўзга ҳол эди,  
Зайнаб учун ўзга фол эди. (Ҳ. Олимжон.)*

ичкарида сўзи ҳозирги ўзбек тилида икки морфемага ажралади: *ичкари-да*. *ичкари* — ўзак, *-да* ўрин келишиги аффикси. Этимологик жиҳатдан қаралганда *ичкари* сўзининг ҳам икки морфемадан иборатлиги маълум бўлади: *ич* — ўзак, **-қару (-қару, -гару, -ғару)** жўналиш келишиги аффикси. Жўналиш келишигининг **-қару (-гару, -ғару, -қару)** аффикси қадимги туркий тилга хос бўлиб, Ўрхун-Енисей ёдномаларида учрайди. *ич* — *внутри*, *ичкару* — *ичга томон*, **-қару (-қару, -гару, -ғару-)** ҳам икки компонентдан ташкил топган: **-ка -ру (-қа—ру, -га—ру, -ға — ру)**. Бу компонентларнинг иккаласи ҳам тил тарихида жўналиш келишиги формантлари сифатида ишлатилган. Ҳозир **-ру** аффиксининг қотиб қолган кўриниши *нари*, *бери* каби равишларда учрайди. Кейинги даврларда **-қару** ишиг ишлатилиш доираси тораёиш, функцияси унутилиб, сўзга қўшилиб кетган. Ҳозирги

ўзбек тилида бу келишик аффикси қотиб қолган ҳолда сақланган *ичкари, ташқари, илгари, тескари* каби бир неча сўз бор. Улар от категориясидан аллақачон равиш категориясига ўтиб кетган. Сўз ўз қатламга мансуб.

## МОРФОЛОГИК ТАҲЛИЛ

Морфологик таҳлил дейилганда, сўзни туркумларга ажратиш, ҳар бир туркумга хос грамматик категорияларни, сўз формаларини аниқлаш кўзда тутилади. Сўз туркумларини таҳлил қилиш тартибини англаш жуда муҳимдир. Ҳар бир сўз туркумига алоқадор белгиларни санаш тартиби тасодифий бўлмаслиги керак. Ҳар бир туркумнинг хилма-хил белгиларни ичида, уларнинг бутун сўзга, унинг ҳар қандай формасига ҳам тааллуқли бўлган доимий белгиларни ҳаммадан аввал ажратилиши зарур. Мас., от туркумига хос атоқли ёки турдош, конкрет ёки фикрий бўлиш; ким?, нима? сўроғини олиш фақат отгагина тегишли бўлиб, булар унинг доимий белгисини ҳисобланади ва от туркумининг умумий характеристикасини ташкил этади.

Танлаб олинган бирор контекст (гап, гаплар)даги маълум бир сўз туркумига тегишли сўзлар таҳлил қилинганда, контекстда бир хил хусусиятли, бир хил тузилишли сўзлар бирдан ортиқ бўлса, улардан бири олиниб таҳлил этилади. Бошқалари ҳақида «бу сўзларнинг характеристикаси ҳам юқоридаги сўз характеристикасига ўхшайди» деб айтиб ўтилади, холос. Борди-ю, улардан бирида юқорида таҳлил этилган сўздан фарқ қиладиган бирор хусусият бўлса, уни алоҳида олиб, характеристика берилади.

## МУСТАҚИЛ СЎЗЛАР ТАҲЛИЛИ

### От туркуми таҳлили тартиби

1. Маъносига кўра тури (атоқли, турдош, конкрет, абстракт, якка, жамловчи от эканлиги).
2. Келишиги. Келишикнинг маъноси.
3. Грамматик сон. Қўплик қайси усул билан ҳосил қилинган.
4. Эгалик қўшимчасини олган-олмаганлиги.
5. Функционал формаси.
6. Гапдаги вазифаси.

## От туркуми таҳлили намунаси

*Нур ҳам материя, дейди олимлар.  
Ер шари кун сайин оғирлашарми!  
Нимага бўлмаса зулмат ваҳимаси  
Гирдобига олар гоҳо бу Шарни! (А. Мухтор.)*

Бу контекстда тўққизта от бор, бири (шар) икки марта ишлатилган: *нур, материя, олимлар, Ер, шар, кун, зулмат, ваҳима, гирдоб*;

**нур** — от, турдош от, конкрет от, жамловчи от, бош келишиқда, бирлик сонда, эгалик қўшимчасини олмаган. *Нур ҳам материя* гапида эга вазифасида келган. **Н и м а?** сўроғига жавоб бўлади:

**олимлар** — от, турдош от, конкрет от, машғулот англатувчи шахс оти, бош келишиқда; кўплик сонда, кўплек морфологик усул билан ҳосил қилинган (-лар қўшимчасини қўшиш орқали); эгалик аффиксини олмаган. Гапда эга вазифасида келган, *дейди* кесимдаги ишҳаракатнинг бажарувчисидир; **к и м л а р?** сўроғига жавоб бўлади. *материя* — от, турдош от, конкрет от, жамловчи от, бош келишиқда, эгалик аффиксини олмаган, бирлик сонда. Гапда кесим вазифасида келган. Кесимлик аффиксини олмаган. **Н и м а д и р?** сўроғига жавоб бўлади (*нур н и м а д и р?*— *нур — материя*);

**Ер** — от, атоқли от, конкрет от, якка от, планетанинг номи. Қаратқич келишиғида, белгисиз (келишиқ қўшимчаси яширинган), эгалик олган эмас, бирлик сонда. *Ер шари кун сайин оғирлашарми!* гапида **н и м а?** сўроғига жавоб бўлиб, бирикма ҳолида эга вазифасида келган (*н и м а оғирлашар?*—*ер шари оғирлашар*);

**зулмат** — от, турдош от, абстракт от. Қаратқич келишиғида, белгисиз қаратқич (келишиқ қўшимчаси ишлатилмаган), шеър вазни шуни талаб қилган, бирлик сонда. Гапдаги вазифаси қаратқич аниқловчи, *ваҳимаси* сўзини ўзига қаратаётир. **Н и м а н и н г?** сўроғига жавоб бўлади (*н и м а н и н г ваҳимаси?*—*зулматнинг ваҳимаси*);

**ваҳимаси** — от, турдош от, абстракт от, чунки у сезги органларимизга бевосита таъсир эта олмайди. Бош келишиқда, учинчи шахс эгалик қўшимчасини олган. *Нимага бўлмаса зулмат ваҳимаси Гирдобига олар гоҳо бу Шарни!* гапида эга вазифасида келган, **н и м а с и?**

сўроғига жавоб бўлади (н и м а с и о л а р?— ваҳимаси олар);

**гирдобига** — от, турдош от, конкрет от, якка от, бирлик сонда, учинчи шахс эгалик аффиксини олган, жўналиш келишигида. Гапда воситали тўлдирувчи вазифасида келган. Н и м а с и г а? сўроғига жавоб бўлади (н и м а с и г а о л а р?—гирдобига олар);

**шарни** — от, шу ўринда атоқли от, чунки Ер планетаси маъносида қўлланган. Конкрет от, тушум келишигида, бирлик сонда. Гапда олар сўзи билан боғланиб, воситасиз тўлдирувчи вазифасида келяпти, н и м а н и? сўроғига жавоб бўлади (н и м а н и о л а р?—шарни олар);

*Тонгда мени уйғот эртароқ,  
Меҳрибоним, мушфиқ онажон. (С. Есенин.)*

Контекстда иккита от бор: *тонг, онажон*. Бир сўз конверсия йўли билан отга кўчган: *меҳрибоним*.

**онажон** — от, турдош от, конкрет от, якка от, бош келишикда, бирлик сонда, эгалик аффиксини олмаган. Эркалаш маъносидаги нокатегориал форма ясовчиси (-жон)ни олган. Контекстда гапнинг бошқа бўлаклари билан грамматик алоқага киришмаган, ундалма, фикр қаратилган шахсни кўрсатаётир (*сен, мушфиқ, онажон, уйғот.*)

**тонгда** — от, турдош от, конкрет, от, бирлик сонда, эгалик олмаган, ўрин келишигида. Келишик пайт маъносини билдиради. Қ а ч о н? сўроғига жавоб бўлади. Гапда пайт ҳоли вазифасида келган (қ а ч о н уйғот?—Тонгда уйғот.)

— *Ассалому алайкум, отахон,— йигит чойнакни узатди. Чол ёнидан халтача чиқариб, чойнакка икки чимдим қуруқ чой ташлади. (М. Салом.)*

Контекстда еттита от бор, бир сўз (*чойнак*) икки марта такрорланган: *отахон, йигит, чойнак, чол, ён, халтача, чой*.

**отахон** — от, турдош от, конкрет от, якка от, бирлик сонда, эгалик олмаган, бош келишикда. Модал фоғмада, -хон эркалаш оттенкасидаги форма ясовчи аффиксини қабул қилган. Гапда ундалма бўлиб келган. Вокатив гап (*ассалому алайкум* билан бирга);

**ён** — от, турдош от, конкрет от, якка от, бирликда, учинчи шахс эгалик аффиксини олган. Чиқиш келишигида. Гапда қ а е р и д а н? сўроғига жавоб бўлиб, ўрни

ҳолни вазифасида (қаеридан чиқариб?—ёнидан чиқариб.);

**халтача** — от, турдош от, конкрет от, бирлик сонда, эгалик олмаган, белгисиз тушум келишигида. Қичрайтиш маъносини ифодаловчи (-ча аффиксли) функционал формада. Гапда белгисиз воситасиз тўлдирувчи бўлиб келган (нимани чиқариб? ёки нима чиқариб?—халтача чиқариб.).

*Кўзлари қизлар сафида «олма териб» юрган Бўривойнинг нигоҳи рўпарасидаги икки қизда ногаҳон тўхтаб қолди. (М. Салом.)*

Контекстда бешта от бор: *кўз, қиз, саф, Бўривой, нигоҳ*. Бир сўз (*қиз*) икки марта такрорланган.

**Бўривой** — от, атоқли от, конкрет от, якка от, бирликда, эгалик олмаган, қаратқич келишигида. Нокатегорнал модал форма. -вой сўзловчининг симпатиясини кўрсатувчи модал форма ясайди. Гапда қаратувчи бўлак вазифасида келган. Қимнинг? сўроғига жавоб бўлади (*қимнинг нигоҳи?—Бўривойнинг нигоҳи*).

### Сифат туркуми таҳлили тартиби

1. Маъносига кўра тури (аслий ва нисбий).
2. Предметнинг қандай белгисини билдиради.
3. Даражаси. Даража маъноси қайси восита орқали юзага чиққан?
4. Отлашганлиги (отга кўчганми ёки отлашганми?)
5. Функционал формаси.
6. Гапдаги вазифаси.

### Сифат туркуми таҳлили намунаси

*Чеварлар кашта тикмоқда... Чевар қизлар бунча кўп! Ҳаммаси ёш, қувноқ, шоҳи газламаларга ўзлари тасвирини тушираётган ниҳол каби нозик... Кадрлар бўлими ходимлари Саодатни баланд бўйли, хушмуомала аёл билан таништирди. (Й. Муқимов.)*

Бу контекстда сифатга тегишли бешта сўз бор. Улардан бири (*чевар*) икки марта ишлатилган; *чевар, ёш, қувноқ, нозик, хушмуомала*;

**чеварлар** — сифат, аслий сифат. Сифат ясовчи аффикслари бўлмаган сифатлар аслий сифат саналади. Шахсинг хусусиятини билдиради, оддий даражада, даража ва модал форма кўрсатувчи воситаларни қабул



қилмаган. Гапда отлашиб (от ўрнида келиб) -лар кўплик қўшимчасини олган. Гапда эга вазифасида келган. Қимлар? сўроғига жавоб бўлади (кимлар тикмоқда?— чеварлар тикмоқда). Кейинги гапда чевар аниқловчи вазифасида келган (қандай қизлар?— чевар қизлар);

**қувноқ** — сифат, нисбий сифат. Сифат ясовчи аффикслари бўлган сифатлар нисбий сифат ҳисобланади. Шахснинг хусусиятини англатади. Оддий даражада. Отлашмаган, гапда эганинг хусусиятини англатиб, кесим вазифасида келган (*ҳаммаси ёш, қувноқ*), қандай?, қандайдир? сўроғига жавоб бўлади. Текстдаги *ёш, нозик* сифатлари ҳам гапда кесим бўлиб келган;

**хушмуомала** — сифат, нисбий сифат, предметнинг (шахснинг) хусусиятини кўрсатяпти. Оддий даражада. Гапда *аёл* сўзининг аниқловчиси бўлиб келган, қандай? сўроғига жавоб бўлади (қандай *аёл?*— *хушмуомала аёл*).

*Оқ, у оқ қайинлар,  
Оппоқ қайинлар... (С. Есенин.)*

Контекстда битта сифат бўлиб, у даража ва интенсив форма билан такрорланган: *оқ, оппоқ*.

**оппоқ** — сифат, аслий сифат, предметнинг рангини билдиради. Интенсив форма, сўзнинг бир товушини (**пп**) қўшиб такрорлаш орқали ҳосил бўлган. Гапда сифатловчи аниқловчи вазифасида келган (қандай *қайинлар?*— *оппоқ қайинлар*).

*Ўзи тузуккина йигит кўринади, бу йўлга қандай тушиб қолди экан-а? (М. Салом.)*

Контекстда битта сифат бор: *тузуккина*. Аслий сифат, шахснинг хусусиятини билдиради. Оддий даражада. Субъектив муносабат ифодаловчи **-кина** форма ясовчисини олган. Гапда сифатловчи аниқловчи бўлиб келган, қандай? сўроғига жавоб бўлади (қандай *йигит?* — *тузуккина йигит*).

*Сўнг у ҳам бошқа бир кичикроқ автобусга бориб ўтирди. (М. Салом.)* Контекстда иккита сифат бор: *бошқа, кичикроқ*.

**кичикроқ** — сифат, аслий сифат, предметнинг ҳажм томонидаги белгисини билдиради. Озайтирма даражада. Гапда аниқловчи сифатловчи вазифасида келган (қандай *автобус?*— *кичикроқ автобус*).

*Довоннинг энг машаққатли жойи келган эди.*  
(А. Мухтор.)

Контекстда битта сифат бор: *энг машаққатли*. Нисбий сифат, **-ли** орқали ясалган, орттирма даражада, даража маъноси *энг* элементи орқали ифодаланади. Гапда сифатловчи аниқловчи вазифасида келган, **қ а н д а й?** сўроғини олади (**қ а н д а й жой?**—*энг машаққатли жой*).

*Дарахтларнинг барглари сарғиш-қизғиш тусда қуёш нурида товланади.* (М. Қorieв.)

Контекстда битта сифат бор: *сарғиш-қизғиш*. Аслий сифат, озайтирма даражада, даража маъноси **-иш** аффикси орқали ифодаланган. Гапда сифатловчи аниқловчи вазифасида келган. **Қ а н д а й?** сўроғига жавоб бўлади (**қ а н д а й тусда?**—*сарғиш-қизғиш тусда*).

*Саҳифанинг кенг ҳаво ранг ҳошиялари зарҳал ва кумуш расмлар билан безатилган.* (Л. Бать.)

Контекстда иккита сифат бор: *кенг, ҳаво ранг*. **ҳаво ранг** — нисбий сифат, оддий даражада, даража кўрсатувчи воситалар йўқ. Гапда сифатловчи аниқловчи вазифасида (**қ а н д а й ҳошия?**—*ҳаво ранг ҳошия*).

*Тўкин-сочин куз фасли бошланди.* (М. Қorieв.)

Контекстда битта сифат бор: *тўкин-сочин*. Аслий сифат, оддий даражада. Гапда сифатловчи аниқловчи бўлиб келган (**қ а н д а й куз?**—*тўкин-сочин куз*).

### Сон туркуми таҳлили тартиби

1. Маъносига кўра тури (миқдор, тартиб сон эканлиги).
2. Миқдор соннинг турлари.
3. Нумератив сўз билан келган-келмаганлиги.
4. Отланганлиги.
5. Гапдаги вазифаси.

### Сон туркуми таҳлили намунаси

*Узи ҳам шошиб қолиб, ғаниматга учрадим, деб қирқ кило ипак, йигирма бешта амиркон олган эди.*  
(С. Аҳмад.)

Бу контекстда сон туркумига оид иккита сўз бор: *қирқ, йигирма бешта*.

**қирқ** — миқдор сон, *кило* нумератив сўзи билан келган, ипакнинг миқдорини англатапти. Гапда нумератив сўз билан биргаликда аниқловчи вазифасида келяпти, эга (*ипак*)ни миқдор жиҳатидан аниқлайди, **қ а н ч а?**

сўроғига жавоб бўлади (қ а н ч а ипак?— қирқ кило ипак);

**Йигирма бешта** — миқдор сон, миқдор соннинг дона сон турига тегишли, чунки **-та** форма ясовчисини қабул қилган. Тузилишига кўра составли сон, икки компонентдан ташкил топган (*йигирма ва беш*). Гапда аниқловчи вазифасида, эга (*амиркон*)ни миқдор томонидан аниқлайди ва нечта? сўроғини олади (нечта *амиркон?*— *йигирма-бешта амиркон*).

*Олтовлон ола бўлса — оғзидагин олдирар, тўртовлон тугал бўлса, унмаганин ундирар. (Мақол.)*

Бу контекстда иккита сўз сон туркумига тегишли: *олтовлон, тўртовлон*.

**олтовлон** — саноқ сон, саноқ соннинг жамловчи сон деб аталувчи тури. Бу турга **-ов, -ала** қўшимчаларини олган сонлар киради. Жамловчи сон соннинг қўлланишига кўра отга энг яқин тури ҳисобланади. Бу тур гапда доимо от бажарган вазифаларни бажаради. *Олтовлон*—*олти* миқдор сонидан **-овлон** қўшимчаси ёрдамида ҳосил бўлган. Бу аффикс кўпинча *бир, икки, уч, тўрт, беш, олти* сонларига қўшилади. **-лон** қўшимчаси ҳамма вақт ҳам **-ов** билан кела бермайди. Жамловчи сон ясовчиси сифатида **-ов**, асосан, **-лон** қўшимчасисиз қўлланади. Тузилишига кўра содда, форма ясовчи **-овлон** қўшимчасини олган. Гапда ким? сўроғига жавоб бўлиб, эга вазифасида келган (*ким ола бўлса?*—*олтовлон ола бўлса*). *тўртовлон* жамловчи сонига ҳам худди юқоридагидек характеристика берилади.

*Тўрт ойлик уруш унинг тўрт ярим миллион солдат ва офицерининг бошини еди. (И. Раҳим.)*

Контекстда иккита сон ишлатилган: *тўрт* ва *тўрт ярим миллион*.

**тўрт ярим миллион** — саноқ сон, саноқ соннинг касрли сон турига киради, чунки унинг составида бутунга етмаган сон бор; составли сон; гапда аниқловчи бўлиб келган, от билан ифодаланган қаратувчи аниқловчинини аниқлаётир; қ а н ч а? сўроғига жавоб бўлади (қ а н ч а *солдат ва офицер?*— *тўрт ярим миллион солдат ва офицер*). Гапда аниқланмишлари билан биргаликда кимнинг? сўроғини олиб, мураккаб (бирикмали) қаратувчи аниқловчи бўлиб келган (кимнинг *бошини?*— *тўрт ярим миллион солдат ва офицернинг бошини*).

*1981 йил 23 февралда КПСС нинг XXVI съезди очилади. (Газетадан.)*

Контекстда учта сон бор: *бир минг тўққиз юз саксон биринчи, йигирма учинчи, йигирма олтинчи.*

**Йигирма учинчи** — сон, тартиб сон, **-инчи** форма ясовчисни билан ясалган, ой, кунларининг тартибини англатяпти. Гапда аниқловчи вазифасида келган, нечаничи? сўроғига жавоб бўлади (нечаничи *февралда?*— *йигирма учинчи февралда.*). Қолган икки сон ҳам шундай таҳлил қилинади.

*Дарвоза тепасига беш-олти навкар сиғадиган катта, сандиқ чиқариб қўйилганди. (Л. Батъ.)*

Контекстда битта сон бор: *беш-олти*. Миқдор сон, миқдор соннинг чама сон турига киради, икки миқдор сонни жуфтлаш орқали ҳосил қилинган. Гапдаги вазифаси — аниқловчи. **Қанча?** сўроғига жавоб бўлади (*қанча навкар?*—*беш-олти навкар*).

*Пахта майдонларининг ҳар гектаридан 52 центнердан ҳосил олинди. (Ҳ. Назир.)*

Контекстда битта сон бор: *эллик икки*. Миқдор сон, миқдор соннинг саноқ сон турига киради, форма ясовчи аффикс олмаган. Оғирлик билдирувчи *центнер* нумератив сўзи билан қўлланган (*эллик икки центнер*). Гапда аниқловчи вазифасида келган, қанчадан? сўроғини олади (*қанчадан олинди?*—*эллик икки центнердан олинди*).

*СССР Давлат чегарасининг тахминан учдан икки қисми денгиздан, учдан бир қисми қуруқликдан ўтади. (география дарслигидан.)*

Контекстда иккита сон бор: *учдан икки, учдан бир.*

**Учдан икки** — миқдор сон, унинг каср сон тури, икки саноқ сондан бирига (*махражга*) чиқиш келишиги ясовчисини қўшиш билан ҳосил бўлган. Бутуннинг қисмини ифодалаш учун ишлатилади. **Қанча?** сўроғига жавоб бўлиб, гапда аниқловчи вазифасида келган (*қанча қисми?*—*учдан икки қисми*).

*Бирни биров беради,  
Мингни меҳнат беради. (Мақол.)*

Контекстда иккита сон бор: *бир, минг.*

**Бир** — миқдор сон, унинг саноқ сон турига киради, ясовчи аффикс олмаган. Нумератив сўзсиз ишлатилган, этлашган, чунки ундан сўнг келиши мумкин бўлган сўз (*сўм, тийин ва ҳ.*) тушиб қолган, натижада отнинг категориал ясовчиларидан бири бўлган тушум келишиги аффиксини олган. Гапда воситасиз тўлдирувчи вазифаси-

да келган. Қ а н ч а н и? ёки н и м а н и? сўроғига жавоб бўлади (қ а н ч а н и? ёки н и м а н и б е р а д и?— б и р н и б е р а д и).

### Олмош туркуми таҳлили тартиби

1. Маъносига кўра тури.
2. Қайси туркум ўрнида келганлиги ва шу туркум нуқтаи назаридан хусусиятлари.
3. Гапдаги вазифаси.

### Олмош туркуми таҳлили намунаси

*Рост айтсам, мен ўша ўролдан сенинг*

*Бу ерда борлигинг билиб келганман. (А. Мухтор.)*

Бу контекстда тўртта олмош бор: *мен, ўша, сенинг, бу.*

*мен* — кишилик олмоши. Бу турга *сен, у, биз, сиз, улар* сўзлари ҳам киради. От туркуми ўрнида ишлатилган. Биринчи шахс, бош келишикда. Бирлик сонда. Гапда эга вазифасида келган. ким? сўроғига жавоб бўлади (*ким келган?—мен келганман*);

*сен* — кишилик олмоши, от ўрнида, қаратқич келишигида келган, гапда от сингари *борлигинг* сўзининг қаратувчи аниқловчиси бўлиб келган. Қимнинг? сўроғини олади (*кимнинг борлиги?—сенинг борлигинг*);

*ўша* — кўрсатиш олмоши, шу турга яна *у, бу, шу, мана бу, ана* каби сўзлар киради; сифат ўрнида ишлатилган, предметнинг ноаниқ белгисини кўрсатаётир (*ўша ўрол*) қ а й с и? ёки қ а н д а й? сўроғига жавоб бўлади. Гапда *ўрол* сўзи билан боғланиб, унинг аниқловчиси бўлиб келган (*қ а й с и ўролдан?—ўша ўролдан*). *Бу* — кўрсатиш олмоши, унга ҳам худди юқоридагидек характеристика берилади;

*Мана бу томон — спорт майдони. Колхозчиларнинг роҳати ва соғлиғи учун нима керак бўлса, бари бунда муҳайё бўлади. (Ойбек.)*

Бу контекстда олмошга оид тўртта сўз бор: *мана бу, нима, бари, бунда*. Булардан бири — *бу* олмоши ўринпайт қўшимчасини олиб, равишга кўчган. Ҳаракатнинг ўринга нисбатан ноаниқ белгисини кўрсатаётир. Урин равиши сўроғини олади (*қ а е р д а муҳайё бўлади?—бунда муҳайё бўлади*).

**нима** — сўроқ олмоши: ким?, қайси?, қандай?, қачон? каби сўзлар ҳам шу турга киради; от ўрнида, бош келишида, эгалик аффиксини олмаган, бирлик сонда, ноаниқ предметни кўрсатиш учун қўлланган, гапда *керак бўлса* кесимидан берилган **нима?** сўроғига жавоб бўлиб, эга вазифасида келган.

**бари** — белгилаш олмоши. Шу турга кировчи *ҳамма, барча* каби сўзлар ҳам бор. Бош келишида, бу гапда мазмунан от ўрнида келган. Гапда эга вазифасида келган, унга **нима?** сўроғи берилади (*нима муҳайё бўлади?* — *бари муҳайё бўлади*).

*Узга юртининг шоҳи бўлгунча, ўз юртининг гадоий бўл, деганлар. (Н. Сафаров.)*

Контекстда битта олмош бор: *ўз*. Ўзлик олмоши. У кишилик олмошларини кўрсатиш учун ишлатилади. Мисолда иккинчи шахс сен олмоши ўрнида қўлланган (*сенингни ўзининг юртининг*). **Кимнинг?** сўроғига жавоб бўлади. Гапда қаратқич аниқловчи вазифасида келган (*кимнинг юрти?*—*ўз юрти*).

*То тирикман бу жаҳонда меҳрибон  
ёрингни ўзим,  
Кел бошимга тожи гул бўл, ёри дилдорингни  
ўзим. (К. Яшин.)*

Контекстда ўзлик (*ўз*) олмоши икки марта такрорланган: *ўзим*. Биринчи шахс кишилик олмоши (*мен*) ўрнида қўлланган. I шахс эгалик аффиксини олган, бирлик сонда. Гапда кесим вазифасида келган. **Кимдир?** сўроғига жавоб бўлади (*ёрингни кимдир?*—*ёрингни ўзим, дилдорингни кимдир?*—*дилдорингни ўзим*).

*Ҳар иш қилсанг эл билан кенгаш, ҳар икки кенгаш бир бўлса, эллик йигит юз бўлур болам, Равшанжон. (К. Яшин.)*

Контекстда битта олмош бор: *ҳар*. Белгилаш олмоши, бу турга яна *ҳамма, барча, бари, ҳар ким, ҳар нарса* каби олмошлар киради. Контекстда у **қандай?** сўроғини олиб сифат ўрнида келган (*қандай иш?*—*ҳар иш, қандай икки кенгаш?*—*ҳар икки кенгаш*.) Гапда сифатловчи аниқловчидир. Сифат предметнинг конкрет белгисини кўрсатса, *ҳар* олмоши предметнинг ноаниқ белгисига ишора қилади.

*Нечун сенга келганда, альбом  
Ҳар ким ўз дардини айтиб бўзлаган?  
(А. Орипов.)*

Контекстда учта олмош бор: *нечун, ҳар ким, ўз*.

**ҳар ким** — олмош, белгилаш олмоши. От ўрнида келган. Бош келишиқда, бирлик сонда, ноаниқ шахсни кўрсатади. Гапда эга вазифасида келган, ким? сўроғини олади (ким бўзлаган?—*ҳар ким бўзлаган*).

*Нимагадир унинг башарасида аллақандай маъюслик кўриниб туради. (Ойдин.)*

Контекстда иккита олмош бор: *нимагадир, аллақандай*.

**нимагадир** — гумон (ноаниқлик) олмоши. Гумон от-тенкаси **-дир** элементи орқали юзага чиқяпти. **-дир** элементи кўпинча сўроқ олмошларига бирикиб гумон олмошлари ҳосил қилади: кимдир, нимадир, қандайдир, қайсидир, қачондир каби. Мисолда у жўналиш келишиғи ясовчисидан сўнг бириккан. Гумон олмошлари предмет, белги, ҳодиса ҳақида ноаниқ, тахминли тасаввурни билдиради. Гапда *нимагадир* олмоши равиш туркуми ўрнида қўлланган бўлиб, иш-ҳаракатнинг бажарилишидаги ноаниқ сабабни кўрсатади (*нимагадир учун маъюслик кўриниб туради? — нимагадир маъюслик кўриниб туради*).

**аллақандай** — гумон олмоши. Бу турга: *аллаким, алланарса, аллақачон, аллақайси, алланима, аллақаер, алланечук* каби олмошлар киради. Гумон оттенкасини бу олмошлар таркибидаги *алла*-элементи юзага чиқаради. Бундай гумон олмошлари нутқда от, сифат каби қўлланади. Мисолда сифат ўрнида қўлланган, шунинг учун сифат оладиган қандай? сўроғига жавоб бўлади. Гапда сифатловчи аниқловчи ҳисобланади (*қандай маъюслик?—аллақандай маъюслик*).

*Ўзинг ҳам бошингдан кечган барча оғир-енгил ишлар тўғрисида ҳеч кимга айтганинг йўқ-да. (Ш. Рашидов.)*

Контекстда иккита олмош бор: *ўз, ҳеч ким, барча*.

**ҳеч ким** — олмош, бўлишсизлик олмоши. Бўлишсизлик олмошлари предмет, ҳодиса, белгига нисбатан инкор маъносини билдиради. Улар иштирок этган гапларнинг кесими бўлишсиз формада бўлади. Бўлишсизлик олмошларида инкор маъносини *ҳеч* элементи юзага чиқаради. *ҳеч* элементининг айрим сўроқ олмошлари билан бирга қўлланиши бўлишсизлик олмошларини ҳосил қилади: *ҳеч нарса, ҳеч қандай, ҳеч қайси, ҳеч қачон, ҳеч нима* каби. Мисолда бўлишсизлик олмоши *ҳеч ким* от ўрнида қўлланган. Шунинг учун отнинг грамматик категориялари кўрсаткичларини қабул қила олади.

Жўналиш келишигида келган, кимга? сўроғига жавоб бўлади, воситали тўлдирувчи вазифасида келган (кимга айтганинг йўқ?—ҳеч кимга айтганинг йўқ.)

*Ойқиз йиғилганларнинг юзига тўғри қарар ва энди ҳеч қандай хижолат тортмасди. (Ш. Рашидов.)*

Контекстда битта олмош бор: *ҳеч қандай*. Бўлишсизлик олмоши. Предмет белгисига нисбатан инкорни англатаётир. Сифат туркуми ўрнида қўлланган. Қандай? сўроғига жавоб бўлади. Гапда сифатловчи аниқловчи бўлиб келган (*қандай хижолат?—ҳеч қандай хижолат*).

### Феъл туркуми таҳлили тартиби

1. Тури (мустақил ёки ёрдамчи феъл эканлиги).
2. Объектли ёки объектсизлиги (ўтимли ёки ўтимсизлиги).
3. Нисбати (даражаси).
4. Бўлишли-бўлишсизлиги.
5. Функционал форма ёки категориал форма эканлиги.
6. Шахс-сони.
7. Майли (майл кўрсатувчи воситалар айтилади).
8. Замони.
9. Гаптаги вазифаси.

### Феъл туркуми таҳлили намунаси

*Қийинчиликдан қўрққан одам ҳаётнинг роҳатини ҳам билмай ўтиб кетади. (С. Зуннунова.)*

Контекстда феълга қарашли тўртта сўз бор: *қўрққан, билмай, ўтиб, кетади*.

**қўрққан** — мустақил феъл, объектсиз феъл, чунки тушум келишигидаги сўз билан бирика олмайди; аниқ даража, чунки даража кўрсатувчи аффикс олмаган, бўлишли формада, функционал формада (тусланишсиз феъл), сифатдош (ўтган замон сифатдоши), -ган аффикси билан ясалган. Гапда ўзидан олдин келган сўз билан бирга бирикма ҳосил қилиб, эганинг аниқловчиси бўлиб келган. Қандай? сўроғига жавоб бўлади (*қандай одам?—қийинчиликдан қўрққан одам*);

**билмай** — мустақил феъл, объектли феъл, чунки тушум келишигидаги от билан бирика олади. Аниқ даража, бўлишсиз аспектда (-ма аффиксини олган). Функционал



форма (тусланишсиз феъл); -й аффикси билан ясалган равишдош. Гапда феъл кесимнинг белгисини ифодалаб равиш ҳоли вазифасида келган. Қ а н д а й? сўроғига жавоб бўлади (қ а н д а й ўтиб кетади?—билмай ўтиб кетади);

**Ўтиб кетади** — етакчи ва кўмакчи феълдан ҳосил бўлган аналитик форма: *ўтиб* — функционал форма: **-(и)б** аффикси ёрдамида ясалган равишдош; аналитик форманинг етакчи компоненти; *кет*—кўмакчи феъл, ҳаракатнинг бутунлай (*тўла-тўқис*) бажарилганини билдирувчи аналитик форма ҳосил қилади; *ўтиб кетади* аналитик формаси аниқ нисбатда, бўлишли, аниқлик майлида, ҳозирги-келаси замон формасида (келаси замонни ифодалайди), учинчи шахс, бирлик.

*Осмон узра пага-пага булутлар карвони сайр этади.*  
(*Ҳ. Фулом.*)

Контекстда битта феъл бор: *сайр этади*. Утимсиз феъл, аниқ даража, бўлишли феъл, аниқлик майли. Ҳозирги-келаси замон формасида (доимий замонни ифодалайди), учинчи шахс, бирлик. Гапда кесим вазифасида келган. Н и м а қ и л а д и? сўроғига жавоб бўлади (*булутлар карвони нима қилади?—булутлар карвони сайр этади*).

*Ўн беи ёида бир қиз  
Жигардан урди,  
Хаёл дарёсида  
Сузардим мафтун (С. Есенин.).*

Контекстда феълга тегишли иккита сўз бор: *урди, сузардим*.

**урди**— мустақил феъл, ўтимли, аниқ нисбат, бўлишли, категориал формада (тусланган). Ижро майлида, ўтган замон, учинчи шахс, бирликда. Гапда кесим вазифасида келган. Н и м а қ и л д и? сўроғига жавоб бўлади (*қиз нима қилди?—қиз урди*). Контекстда фразеологик бирлик составида келган, яъни *жигардан урмоқ* кўчган маънода, *севмоқ* маъносида ишлатилган. Яхлитлигича бир сўроққа жавоб бўлади (н и м а қ и л д и?—*жигардан урди*);

**сузардим** — мустақил феъл, ўтимсиз (объектсиз), аниқ даража, ижро майли, ўтган замон, биринчи шахс, бирлик. Н и м а қ и л а р д и м? сўроғига жавоб бўлади, кесим (*мен нима қилардим?—мен сузардим*).

*Яшанг оғайни, гап бундоқ бўлибди-да!—дея ёнидан стул кўрсатди.—Ҳозир бир шаҳар айлансак деб турган эдик. (М. Салом.)*

Контекстда бешта феъл бор: *бўлибди, дея, кўрсатди, айлансак, деб турган эдик*; *демоқ* феъли икки марта такрорланган (*дея, деб*).

**айлансак** — мустақил феъл, ўтимли феъл, аниқ даража, бўлишли, шарт майли, биринчи шахс, кўплик. Категориал формада. Гапда составли кесимнинг етакчи қисми бўлиб келган. Нима қилган эди? сўроғига жавоб бўлади (нима қилган эдик?—*айлансак деб турган эдик*);

**турган** — феъл, мустақил феъл, ўтимсиз феъл, аниқ даража, бўлишли, функционал (сифатдош) формада. Ёлғиз ҳолда нима қилган? сўроғига жавоб бўлади (нима қилган?—*турган*). Мисолда составли кесимнинг кўмакчи қисми бўлиб келган;

**эди** — тўлиқсиз феъл. Ўзидан олдинги феълга қўшилиб, ўтган замон, ижро майли, биринчи шахс, бирлик маъноларининг реаллашуви учун хизмат қилади.

*То мангулик уйқуда  
Янграб турсин ҳар нафас  
Майин, тиниқ осуда —  
«Сеникиман» деган сас. (С. Есенин.)*

Контекстда учта феъл бор: *янграб, турсин, деган*. Булардан икkitаси бирлашиб составли феъл ҳосил қилган (*янграб турмоқ*).

**янграб турсин** — етакчи ва кўмакчи феълдан ҳосил бўлган аналитик форма. Янграб функционал формада, -б орқали ясалган ўтган замон равишдоши, аналитик форманинг етакчи компоненти. *Турмоқ*—кўмакчи феъл, ҳаракатнинг давом этиб туришини билдирувчи аналитик форма ҳосил қилади. Аналитик феъл аниқ даража, бўлишли форма, буйруқ майли, учинчи шахс, бирликда. Гапда кесим бўлиб келган, нима қилсин? сўроғига жавоб бўлади (*сас нима қилсин?—сас янграб турсин*);

**деган** — мустақил феъл, бўлишли, ўтимли феъл, функционал форма. Сифатдош, -ган аффикси билан ясалган.

Гапда *сеникиман* сўзи билан биргаликда (уни бошқариб) сифатдош оборотини ташкил қилган. Биргалик-

да қандай? сўроғига жавоб бўлади ва гапнинг эгаси (сас)ни аниқлайди (қандай сас?—«сеникиман» деган сас).

### Равиш туркуми таҳлили тартиби

1. Маъносига кўра тури.
2. Даражаси.
3. Гаптаги вазифаси.

### Равиш туркуми таҳлили намунаси

*Ўктам этигини аскарча қунт билан тозалади, қайишини бўшатди, кейин кўрпачага ўтирди. (Ойбек.)*

Контекстда иккита равиш бор: *аскарча, кейин.*

**аскарча** — ҳолат равиши, бош даража. Қандай? сўроғига жавоб бўлади. Гапта *қунт билан* сўзини аниқлаб келган (қандай *қунт билан?*—*аскарча қунт билан*). Бирикма ҳолида кесимнинг белгисини ифодалаб, гапта ҳолни ташкил этади (қандай *тозалади?*—*аскарча қунт билан тозалади*);

**кейин** — пайт равиши, бош даража. Қачон? сўроғига жавоб бўлади. Гапнинг кесимида ифодаланган иш-ҳаракатнинг бажарилиш пайтини кўрсатиб, ҳол вазифасида келган (қачон *ўтирди?*—*кейин ўтирди*).

*Лола ҳалигача дом-дараксиз... (Ш. Рашидов.)*

Контекстда битта равиш бор: *ҳалигача*. Пайт равиши, иш-ҳаракатнинг бажарилиш пайтини кўрсатади. Бош даражада. Гапта пайт ҳоли бўлиб келган. Қачон? ёки қачонгача?, қачондан бери? сўроғига жавоб бўлади (қачонгача *дом-дараксиз?*—*ҳалигача дом-дараксиз*).

*Уй эгаси билан дўстона хайрлашдик. (С. Назар.)*

Контекстда битта равиш бор: *дўстона*. Ҳолат равиши, бош даражада, даража кўрсатувчи аффикс олмаган. Гапта феъл кесимдан англашилган ҳаракатнинг қандай ҳолатда бажарилганлигини ифодалаб, равиш ҳоли бўлиб келган. Қандай? сўроғига жавоб бўлади (қандай *хайрлашдик?*—*дўстона хайрлашдик*).

*Шерикларимиз анча илгарилаб кетган, биз бўлса арава атрофида жўрттага куймаланардик. (К. Симонов.)*

Контекстда битта равиш бор: *жўрттага*. Мақсад равиши, бош даража. Гапта феъл кесимда ифодаланган ҳаракатнинг қандай мақсад билан бажарилганлик бел-

гисини кўрсатяпти. Нима мақсадда? сўроғига жавоб бўлади (нима мақсадда *куймаланардик?*— *жўрттага куймаланардик*).

*Алишер кўрганларини йўл-йўлакай сўзлаб борди.* (Л. Батъ.)

Контекстда битта равиш бор: *йўл-йўлакай*. Ҳолат равиши. Гапда равиш ҳоли вазифасида келган. Қандай? сўроғини олади (қандай *сўзлаб борди?* — *йўл-йўлакай сўзлаб борди*).

*Улар жуда секин юришди.* (Ойбек.)

Контекстда битта равиш бор: *секин*. Ҳолат равиши, орттирма даража (*жуда* кучайтирувчи сўзи билан ҳосил қилинган). Гапда равиш ҳоли бўлиб келган. Қандай? сўроғига жавоб бўлади (қандай *юришди?*— *жуда секин юришди*).

## ЕРДАМЧИ СЎЗЛАР ТАҲЛИЛИ

### Модал сўзлар таҳлили тартиби

1. Маъносига кўра тури.
2. Гапдаги вазифаси.

### Модал сўзлар таҳлили намунаси

— *Топшириқни, албатта, бажариш лозим...* (Қ. Икромов.)

Контекстда битта модал сўз бор: *албатта*. Фикрнинг аниқлигини ифодалаш учун хизмат қиладиган модал сўзлар сирасига киради. Гапда бошқа сўзлар билан грамматик жиҳатдан алоқага киришмаган. Гапда ҳеч қандай сўроққа жавоб бўлмайди, кириш вазифасида келган.

— *Мен сизни айтаётганим йўқ...*— *Аброр Шукурович яна бир хўрсиниб қўйди.*— *Домла...* *Кўпни кўрган одам, балки тушунар...* (О. Ёқубов.)

Контекстда битта модал сўз бор: *балки*. Фикрнинг ноаниқлигини ифодаловчи модал сўзлар группасига киради. *Ҳоги, шекилли, чамаси* каби сўзлар ҳам шу группага тегишли. Гапда бошқа бўлақлар билан грамматик боғланмаган. Аммо нутқ оқимида пауза билан ажралиб турмайди. Шунинг учун ундан сўнг вергул ишлатилмайди. Уздан сўнг келган гапда ифодаланган фикрнинг гумонли эканлигини кўрсатиш учун қўлланилган. Гапда

кириш сўз вазифасида келган бўлиб, бирор сўроққа жавоб бўлмайди.

*Эҳтимол, у нотўғри айтгандир-у, шу сабабли сизга бу саволни беришга ҳаққим йўқдир... (Ю. Семенов.)*

Контекстда битта модал сўз бор: *эҳтимол*. Фикрнинг ноаниқ, гумонли эканлигини билдиради. Бу гуруҳга яна *балки* модал сўзи ҳам киради. Мисолда баён этилаётган фикрнинг (*У нотўғри айтгандир, шу сабабли бу саволни беришга ҳаққим йўқдир*) ноаниқлигини кўрсатяпти. Гапнинг бўлаклари билан грамматик алоқада эмас, кириш бўлак вазифасида, гап бўлакларидан вергул билан ажратилади.

*Ҳақиқатан, Ҳайдар танлаган мавзу... ниҳоятда қалтис муаммо. (О. Ёқубов.)*

Контекстда битта модал сўз бор: *ҳақиқатан*. Фикрнинг ростлиги ва фикрнинг аниқлигини ифодалаш учун хизмат қилувчи модал сўзлар гуруҳига киради. Бу группага яна *дарҳақиқат, ҳақиқатда, муҳаққақ* каби сўзлар ҳам тегишлидир. Мисолда *Ҳайдар танлаган мавзу... ниҳоятда қалтис муаммо* деган фикрнинг ростлигини кўрсатяпти. Бошқа бўлаклар билан грамматик алоқага киришмаган, алоҳида пауза билан айтилади. Шунинг учун гапнинг қолган бўлакларидан вергул билан ажратилади. Гапда кириш сўз вазифасида келган.

### Боғловчилар таҳлили тартиби

1. Қўлланишига кўра турн.
2. Гапдаги маъно ва вазифасига кўра турн.
3. Нималарни боғлаганлиги.

### Боғловчилар таҳлили намунаси

*Домла янгоқ ва какра босган сўқмоқ йўлдан бир-бир босиб орқага қайтди. (О. Ёқубов.)*

Контекстда битта боғловчи бор: *ва*. Якка қўллаувчи боғловчи. Гапдаги вазифасига кўра тенг боғловчи, чунки тенг ҳуқуқли компонентларни бириктириш учун ишлатилади. Тенг боғловчиларнинг бириктирувчи турига киради. Бу гуруҳга кирувчи ҳамда боғловчиси ҳам бор. Бириктирувчи боғловчилар гап бўлаклари ва қўшма гап таркибдаги компонентларни бир-биринга инсбатан тенг, бири иккинчисига тобеланмайдиган қилиб боғ-

лайди. Бу гапда сифатдошли бирикманинг иккита тенг компоненти (*янтоқ, какра*)ни *босган* сифатдошига илбатан ўзаро бириктириб келган: *янтоқ ва какра босган*. Мисолда *янтоқ* ва *какра* сўзлари бир-бирига дахли бўлмаган ҳолда, ўзинча *босган* сўзи билан биринка олади (*янтоқ босган, какра босган*) ва ҳар бири *босган* сўздан берилган нима? (*нима босган?*) сўроғига жавоб бўлиб, алоҳида бирикмани ташкил этади. Демак, тенг ҳуқуқли ҳисобланади.

*Чой ичиб ўтирган одамларнинг дилида қандайдир оғир ўйлар бор эди, аммо ҳеч ким оғиз очиб уришдан гапирмасди. (С. Аҳмад.)*

Контекстда битта боғловчи бор: *аммо*. Якка қўлланиувчи боғловчи. Тенг боғловчи. Тенг боғловчиларнинг зидловчи турига тегишли. Бу турда *лекин, бироқ* боғловчилари ҳам бор. Зидлов боғловчилар мазмунан бир-бирига зид бўлган тенг компонентларни боғлайди. Мисолда *аммо* боғловчиси икки содда гапда ифодаланган фикрни бир-бирига қарама-қарши қўйиш (тенг ҳуқуқли компонент сифатида боғлаш) учун хизмат қилган.

*Бу нимаси? Ботаётган қуёш нурининг ўйиними ёки биров ўқ уздими? (А. Удалов.)*

Контекстда бир боғловчи бор: *ёки*. Жуфт қўлланиувчи боғловчи. Якка ҳолда ҳам ишлатилади. Бу гапда ҳам якка ишлатилган. Тенг боғловчи, унинг айирувчи турига киради. *Ё, ёхуд, дам, гоҳ, баъзан, бир* каби боғловчилар ҳам компонентлардаги воқеаларнинг бирини бошқасидан ажратиб боғлайди. Бу гапда икки ҳодисадан бирининг — биринчиси ёки иккинчисининг — юз берганлиги ҳақида фикр юритилмоқда. *Ёки* боғловчиси бу қўшма гапда икки содда гапни боғлаган.

*Надоматлар бўлмайки, бу машъум хат бу сафар қалбаки эмас, рост чиқди. (О. Ёқубов.)*

Контекстда бир боғловчи ишлатилган: *-ким*. Қўлланишига кўра якка боғловчи. Гапдаги вазифасига кўра эргаштирувчи боғловчилар сирасига киради. Боғлаш хусусиятига кўра аниқлов боғловчисидир. Бу боғловчи *-ки, -ким* тарзида икки хил шаклда қўлланилади. Булардан охиригиси архаиклашув тенденциясига эга. *-ким* боғловчиси эргаш гапли қўшма гапларда эргаш гапни бош гап билан боғлаш учун ишлатилади. У ҳар доим бош гапнинг кесимига бирикиб келади.

*Бу ердан Очилнинг ёзаётган нарсаси унга кўринарди,*

шунинг учун *Очил чап елкасини буриб, ёзуларини тўсди.* (П. Қодиров.)

Контекстда бир боғловчи бор: *шунинг учун*. Якка қўлланувчи боғловчи. Эргаштирувчи боғловчилар группасига киради. Сабаб эргаш гапларни бош гап билан боғлайди.

*Шамол эса, серрайиб қолган дарахт шохларига тегар-тегмас, гўё бир нарса чақиб олгандек, дарҳол ўзини олиб қочарди.* (А. Удалов.)

Контекстда иккита боғловчи бор: *эса, гўё*.

*эса* — тенг боғловчилар сирасига киради. Бу боғловчи билан яқин маънода қўлланувчи *бўлса* боғловчиси ҳам бор;

*гўё* — якка қўлланувчи боғловчи. Эргаштирувчи боғловчиларнинг чоғиштирув боғловчилар турига киради. Унинг *гўёки* варианты ҳам бор. Бу боғловчи бош гапдаги фикрни эргаш гапдаги фикрга чоғиштиради, қиёслайди, солиштиради, ўхшатади. Бу мисолда *Шамол эса, дарҳол ўзини олиб қочади* компонентининг мазмуни *бир нарса чақиб олгандек* компонентининг мазмунига қиёсланапти, чоғиштириляпти. Демак, бунда *гўё* боғловчиси икки содда гапни боғлаш учун ишлатилган.

### Кўмакчи таҳлили тартиби

1. Келиб чиқиши ва лексик маъносини йўқотиш даражасига кўра тури (кўмакчими ёки кўмакчи отми эканлиги).

2. Келишикларни бошқаришига кўра тури.

### Кўмакчи таҳлили намунаси

*Умрдан ўтажак ҳар лаҳза учун  
Қудратли қўл билан қўйяйлик ҳайкал.*

(Ғ. Фулом.)

Контекстда иккита кўмакчи бор: *учун, билан*.

*учун* — соф кўмакчи. Лексик маънога эга эмас, фақат грамматик маъносигина бор. Бош келишикдаги от ёки олмош билан қўлланади ва сабаб маъносини ифодалайди.

*билан* кўмакчисининг характеристикаси ҳам *учун* кўмакчисига берилган характеристикага ўхшаш. Фақат

билан сабаб эмас, восита маъносини англатади, у бош-  
қарган бўлак ганда тўлдирувчи бўлиб келади.

*Йигирма минут қадар вақт ўтгандан сўнг энгил таъзим билан Гуландом кириб келди. (Ойбек.)*

Контекстда учта кўмакчи бор: *қадар, сўнг, билан.*

*сўнг* — кўмакчи маъносида қўлланувчи равишдан кўмакчига ўтган. Чикши келишигидаги сўзга бирикади. Бу группа кўмакчилар қаторига *бери, бўлак, ўзга, кейин, ташқари, бошқа, нари, бурун* каби сўзлар киради. Мисолда *сўнг* иш-ҳаракатнинг бажарилиши билан боғлиқ бўлган вақт муносабатини билдириб келяпти. У бошқарган сўз қачон? сўроғига жавоб бўлади (қачон кириб келди?—*йигирма минут қадар вақт ўтгандан сўнг кириб келди*).

Контекстдаги *билан, қадар* сўзларига ўхшаш кўмакчиларнинг таҳлили юқорида берилди.

*Музыка садоси остида қадамлар илдамлайди. (Ҳ. Назир.)*

Контекстда битта кўмакчи бор: *остида*. Кўмакчи от. Лексик маъноси сақланган. *остида* кўмакчи оти вертикал (тик) йўналишни билдиради. Бу тур кўмакчиларга *таг, уст* сўзлари ҳам киради. *ост* жўналиш, ўрин-пайт, чиқиш келишиклари аффиксларини олиб, кўмакчи вази-фасида ишлатилади. Мисолда у ўрин келишигида келиб, иш-ҳаракатнинг музыка садоларига мос бажарилаётганлиги муносабатини англатаётир.

*Саврининг кўз олдида ҳали кетмон тегмаган, омоч кирмаган қўриқ ётарди. (И. Раҳим.)*

Контекстда битта кўмакчи ишлатилган: *олдида*. Кўмакчи от. Лексик маъноси йўқолмаган. Бу кўмакчи от горизонтал (ёттиқ, бўйлама) йўналишни билдиради. *орқа, ён, ич* кўмакчи отлари ҳам *олд* билан бир группага киради. Қўлланганда жўналиш, ўрин-пайт, чиқиш келишикларидан бирининг қўшимчасини олади. Бу гапда ўрин-пайт келишигида келган. Иш-ҳаракатнинг кўз олдида юз берганлиги муносабатини ифодалаяпти. У бириккан сўз қачон? сўроғини олиб, ўрин ҳоли вази-фасида келган (қачон ётарди?—*Саврининг кўз олдида ётарди*).

*Яхши зеҳн солган киши бу куй орасида қишлоқ радиосидан таралаётган музиканинг оҳиста, майин оҳанги етиб келаётганини пайқай оларди. (Ҳ. Назир.)*

Контекстда битта кўмакчи бор: *орасида*. Кўмакчи от. Лексик маъноси маълум даражада сақланган. Гапда



кўмакчилардек от ва олмошнинг маълум бир гап бўлагин бўлиб келишида кўмаклашади. Бу кўмакчи от ҳам вертикал, ҳам горизонтал йўналиш билдирувчи (*ўрта, бош* каби) кўмакчи отлар қаторига киради. *ора* жўналиш, *ўрин-пайт*, чиқиш келишиклари билан қўлланилади. Мисолда у *ўрин-пайт* келишигида келган. *Орасида* кўмакчи оти бу гапда иш-ҳаракатнинг *куй орасида* бажарилаётганлигини англатаётир. Бу кўмакчи билан қўлланган сўз (*куй орасида*) гапда тўлдирувчи бўлиб келган (н и м а *орасида* етиб келаётганини?—*куй орасида* етиб келаётганини).

### Юклама таҳлили тартиби

1. Маъносига кўра тури.
2. Тузилишига кўра тури.
3. Гапга қандай модал маъно қўшганлиги.

### Юклама таҳлили намунаси

*Ўшанда ҳам иморат холос-да, бошқа ҳеч нарса йўқ.*  
(А. Қаҳҳор.)

Контекстда иккита юклама бор: *ҳам, -да*.

*ҳам* — таъкид ва кучайтирув юкламаси, *ўшанда* олмошнинг маъносини таъкидлаб келяпти.

*-да* — таъкид ва кучайтирув юкламаси. Бу группага *-у(ю), -ку, -оқ (-ёқ), ҳатто, ҳаттоки, ахир, ҳам* юкламалари киради. Тузилишига кўра аффикс юклама. Аффикс юкламалар сирасида *-ми, -чи, -а(-я), -гина(-кина, -қина)* каби юкламалар бор. Гапда айтилган (*ўшанда ҳам иморат холос*) фикрни таъкидлаш учун қўлланган.

*Гулдор палос,*

*Ёғоч каравот,*

*Ҳатто пўчоқ ташлашга пақир.*

*Ҳамма нарса жойида;*

*Фақат...*

*Фақат бунда йўқ экан тандир.* (Э. Воҳидов.)

Контекстда иккита юклама бор: *ҳатто, фақат*.

*ҳатто* — таъкид ва кучайтирув юкламаси. Тузилишига кўра сўз юклама. Мисолда айтилаётган фикрни кучайтириш учун ишлатилган. Ундан сўнг келган бўлак-

лар кўмакчидан олдин келган қисмдаги фикрни қувватлаш, уни кучайтириш учун хизмат қилаётир.

**фақат** — айирув ва чегаралов юкламаси. Бу турга **-гина (-кина, -қина)** юкламаси ҳам киради. Тузилишига кўра сўз юклама. Мисолда ўзидан кейин келган гапда инфодаланган (*бунда йўқ экан тандир*) фикрни ажратиб, чегаралаб кўрсатиш оттенкасини бериш учун қўлланган.

*Ёвқур Спартакка бурайми ё юз...  
Ёраб, Икар зотин борму ҳудуди? (А. Орипов.)*

Контекстда битта юклама бор: **-ми(-му)**. Сўроқ юкламаси, сўроқ ва таажжуб юкламалари сирасига тегишли. Бу гуруҳга **-чи, -а(-я)**, *наҳот, наҳотки*, юкламалари ҳам киради. Тузилиши жиҳатидан аффикс юкламадир. Мисолда риторик сўроқни юзага чиқариш учун ишлатилган.

*Наҳотки еримиз  
Чаппа айланиб,  
Наҳотки дарёлар  
Оқар тескари,  
Наҳотки одамлар  
Кезар дарбадар... (Ғ. Фулом.)*

Контекстда битта юклама бор: *наҳотки*. Таажжуб юкламаси. Сўроқ ва таажжуб юкламалари сирасига киради. Сўз-юклама. Контекстда уч марта такрорланган бўлиб, ажабланиш, ҳайратланиш оттенкаси (жилоси)ни юзага чиқариш учун хизмат қилган.

*Нариги қатордаги станокларда ишлаётган наст бўйли қотмагина қиз уни кузатиб турарди. (Мирмуҳсин.)*

Контекстда бир юклама ишлатилган: **-гина**. Юкламанинг айирув ва чегаралов группасига мансуб. **-гина** юкламаси тузилишига кўра аффикс-юкламадир, унинг **-кина, -қина** вариантлари ҳам учрайди. Мисолда қизнинг қотмалигини ажратиб кўрсатиш учун ишлатилган.

*Ун етти ёш:  
— Мен учун у фақатгина  
Қуёш бўлиб кўринар. (Ғ. Нуруллаева.)*

Контекстда бир мураккаб юклама бор: *фақатгина*. Айирув ва чегаралов юкламаси. Мисолда бир турдаги икки юклама бириккан ҳолда ишлатилган: *фақат* сўз юкламасига **-гина** аффикс юкламаси қўшилиб келган.

Улар биргаликда гапда ифодаланган фикрнинг ажратиб, чегаралаб кўрсатаётир. Кейинги юклама ажратиш жи-лосини кучайтириш мақсадида қўлланган.

*Жабрда масала қўи муаммодир,  
Худди шунда бир улуг қурилиш жодир.*  
(*Ғ. Ғулом.*)

Контекстда битта юклама бор: *худди*. Аниқлов юкла-маси. Тузилиши жиҳатидан сўз юклама. Мисолимизда *худди* юкласи биринчи гапдаги фикр иккинчи гапдаги фикрнинг юзага чиқиши учун асос эканлигини аниқлаб кўрсатиш мақсадида ишлатилган.

### Ундов таҳлили тартиби

1. Маъносига кўра тури.
2. Тузилишига кўра тури.
3. Гапдаги вазифаси.

### Ундов таҳлили намунаси

*Оҳ, қандай қиламан!? Бормай десам севгилим Тош-кентга кетиб қолар экан... Уҳ! Жуда қийин ҳолда қол-дим-да. (Ҳамза.)*

Контекстда иккита ундов бор: *оҳ, уҳ*.

*оҳ* — эмоционал ундовлар группасига киради. Бу группага *эҳ, вай, воҳ, уф, дод* каби ундовлар ҳам кира-ди. Тузилиши жиҳатидан содда ундовдир. *оҳ* ундови ночорлик, қайғу туйғусини ифодалаш учун ишлатилган. Гапдаги бошқа сўзлар билан грамматик алоқага ки-ришмаган.

*уҳ* ундовининг аниқланган маъноси ҳам худди *оҳ* ун-дови билдирган маънога ўхшаш. У ҳам содда ундов. Мисолда *уҳ* ундови оғир аҳволга тушиб қолиш туфайли юз берган чарчаш туйғусини ифодалаётир. Бошқа бў-лаклар билан грамматик алоқага киришмаган.

*Эй Ҳабибий, чиқмагил зинҳор адаб қонунидан,  
Пок адаб, оташнафас, доно суҳандонлар ётур.*

(*Ҳабибий.*)

Контекстда бир ундов бор: *эй*. Императив ундовлар группасига мансуб. Бу группада *ҳой, ой, алло, тсс, марш, жим* сингари ундовлар бор. Тузилишига кўра содда ундов. Мисолда *эй* ундови вокатив характерда бў-

либ, фикр қаратилган шахс (*Ҳабибий*) диққатини айтилган фикрга тортиш учун ишлатилган. Гапда бирор сўроққа жавоб бўлмайди, гап бўлаги саналмайди.

*Оҳ-оҳ-оҳ! Раҳмат, дўстим, раҳмат!— деди Улмас Хунгелернинг елкасига қўлини қўйиб. (Ё. Шукуров.)*

Контекстда иккита ундов бор: *оҳ-оҳ-оҳ, раҳмат.*

**Оҳ-оҳ-оҳ** — эмоционал ундов. Тузилишига кўра составли ундов. Бу турнинг такрорий ундов группасига киради. Товуш состави бир бўлган ундовларнинг бирдан ортиқ ишлатилиши такрорий ундовларни ҳосил қилади: *бай-бай-бай, ҳай-ҳай-ҳай-ҳай, ўҳ-ўҳ-ўҳ* каби. Мисолда *оҳ-оҳ-оҳ* ундови мамнунлик туйғусини ифодалаш учун хизмат қилади.

**раҳмат** — урф-одат ундовлари группасига мансуб, *Марҳамат, марҳабо, салом, ассалом, баракалло, ташаккур, офарин* каби сўзлар ҳам шу тур ундовларга мисол бўла олади. Мазкур сўзлар сўзловчиннинг турли-туман ички туйғуларини ифодалайди. Тузилиши жиҳатидан *раҳмат* ундови содда ундовлар сирасига киради. Мисолда у сўзловчиннинг минпатдорчилик туйғусини ифодалаган, шу билан бирга бир ўзи вокатив гап ҳисобланади (такрорланган вокатив гап).

### Тақлид сўз таҳлили намунаси

1. Нимага тақлид қилинишига кўра тури.
2. Тузилишига кўра тури.
3. Гапдаги вазифаси.

### Тақлид сўз таҳлили намунаси

*Совуқ хонам, соат чиқ-чиқи,  
Ташқарида хазонрез боғлар,  
Ёмғирнинг жим нолиш қилиши... (А. Орипов.)*

Контекстда битта тақлид сўз бор: *чиқ-чиқ*. Товушга тақлид сўз. Қаттиқ жисмлардан чиқадиган товушга тақлид қилиш йўли билан ҳосил бўлган. Тузилишига кўра жуфт тақлид сўз. Компонентлари ўзгарнишга учрамаган, бир хил товушларни ифодалайди. Мисолда отлашиб, учинчи шахс, бирлик эгалик аффиксини олган (*соатнинг чиқ-чиқи*), соат сўзи билан биргаликда номинатив гапни ташкил этади.

*Ҳалиги овоз чиққан томонда бирпас ивир-шивир бўлди-да, тинди. (Ҳ. Нуъмон, А. Шораҳмедов.)*

Контекстда битта тақлид сўз бор: *ивир-шивир*. Товушга тақлид сўз. Инсон товушига тақлид асосида келиб чиққан. Тузлишига кўра жуфт, иккита компонентга бир товуш (**ш**) қўшини билан такрорланган. Ҳар хил товушларини ифодалайди. Гапда эга вазифасида келган, н и м а? сўроғига жавоб бўлади (н и м а бўлди?— *ивир-шивир* бўлди. н и м а тинди?— *ивир-шивир* тинди).

*Ҳовлида югур-югур бошланди, шивир-шивир овозлар эшитилар, эшиклар шарақ-шуруқ очилиб-ёпилар эди. (О. Ёқубов.)*

Контекстда иккита тақлид сўз бор: *шивир-шивир, шарақ-шуруқ*.

**шивир-шивир** — товушга тақлид сўз, инсон товушига тақлид асосида ҳосил бўлган. Тузлишига кўра жуфт тақлид сўз. Компонентлари ҳеч ўзгаришсиз такрорланган, бир хил товушларнинг такрорланганлигини ифодалайди. Гапда аниқловчи вазифасида келиб, қ а н д а й? сўроғини олади (қ а н д а й овозлар?—*шивир-шивир* овозлар).

**шарақ-шуруқ** — товушга тақлид сўз. Қаттиқ жисмларнинг бир-бирига урилишидан чиқадиган товушга тақлид асосида яратилган. Тузлишига кўра жуфт, иккинчи компоненти товуш ўзгаришига учраган. Шунга кўра ҳар хил овозларни ифодалайди. Гапда феъл кесим (*очилиб-ёпилар эди*)дан берилган қ а н д а й? сўроғини олиб равиш ҳоли вазифасида келган (қ а н д а й очилиб-ёпилар эди?—*шарақ-шуруқ* очилиб-ёпилар эди).

*Чой қоғозини бурдалаб ташлагандек ой тангалари сув бетида милт-милт оқади. (С. Аҳмад.)* Гапда битта тақлид сўз бор: *милт-милт*. Образга тақлид сўз (шуъла — нурнинг кўринишига тақлид қилинган). Тузлиши жиҳатидан жуфт тақлид сўз. Компонентлари ҳеч ўзгаришсиз такрорланган, бир хил образнинг такрорланганлигини ифодалайди. Мисолда феъл кесим (*оқади*)дан берилган қ а н д а й? сўроғига жавоб бўлади ва равиш ҳоли ҳисобланади (қ а н д а й оқади?— *милт-милт* оқади).

*Эшик ланг очик, лекин уйда ҳеч ким кўринмас эди. (К. Симонов.)*

Контекстда битта тақлид сўз бор: *ланг*. Образга тақлид сўз. Тузлишига кўра содда тақлид сўзлар группа-

сига киради. Гапда аниқловчи вазифасида келган. Қандай? сўроғига жавоб бўлади (қандай очик?— ланг очик).

## СИНТАКТИК ТАҲЛИЛ

Синтаксисни ўрганишда, грамматик қонун-қоидаларни изчил ўзлаштиришда амалий характердаги синтактик таҳлил беқиёс аҳамиятга моликдир. Конкрет тил фактлари мисолида тилнинг грамматик қурилиши ва унинг назарий-амалий асосларини эгаллашда синтактик таҳлил, айниқса, зарурдир. Синтактик таҳлил лекцияда ўтилиб, мушоҳада қилинган назарий билимларни амалий ўзлаштириш, яхшироқ идрок қилиш малакаларини ҳосил қилади ва уни мустаҳкамлайди.

Таҳлил ўтказишда системалилик ва изчилликка риоя қилиш лозим. Синтаксиснинг йирик темалари ва бўлимлари ўтиб бўлиниб, амалий машғулотларда, маълум даражада, шу тема ва бўлимларга оид назарий грамматик маълумотлар мустаҳкамланиб бориб, зарурий малака ва билим тасаввур ҳосил қилинганча, таҳлил ўтказилиши мақсадга мувофиқдир.

Шуни таъкидлаш лозимки, синтаксиснинг йирик темалари ва қисмлари бўйича бирданига тўлиқ таҳлил ўтказиш қийин. Таҳлилда тадрижийлик ва системалиликка риоя қилиш талаб этилади. Масалан, гап бўлаклари ўтилгандан сўнг бош ва иккинчи даражали бўлаklar бўйича грамматик таҳлил ўтказиш мумкин, аммо бундай таҳлил тўлиқ характерга эга бўлмайди. Гап бўлакларига бевосита алоқадор бўлган масалалар, жумладан, гап бўлаklarнинг уюлиши, ажратилиши, тартиби, синтактик вазифа бажармайдиган элементлар ҳам грамматикада муҳим аҳамиятга эгадир. Ана шу масалалар ўрганилганча, гап бўлаклари бўйича грамматик таҳлил ўтказилиши мумкин. Бундай таҳлил тўлиқ ва атрофлича бўлиб саналади.

Ўзбек тили синтаксисида қуйидаги темалар бўйича таҳлил ўтказиш тавсия этилади:

1. Сўз бирикмаси бўйича.
2. Содда гап бўйича.
3. Бир составли содда гап бўйича.
4. Гап бўлаклари бўйича.
5. Қўшма гап бўйича: а) боғланган қўшма гап бўйича; б) боғловчисиз қўшма гап бўйича; в) эргаш гапли қўшма гап бўйича; г) мураккаб период бўйича.

## 6. Ўзга гапли қўшма гап бўйича.

Таҳлил дастлаб дарс жараёнида аудиторияда ўтказилиб, студентларда маълум малакалар ҳосил қилинади. Таҳлил ўтказиш методикаси, принциплари ҳақида студентларда зарурий тушунчалар ва амалий кўникмалар ҳосил қилинганча, уй вазифаси ва аудиториядан ташқариги мустақил машғулотларда таҳлилга катта эътибор бериш яхши самара беради. Чунки таҳлил студентларнинг билиш қобилиятларини активлаштиришга, тафаккур доираси ва пуктини ўстиришга ёрдам беради, ижодий активлигини кучайтиради. Таҳлил студентларни мустақил ишлашга, тил фактлари ҳақида ўйлашга ва чуқурроқ мушоҳада қилишга, фикр юритишга, муҳокама қилишга, қиёслаш орқали тил фактларининг ўхшаш ва ноўхшаш томонларини ажрата билишга, хулосалар чиқара олишга даъват этади. Тил фактларини кузатиш ва таҳлил қилиш грамматикани амалий жиҳатдангина эмас, назарий жиҳатдан ҳам янада чуқурроқ ўзлаштиришга ёрдам беради.

## Сўз бирикмаси таҳлили тартиби

1. Гапни сўз бирикмаси ва синтагмаларга ажратиш. Сўз бирикмасининг синтагма ва гап (предикатив асос)-дан фарқини изоҳлаш.

2. Ҳоким ва тобе сўзлар, уларнинг ифодаланиши ва морфологик кўриниши, сўроғи, тартиби.

3. Сўз бирикмаси компонентларининг ўзаро синтактик алоқаси (тенгланиш ва тобеланиш), компонентлар орасидаги алоқанинг характери (очиқ конструкция ва ёпиқ боғланиш).

4. Ҳоким сўзнинг қайси сўз туркумига мансублигига кўра бирикма типлари: отли бирикма (от термини кенг маънода), феълли бирикма, равишли бирикма.

5. Сўз бирикмаси компонентлари орасидаги синтактик муносабатларнинг характери:

а) атрибутив (аниқловчили) бирикма, аниқловчининг характериға кўра бирикма типлари: қаратқич-аниқловчили (белгили ва белгисиз), сифатловчи-аниқловчили сўз бирикмалари. Сифатловчи-аниқловчили бирикмаларнинг материал кўриниши — тобе сўзға кўра: а) отли бирикма; б) сифатли бирикма; в) олмошли бирикма; г) сонли бирикма; д) сифатдошли бирикма;

б) объектли (тўлдирувчи) бирикма, материал кўриниши, воситали тўлдирувчи ва воситасиз тўлдирувчи бирикма, кўмакчили ва кўмакчисиз бирикма;

в) релятив (ҳолли) бирикма, материал кўриниши.

6. Сўз бирикмаси компонентларини боғловчи воситалар (сўз формалари, ёрдамчи сўзлар, сўз тартиби, интонация).

7. Сўз бирикмаси компонентлари орасидаги боғланиш турлари: а) мослашув (сўз бирикмасининг мослашуви, эга кесимнинг мослашуви, эга кесимнинг баъзан сонда мослашмаслиги), қаратқич билан қаралмишнинг мослашуви (баъзан сонда мослашмаслиги), морфологик таркиби;

б) бошқарув, бошқарувчи ва бошқарилувчи сўзлар, ҳоким сўзнинг қайси туркум билан ифодаланишига кўра турлари (фёъл бошқаруви, от бошқаруви, сифат бошқаруви, сон бошқаруви, равиш бошқаруви, модал сўзлар бошқаруви), тобе сўзнинг грамматик шаклига кўра (келишикли бошқарув, кўмакчили бошқарув);

в) битишув, тобе ва ҳоким сўзнинг ифода материалли (от+от, олмош+от, сифат+от, сифатдош+от), от ва фёълнинг ҳоким сўз бўлиб келиши, тобе сўзнинг грамматик формага эга бўлмаслиги, синтактик боғланишнинг ифодаланиши (мазмун, тартиб, интонация).

8. Сўз бирикмасининг тузилиши (сонда ёки мураккаб бирикманинг компонентлари).

9. Сўз бирикмасининг маъноси.

### Сўз бирикмаси таҳлили намунаси

**радиодан гапирмоқ:** гапирмоқ — ҳоким сўз, фёълнинг ҳаракат номи формаси билан ифодаланган; *радиодан* — тобе сўз, чиқиш келишигидаги от билан ифодаланган, от+фёъл, сўроғи — н и м а л а н гапирмоқ?, тартиби оддий — тобе сўз олдин, ҳоким сўз ундан кейин келган.

сўз бирикмаси компонентлари орасидаги синтактик алоқа — тобеланиш;

фёълли бирикма, ҳоким сўз фёъл туркумига мансуб; объектли бирикма, воситали тўлдирувчи, кўмакчисиз бирикма;


бирикма компонентлари сўз формаси — чиқиш келишиги формаси билан ўзаро боғланган;

бошқарув, *гапирмоқ* бошқарувчи, *радиодан* бошқарилувчи, фёъл бошқаруви, келишикли бошқарув;



сода бирикма;

тобе сўз ҳаракат (*гапирмоқ*) бажариладиган объект-ни билдиради. Бирикма ҳаракат ва шу ҳаракат амалга ошириладиган объект (*радио*) маъносини англатади. Схемаси қуйидагича:



**катта бино:** *бино* — ҳоким сўз, от билан ифодаланган; *катта* — тобе сўз, сифат билан ифодаланган; сифат+от, сўроғи — қ а н д а й?, тартиби оддий—тобе сўз ҳоким сўздан олдин келган.

тобеланиш;

отли бирикма, ҳоким сўз — от;


атрибутив (аниқловчили) бирикма, сифатловчи-аниқловчили бирикма, сифатли бирикма (сифат+от);

бирикма компонентлари сўз тартиби орқали боғланган;

битишув, тобе ва ҳоким сўзлар ҳеч қандай грамматик белгиларга эга эмас;

сода бирикма;

тобе сўз белги-ҳажм билдиради. Бирикма предмет (*бино*) ва унинг белгисини (*катта*) англатади. Схемаси қуйидагича:



**бизнинг вазифамиз:** *вазифамиз* — ҳоким сўз, от билан ифодаланган, I шахс кўпликдаги эгалик формасини қабул қилган; *бизнинг* — тобе сўз, кишилик олмоши билан ифодаланган, қаратқич келишигида; олмош+от, сўроғи — к и м н и н г?, тартиби оддий — тобе сўз олдин, ҳоким сўз кейин келган,

Сўз бирикмаси компонентлари орасидаги синтактик алоқа — тобеланиш;

отли бирикма, ҳоким сўз от туркумига мансуб;


атрибутив (аниқловчили) бирикма, қаратқич-аниқловчили, белгили (-нинг мавжуд) қаратқич-аниқловчили;

бирикма компонентлари сўз формаси билан боғланган. Ҳоким сўз (*вазифамиз*) талабига кўра тобе сўз қаратқич келишиги формаси (-нинг)ни қабул этган;

мослашув, қаратқич-қаралмиш мослашуви, шахс (I шахс) ва сон (кўплик)да мослашган;

содда бирикма;

тобе сўз қарашлилиқ, тегишлилик билдиради. Бирикма предмет (*вазифа*) ва унинг ким (*биз*)га тегишли, қарашли эканлигини англатади. Схемаси қуйидагича:



**почта орқали жўнатмоқ:** жўнатмоқ — ҳоким сўз, феълнинг инфинитив формаси билан ифодаланган, **почта орқали** — тобе сўз, от ва функционал кўмакчи билан ифодаланган, сўроғи — қ а н д а й?, эркин тартиб — тобе сўз олдин, ҳоким сўз кейин келган;

сўз бирикмаси компонентлари орасидаги синтактик алоқа — тобеланиш;

феълли бирикма, ҳоким сўз — феъл туркумига мансуб;


объектли (тўлдирувчили) бирикма, воситали тўлдирувчили, кўмакчили тўлдирувчили бирикма; от + кўмакчи + феъл;

ёрдамчи сўз билан боғланган. Тобе сўз ҳоким сўзга **орқали** кўмакчиси билан боғланган;

бошқарув, **почта орқали** — бошқарилувчи, **жўнатмоқ** — бошқарувчи, феъл бошқаруви, кўмакчили бошқарув;

содда бирикма;

тобе сўз восита бўлган предмет, сўз бирикмаси ҳаракат ва унинг бажарилишида восита бўлган предмет маъносини билдиради. Схемаси қуйидагича:



*Эрта билан Навоийнинг чодирдан бошқа ҳамма чодирлар йиғиштирилган эди. (Ойбек.)*

Сўз бирикмалари: *эрта билан йиғиштирилган эди; ҳамма чодирлар; бошқа чодирлар; Навоийнинг чодир; Навоийнинг чодирдан бошқа.*

**Чодирлар йиғиштирилган эди** — предикатив бирлик.

Синтагмалар: *эрта билан; Навоийнинг чодирдан бошқа; ҳамма чодирлар йиғиштирилган эди.*

Сўз бирикмалари ва синтагмаларнинг фарқи қисқача баён қилинади.

**чодирлар йиғиштирилган эди** — предикатив бирлик, гапнинг предикатив асоси, ҳукм ифодаланган, эга ва кесимдан иборат, модаллик (ҳаракатнинг бажарилганлигини тасдиқлаш), замон (ҳаракат вақт жиҳатидан анча илгари бажарилган), шахс (III шахс) категорияларига эга, шунинг учун сўз бирикмаси ҳисобланмайди. Эга ва кесим шахсда мослашган, лекин сонда мослашмаган (эга — кўпликда, кесим — бирликда).

**эрта билан йиғиштирилган эди** — йиғиштирилган эди — ҳоким сўз, феъл (асосий ва тўлиқсиз феъл билан ифодаланган, *эрта билан* — тобе сўз, пайт равиши (равиш ва кўмакчи сўз) билан ифодаланган, равиш + кўмакчи + асосий ва тўлиқсиз феъл, сўроғи — қ а ч о н?, эркин тартиб — ҳоким сўз олдин, тобе сўз кейин келган;

грамматик муносабат — тобеланмиш;

феълли бирикма, ҳоким сўз — феъл туркумига мансуб;

релятив бирикма;

ёрдамчи сўз (*билан* кўмакчиси) орқали тобе сўз ҳоким сўзга боғланган;

бошқарув, *эрта билан* — бошқарилувчи, *йиғиштирилган эди* — бошқарувчи, феъл бошқарувчи, кўмакчили бошқарув;

содда бирикма;

тобе сўз пайт, вақт билдиради. Бирикма ҳаракат ва унинг бажарилиш пайтини англатади. Схемаси қуйидагича:

## Бошқарув

қачон?

эрта билан йиғиштирилган эди

бошқарилувчи бошқарувчи

**бошқа чодирлар:** чодирлар — ҳоким сўз, от билан ифодаланган, *бошқа* — тобе сўз, сифат билан ифодаланган: сифат+от, сўроғи — қ а й с и?, эркин тартиб — тобе сўз олдин, ҳоким сўз кейин келган;

грамматик муносабат — тобеланиш;

отли бирикма, ҳоким сўз — от;

атрибутив бирикма, сифатловчи аниқловчи бирикма, сифатли бирикма (сифат+от), тобе сўз ҳоким сўзга сўз тартиби билан боғланган;

битишув, сифат ва от туркумига мансуб сўзлар синтактик алоқага киришган, ҳеч бир грамматик қўшимчаларга эга эмас, синтактик боғланиш тартиб орқали ифодаланган;

содда бирикма;

тобе сўз тўдадан ажратил, таъкидлаш маъносини билдиради; бирикма бир предметни бир тўда предметлардан ажратиб кўрсатиш, таъкидлаш маъносини англатади. Схемаси қуйидагича:

битишувъ

қайси?

бошқа чодирлар

эргашувчи эргаштирувчи

ҳамма чодирлар, Навоийнинг чодир бирикмалари ҳам юқоридаги битишув ва мослашув муносабатида бўлган бирикма намуналари асосида таҳлил этилади.

**Навоийнинг чодирдан бошқа:** бошқа — ҳоким сўз, сифат билан ифодаланган, *Навоийнинг чодирдан* — тобе компонент, от билан ифодаланган, бошқарилувчи қиқил келиши ва III шахс эгаллик қўшимчасини олган, от+от+сифат, сўроғи — н и м а д а н?, тартиби оддий — тобе сўз олдин, ҳоким сўз кейин келган;


грамматик муносабат — тобеланиш;  
 отли бирикма, ҳоким сўз — сифат;  
 объектли бирикма, воситали тўлдирувчи, келишкли,  
 кўмакчисиз бирикма;

сўз формаси билан боғланган. Тобе сўз ҳоким сўзга  
 чиқиш келишиги (-дан) формаси билан боғланган;

бошқарув, *Навоийнинг чодиридан* — бошқарилувчи,  
*бошқа* — бошқарувчи, от (сифат) бошқаруви, келишкли  
 бошқарув;

мураккаб бирикма, тобе компонент мураккабланишган,  
*Навоийнинг чодир* (*Навоийнинг* тобе сўз, *чодир* ҳо-  
 ким сўз);

тобе сўзлар предметнинг (Навоийга) мансублигини,  
 хослигини билдирган. Бирикма бир предмети шу тур-  
 кумдаги бошқа предметлардан ажратиш маъносини бил-  
 дирган. Схемаси қуйидагича:



*Мош ранг духоба дўппили, тўққиз-ўн яшар чиройлик-  
 кина бола* — болаларнинг энг каттаси эди. (Ойбек.)

*мош ранг духоба дўппили* — 1- синтагма, *тўққиз-ўн  
 яшар чиройликкина бола* — 2- синтагма, *болаларнинг  
 энг каттаси эди* — 3- синтагма; *мош ранг, духоба дўп-  
 пили, тўққиз-ўн яшар, чиройликкина бола, тўққиз-ўн  
 яшар бола, болаларнинг энг каттаси* — сўз бирикма-  
 лари.

**духоба дўппили:** дўппили — ҳоким сўз, от билан ифо-  
 даланган; *духоба* — тобе сўз, от билан ифодалан-  
 ган: от+от, сўроғи — қ а н д а й? (*дўппили*), эркин тар-  
 тиб;

тобеланиш алоқаси, биринчи компонент иккинчи ком-  
 понентга тобе, ёпиқ боғланиш, ҳоким-тобелик мавжуд,  
 компонентлар мазмунан бир-бирига боғлиқ;

отли бирикма, ҳоким сўз — от;


атрибутив (аниқловчи) бирикма, сифатловчи аниқ-  
 ловчи бирикма, отли бирикма — тобе сўз от туркуми-  
 га мансуб.

Бирикма компонентлари мазмун ёрдамида боғланган

(*дўппили духоба* дейиш мумкин эмас, *дўппилик духоба* дейиш мумкин, мазмуни ўзгаради);

битишув, тобе сўз ҳеч қандай грамматик форма қабул қилмаган, мазмун орқали ҳоким сўзга боғланган; содда бирикма;

тобе сўз материал, ҳоким сўз предмет билдирган, бирикма (*духоба*) материалдан тайёрланган буюмни (*дўппили*) билдирган. Схемаси қуйидагича:



**тўққиз-ўн яшар: яшар** — ҳоким сўз, от билан ифодаланган, *тўққиз-ўн* тобе сўз, сон (жуфт сон) билан ифодаланган: сон+от, сўроғи — неча? (*яшар*), эркин тартиб;

тобеланиш алоқаси, ҳоким-тобелик мавжуд, ёпиқ боғланиш; тобе компонент икки — жуфт сўз, улар орасидаги синтактик алоқа — тенг боғланиш, очиқ конструкция, ҳоким-тобелик йўқ;

отли бирикма, ҳоким сўз — от;


атрибутив бирикма, сифатловчи аниқловчили, тобе сўз сон — сонли бирикма;

компонентлар мазмун орқали бириккан (*яшар тўққиз-ўн* дейиш мумкин эмас, *ёши тўққиз-ўнда* дейиш мумкин, лекин бу сўз бирикмаси эмас, предикатив бирлик бўлади);

битишув, тобе сўз бош формада, синтактик боғланишга мазмун асос бўлган;

содда бирикма;

тобе сўз миқдор, ҳоким сўз предмет (хусусият) билдирган, бирикма хусусият ва унинг миқдорий белгисини билдирган. Схемаси қуйидагича:





**билинар-билинмас истехзо:** истехзо — ҳоким сўз, от билан ифодаланган, *билинар-билинмас* — тобе сўз, тасдиқ ва инкор формадаги сифатдош билан ифодаланган: сифатдош + феъл, сўроғи — қ а н д а й? (*истехзо*), эркин тартиб;

тобеланиш алоқаси, тобе ва ҳоким компонентлар орасида ёпиқ боғланиш, семантик боғлиқлик бор; тобе компонент мураккаб, тобе компонентларда тенгланиш алоқаси бор, очиқ конструкция, ҳоким-тобелик йўқ;


отли бирикма, ҳоким сўз — от;

атрибутив бирикма, аниқловчили, сифатловчи аниқловчили, тобе сўз — сифатдош, предметнинг ҳаракат билан боғлиқ белгисини билдирган сифатдошли бирикма;

бирикма компонентлари сўз тартиби орқали боғланган (тартибини ўзгартирсак предикатив бирликка айланади — *истехзо билинар-билинмас*);

битишув, тобе сўз грамматик форма қабул қилмаган; содда бирикма;

бирикма предмет ва унинг донмий бўлмаган белги-хусусиятини ифодалаган. Схемаси қуйидагича:



*Кўрганингдан кўп экан кўрмаганинг,  
Билганингдан кўп экан билмаганинг.*

(Мақол.)

Тўртта синтагма бор: *кўрганингдан кўп экан, кўрмаганинг, билганингдан кўп экан, билмаганинг*; сўз бирикмалари: *кўрганингдан кўп, билганингдан кўп*, синтагма ва сўз бирикмалари сонн тенг эмас, *кўрмаганинг кўп, билмаганинг кўп* — предикатив бирлик.

**кўрганингдан кўп:** кўп — ҳоким сўз, равниш билан ифодаланган; *кўрганингдан* — тобе сўз, сифатдош (отлашган) билан ифодаланган, эгалнк ва чиқини келишиги формасини қабул қилган, сифатдош + равниш, сўроғи — н и м а д а н? (*кўп*), эркин тартиб;

тобеланиш алоқаси, ҳоким-тобелик мавжуд, компо-



нентлар орасида ёпиқ боғланиш бор, компонентлар ўз-аро семантик боғлиқ;

равишли бирикма, ҳоким сўз — равиш;


объектли бирикма, тўлдирувчили, воситали тўлдирувчили, келишikli бирикма;

сўз формаси -дан чиқиш келишиги формаси билан боғланган;

бошқарув, кўп бошқарувчи, *кўрганингдан* бошқарилувчи, равиш бошқаруви, келишikli бошқарув;

содда бирикма;

бирикма белги ва унинг қиёсий миқдорини билдирган. Схемаси қуйидагича:



*Ўқиган бола отадан улуг. (Мақол.)*

Икки синтагма ва икки сўз бирикмаси бор: *ўқиган бола, отадан улуг*. Синтагма ва сўз бирикмалари миқдори тенг.

**Ўқиган бола:** бола — ҳоким сўз, от билан ифодаланган, *ўқиган* — тобе сўз, сифатдош билан ифодаланган: сифатдош + от, сўроги — қ а н д а й? (*бола*), эркин тартиб;

тобеланиш алоқаси, ёпиқ боғланиш, ҳоким-тобелик мавжуд, компонентлар бир-бирига семантик боғлиқ, биринчиси эргашувчи, иккинчиси эргаштирувчи;

отли бирикма, ҳоким сўз — от;

атрибутив бирикма, аниқловчили бирикма, аниқловчи + аниқланмиш мазмуни бор, сифатловчи аниқловчили, тобе сўз сифатдош — сифатдошли бирикма;

бирикма компонентлари сўз тартиби орқали боғланган (*бола ўқиган* тарзида тартиби ўзгартирилса, предикатив бирликка айланади);

битишув, сифатдош + от;

содда бирикма;

тобе сўз предметнинг белгисини, ҳоким сўз предметни билдиради, бирикма предмет ва унинг ҳаракат белгисини билдиради, схемаси қуйидагича:

битишув

қандай?

ўқиган бола

эргашувчи эргаштирувчи

*Юрасиз кейин ҳамма нарсанинг юзида қалқиб.*  
(П. Қодиров.)

Иккита синтагма бор: *юрасиз кейин, ҳамма нарсанинг юзида қалқиб*; сўз бирикмалари: *кейин юрасиз, ҳамма нарса, ҳамма нарсанинг юзида, юзида қалқиб, қалқиб юрасиз*;

**юрасиз қалқиб:** юрасиз — ҳоким сўз, феъл билан ифодаланган, қалқиб -- тобе сўз, феълнинг равишдош формаси билан ифодаланган, равишдош+феъл, сўроғи — қ а н д а й? (*юрасиз*), тескари тартиб -- ҳоким сўз олдин, тобе сўз ундан кейин келган, инверсия;

тобеланиш алоқаси, ҳоким-тобелик мавжуд, ёпиқ боғланиш, компонентлар семантик бир-бирига боғлиқ;

феълли бирикма, ҳоким сўз — феъл;

релятив бирикма, тобе компонент ҳаракатнинг белгисини билдирган;

тобе компонент ҳоким компонентга -б равишдош формаси орқали боғланган, битишув;

содда бирикма;

бирикма ҳаракат ва унинг белгисини, ҳолатини билдирган; схемаси қуйидагича:

битишув

қандай?

юрасиз қалқиб

эргаштирувчи эргашувчи

*Қамалган тутун жуда секин таралмоқда эди.*  
(Ойбек.)

Икки синтагма бор: *қамалган тутун, жуда секин таралмоқда эди*; сўз бирикмалари: *қамалган тутун, секин таралмоқ(да эди), жуда секин таралмоқ(да эди)*;

**секин таралмоқда эди:** таралмоқ — ҳоким сўз, феъл билан ифодаланган, *секин*—тобе сўз, равиш билан ифо-

даланган, равиш + феъл, сўроғи — қ а н д а й? (таралмоқ), эркин тартиб;

тобеланиш алоқаси, ҳоким-тобелик мавжуд, ёпиқ боғланиш, компонентлар семантик бир-бирига боғлиқ;


феълли бирикма, ҳоким сўз — феъл;

релятив бирикма, тобе компонент ҳаракатнинг белгисини билдирган;

тобе сўз ҳоким сўзга тартиб орқали муносабатга киришган;

битишув, синтактик боғланишда мазмун асос бўлган; содда бирикма;

ҳоким сўз ҳаракат, тобе сўз белги билдирган, бирикмада ҳаракат ва унинг белгиси (ҳолати), мазмунни ифодаланган. Схемаси қуйидагича:



Ҳозир бирдан, шу ерда ётган жанговар кишиларга, ҳатто капитан Қосимовга ҳам ўзимни тенг сездим кўнглимда. (А. Мухтор.)

Тўртта синтагма бор: ҳозир бирдан, шу ерда ётган жанговар кишиларга, ҳатто капитан Қосимовга ҳам, ўзимни тенг сездим кўнглимда; сўз бирикмалари: ҳозир сездим, бирдан сездим, шу ер(да), шу ерда ётган, жанговар кишилар, капитан Қосимов, Қосимовга тенг, капитан Қосимовга тенг, кўнглимда сездим, ўзимни тенг сездим, кишиларга тенг, жанговар кишиларга тенг, шу ерда ётган кишилар.

**бирдан сезмоқ:** сезмоқ — ҳоким сўз, феъл билан ифодаланган, бирдан — тобе сўз, равиш билан ифодаланган, равиш + феъл, сўроғи — қ а н д а й? (сезмоқ), эркин тартиб;

тобеланиш алоқаси, ёпиқ боғланиш, ҳоким-тобелик мавжуд, компонентлар бир-бирига семантик боғлиқ, эргашувчи ва эргаштирувчи компонентлар бор;


феълли бирикма, ҳоким сўз — феъл;

релятив бирикма, ҳаракатнинг белгиси ва ҳаракат ўртасидаги муносабат ифодаланган;

бирикма компонентлари мазмун орқали боғланган. Тобе сўз составидаги **-дан** аффикси келишик формаси функциясини йўқотган, сўз формаси янги сўзга (равишга) кўчган, бирикма компонентларининг тартибини алмаштириш мумкин эмас;

битишув, синтактик боғланишда мазмун асос бўлган; содда бирикма;

тобе компонент ҳаракат белгисининг суръатини билдирган, бирикма ҳаракат ва унинг бажарилиш суръатини билдирган. Схемаси қуйидагича:



*Отдан баланд, итдан паст. (Топишмоқ.)*

Иккита синтагма ва иккита сўз бирикмасидан иборат: *отдан баланд* — 1-синтагма ва сўз бирикмаси, *итдан паст* — 2-синтагма ва сўз бирикмаси, состав жиҳатидан синтагма ва сўз бирикмаси бир-бирига тенг келган.



**баланд, паст** — ҳоким сўз, равиш билан ифодаланган, *отдан, итдан* — тобе сўз, чиқиш келишигидаги от билан ифодаланган: от + равиш, сўроғи — **п и м а д а н?** (*баланд, паст*), эркин тартиб — тобе сўз олдин, ҳоким сўз ундан кейин келган;

тобеланиш алоқаси, ҳоким-тобелик мавжуд, биринчи компонент иккинчи компонентга тобе, ёпиқ боғланиш; равишли бирикма, ҳоким компонент — равиш; объектли бирикма, воситали тўлдирувчи, келишликли бирикма;

бирикма компонентлари сўз формаси (-дан чиқиш келишиги формаси) орқали боғланган;

бошқарув, *баланд, паст* бошқарувчи, *отдан, итдан* бошқариловчи, равиш бошқаруви, келишликли бошқарув; содда бирикма;

чоғиштириш, қиёслаш маъносини билдирган, ҳоким сўз тарз, кўриниш билдирса, тобе сўз қиёсланадиган предметни билдирган. Схемаси қуйидагича:



бошқарилувчи бошқарувчи бошқарилувчи бошқарувчи

Кун бўйи, айниқса, кечки овқат устида маҳалланинг икки юз етмиш хонадони йиғилишининг кун тартибини муҳокама қилди. (Х. Тўхтабоев.)

4 та сивтагма бор: кун бўйи, айниқса кечки овқат устида, маҳалланинг икки юз етмиш хонадони, йиғилишининг кун тартибини муҳокама қилди.

7 та сўз бирикмаси бор: кун бўйи, кечки овқат, овқат устида, икки юз етмиш хонадон, йиғилишининг кун тартиби, муҳокама қилмоқ, кун тартиби каби.

икки юз етмиш хонадон: хонадон — ҳоким сўз, от билан ифодаланган, икки юз етмиш — тобе сўз, сон билан ифодаланган, сон + от, сўроги — қ а н ч а? (хонадон), эркин тартиб;

тобеланиш алоқаси, ҳоким-тобелик мавжуд, ёпиқ боғланиш;

отли бирикма, ҳоким сўз — от;


атрибутив бирикма, аниқловчи, сифатловчи аниқловчи бирикма, тобе сўз — сон, сонли бирикма, тобе компонент миқдор билдирган;

бирикма компонентлари тартиб орқали боғланган, (сўз тартиби ўзгартирилса, предикатив бирликка айланади — хонадон икки юз етмиш);

битишув, тобе компонент ҳоким компонент билан синтактик боғланиш учун ҳеч қандай форма қабул этмаган;

содда бирикма;

бирикма предмет ва унинг миқдорини билдирган. Схемаси қуйидагича:



...ўзининг деҳқонча ҳазил-мутойибаси билан ҳамманинг кўнглини олар эди. (А. Мухтор.)

Икки синтагма бор: *Ўзининг деҳқонча ҳазил-мутойибаси билан, ҳамманинг кўнглини олар эди*; сўз бирикмалари: *Ўзининг ҳазил-мутойибаси, деҳқонча ҳазил-мутойиба, ҳамманинг кўнгли, кўнглини олмоқ, ҳазил-мутойибаси билан кўнглини олмоқ*.

**деҳқонча ҳазил-мутойиба:** *ҳазил-мутойиба* — ҳоким сўз, от билан ифодаланган; *деҳқонча* — тобе сўз, сифат билан ифодаланган: сифат+от, сўроғи — қ а н д а й? (*ҳазил-мутойиба*), эркин тартиб;

тобеланиш алоқаси, ҳоким-тобелик мавжуд, ёпиқ боғланиш, компонентлар орасида семантик боғлиқлик бор; ҳоким компонент — жуфт сўз, улар орасидаги синтактик алоқа тенг боғланиш, очиқ конструкция, ҳоким-тобелик йўқ;

отли бирикма, ҳоким сўз — от;


атрибутив бирикма, аниқловчили, сифатловчи аниқловчили бирикма, тобе сўз сифат, предмет — тушунчанинг турғун бўлмаган белгисини билдиради, сифатли бирикма;

бирикма компонентлари сўз тартиби орқали боғланган (сўз тартиби ўзгартирилса, предикатив бирликка айланади: *ҳазил-мутойиба деҳқонча*);

битишув, ҳоким сўз талабига кўра, тобе сўз грамматик форма қабул қилмаган;

содда бирикма;

бирикма тушунча ва унинг турғун бўлмаган белгисини билдирган. Схемаси қуйидагича:



**ҳазил-мутойибаси билан кўнглини олмоқ:** *кўнглини олмоқ* — ҳоким сўз, составли феъл билан ифодаланган, *ҳазил-мутойибаси билан* тобе сўзлар, от ва кўмакчи билан ифодаланган: от+кўмакчи+составли феъл, сўроғи—н и м а б и л а н? (*кўнглини олмоқ*), эркин тартиб;

тобеланиш алоқаси, бирикма компонентлари орасида ҳоким-тобелик бор, ёпиқ боғланиш, компонентлар орасида семантик боғлиқлик бор; тобе компонент жуфт сўз,

улар орасидаги синтактик алоқа — тенг боғланиш, очиқ конструкция, ҳоким-тобелик йўқ;

феълли бирикма, ҳоким сўз — феъл;


объектли бирикма, тўлдирувчи, воситали тўлдирувчи, кўмакчи (*билан*) бирикма, тобе компонент ҳаракатнинг бажарилишида восита бўлган предметни ифодалаган;

бирикма компонентлари ёрдамчи сўз (*билан* кўмакчи) орқали муносабатга киришган;

бошқарув, *кўнглини олмоқ* — бошқарувчи, *ҳазил-мутойибаси билан* бошқарилувчи, феъл бошқарувчи, кўмакчи бошқарув;

содда бирикма;

бирикма ҳаракат ва унинг бажарилишида восита бўлган предмет мазмунини ифодалаган. Схемаси қуйидагича:



*Чақмоқдай тутқусиз, хаёлдай учқур, Қуёш шуълалари сувлар остида.* (Миртемир.)

Тўртта снитагма бор: *чақмоқдай тутқусиз, хаёлдай учқур, қуёш шуълалари, сувлар остида*; сўз бирикмалари: *чақмоқдай тутқусиз, хаёлдай учқур, қуёш шуълалари, сувлар ости*.

**чақмоқдай тутқусиз:** **тутқусиз** — ҳоким сўз, сифат билан ифодаланган, *чақмоқдай* тобе сўз, *от* билан ифодаланган, *от+ясама* сифат, *сўроғи* — қ а н д а й? (*тутқусиз*), эркин тартиб;

тобеланиш алоқаси, ҳоким-тобелик бор, ёпиқ боғланиш;

сифатли бирикма, ҳоким сўз — сифат;


атрибутив бирикма, аниқловчи, сифатловчи аниқловчи бирикма, сифатли бирикма, тобе сўз белгининг қиёсий белгисини билдирган;

бирикма компонентлари мазмун орқали муносабатга киришган;

битишув, тобе сўз сўз формаси қабул қилмаган, мазмун орқали синтактик боғланган;

содда бирикма;

бирикма белги ва унинг қиёсий белгисини — хусусиятини билдирган. Схемаси қуйидагича:



...йўлланмасиз шартта саҳрога қараб жўнабди.  
(А. Мухтор.)

**саҳрога қараб жўнамоқ:** жўнамоқ — ҳоким сўз, феъл билан ифодаланган, *саҳрога қараб* тобе сўз, от ва феъл кўмакчи билан ифодаланган: от + кўмакчи + феъл, сўроғи — қ а е р г а? (*жўнамоқ*), эркин тартиб;

тобеланиш алоқаси, ҳоким-тобелик мавжуд, ёпиқ боғланиш;

феълли бирикма, ҳоким сўз — феъл;


объектли бирикма, тўлдирувчили, воситали тўлдирувчили бирикма, келишикли ва кўмакчили бирикма, тобе компонент ҳаракат йўналтирилган объектни билдирган;

бирикма компонентлари сўз формаси (-га келишик формаси) ва кўмакчи (*қараб*) орқали боғланган;

бошқарув, *саҳрога қараб* — бошқарилувчи, *жўнамоқ* — бошқарувчи, феъл бошқарувчи, келишикли ва кўмакчили — аралаш бошқарув;

содда бирикма;

бирикма ҳаракат ва у йўналтирилган объект мазмунини билдирган. Схемаси қуйидагича:



Мен дизелчи Ниёзматга шогирд тушишим мумкин.  
(А. Мухтор.)

**дизелчи Ниёзматга шогирд:** шогирд — ҳоким сўз, от билан ифодаланган, *дизелчи Ниёзматга* — тобе компонент, от билан ифодаланган: от + от + от, тобе компонент жўналиш келишиги формасида, сўроғи — к и м г а? (*шогирд*), эркин тартиб;



тобеланиш алоқаси, ҳоким-тобелик мавжуд, ёпиқ боғланиш;

отли бирикма;


объектли бирикма, тўлдирувчи, воситали тўлдирувчи бирикма, келишикли бирикма;

бирикма компонентлари сўз формаси (-га жўналиш келишиги формаси) орқали боғланган;

бошқарув, *дизелчи Ниёзматга* — бошқарилувчи, *шогирд* — бошқарувчи, от бошқаруви, келишикли бошқарув;

мураккаб бирикма, тобе компонент *дизелчи Ниёзмат* алоҳида сўз бирикмаси (*дизелчи* — тобе сўз, *Ниёзмат* — ҳоким сўз), тобе компонент мураккаблашган.

Предмет ва унинг хосланганлиги, мўлжалланганлиги — мутахассислиги маъноси ифодаланган. Схемаси қуйидагича:



*Мусобақа ғолибларига қизил байроқ топширилди.*  
(«Совет Ўзбекистони».)

**мусобақа ғолибларига қизил байроқ; қизил байроқ** — ҳоким компонент, сифат ва от — бирикма билан ифодаланган. *Мусобақа ғолибларига* — тобе компонент, от — бирикма билан ифодаланган; от + от + сифат + от, сўроғи — к и м г а? (*қизил байроқ*), эркин тартиб;

тобеланиш алоқаси, ҳоким-тобелик мавжуд, ёпиқ боғланиш;

отли бирикма;

объектли бирикма, воситали тўлдирувчи, келишикли бирикма;


компонентлар сўз формаси (-га жўналиш келишиги формаси) орқали бириккан;

бошқарув, *қизил байроқ* — бошқарувчи, *мусобақа илғорларига* бошқарилувчи, от бошқаруви, келишикли бошқарув;

мураккаб бирикма, тобе компонент *мусобақа ғолиблари* — алоҳида бирикма, тобе ва ҳоким сўзларга эга,

ҳоким компонент *қизил байроқ* — алоҳида бирикма, тобе ва ҳоким сўзларга эга.

Бирикма предмет ва унинг кимга мўлжалланганлиги, тегишлилиги мазмунини билдирган. Схемаси қуйидагича:



### СОДДА ГАП ТАҲЛИЛИ

Содда гап грамматиканинг энг муҳим қисми бўлиши синтаксиснинг асосий, бирламчи аҳамиятга эга бўлган масалаларини қамраб олади. Бу масалалар, гапнинг ифода мақсадига кўра турлари, бир ва икки составли гаплар, бош ва иккинчи даражали бўлақлар, ажратилган ва грамматик алоқага киришмаган бўлақлар, уюшқ бўлақлар ва гап бўлақларининг тартиби, тўлиқсиз гаплар ва гап таркибидаги бўлақларнинг маъно хусусиятлари кабилардир. Содда гап бўйича уюштириладиган таҳлил ана шу масалаларни қамраб олиши лозим. Кўринадик, бу масалаларнинг барчасини бир тур таҳлилда акс эттириш мушкул. Шунга кўра содда гап таҳлили билан ёнма-ён тарзда бир составли содда гап ва гап бўлақлари бўйича таҳлил ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Бир составли содда гап ва гап бўлақлари таҳлили содда гап таҳлилининг давоми саналади.

Содда гап таҳлили қуйидаги тартибда олиб борилади. Гап танланиб, ёзилади. Сўзловчининг кўзда тутган ифода мақсади ва эмоционал хусусиятларига кўра дарак, сўроқ, буйруқ ва ундов гапларга бўлиниши, сўроқ гаплар эса ўз хусусияти жиҳатидан соф сўроқ, риторик сўроқ характерида бўлишини кўзда тутган ҳолда таҳлил этилаётган гапнинг юқоридагиларидан қайси бирига тааллуқли эканлиги аниқланади. Сўнгра гапнинг грамматик (предикатив) асоси белгиланади, бош бўлақлар топилади. Маълумки, гапда бош бўлақларнинг иштироки турлича бўлади, ҳар қандай гапда кесимнинг бўлиши — предикатнинг ифодаланиши шарт. Лекин ҳар қандай гапда эганинг доимо бўлиши талаб этилавер-

майди. Гап таркибидаги сўзлар эга ёки кесимга тегишли бўлади. Таҳлил жараёнида ана шу хусусиятлар ҳисобга олинади, ҳар бир сўзнинг эга ёки кесим составига тегишли эканлиги, бош бўлақларининг намоён бўлишига кўра бир ва икки составли содда гапларга бўлиниши назарда тутилади, эга ва кесим составига мансуб сўзлар аниқланади.

Таҳлил жараёнида шунинг кўзда тутиш лозимки, содда гаплар фақат бош бўлақларнинг ўзи (эга ва кесим)дан таркиб топавермасдан, бошқа сўзлар ҳисобига кенгайиши мумкин. Эга ва кесим нутқ жараёнида маъно жиҳатдан тўлдирилиши, аниқланиши, изоҳланиши талаб этилади. Бу вазифа иккинчи даражали бўлақлар томонидан бажарилади. Ёйиқ содда гаплар бир неча кўринишда бўлади (аниқловчи, тўлдирувчи, ҳолли ва аралаш ёйиқ гаплар). Гапда иккинчи даражали бўлақларнинг бўлиши ёки бўлмаслиги ва уларнинг тури, гапнинг тўлиқ ё тўлиқсизлиги ва воқеликка муносабати, синтактик вазифа бажармайдиган элементларнинг ва ажратилган гап бўлақларининг бор-йўқлигига кўра гапнинг мураккабланиши ёки мураккаб эмаслиги каби грамматик ҳолатлар ҳисобга олинади ва шунга кўра гапнинг грамматик хусусиятлари белгиланади.

### Содда гап таҳлили тартиби

1. Гапнинг ифода мақсадига (дарак, сўроқ, буйруқ) ва эмоционалликка кўра тури (ундов гап, ундов гапнинг юқоридаги гап турларига муносабати), ҳар бир гапнинг ўзига хос маъно ва грамматик хусусиятлари.

2. Бош бўлақларнинг мавжудлигига кўра гап типлари (икки составли, бир составли содда гап), эга состави ва кесим состави.

3. Гапнинг грамматик асоси.

4. Иккинчи даражали бўлақларнинг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигига кўра гап тури (йиғиқ ёки ёйиқ содда гап), ёйиқ гапнинг турлари (тўлдирувчи, аниқловчи, ҳолли ва аралаш ёйиқ гаплар).

5. Гапнинг тўлиқ ёки тўлиқсизлиги, тўлиқсиз гап турлари (контекстуал ва ситуатив тўлиқсиз гап), тўлиқсиз гапнинг грамматик ва маъно хусусиятлари.

6. Гапнинг воқеликка муносабати жиҳатидан турлари (тасдиқ ёки инкор гаплар), воқеликка муносабатнинг ифодаланиши.

7. Синтактик вазифа бажармаган элементларнинг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигига кўра гапнинг мураккаблашганлиги ёки мураккаблашмаганлиги (ундов, юклама, ундалма, кириш сўз, кириш бирикма, кириш гап, киритма сўз, киритма бирикма, киритма гап ва ҳоказо), уларнинг маъноси ва ўрни.

8. Ажратилган гап бўлакларининг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигига кўра гапнинг мураккаблашганлиги ёки мураккаблашмаганлиги (ажратилган аниқловчилар — ажратилган сифатловчи, ажратилган қаратқич, ажратилган изоҳловчи, ажратилган тўлдирувчи, ажратилган ҳол).

9. Тиниш белгилари, схемаси.

### Содда гап таҳлили намунаси

*Бир оздан кейин совет раҳбарлари кириб келишди.*  
(П. Турсун.)

Дарак гап (эмоционал хусусиятга эга эмас), хабар мазмунини ифодалаган;

икки составли гап. Кесим состави — *бир оздан кейин кириб келишди*, эга состави — *совет раҳбарлари*.

грамматик асоси — *совет раҳбарлари кириб келишди*;

ёйиқ содда гап. *Бир оздан кейин* — иккинчи даражали бўлак, ҳол, ҳолли ёйиқ гап;

тўлиқ гап;

тасдиқ гап. Иш-ҳаракатнинг бажарилганлиги бўлишли шаклдаги феъл (*кириб келишди*) билан ифодаланган;

синтактик вазифа бажармаган элементлар йўқ, мураккаблашмаган гап;

ажратилган гап бўлаклари йўқ, мураккаблашмаган гап;

дарак гап бўлганлиги учун охирига нуқта қўйилган, гап ичида тиниш белгилари қўллашга зарурат йўқ. Схемаси қуйидагича:

Бир оздан кейин совет раҳбарлари кириб келишди.

*Фақат Азизхон бу суҳбатларга, бу шодликларга аралашолмай бир четда, чироқ ёқилмаган чодир олдида, афтодаҳол ўтирарди.* (С. Аҳмад.)

Дарак гап, хабар мазмуни ифодаланган;

икки составли гап. Кесим состави — *бу суҳбатларга, бу шодликларга аралашолмай бир четда, чироқ ёқилмаган чодир олдида, афтодахол ўтирарди*. Эга состави — *фақат Азизхон*;

грамматик асоси — *Азизхон ўтирарди*;

ёйиқ содда гап. Гап таркибида аниқловчи, тўлдирувчи, ҳол иккинчи даражали бўлаклари мавжуд. Аралаш ёйиқ содда гап;

тўлиқ гап;

тасдиқ гап. Иш-ҳаракатнинг бажарилганлиги бўлишли шаклдаги (*ўтирарди*) феъл билан ифодаланган;

гап таркибида *фақат* сўз юклагаси мавжуд. Юклага эга (*Азизхон*)га боғланган, таъкидлаш, айириш, *тўддан ажратиб кўрсатиш* маъносини билдиради. У синтактик вазифа бажармаган, мураккаблашган гап;

ажратилган гап бўлагини мавжуд, *бир четда* — ўрин ҳоли, *чироқ ёқилмаган чодир олдида* — ажратилган ўрин ҳоли, *ўрин ҳоли (бир четда)*нинг маъносини конкретлаштирган, мураккаблашган гап;

дарак гап бўлганлиги учун охирига нуқта қўйилган, ажратилган ҳол икки томондан вергул билан ажратилган, уюшиқ тўлдирувчилар вергул билан ажратилган. Схемаси қуйидагича:

Фақат Азизхон бу суҳбатларга, бу шодликларга аралашолмай бир четда, чироқ ёқилмаган чодир олдида, афтодахол ўтирарди.

*Дониёр ўзидаги она-Ватанга, ёруғ дунёга бўлган оташин, юксак меҳр-муҳаббатини ҳам, ана шу улуг севги туғдирган дилрабо куйни ҳам Жамилага тортиқ этди. (Ч. Айтматов.)*

Дарак гап, хабар мазмунини ифодалаган;

икки составли гап. Кесим состави — *ўзидаги она-Ватанга, ёруғ дунёга бўлган оташин, юксак меҳр-муҳаббатини ҳам, ана шу улуг севги туғдирган дилрабо куйни ҳам Жамилага тортиқ этди*. Эга состави — *Дониёр*;

грамматик асоси — *Дониёр тортиқ этди*;

ёйиқ содда гап. Гап таркибида барча иккинчи даражали бўлаклари мавжуд. Аралаш ёйиқ содда гап;

тўлиқ гап;

тасдиқ гап. Иш-ҳаракатнинг бажарилганлиги бўлишли (*тортиқ этди*) феъл билан ифодаланган;

гап таркибида синтактик вазифа бажармаган элементлар йўқ, мураккаблашмаган гап;

ажратилган гап бўлаклари йўқ, мураккаблашмаган гап;

дарак гап бўлганлиги учун охирига нуқта қўйилган. Уюшиқ бўлақлар орасига вергул қўйилган; схемаси қуйидагича:

Дониёр ўзидаги она-Ватанга, ёруғ дунёга бўлган ота-шин, юксак меҳр-муҳаббатини ҳам, ана шу улуғ севги туғдирган дилрабо куйини ҳам Жамиллага тортиқ этди.

— *Қирқ талаба тушган қайиқ пристанга етиб келдими?* (Ж. Шарипов.)

Сўроқ гап. Соф сўроқ маъноси, жавоб талаб қилинади, кесим таркибида -ми сўроқ юкласи мавжуд, номаълум ҳаракат ҳақида маълумот олши кўзда тутилган;

икки составли гап. Кесим состави — *пристанга етиб келдими?* Эга состави — *қирқ талаба тушган қайиқ;*

грамматик асоси — *қайиқ етиб келдими?*;

ёйиқ содда гап. Гап таркибида иккинчи даражали бўлақлар бор. Аралаш ёйиқ содда гап;

тўлиқ гап;

тасдиқ гап. Иш-ҳаракатнинг бажарилаётганлиги бўлишли (*етиб келди*) феъл билан ифодаланган;

гап таркибида синтактик вазифа бажармаган элементлар йўқ.

Ажратилган гап бўлаклари йўқ, мураккаблашмаган гап. Сўроқ ифодаси билан айтилганлиги учун охирига сўроқ белгиси қўйилган. Схемаси қуйидагича:

Қирқ талаба тушган қайиқ пристанга етиб келдими?

*Яна қандоқ кўргуликлар бор бахтсиз бошингда!* (Н. Сафаров.)

Ундов гап, ундов интонацияси билан айтилади, ачинш, куюниш ифодаланган, гап бўлаклари тартибининг алмашинуви эмоционалликни кучайтирган;

икки составли гап, *яна қандоқ кўргуликлар* — эга состави, *бор бахтсиз бошингда* — кесим состави;

грамматик асоси — *кўргуликлар бор;*

ёйиқ содда гап, гап таркибида икки хил иккинчи даражали бўлақлар мавжуд, аралаш ёйиқ содда гап;


тўлиқ гап;

тасдиқ гап, реаллик тасдиқ сўз (*бор*) билан ифодаланган;

синтактик вазифа бажармаган элементлар йўқ, мураккаблашмаган гап;

ажратилган гап бўлаклари йўқ, мураккаблашмаган гап;

ачиниш, куюниш мазмунида бўлиб, эмоционал оҳангда айтилганлиги учун ундов белгиси қўйилган. Схемаси қуйидагича:

  
Яна қандоқ кўргуликлар бор бахтсиз бошингда!

— *Ишни ёшлар қилаверсин, сиз пенсиянинг лаззатини суринг, оқсоқол! (И. Раҳим.)*

Буйруқ гап, қатъий буюриш оҳангида айтилади, қатъий буйруқ мазмуни мавжуд, иккита содда гапдан иборат, 1-гапнинг кесими III шахс бирликдаги феъл билан, 2-гапнинг кесими II шахс кўпликдаги феъл билан ифодаланган, 1-гапда таклиф оҳангидаги буйруқ, 2-гапда қатъий хитоб оҳангидаги буйруқ ифодаланган;

икки составли гап, *ёшлар, сиз* — эга состави, *ишни қилаверсин, пенсиянинг лаззатини суринг* — кесим состави;

грамматик асоси — *ёшлар қилаверсин, сиз лаззатини суринг*;

ёйиқ содда гап, тўлдирувчи ёйиқ содда гап, аниқловчи ёйиқ содда гап;

тўлиқ гап;

тасдиқ гап;

синтактик вазифа бажармаган элемент *бор, оқсоқол* — ундалма, нутқ қаратилган шахс (*сиз*), от билан ифодаланган, гапнинг охирида келган, мураккаблашган гап;

ажратилган гап бўлаклари йўқ;

тире, вергул ва ундов белгиси қўлланган, диалогик нутқ бўлганлиги учун тире, икки содда гапни ва ундалмани ажратиш учун вергул, гап қатъий буйруқ оҳангида айтилганлиги учун ундов белгиси қўлланилган. Схемаси қуйидагича:

— Ишни ёшлар қилаверсин, сиз пенсиянинг лаззатини  
суринг, оқсоқол!

• *Лекин тўсатдан (ҳа, тўсатдан) секретарь сизни ректор йўқлаяптилар, деб қолди. (Х. Тўхтабоев.)*

Дарак гап, хабар мазмунини ифодаланган, тинч (дарак-хабар) оҳангда айтилади;

икки составли гап, *секретарь қиз* — эга состави, тўсатдан (ҳа, тўсатдан) сизни ректор йўқлаяптилар, деб қолди — кесим состави;

грамматик асоси — *секретарь қиз ректор йўқлаяптилар, деб қолди*;

ёйиқ содда гап, *тўсатдан, сизни* — иккинчи даражали бўлак, аралаш ёйиқ гап;

тўлиқ гап;

тасдиқ гап, иш-ҳаракат бўлишли феъл (*йўқлаяптилар, деб қолди*) билан ифодаланган;

синтактик вазифа бажармаган элементлар бор. *Ҳа* — таъкид маъносини билдирган, ўздан олдинги бўлак — ҳол (*тўсатдан*)дан англашилган маънони таъкидлаган, *тўсатдан* — киритма сўз, уқтириш маъносини билдирган, *лекин* инкор боғловчиси ўздан олдинги гапга шу гапни бириктириш вазифасини бажарган, гап бошида келган, *ҳа, тўсатдан* сўзлари билан гап мураккаблашган;

ажратилган гап бўлаклари йўқ;

дарак гап бўлганлиги учун охирига нуқта қўйилган, киритма сўзлар қавс ичига олинган, 1-вергул таъкид билдирувчи сўзни киритма сўздан ажратиш учун, 2-вергул ўзлаштира гапни автор гапидан ажратиш учун қўлланилган. Схемаси қуйидагича:

• Лекин тўсатдан (ҳа, тўсатдан) секретарь қиз сизни  
ректор йўқлаяптилар, деб қолди.

*Тавба, ҳозирги ёшларнинг ҳаммаси шунақа-я! (Х. Тўхтабоев.)*

Ундов гап, воқеликка эмоционал муносабат, таажжуб мазмунини ифодалаган, кесим таркибида -я юкламаси мавжуд, *тавба* таажжуб маъносини кучайтирган;



икки составли гап, *ҳозирги ёшларнинг ҳаммаси* — эга состави, *шунақа-я* — кесим состави;  
грамматик асоси — *ҳаммаси шунақа*;  
ёйиқ содда гап, *ҳозирги ёшларнинг* — аниқловчи, аниқловчили ёйиқ гап;

тўлиқ гап;

тасдиқ гап;

синтактик вазифа бажармаган элементлар бор: *тавба* — кириш сўз, от билан ифодаланган, таажжуб маъносини билдирган, гапнинг бошида келган, мураккаб гап, кириш сўз билан мураккаблашган;

ажратилган гап бўлаклари йўқ;

гап эмоционал мазмунда айтилганлиги учун охирига ундов белгиси қўйилган, кириш сўз вергул билан ажратилган. Схемаси қуйидагича:

Тавба, ҳозирги ёшларнинг ҳаммаси шунақа -я!

Э, сиз бунга аҳамият берманг, Темир Акбарович!  
(П. Қодиров.)

Буйруқ гап, илтимос мазмунидаги буйруқ, кесими II шахс, кўплик, буйруқ майлидаги феъл билан ифодаланган, кучлироқ интонация (дарак гапдагидан кучлироқ) билан айтилади, таркибида ундов ва ундалма мавжуд;

икки составли гап, *сиз* — эга состави, *бунга аҳамият берманг* — кесим состави;

грамматик асоси — *сиз аҳамият берманг*;

ёйиқ содда гап, *бунга* — тўлдирувчи, тўлдирувчили ёйиқ гап;

тўлиқ гап;

инкор гап, мураккаб кесимнинг феъл қисмидаги *-ма* формаси бўлишсизлик, инкор маъносини билдирган;

синтактик вазифа бажармаган элементлар бор: *Темир Акбарович* — ундалма, нутқ қаратилган шахс, атоқли от билан ифодаланган, гапнинг эгаси (*сиз*)ни изоҳлаган, ундаш интонацияси билан айтилади, пауза билан ажратилади, гапнинг охирида келган: *э* — ундов, ундашни кучли ифодалаш учун хизмат қилади. Ундалма билан гап мураккаблашган, мураккаб гап;

ажратилган гап бўлаклари йўқ;

ундов ва ундалма вергул билан ажратилган, буйруқ гап охирига ундов белгиси қўйилган. Схемаси қуйидагича:

Э, сиз бунга аҳамият берманг, Темир Акбарович!

— Уйнинг бетидаги қоғоз парчалари ўшамиди?

— *Уша.* (Х. Тўхтабоев.)

Дарак гап, хабар мазмунини билдирган, тўлиқсиз гап бўлганлиги учун тўлиқ дарак гаплардан сал кўтаринки оҳангда айтилади, таъкид мазмунига ҳам эга:

кесим состави кўринишидаги гап;

тўлиқсиз гап, диалогик нутқ таркибида, аниқловчи ва эга қўлланмаган, сўроқ (биринчи) гапда аниқловчи (*уйнинг бетидаги*) ва эга (*қоғоз парчалари*) қўлланган, жавоб гап (тўлиқсиз гап)да шу бўлақлар такрорланмаган, кесимнинг ўзи қўлланган, гапни ташкил этган, контекстуал тўлиқсиз гап, тўлиқсиз гапда бўлмаган бўлақ сўроқ гапдан маълум;

тасдиқ гап, бўлишлилик маъноси ифодаланган;

дарак мазмунини билдирганлиги учун нуқта қўйилган.

*Ахир Зорқишлоқнинг ҳар бир кўчаси, девори, одамлари унинг болалигини, боғларни қўшиққа тўлдирган қўнғироқдек овозини эслатиб қўймайдими? (С. Аҳмад.)*

Сўроқ гап, кесим таркибида **-ми** сўроқ юкламаси мавжуд, риторик сўроқ гап — ўзига жавоб талаб қилмайди, гапнинг ўзида яширин тасдиғи мавжуд (*..болалигини, овозини эслатиб қўяди*), сўроқ интонацияси билан айтилади, *ахир* юкламаси таъкидлаш маъносини ифодалаган;

икки составли гап, *Зорқишлоқнинг ҳар бир кўчаси, девори, одамлари* — эга состави, *унинг болалигини, боғларни қўшиққа тўлдирган қўнғироқдек овозини эслатиб қўймайдими?* — кесим состави;

грамматик асоси — *кўчаси, девори, одамлари эслатиб қўймайдими?*

ёйиқ содда гап, тўлдирувчили ва аниқловчили — аралаш ёйиқ гап;

тўлиқ гап;

инкор гап, составли кесим таркибидаги феълда **-ма** бўлишсизлик формаси мавжуд, бу форма орқали бўлишсизлик маъноси ифодаланган;

синтактик вазифа бажармаган элементлар йўқ;

вергул ва сўроқ белгиси қўлланган, уюшиқ бўлақлар вергул билан ажратилган, сўроқ гап охирига сўроқ белгиси қўйилган.

### Гап бўлақлари таҳлили

Гап бўлақлари таҳлилида гапни таркибий қисм (бўлақ)ларга тўғри ажрата олиш, гап бўлақларига ажратишнинг принципларини аниқлай олиш муҳимдир. Шу факт аёнки, ҳар қандай гап бўлағи маълум сўроққа жавоб бўлади. Шу хусусиятга кўра кўпинча сўроқлар бериш билан гап бўлағини аниқлаш практикаси мавжуд. Бу бирдан-бир тўғри метод эмас. Гап таркибидаги сўзлар доимо бошқа сўзлар билан грамматик муносабатда, боғлиқликда бўлади. Сўроқлар бир бўлақнинг ўзига ёлғиз олинган тарзда берилмаслиги зарур, балки сўроқлар синтактик алоқа туфайли боғланган сўзларнинг биридан бошқасига томон, яъни у билан муносабатда бўлган иккинчи сўз ёки сўзлар бирикмаси билан боғлиқликда қўйилса, гап бўлақларини тўғри аниқлаш имкони бўлади. Гап бўлақлари махсус грамматик кўрсаткичга эга бўлса ёки кўмакчилар билан келса, бу усул билан гап бўлақларини белгилаш анча осон бўлади.

Нутқда *Молли колхоз — ёғли колхоз; Карим — ишчи; Икки ўн беш — бир ўттиз* типидagi гаплар кўп қўлланади. Бундай гаплар бош бўлақлардан иборат. Ҳар иккала бўлақ ҳам бир хил сўроқ талаб этади, лекин икки хил гап бўлагидир. Сўроқларнинг тури ва характерига қараб, гап бўлақларини аниқлаш масаланинг бир томонидир, холос.

Гап бўлақларининг турини белгилашда сўз бирикмаларига хос сўз формалари, ёрдамчи сўзлар, тартиб, интонация, мазмун муҳим омиллар саналади. Тартиб сифатловчи билан сифатланмишни, бир туркумга мансуб сўз ва сўзлар комплекси билан ифодаланган эга ва кесимларни аниқлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Гап бўлақларини аниқлашда қайси сўз туркуми билан ифодаланганлигини ҳам ҳисобга олиш лозим, эганинг от билан, кесимнинг феъл билан, сифатловчи аниқловчининг сифат билан ифодаланиши амалиётда кўп учрайди, лекин от гапда эга, кесим, аниқловчи, тўлдирувчи, ҳол (иккинчи даражали бўлақ бўлганда келишик аффиксларини қабул қилади, ё кўмакчи билан қўлла-

нади) бўлиши мумкин. Бу ҳолат гап бўлақларини белгилашда ёрдамчи факторлардан бири сифатида қаралиши лозим.

Сўзнинг грамматик формасига қараб гап бўлақларини белгилаш ҳам муҳимдир<sup>1</sup>. Эга доимо бош келишида бўлади. Кесим от билан ифодаланганда бош келишида бўлади, от кесим таркибидаги боғлама, тўлиқсиз ва кўмакчи феъллар тушиб қолганда, ўрипайт, чиқиш, жўналиш келишигидаги от ҳам кесим бўлиши мумкин (*навбат — мажбуриятга, ош — каттадан, ақл ёшда эмас, бошда*). Қаратқич келишигини қабул қилган сўз аниқловчи, тушум келишигини қабул этган сўз тўлдирувчи бўлиши аниқ. Шунинг доимо пазарда тутиш лозимки, бир келишик формасидаги сўз доимо бир хил гап бўлаги бўлавермайди. Жўналиш келишигининг аффиксини қабул этган сўз ҳол ҳам, тўлдирувчи ҳам бўлиши мумкин. [*Акамга (тўлдирувчи) хат ёздим. Москвага (ҳол) хат ёздим.*] Чиқиш келишиги формасидаги сўз тўлдирувчи ҳам, ҳол ҳам бўлиши мумкин. [*Тошкентдан (ҳол, қ а е р д а н?) гапирамиз. Тошкентдан (п и м а д а н?—тўлдирувчи) деса, гаплашмайди, Бекободдан деса лаби лабига тегмайди.*] Кўмакчилик конструкцияларнинг қандай гап бўлаги бўлиб келишини аниқлашда қийинчилик туғилади. Битта кўмакчилик конструкция ўрни билан икки хил гап бўлаги бўлиши мумкин: *Ҳосилни машина билан йиғиштириб олдик. Ҳосил ҳақида мароқ билан гаплайдик.* Биринчи гапда — кўмакчилик конструкция — тўлдирувчи, иккинчи гапда — ҳол. Демак, келишик аффиксларини қабул қилган сўзларнинг ва кўмакчилик конструкцияларнинг семантик хусусиятларини аниқлаш ва шу асосда қайси гап бўлаги эканлигини белгилаш лозим бўлади. Сўзнинг маъноси гап бўлагини белгилашда зарурий белгилардан биридир.

Гап бўлақларини тўғри белгилаш учун сўз бирикмасининг синтактик хусусиятларини билиш талаб этилади. Синтактик алоқа воситалари ва турларини, синтактик ва семантик алоқага кирган сўзлар комплексини яхши билмасдан туриб, гап бўлақларини тўғри белгилаш

---

<sup>1</sup> Бу ҳақда қаранг: Ўзбек тили грамматикаси, II том, синтаксис, «Фан» нашриёти, Т., 1976, 144—183-бетлар; А. Фуломов, М. Асқарова. Ҳозирги ўзбек адабий тили, синтаксис, «Ўқитувчи» нашриёти, Т., 1965, 74—167-бетлар.

мумкин эмас. Гап бўлақларини белгилашда сўзларнинг ўзаро боғлиқлигини ҳисобга олиш лозим, ана шу боғлиқлик, синтактик алоқага кўра, бирини бирига нисбат бериш орқали гап бўлақларини аниқлаш лозим. «Эга кесимга, кесим эгага нисбатан, тўлдирувчи тўлдирилмишга, ҳол ҳолланмишга, аниқловчи аниқланмишга нисбатан тайинланади. Нисбат берилувчи элемент бўлмас экан, у ёки бу бўлақ ҳақида ҳам гапириш мумкин эмас. Масалап, аниқланмиш бўлмас экан, аниқловчи ҳақида, кесим бўлмас экан, эга ҳақида гапириб бўлмайди. Демак, гап бўлақларининг турини белгилашда синтактик алоқага киришувчи элементларнинг тури, формаси, бир-бирига нисбати, лексик-семантик хусусияти ва уларни синтактик алоқага киритувчи воситалар асосга олинади»<sup>1</sup>.

Гап бўлақлари таҳлилида гапнинг бош бўлақлари, аввало эга, сўнг кесим аниқланади. Бир составли гапларда эса, предикация ифодаланган бўлақ (кесим, номинатив ва инфинитив гапларда эга кўрнинишидаги предикацион марказ) белгиланади.

Ёйиқ ва мураккаб содда гапларда қолган сўзларнинг эга ёки кесим билан боғланганлиги аниқлаб чиқилади. Шу тариқа иккинчи даражали бўлақлар маълум бўлиб қолади, уларнинг эга состави ёки кесим составида бўлишини ажратиш зарур. Аввал эга составига, сўнгра кесим составига тегишли гап бўлақлари таҳлил этилади.

Таҳлилда аввал эга билан бевосита муносабатга кирган бўлақлар таҳлил этилади, бунда шу бўлақнинг гапдаги ўрни назарда тутилмайди, балки боғланиш (муносабатга кириш) даражаси эътиборга олинади. Эгага тобе бўлақлар аниқлангач, шу бўлақларнинг эгага бевосита ёки бавосита боғланишини билиш муҳимдир. Кесимга тобе бўлақлар таҳлили тартибида ҳам худди шу принцип асосида иш тутиш лозим. Кесимга тобе бўлақларнинг ҳам у билан бевосита ёки бавосита муносабатга киришини аниқлаш лозим. Олдин бевосита, сўнгра бавосита муносабатга кирган бўлақлар таҳлил этилади.

*Кейинги кунларда ҳар жангда танкларимиз қатор гулхан бўлиб ёняпти. (А. Мухтор.)*

<sup>1</sup> Ўзбек тили грамматикаси, II том, синтаксис, «Фан» нашриёти, Т., 1976, 116-бет.

Бу гапда *танкларимиз* — эга, *ёняпти* — кесим. Қолган бўлақлар жойлашиш ўрнидан қатъи назар, кесим составига мансуб. Кесим билан бевосита ёки бавосита муносабатга кирган. Дастлаб кесим билан бевосита муносабатга кирган бўлақлар таҳлил қилинади. *Гулхан бўлиб (ёняпти)*— ҳол, равиш ҳоли, *ҳар жангда (ёняпти)*—пайт ҳоли, *кейинги кунларда (ёняпти)*—пайт ҳоли. Булар кесимга бевосита боғланган. *Қатор (гулхан бўлиб)*— аниқловчи, бевосита ҳолга, ҳол орқали кесимга боғланган.

*Саид Жалолхон эшоннинг ваъз-насиҳатлари билан йиллар давомида қулоғи кар, кўзи кўр бўлган баъзи зорқишлоқликлар орасида диний эътиқодга берилганлар ҳали кўп эди. (С. Аҳмад.)*

Бу гапда *диний эътиқодга берилганлар* — эга, *кўп эди* — кесим. Қолган барча бўлақлар кесим составига тегишли. Эга кесим составининг ўртасида келяпти. *Ҳали (кўп эди)*— пайт ҳоли, кесимга бевосита боғланган, *зорқишлоқликлар орасида (кўп эди)*— ўрин ҳоли, кесимга боғланган, *баъзи (зорқишлоқликлар орасида)* аниқловчи, ҳолга боғланган, *қулоғи кар, кўзи кўр бўлган (зорқишлоқликлар орасида)*— аниқловчи, ҳолга боғланган, *йиллар давомида (қулоғи кар, кўзи кўр бўлган)*— аниқловчи, аниқловчига боғланган, *ваъз-насиҳатлари билан (қулоғи кар, кўзи кўр бўлган)*— тўлдирувчи, аниқловчига боғланган. *Саид Жалолхон эшоннинг (ваъз-насиҳатлари билан)*— аниқловчи, тўлдирувчига боғланган.

Кўринадикки, гап бўлақларининг бош бўлақларга, сўнгра эса ўзаро ички боғланиши орқали таҳлил этиш маъқулдир. Гап бўлақларини гапда жойлашиш тартиби асосида таҳлил этиш қатор чалкашликларни келтириб чиқаради, гап бўлақларининг боғланишини тўғри белгилашга имконият бўлмайди.

## Гап бўлақлари таҳлили тартиби

1. Гапнинг бош бўлақлари — грамматик асосини топиш, икки составли гапларда эга ва кесимни, бир составли гапларда ҳукм ифодаланган бўлақни аниқлаш.

2. Эга, унинг ифодаланиши, грамматик формаси, сўроғи, тузилиши — составли, сўз бирикмаси ва ажралмас бирикма ёки ибора билан ифодаланган эганинг морфологик таркиби, уюшган-уюшмаганлиги, тартиби.

3. Кесим, унинг ифодаланиши, грамматик формаси, сўроғи, маъноси, феъл кесим (содда, составли, мураккаб), (от кесим, содда, составли, мураккаб), составли от кесимларда асосий сўз ва боғламалар, боғламаларнинг сўз ва аффикс шаклида бўлиши, тўлиқсиз феъл ва кесимлик аффиксининг маъноси, составли ва мураккаб феъл кесимларда асосий ва ёрдамчи феълларнинг, боғламанинг маъноси, составли ва мураккаб кесимларнинг грамматик ҳолати (контакт ва дистант ҳолат), мураккаб кесимларнинг таркиби, феъл кесимларнинг аниқ ва мажҳул оборот (актив конструкция, пассив конструкция) лиги, уюшган, уюшмаганлиги, тартиби, тиниш белгиси.

4. Эга-кесимнинг мослашиши.

5. Икки составли гапларда эгага тобе бўлаклар ва кесимга тобе бўлаклар, бир составли гапларда ҳукм ифодаланган бўлакка тобе бўлаклар.

6. Иккинчи даражали бўлаклар (аввал эгага тобе бўлаклар, сўнг кесимга тобе бўлаклар таҳлил қилинади):

а) тўлдирувчи, унинг ифодаланиши, грамматик формаси, сўроғи, қайси гап бўлагига боғланганлиги, келишкли ёки кўмакчили конструкцияда бўлиши, воситали ёки воситасиз тўлдирувчилиги, воситасиз тўлдирувчиларнинг белгилли ёки белгисиз келишлик формасида бўлиши, келишкли ва кўмакчили конструкцияларнинг ўзаро муносабати, маъно хусусияти, тузилишига кўра содда ва мураккаб бўлиши, уюшган-уюшмаганлиги, ажратилган-ажратилмаганлиги, тартиби, тиниш белгиси;

б) аниқловчи, унинг ифодаланиши, грамматик формаси, сўроғи, белги ёки қарашлилиқ билдиришига кўра тури — сифатловчи ва қаратқичли аниқловчилиги, қаратқич аниқловчиларнинг белгилли ёки белгисиз келишкли формада бўлиши, уларнинг мослашиши, грамматик ҳолати (контакт, дистант ҳолат), сифатдош оборотлар, маъно хусусиятлари, қайси гап бўлагига боғланганлиги, тузилишига кўра тури — содда ва мураккаб бўлиши, уюшган-уюшмаганлиги, ажратилган-ажратилмаганлиги, тартиби; изоҳловчи, ифодаланиши, грамматик формаси, сўроғи, тури — мустақил, мустақил бўлмаган изоҳловчилар, ажратилган изоҳловчилар, маъноси, изоҳловчи ва изоҳланмишнинг тартиби, тиниш белгиси;

в) ҳол, унинг ифодаланиши, грамматик формаси, сўроғи, турлари (равиш, ўрин, пайт, сабаб, мақсад,

миқдор-даража, шарт-тўсиқсизлик ҳоллари), маъно хусусиятлари, тузилиши — содда, мураккаб, қайси гап бўлагига боғланганлиги, уюшган-уюлмаганлиги, ажратилган-ажратилмаганлиги, тартиби, тиниш белгиси.

7. Синтактик вазифа бажармаган элементлар.

8. Гап бўлақларининг боғланиш схемаси.

### Гап бўлақларининг таҳлили намунаси

*Барибир, жавобгарлик энг олдин Қодировдан талаб қилинади. (Ш. Рашидов.)*

Бош бўлақлар — *жавобгарлик талаб қилинади. Жавобгарлик* — эга, бош келишидаги абстракт от билан ифодаланган, сўроғи — *н и м а?* уюлмаган, эркин тартиб — кесимдан олдин келган;


*талаб қилинади* — кесим, составли от кесим, *талаб* асосий маъноли қисм, от билан ифодаланган, *қилинади* — феъл, мажхул даражадаги феъл билан ифодаланган, сўроғи — *н и м а қ и л и н а д и?*, контакт ҳолат, уюлмаган, тўғри тартиб — эгадан кейин келган;

эга ва кесим сонда мослашган, бирлик сон, шахсиз кўринишда;

эга состави — *жавобгарлик*, кесим состави — *энг олдин Қодировдан талаб қилинади*;

*Қодировдан* — тўлдирувчи, атоқли от билан ифодаланган, сўроғи — *к и м д а н?*, чиқиш келишигида, кесимга боғланган, келишликли конструкция, воситали тўлдирувчи, содда, уюлмаган, ажратилмаган, тўғри тартиб — тўлдирилмиш (кесим)дан олдин келган. *Энг олдин* — ҳол, пайт равиши (*олдин*) ва белгининг ортиқлигини билдирувчи (*энг*) сўз билан ифодаланган, грамматик қўшимча олмаган, пайт ҳоли, сўроғи — *қ а ч о н?*, кесимга боғланган, кесимдан англашилган ҳаракатнинг бажарилиш пайтини билдиради;

*барибир* — синтактик вазифа бажармаган, кириш сўз, қатъийлик маъносини билдиради, гапнинг бошида келган, вергул билан ажратилган. Схемаси кўишдагича:



*Бўлаётган воқеаларни алам билан кузатиб турган Умматали бу ишларга мен гуноҳкор дегандек, четда,*



одамлар кўзи тушмайдиган панада, деворга суйяганича қимирламай турарди. (С. Аҳмад.)

**Бош бўлаклар** — Умматали қимирламай турарди. Умматали — эга, атоқли от билан ифодаланган, бош келишида, сўроғи — ким?, уюшмаган, ажратилмаган, тўғри тартиб — кесимдан олдин келган.

**қимирламай турарди** — кесим, феъл билан ифодаланган, сўроғи — нима қиларди?, феъл кесим, мураккаб феъл кесим, тўғри тартиб — эгадан сўнг келган.

Эга ва кесим шахс ва сонда (III шахс, бирлик) мослашган.

**Бўлаётган воқеаларни алам билан кузатиб турган Умматали** — эга состави; бу ишларга мен гуноҳкор дегандек, четда, одамлар кўзи тушмайдиган панада, деворга суйяганича қимирламай турарди — кесим состави;

**алам билан кузатиб турган** — аниқловчи, сифатдош оборот билан ифодаланган, сўроғи — қайси?, сифатловчи аниқловчи, предмет (эга)нинг ҳолат-хусусияти — белгисини билдиради, эгага боғланган, тузилиши — состави, уюшмаган, ажратилмаган, тўғри тартиб — аниқланмишдан олдин келган;

**воқеаларни** — тўлдирувчи, от билан ифодаланган, грамматик формалар олган, кўпликда, тушум келишигида, сўроғи — нима ни?, аниқловчига боғланган, келишкли конструкция, воситасиз тўлдирувчи, белгили воситасиз тўлдирувчи, содда (йиғиқ), уюшмаган, ажратилмаган, тўғри тартиб — тўлдирилмишдан олдин келган;

**бўлаётган** — аниқловчи, феълнинг сифатдош формаси билан ифодаланган, сифатловчи аниқловчи, сўроғи — қандай?, предмет хусусиятини билдиради, тўлдирувчига боғланган, содда (йиғиқ) аниқловчи, уюшмаган, ажратилмаган, тўғри тартиб — аниқланмишдан олдин келган;

**суйяганича** — ҳол, феълдан ясалган ҳолат равиши билан ифодаланган, сўроғи — қандай?, грамматик шакли — сифатдошга III шахс эгалик формаси (-и) ва равиш ясовчи (-ча) аффикс қўшилган, равиш ҳоли, кесимдан англашилган иш-ҳаракатнинг бажарилиш ҳолатини билдиради, кесимга боғланган, уюшмаган, ажратилмаган, тўғри тартиб — ҳолланмиш (кесим)дан олдин келган;

**деворга** — тўлдирувчи, от билан ифодаланган, жўналиши келишигида, сўроғи — нимага?, келишкли конс-

трукция, воситали тўлдирувчи, содда тўлдирувчи, уюшмаган, ажратилмаган, тўғри тартиб — тўлдирилмишдан олдин келган;

**четда** — ҳол, рағиш билан ифодаланган, сўроғи — қ а е р д а? ўрин-пайт келишигида, ўрин ҳоли, кесимдан англашилган иш-ҳаракатнинг бажарилиш ўрнини билдиради, содда ҳол, кесимга боғланган, уюшмаган, ажратилмаган, тўғри тартиб — ҳолланмиш (кесим)дан олдин келган;

**одамлар кўзи тушмайдиған панада** — ҳол, ажратилган ҳол, ўрин ҳоли (*четда*)ни изоҳлайди, сўроғи — қ а е р д а?, ўрин билдиради, кесимга боғланган, уюшмаган, тўғри тартиб—ўрин ҳолидан сўнг, кесимдан олдин келган, ажратилган гап бўлаги бўлганлиги учун ҳар икки томонидан вергул билан ажратилган;

**мен гуноҳкор дегандек** — ҳол, сифатдош оборот билан ифодаланган, сўроғи — қ а н д а й?, рағиш ҳоли, кесимга боғланган, ҳолат билдиради, составли ҳол, уюшмаган, ажратилмаган, тўғри тартиб — кесимдан олдин келган, ўрин ҳолидан вергул билан ажратилган;

**бу ишларга** — тўлдирувчи, олмош ва от билан ифодаланган, кўплик ва жўналиш келишиги формаларини қабул қилган, сўроғи — н и м а г а?, ҳолга боғланган, келишкли конструкция, воситали тўлдирувчи, составли, уюшмаган, ажратилмаган, тўғри тартиб — тўлдирилмишдан олдин келган.

Синтактик вазифа бажармаган элементлар йўқ.

*Яна қандоқ кўргуликлар бор бахтсиз бошингда!*

☉ (Н. Сафаров.)

**Бош бўлаклар** — *кўргуликлар бор. Кўргуликлар* — эга, ясама от билан ифодаланган, бош келишик, кўпликда, сўроғи — н и м а ( л а р б о р )?, содда, уюшмаган, тўғри тартиб — кесимдан олдин келган;

**бор** — кесим, тасдиқ билдирувчи сўз билан ифодаланган, сўроғи — н и м а?, эга ҳақида тасдиқ — мавжудликни билдиради. Содда кесим, содда от кесим, бир сўз билан ифодаланган, тўғри тартиб — эгадан кейин келган; эга ва кесим сонда мослашмаган, эга—кўпликда, кесим — бирликда;

**яна қандоқ кўргуликлар** — эга состави, **бор бахтсиз бошингда** — кесим состави;

**қандоқ** — аниқловчи, олмош билан ифодаланган, ҳеч қандай грамматик форма олмаган, сўроғи — қ а н д а й?,

сифатловчи, аниқловчи, эгага боғланган, аниқланмиш (эга)нинг ноаниқ белги-хусусиятини билдиради, содда, уюшмаган, ажратилмаган, тўғри тартиб — аниқланмишдан олдин келган;

**бошингда** — ҳол, от билан ифодаланган, эгалик ва ўрин-пайт келишиги формаларини қабул қилган, сўроғи — *қ а е р д а?*, ўрин ҳоли, эгадан англашилган предмети-нинг ўрнини билдиради, содда, кесимга боғланган, уюшмаган, ажратилмаган, тескари тартиб — кесимдан кейин келган, традицион тартибга кўра, ўрин, пайт ҳоллари кесимдан олдин келади, бу ўринда инверсия юз берган;

**бахтсиз** — аниқловчи, ясама сифат билан ифодаланган, сўроғи — *қ а н д а й?*, сифатловчи аниқловчи, аниқланмишнинг белгисини билдиради, ҳолга боғланган, содда, уюшмаган, ажратилмаган, тўғри тартиб — аниқланмишдан олдин келган;

**яна** боғловчиси юклама функциясида, эга составини таъкидлаш, уқтириш функциясини бажарган;

*Бу ишни Ўзбекистон ССР Фанлар академияси бажармоғи лозим. (Ш. Рашидов.)*

**Бош бўлақлар** — *Ўзбекистон ССР Фанлар академияси бажармоғи лозим. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси* — эга, атоқли от билан ифодаланган, бош келишикда, III шахс, бирликдаги от, сўроғи — *к и м?*, ажралмас бирикма — муассаса номи (от+қисқартма от+от+от), уюшмаган, тўғри тартиб — кесимдан олдин келган;

**бажармоғи лозим** — кесим, инфинитив ва модал сўз билан ифодаланган, сўроғи — *н и м а қ и л м оғ и л о з и м?*, составли кесим, составли от кесим, асосий сўз— *бажармоғи*, ёрдамчи сўз — *лозим*, асосий сўз ҳаракат билдиради, ёрдамчи сўз шу ҳаракатни бажаришдаги қатъийликни, зарурликни билдиради, контакт ҳолат, аниқ оборот, уюшмаган, тўғри тартиб — эгадан кейин келган, асосий сўз олдин, ёрдамчи сўз ундан кейин келган; эга ва кесим шахс, сонда мослашган, III шахс, бирлик;


**бу ишни бажармоғи лозим** — кесим состави, *Ўзбекистон ССР Фанлар академияси* — эга состави;

**ишни** — тўлдирувчи, от билан ифодаланган, тушум келишигида, сўроғи — *н и м а н и?*, кесимга боғланган, келишикли, белгили келишикли конструкция, воситасиз тўлдирувчи билан кўмакчиси билан алмаштириш мум-

кин (*ишни→иш билан*), ҳаракат объектини билдиради, содда, уюшмаган, ажратилмаган, тўғри тартиб — кесимдан олдин келган.

**бу** — аниқловчи, олмош билан ифодаланган, бош келишида, сўроғи — *қ а й с и?*, сифатловчи аниқловчи, предметни ажратиб кўрсатган, конкретлаштирган, тўлдирувчига боғланган, содда, уюшмаган, ажратилмаган, тўғри тартиб — аниқланмишдан олдин келган;

синтактик вазифа **б**ажармаган элементлар йўқ.  
Схемаси қуйидагича:



*Билмаганин сўраб ўрганган — олим,  
Орланиб сўрамаган — ўзига золим.*

(А. Навоий).

Бош бўлақлар — *сўраб ўрганган — олим, орланиб сўрамаган — ўзига золим.*

**Сўраб ўрганган, орланиб сўрамаган** — эга, отлашган сифатдош оборот билан ифодаланган, сўроғи — *к и м?*, мураккаб сифатдош оборот, икки сўз — равишдош + сифатдош, аниқланмиш (*киши, одам*) тушиб қолган, натижада отга кўчган, уюшмаган, тўғри тартиб — кесимдан олдин келган;


**олим, ўзига золим** — кесим, 1- кесим от кесим, содда от кесим, от билан ифодаланган, 2- кесим мураккаб кесим, мураккаб от кесим, олмош (*ўзига*) ва от билан ифодаланган, сўроғи — *к и м?*, контакт ҳолат, боғлама (*бўлади*) тушиб қолган, шунинг учун эга ва кесим орасига тире қўйилади, уюшмаган, тўғри тартиб — эгадан кейин келган;

эга ва кесим сонда мослашган, бирлик сон, шахсиз кўришида: эга состави — *билмаганин сўраб ўрганган, орланиб сўрамаган*, кесим состави — *олим, ўзига золим*;

**билмаганин** — тўлдирувчи, отлашган сифатдош билан ифодаланган, аниқланмиш (*нарса*) тушиб қолган, натижада эгалик ва келишик формаларини сифатдош қабул қилган, тушум келишикдаги сифатдош, сўроғи — *н и м а н и?*, эгага боғланган, келишикли конструкция,

воситасиз тўлдирувчи, белгили тушум келишик шаклда (қисқа шаклда -н), содда тўлдирувчи, уюшмаган, ажратилмаган, тўғри тартиб — тўлдирилмишдан олдин келган;

синтактик вазифа бажармаган элементлар йўқ. Схемаси қуйидагича:



*Вақтида хўп ишлаганмиз жонимизни жабборга бериб!* (С. Анорбоев.)

Бош бўлақлар — (биз) ишлаганмиз.

Эга ифодаланмаган. Бир составли шахси аниқ гап, кесимнинг ифода шаклига кўра, эга I шахс кўпликдаги кишилик олмоши — биз;

**ишлаганмиз** — кесим, ўтган замон сифатдошининг I шахс кўпликдаги тусланишли формаси билан ифодаланган, сўроғи — п н м а қ и л г а н м и з? Эганинг ҳаракатини билдиради. Феъл кесим, содда кесим, аниқ оборот, уюшмаган, тўғри тартиб.

Эга ифодаланмаса ҳам кесим билан шахс ва сонда мослиги англашилади;

**вақтида хўп ишлаганмиз жонимизни жабборга бериб** — кесим состави;

**жонимизни жабборга бериб** — ҳол, фразеологик бирикма билан ифодаланган, сўроғи — қ а п д а й?, от + от + феъл, равиш ҳоли, кесимда ифодаланган ҳаракатнинг бажарилиш суръатини билдиради, мураккаб кесимга боғланган, уюшмаган, ажратилмаган, тескари тартиб — кесимдан (ўзи грамматик жиҳатдан боғланган сўздан) кейин келган, инверсия;

**хўп** — ҳол, равиш билан ифодаланган, сўроғи — қ а п д а й?, миқдор-даража ҳоли, кесимда ифодаланган ҳаракатнинг бажарилиш даражасини билдиради, содда, кесимга боғланган, уюшмаган, ажратилмаган, тўғри тартиб — кесим (ҳолланмиш)дан олдин келган;

**вақтида** — ҳол, пайт ҳоли, пайт билдирувчи от билан ифодаланган, сўроғи — қ а ч о н?, иш-ҳаракатнинг бажарилиш пайтини билдиради, тузилиши содда, кесимга боғланган, уюшмаган, ажратилмаган, тўғри тартиб — кесимдан олдин келган.

Ҳагда учта ҳол мавжуд, учаласи ҳолланмиш (кесим)ни уч хусусият жиҳатидан изоҳлайди, бири иш-ҳаракагининг бажарилиш суръатини, бири даражасини, яна бири пайтини билдиради, шунинг учун улар уюшмаган.

Синтактик вазифа бажармаган элементлар йўқ. Схемаси қуйидагича:

Вақтида хўп ишлаганмиз жонимизни жабборга бериб!

*У тилмочлик қилиб юрган кезларда шаҳарнинг казоказолари билан оғиз-бурун ўпишиб қолди. (С. Аҳмад.)*

Бош бўлақлар — *у оғиз-бурун ўпишиб қолди;*

**У** — эга, кишилик олмоши билан (III шахс, бирлик) ифодаланган, бош келишкда, эгаллик формасини қабул этмаган, сўроғи — ким?, содда, уюшмаган, тўғри тартиб — кесимдан олдин келган;

**оғиз-бурун ўпишиб қолди** — кесим, фразеологик бирикма билан ифодаланган, сўроғи — (у) нима қилди?, эгалиннг ҳаракатини билдиради, феъл кесим, мураккаб кесим, от+от+феъл+феъл, аниқ оборот, тўғри тартиб — эгадан кейин келган;


эга ва кесим шахс, сонда мослашган, III шахс бирлик.

Эга состави — *у*. Кесим состави — *тилмочлик қилиб юрган кезларда шаҳарнинг казоказолари билан оғиз-бурун ўпишиб қолди;*

**шаҳарнинг казоказолари билан** — тўлдирувчи, сўз бирикмаси билан ифодаланган, қаратқич+қаралмиш+кўмакчи, сўроғи— кимлар билан?, кесимга боғланган, кўмакчилик конструкция, воситали тўлдирувчи, кўмакчининг келишк формаси билан алмаштириш мумкин эмас, кесимда ифодаланган иш-ҳаракатнинг бажарилишида биргаллик, ҳамкорлик маъносини билдиради, уюшмаган, ажратилмаган, тўғри тартиб — тўлдирилмишдан олдин келган;

**тилмочлик қилиб юрган кезларда** — ҳол, сўз бирикмаси билан ифодаланган, сўроғи — қачон?, ясама от+равишдош+сифатдош+кўплик ва ўрни-пайт келишигидаги от, пайт ҳоли, иш-ҳаракатнинг бажарилган пайтини билдиради, мураккаб кесимга боғланган, уюшмаган, ажратилмаган, тўғри тартиб — ҳолланмиш (кесим)дан олдин келган;

синтактик вазифа бажармаган элементлар йўқ. Схемаси қуйидагича:



*Унг флангимиз эса ана у ерда (у ўнг томонга, узоқдан кўринаётган дарага ишора қилди.) (Л. Толстой.)*

Бош бўлақлар—*ўн флангимиз ана у ерда;*


**ўнг флангимиз** — эга, сифат+от типидagi сўз бирикмаси билан ифодаланган, бош келишик, I шахс кўпликдаги от, сўроғи — н и м а м и з?, мураккаб, сифат+от, уюшмаган, тўғри тартиб — кесимдан олдин келган;

**ана у ерда** — кесим, олмош+олмош+от билан ифодаланган, сўроғи — қ а е р д а?, мураккаб кесим, мураккаб от-кесим, ўрин-пайт келишигида, контакт ҳолат, уюшмаган, тўғри тартиб — эгадан кейин келган;

эга ва кесимда сонда мослашнишни билдирадиган формалар йўқ;

иккинчи даражали бўлақлар йўқ;

киритма гап мавжуд — (*у ўнг томонга, узоқдан кўринаётган дарага ишора қилди.*) Асосий гапдан қавс билан ажратилган ва ундан кейин келган. Асосий гапнинг кесимини изоҳлаган. Кесимда ифодаланган мазмун киритма гап орқали тўлдирилган. Схемаси қуйидагича:



*Селектор, рация, бошлиқ билан участка геологининг столлари, пармалаш ҳужжатлари билан тўлиб кетган шкафлар, Хоназаров учун қўйиб берилган каравот — ҳаммаси шу бир хонага тиқилган эди. (А. Мухтор.)*

Бош бўлақлар — *селектор, рация, столлар(и) шкафлар, каравот — ҳаммаси тиқилган эди;*

**селектор, рация, столлар(и), шкафлар, каравот — ҳаммаси** — эга, от (5 та) ва олмош билан ифодаланган, бош келишиқда, бирлик ва III шахс эгалик формасини (2 таси) қабул қилган, сўроғи — н и м а л а р? Содда, эгалар уюшган (5 та — 3 таси бирликда, 2 таси кўпликда), 3-, 4-, 5- уюшиқ бўлак ёйиқ тарзда, аниқловчи билан кенгайган, умумлаштирувчи сўз (*ҳаммаси*) мавжуд, уюшиқ бўлақлар олдин, умумлаштирувчи сўз умардан кейин келган, тўғри тартиб — кесимдан олдин келган;

**тиқилган эди** — кесим, сифатдош ва тўлиқсиз феълнинг ўтган замон формаси билан ифодаланган, сўроғи — н и м а қ и л г а н э д и? Эганинг ҳолатини билдиради, феъл кесим, составли феъл кесим, *тиқилган* — асосий феъл, ҳаракатни билдиради, *эди* — тўлиқсиз феъл, боғлама, ҳаракатнинг аниқ бажарилганлигини билдиради, контакт ҳолат, мажхул оборот, уюшмаган, асосий феъл олдин, тўлиқсиз феъл кейин келган, тўғри тартиб — эгадан кейин келган;

эга ва кесим шахс, сонда мослашган, III шахс, бирликда;

*селектор, рация, бошлиқ билан участка геологининг столлари, пармалаш ҳужжатлари билан тўлиб кетган шкафлар, Хоназаров учун қўйиб берилган каравот — ҳаммаси* — эга состави, *шу бир хонага тиқилган эди* — кесим состави;

*бошлиқ билан участка геологининг* — аниқловчи; *пармалаш ҳужжатлари билан тўлиб кетган* — аниқловчи; *Хоназаров учун қўйиб берилган* — аниқловчи; *бир хонага* — ҳол, *шу* — аниқловчи.

Синтактик вазифа бажармаган элементлар йўқ.

*Икки ўн беш — бир ўттиз. (Мақол.)*

**икки ўн беш** — эга, сон билан ифодаланган, бош келишиқда, сўроғи — қ а н ч а? (*бир ўттиз*), мураккаб, бирикма билан ифодаланган, уюшмаган, тўғри тартиб — кесимдан олдин келган;

**бир ўттиз** — кесим, сон билан ифодаланган, бош келишиқда, сўроғи — қ а н ч а?, от кесим, мураккаб от кесим (бирикма билан ифодаланган), тўғри тартиб — эгадан кейин келган, боғлама (*бўлади*) тушиб қолган, шунинг учун эга билан кесим орасига тире қўйилган.

— *Оғизда айтиш осон, албатта. (П. Қодиров.)*

Бош бўлақлар — *айтиш осон*;



**айтиш** — эга, ҳаракат номи билан ифодаланган, бош келишиқда, бирлиқда, сўроғи — н и м а? (*осон*), содда (бир сўз), уюшмаган, тўғри тартиб — кесимдан олдин келган;

**осон** — кесим, сифат билан ифодаланган, сўроғи — (*айтиш*) қ а н д а й?, эганинг ҳолатини билдиради, от кесим, содда от кесим, тўғри тартиб;

**оғизда** — тўлдирувчи, от билан ифодаланган, ўринпайт келишиғида, сўроғи — н и м а д а? (*осон*), кесимга боғланган, келишиқли конструкция, билан кўмақчиси билан алмаштириш мумкин (*оғиз билан*), воситали тўлдирувчи, иш-ҳаракат объектини билдиради, содда, уюшмаган, тўғри тартиб;

**албатта** — кириш сўз, равиш билан ифодаланган, ишонч, қатъийлик маъносини билдиради, гапнинг охирида келган, вергул билан ажратилган.

*Солиҳ маҳдум гўштини Нигор ойимнинг ёнига қўйиб, ўзи зина билан айвонга чиқди. (А. Қодирий.)*

**маҳдум** — изоҳловчи, от билан ифодаланган, бош келишиқда, бирлиқда, эгалик кўшимчасини қабул қилмаган, сўроғи — к и м?, изоҳланмиш — гапнинг эгаси (шунинг учун эгага хос сўроқ берилади), мустақил бўлмаган изоҳловчи, изоҳланмиш (*Солиҳ*)нинг социал мавқеини билдиради, ажратилмаган, изоҳланмишдан кейин келган;

**ойимнинг** — изоҳловчи, от билан ифодаланган, қаратқич келишиғида, сўроғи — к и м н и н г?, мустақил бўлмаган изоҳловчи, ажратилмаган, изоҳланмиш (*Нигор*)нинг социал мавқеини билдиради (ўтмишда эшонларнинг, мансабдорларнинг, муллаларнинг хотини ойим дейилган), изоҳланмишдан кейин келган.

*Шундан кейин Анвар тўғрисида хаёл суриб, унга — Анварга — қарши ўзида кучли бир кек сезар, шундай оғир соатларда ташлаб кетган «йигит» яна бир кўринса, қандай кинолар билан истиқбол қилишини — кутиб олишини ўйлар эди. (А. Қодирий.)*

**унга қарши** — тўлдирувчи, кишилиқ олмоши ва от (функционал) кўмақчи билан ифодаланган, жўналиш келишиғида, сўроғи — к и м г а қ а р ш и?, кесимга боғланган, аралаш—келишиқли ва кўмақчили конструкция, воситали тўлдирувчи, ҳаракат қаратилган шахсни билдиради, составли, уюшмаган, ажратилмаган, тўғри тартиб — кесимдан олдин келган, асосий компонент билан

кўмакчи ўртасида ажратилган тўлдирувчи келган, ажратилган тўлдирувчи ҳар икки томондан тире билан ажратилган;

**Анварга** — ажратилган тўлдирувчи, атоқли от билан ифодаланган, жўналиш келишигида, **қарши** — от кўмакчи, тўлдирувчи билан ҳам, ажратилган тўлдирувчи билан ҳам синтактик муносабатга киришган; сўроғи — кимга?, ҳаракат қаратилган шахсни билдиради, содда, уюшмаган, тўғри тартиб — тўлдирувчидан кейин келган.

*Бу ернинг бирдан-бир хўжайини — туркманча қилиб иягининг тагидан соқол қўйган кекса қорақалпоқ — Ажнийёз оға бизга чой қайнатиб берди. (А. Мухтор.)*

**хўжайини** — аниқловчи, от билан ифодаланган, III шахс, бирликда, сўроғи — қайси? (аслида *хўжайини бўлмиш* тарзида бирикма бўлган, *бўлмиш* сўзи гапда қўлланмаган, қайси *Ажнийёз оға?* деган сўроқ берилди), сифатловчи аниқловчи, аниқланмишни бошқалардан ажратиб кўрсатган, эгага боғланган, содда, уюшмаган, ажратилмаган, тўғри тартиб — аниқланмишдан олдин келган, аниқловчи ва аниқланмиш (*Ажнийёз оға*) ўртасида изоҳловчи келган;

*туркманча қилиб иягининг тагидан соқол қўйган кекса қорақалпоқ* — ажратилган аниқловчи, бир неча бирикма билан ифодаланган, сўроғи — қайси?, ажратилган сифатловчи аниқловчи, аниқланмишнинг турли белгилари (ташқи кўриниши, ёши, миллати)ни конкретлаштирган, тўғри тартиб — аниқловчидан кейин, аниқланмишдан олдин келган.

*Бўлмаса тиззадан сув кечиб, изғиринда нафасимиз бўғилиб, шунча узоқ жойга — тепаликка ҳар кун қатнаб тинка-мадоримизни қуритишга бизни ким мажбур қиларди, дейсиз. (Ч. Айтматов.)*

**узоқ жойга** — ҳол, сифат+отли бирикма билан ифодаланган, жўналиш келишигида, сўроғи — қайерга?, ўрин ҳоли, иш-ҳаракатнинг бажарилмиш ўрнини билдиради, мураккаб, кесимга боғланган, уюшмаган, ажратилмаган, тўғри тартиб — кесимдан олдин келган, ажратилган ҳолдан тире билан ажратилган;

**тепаликка** — ажратилган ҳол, от билан ифодаланган, жўналиш келишигида (ҳол билан бир хлм грамматик формада), сўроғи — қайерга?, ўрин ҳоли (*узоқ жойга*)нинг маъносини конкретлаштирган, содда, тўғри

тартиб — ўз маъносини конкретлаштирган ҳолдан кейин, кесимдан олдин келган, ҳолдан тире билан ажратилган (қойдага кўра, ажратилган ҳол ҳар икки томондан бир хил тиниш белгиси билан ажратилиши лозим).

*Бир вақт қарасам, сенга дам солдираман деб, биласанми, кимни — фолбинни, ҳалиги Жайнақнинг кампирини бошлаб келибди. (Ч. Айтматов.)*

**кимни** — тўлдирувчи, сўроқ олмоши билан ифодаланган, тушум келишигида, сўроғи — к и м н и?, кесимга боғланган, келишликли конструкция, воситасиз тўлдирувчи, белгили воситасиз тўлдирувчи, келишлик формасини кўмакчи билан алмаштириш мумкин эмас, ҳаракат объектини билдиради, содда, уюлмаган, ажратилмаган, тўғри тартиб — кесимдан олдин келган;

**фолбинни** — ажратилган тўлдирувчи, от билан ифодаланган, тушум келишигида, изоҳлаётган тўлдирувчи билан бир хил грамматик формада, сўроғи — к и м н и?, кесимга боғланган, содда, келишликли конструкция, воситасиз тўлдирувчи, белгили воситасиз тўлдирувчи, ҳаракат объектини билдиради, тўлдирувчининг маъносини конкретлаштирган — касбини таъкидлаб кўрсатган, тўлдирувчидан кейин, кесимдан олдин келган, изоҳлаётган тўлдирувчидан тире билан ажратилган, сўнгги — иккинчи ажратилган тўлдирувчидан вергул билан ажратилган;

**ҳалиги Жайнақнинг кампирини** — ажратилган тўлдирувчи, сифат ва от + от — бирикма билан ифодаланган, тушум келишигида, изоҳлаётган тўлдирувчи билан бир хил грамматик формада, сўроғи — к и м н и?, кесимга боғланган, мураккаб келишликли конструкция, воситасиз тўлдирувчи, белгили воситасиз тўлдирувчи, ҳаракат объектини билдиради, тўлдирувчининг ва биринчи ажратилган тўлдирувчининг (*фолбинни*) маъносини конкретлаштирган, тўлдирувчидан кейин ва кесимдан олдин келган, биринчи ажратилган тўлдирувчидан вергул билан ажратилган.

*Биласиз, бизнинг гурӯпада қизлар кам. (П. Қодиров.)*

**биласиз** — кириш гап, феъл билан ифодаланган, замон ва шахси аниқ (келаси замон, II шахс, кўplikда), предикативлик акс этган — гап кўринишида, айтилаётган фикрга (гурӯпада қизлар камлигига) сўзловчининг муносабати ифодаланган, асосий гапга нис-

батан пастроқ оҳангда, пауза билан ажратиб айтилади, гап таркибида гап бўлаклари билан синтактик муносабатга кирмаган, гапнинг бошида келган, гапдан вергул билан ажратилган, чунки хабар интонацияси билан айтилади.

*Ажабо, шу иккита кичкина қора нуқта — инсон кўзлари шу қадар ҳасрату шу қадар илтижони ўзига сиздира олишини билмас эканман. (А. Мухтор.)*

**қора нуқта** — аниқловчи, сифат+отли бирикма билан ифодаланган, белгисиз қаратқич келишигида, сўроғи — н и м а н и н г?, қаратқичли аниқловчи, белгисиз қаратқичли аниқловчи, дистант ҳолат, қаралмишда ифодаланган ҳаракат бажариладиган предметни билдиради, тўлдирувчига боғланган, тўғри тартиб — аниқланмишдан олдин келган;

**инсон кўзлари** — ажратилган аниқловчи, от+от билан ифодаланган, III шахс, кўпликда, белгисиз қаратқич келишигида, сўроғи — н и м а н и н г?, қаратқичли аниқловчи, белгисиз қаратқичли аниқловчи, дистант ҳолат, (*шу қадар ҳасрату шу қадар илтижони ўзига аниқловчи ва аниқланмиш орасига киритилган*), аниқловчи (*қора нуқта*)ни конкретлаштирган, ажратилган белгисиз қаратқичли аниқловчи, маъноси конкретлаштирилган аниқловчидан грамматик формаси билан фарқ қилади (сонда, шахс формасида), аниқловчидан кейин келган, тире билан ажратилган.

*Россия, Россия, азамат ўлка!*

*Эй осмон сингари бепеён Ватан!*

(Ҳ. Олимжон.)

*Россия, Россия, азамат ўлка!*

*Эй осмон сингари бепеён Ватан!* — ундалма, нутқ қаратилган предмет (*Ватан*)ни билдиради, *Россия, Россия* — йиғиқ ундалма, *азамат ўлка* — аниқловчи билан кенгайган, *осмон сингари бепеён Ватан* — иккита аниқловчи билан кенгайган мураккаб ундалма, кейинги икки ундалма стилистик ва маъно жиҳатдан йиғиқ ундалма (*Россия*)ни тавсифлаш вазифасини бажарган, сўзловчининг ижобий муносабати ифодаланган, уюшмаган, нутқ қаратилган предмет (*Россия*)нинг турли белгилари изоҳланган;

**эй** — ундов сўз, ундалманинг аниқловчилари билан бирикиб, эмоционалликни оширган,

## Бир составли гап таҳлили

Бир составли гаплар содда гапнинг бир кўринишидир. Таҳлил жараёнида бир ва икки составли содда гапларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш зарур. Бир составли гаплар нутқда актив қўлланилмоқда, тилда бу тип гапларнинг миқдори ортиб, истеъмол доираси кенгайиб бормоқда. Бир составли гаплар компонентларнинг миқдори, бош бўлақларнинг иштироки, предикациянинг ифодаланиши, интонация жиҳатдан икки составли гаплардан қисман бўлса-да фарқ қилади.

Шуни таъкидлаш лозимки, бир составли содда гапларнинг классификацияси ва терминларида бир хиллик йўқ. Проф. А. Ғуломов, М. Асқаровалар бир составли гапларнинг шахси аниқ, шахси номаълум, шахси умумлашган, шахсиз, инфинитив, номинатив, ундаш гапларга бўлинишини кўрсатган. Проф. И. Расулов эгасиз ва кесимсиз бир составли гапларга бўлиб, сўнг эгаси топилар (шахси аниқ, шахси ноаниқ, шахси умумлашган), эгаси топилмас гапларга ажратган, номинатив ва бўлақларга бўлинмайдиган гапни алоҳида изоҳлаган.

Илмий ва ўқув грамматикаларда бир составли гапларнинг баъзи турларини турлича аташ ҳоллари ҳам мавжуд. Масалан, номинатив ёки атов гап, ундаш ёки бўлақларга ажралмайдиган гап. Дарслик ва илмий адабиётларни ўқиб ўзлаштириш жараёнида ана шуларни ҳисобга олиш, терминларнинг маъно ва функция доирасини қатъий англаб етиш лозим.

Амалий дарсларда ва мустақил машғулотларда ўтказиладиган грамматик таҳлилда икки составли гаплар, бир составли гапларнинг шахси аниқ, шахси номаълум, шахси умумлашган, шахсиз турларига кўпроқ эътибор берилиб, бир составли гапларнинг бошқа турларидан оз миқдорда мисоллар танланиши каби ҳолатлар учрайди. Назарий ва амалий машғулотларда инфинитив, номинатив (атов), сўз-гап, вокатив гапларнинг грамматик ва семантик хусусиятларини атрофлича ўрганиш лозим.

### Бир составли гап таҳлили тартиби

1. Гапнинг ифода мақсади ва эмоционаллигига кўра тури.

2. Бош бўлақларнинг морфологик жиҳатдан ифодаланишига кўра бир составли гапларнинг типлари (шахси аниқ, шахси номаълум, шахси умумлашган, шахсиз,

инфинитив, номинатив гаплар). Бир составли гапнинг қайси типига мансублиги ва унинг грамматик хусусиятларини аниқлаб изоҳлаш.

3. Бир составли гапларнинг бош бўлаги, унинг ифода ланиши, гапнинг асосий маъно хусусиятини аниқлаш.

4. Иккинчи даражали бўлақларнинг мавжудлиги ва мавжуд эмаслигига кўра гап тури.

5. Гапнинг тўлиқ ёки тўлиқсизлиги, тўлиқсиз гап турлари.

6. Гапнинг воқеликка муносабати жиҳатидан турлари.

7. Синтактик вазифа бажармаган элементларнинг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигига кўра гапнинг мураккаблиги ёки мураккаб эмаслиги.

8. Ажратилган гап бўлақларининг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигига кўра гапнинг мураккаблиги ёки мураккаб эмаслиги.

9. Тиниш белгилари.

10. Схемаси.

### Бир составли гап таҳлили намунаси

*Кеча бирга келган командирим билан роса тортишдик. (Шухрат.)*

Дарак гап.

Шахси аниқ гап, иш-ҳаракатни бажарган шахслар маълум (*биз, бизлар*), кесим (*тортишдик*) орқали шахсини аниқлаш мумкин, баҳслашмоқ ҳаракатини бажарган шахслар — *биз, бизлар*, Гапнинг эгаси ҳам *биз (бизлар)*;

*тортишдик* — бош бўлақ, кесим, ўтган замон феъли (I шахс, кўплик) билан ифодаланган, ҳаракатни бажарувчи шахс маълум, кесим орқали аниқланади (*биз, бизлар*). Логик урғу олган сўз *командир*, фикр марказида шу сўз (ҳаракатнинг бажарилишига иштирокчи *командир*) туради;

бир составли содда ёйиқ гап, *кеча бирга келган командирим билан роса* иккинчи даражали бўлақ, аралаш (ҳолли ва тўлдирувчили) ёйиқ гап;

тўлиқ гап, гап бўлақлари тушиб қолмаган;

тасдиқ гап. Иш-ҳаракатнинг бажарилганлиги бўлишли (*тортишдик*) феъл билан ифодаланган;

синтактик функция бажармаган элементлар йўқ;

ажратилан гап бўлақлари йўқ;

дарак гап охирига нуқта қўйилган. Схемаси қуйидагича:

Кеча бирга келган командири билан роса тортишдик.

— Ҳассани бир йўқотасан, оғайни! (Шухрат.)

Ундов гап;

шахси умумлашган гап. Гапнинг кесими аниқ (II) шахсга қаратилган бўлса ҳам, ҳаракатнинг бажарувчиси II шахс эмас, балки барча шахслардир. Мазмуни умумлашган;

Йўқотасан — бош бўлак, кесим, II шахс бирлик, ижро майлидаги феъл билан ифодаланган, ҳаракатни бажарадиган шахс ҳамма, ҳар кимдир;

бир составли содда ёйиқ гап. Ҳассани бир — иккинчи даражали бўлак, аралаш (тўлдирувчи ва ҳолли) ёйиқ гап;

тўлиқ гап. Гап бўлаклари тушиб қолмаган;

тасдиқ гап, иш-ҳаракатнинг бажарилганлиги бўлишли (йўқотасан) феъл билан ифодаланган;

оғайни — ундалма, нутқ қаратилган шахс, синтактик вазифа бажармаган, ундалма билан мураккаблашган, мураккаб гап;

ажратилган гап бўлаклари йўқ;

ундов гап охирига ундов белгиси қўйилган. Ундалма гап охирида келгани учун ундан олдин вергул қўйилган. Схемаси қуйидагича:

↓  
Ҳассани бир йўқотасан, оғайни!

*Мактабда дарс бериш, дафтарларни кўриб чиқиш, эртаги дарсга ҳозирланиш керак...* (А. Толстой.)

Дарак гап;

шахссиз гап; гапнинг кесими модал сўзнинг ҳаракат номи шаклидаги феъл формаси, яъни шахссиз феъл билан ифодаланганлиги туфайли иш-ҳаракатнинг бажарувчиси қайси шахс эканлигини аниқлаш мумкин эмас. Ҳаракатни бажарувчи шахс ифодаланмаган, гапнинг эгасини аниқлаш қийин;

дарс бериш, кўриб чиқиш, ҳозирланиш керак — бош бўлак, кесим, ҳаракат номини бирикма + модал сўз билан ифодаланган. Ҳаракатнинг ўзи қайд этилган, бажарувчи шахс йўқ;

бир составли содда ёйиқ гап. *Мактабда, дафтарларни, эртаги дарсга* — иккинчи даражали бўлак, аралаш (ҳолли, тўлдирувчили) ёйиқ гап;

тўлиқ гап, гап бўлаклари тушиб қолмаган;

тасдиқ гап, иш-ҳаракатни бажариш лозимлиги бўлишли (*дарс бериш, кўриб чиқиш, ҳозирланиш*) феъллар билан ифодаланган;

синтактик функция бажармаган элементлар йўқ;

ажратилган гап бўлаклари йўқ;

дарак гап охирига нуқта қўйилган. Феълнинг инфинитив формаси билан ифодаланган кесимнинг асосий қисмлари уюшган, улар ўзаро вергул билан ажратилган. Схемаси қуйидагича:

Мактабда дарс бериш, дафтарларни кўриб чиқиш, эртаги дарсга ҳозирланиш керак.

*Мана, отангиз Соҳиб саркордан ибрат олсангиз-чи!*  
(Н. Сафаров.)

Ундов гап, сўроқ-ундов гап; таркибида **-чи** сўроқ юкламаси мавжуд; даъват, чақириқ маъноси ифодаланган; *мана* кўрсатиш олмоши таъкид оттенкасига эга, сўзловчи ва тингловчига макон ва замон жиҳатдан яқин предмет (*Соҳиб саркор*)ни кўрсатиш учун қўлланган;

шахси аниқ гап, иш-ҳаракатни бажарувчи шахс маълум (*сиз*), кесим таркибидаги феъл (*олсангиз*) орқали шахсини аниқлаш мумкин, *ибрат олмоқ* ҳаракатини бажарувчи шахс; гапнинг эгаси — *сиз*. Шахси аниқ гапларда эгани махсус сўз билан ифодалашга эҳтиёж бўлмайди;

**ибрат олсангиз-чи** — бош бўлак, кесим, от+феъл — қўшма феъл билан ифодаланган. Кесимнинг II шахс кўпликдаги аниқ феъл билан ифодаланиши иш-ҳаракатни бажарувчи шахсни (*сиз*) кўрсатади;

бир составли содда ёйиқ гап, *отангиз Соҳиб саркордан* — иккинчи даражали бўлак, аниқловчили ва тўлдирувчили ёйиқ гап;

тўлиқ гап;

тасдиқ гап, иш-ҳаракат бўлишли феъл (*олсангиз*) да баён қилинган;

**мана** олмоши юклама функциясида бўлиб, таъкид ва вақтириш маъносига эга, гапнинг умумий мазмунига хос, синтактик вазифа бажармаган, юклама билан гап мураккаблашган, мураккаб гап;



ажратилган гап бўлаклари йўқ; гап охирига ундов белгиси қўйилган. Схемаси қуйидагича:

Мана, отангиз Соҳиб саркордан ибрат олсангиз—чи!

*Эртага бутун мамлакатдан келган одамлар билан рўпара бўлади. (С. Кароматов.)*

Дарак гап, хабар мазмуни ифодаланган;  
шахси номаълум гап. Кесимнинг шахси (III шахс) аниқ бўлса ҳам, унда ифодаланган иш-ҳаракат номаълум шахслар томонидан ҳар уч замоннинг бирида содир бўлиши мумкин;

**рўпара бўлади** — бош бўлак, кесим, от+феъл—қўшма феъл билан ифодаланган. Кесим III шахс бирликдаги аниқ феъл билан ифодаланган, лекин эга конкрет шахс эмас. Гапда кесим орқали ифодаланган иш-ҳаракатни таъкидлаш, тингловчининг эътиборини иш-ҳаракатга қаратиш асосий ўринда туради;

бир составли содда ёйиқ гап, *эртага бутун мамлакатдан келган одамлар билан* — иккинчи даражали бўлак, аралаш (ҳолли, аниқловчили ва тўлдирувчили) ёйиқ гап;

тўлиқ гап;  
тасдиқ гап, иш-ҳаракатнинг бажарилиши бўлишли (*бўлади*) феъл билан ифодаланган;

синтактик вазифа бажармаган элементлар йўқ;  
ажратилган гап бўлаклари йўқ, мураккаблашмаган гап;

дарак гап бўлганлиги учун охирига нуқта қўйилган. Схемаси қуйидагича:

Эртага бутун мамлакатдан келган одамлар билан рўпара бўлади.

*Нега шунақа қиялпти? Халқ учун ғам ейиш? У бу нарсани сираям ййлаётгани йўқ-ку?. (Ш. Холмирзаев.)*

Сўроқ гап, таажжуб мазмуни ифодаланган, сўроқ интонацияси билан айтилади;

инфинитив гап. Ёйиқ инфинитив гап. Ҳоким бўлакка тобе компонентлар (*халқ учун* — тўлдирувчи) мавжуд;

**ғам ейиш** — бош бўлак, фразеологик birlik билан ифодаланган. Гапда иш-ҳаракат аталган, шу орқали фикр ифодаланган, ажабланиш, таажжуб маъно-

сини англатади. Бу маъно инфинитив гапдан олдинги ва кейинги гаплар орқали конкретлаштирилган;

бир составли содда ёйиқ гап, *халқ* учун — иккинчи даражали бўлак, тўлдирувчи;

тўлиқ гап;

тасдиқ гап;

синтактик вазифа бажармаган элементлар йўқ;

ажратилган гап бўлаклари йўқ, мураккаблашмаган гап;

сўроқ белгиси қўйилган, ажабланиш, таажжуб маъноларини билдиради ва сўроқ оттенкаси билан айтилади.

*Ола Чопон... Йўқ, Ола Чопонда халқ қўшиқларини ким эшитган. Айниқса, термаларни. Қўшибулоқ. Уша Эшниёз бахшининг юрти! Утовлар, капалар, дўнгликлар. (Ш. Холмирзаев.)*

Дарак гап;

номинатив (атов) гап, бир неча (беш) гапдан иборат. 1-, 3-, 4-, 5- гаплар бир сўздан ташкил топган, содда, йиғиқ тарзда тузилган. 2-гап ёйиқ тарзда тузилган, бир неча сўзлардан ташкил топган;

эга состави типдаги бош бўлакдан иборат, от туркумига мансуб сўзлар билан ифодаланган. Муайян (*Қўшибулоқ*) аҳоли яшов пункти (қишлоқ) ва ундаги предмет, объектлар ҳақида хабар ифодаланган;

2-гапда аниқловчи бўлак мавжуд, яъни содда ёйиқ гап, *ўша машҳур Эшниёз бахшининг* — аниқловчи, сифатловчи ва қаратқич аниқловчи;

тўлиқ гап;

тасдиқ гап. Номинатив гапларда нарса ва предметларнинг мавжудлиги тасдиқланган, хабар берилган;

синтактик вазифа бажармаган элементлар йўқ;

ажратилган гап бўлаклари йўқ;

турли тиниш белгилар қўйилган. 1-, 4-, 5-гаплардан сўнг нуқта қўйилган. 2-гапдан сўнг ундов белгиси қўйилган, ундов ва таъкид маъноси мавжуд. 3-, 4-гаплар орасига вергул қўйилган, санаш оҳангида айтилади.

*Арава сизмайдиған, ичкарилиқ кўчага бу кун жон кирган. (Ойбек.)*

Дарак гап, хабар мазмуни ифодаланган, тинч оҳангда айтилади;

шахсиз гап, гапда ҳаракатни баён қилишга асосий эътибор қаратилган, ҳаракатни бажарувчилар назарда тутилмаган, ҳаракатнинг кутилгандан ортиқ даражада

бажарилганлиги таъкидланган, гапнинг эгасини «тик-лаш»га эҳтиёж йўқ.

**жон кирган** — кесим, фразеологик бирикма билан ифодаланган, фразеологик бирикма составидаги феъл оддий даражада, у грамматик эгаси (*жон*) билан мазмунан бирикиб кетган, бир тушунчани билдирган — *серкятнов бўлмоқ*.

ёйиқ содда гап, *арава сиғмайдиган, ичкарилик* — аниқловчи, аниқловчилар уюшган, *кўчага* — ҳол, *бу кун* — ҳол, аниқловчили ва ҳолли ёйиқ содда гап, ара-лаш ёйиқ содда гап;

тўлиқ гап;

тасдиқ гап, бўлишли формадаги феъл ҳаракатнинг бажарилганлигини ифодалаган;

синтактик вазифа бажармаган элементлар йўқ;

ажратилган гап бўлаклари йўқ, мураккаблашмаган гап;

уюшиқ бўлақлар ўзаро вергул билан ажратилган, дарак гап охирига нуқта қўйилган. Схемаси қуйида-гича:

Арава сиғмайдиган, ичкарилик кўчага бу кун жон кирган.

*Ҳар кун эрталаб бир вақтда — бир минут кечикиш, ё олдин кетиш йўқ — нонушта қилмасдан дўконга кетади, оқшом, албатта, уйга қайтиб, оила билан овқатланади, сўнгра онасини зиёрат қилади. (Ойбек.)*

Дарак гап, хабар мазмуни ифодаланган;

шаҳси аниқ гап. 4 та содда гапдан тузилган қўшма гап, содда гапларнинг ҳаммаси бир хил, ҳаммаси шахси аниқ гап;

гапларнинг кесимлари III шахс бирликдаги ижро майли феъл формаси билан ифодаланган, кесимларнинг структурасидан ҳаракатни бажарувчи шахсни аниқлаш мумкин;

гапларда асосий эътибор ҳаракатни бажарувчига қаратилган, ҳаракатни бажарувчи у, эга — ҳаракатни бажарувчидир;

*кетади, қайтиб, овқатланади, зиёрат қилади* — кесим, кесимлар III шахс бирликдаги ижро майли феъл формаси билан ифодаланган, кесимлар ҳаракат билдиради, кесимларнинг грамматик структураси орқали эгани аниқлаш мумкин, гапларда эганинг ифодаланиши талаб этилмаган;

ҳар бир содда гапда иккинчи даражали бўлақлар мавжуд: 1-гапда *дўконга* — ҳол, *нонушта қилмасдан* — ҳол, *ҳар кун эрталаб бир вақтда* — ҳол, ҳолли ёйиқ гап; 2-гапда *уйга* — ҳол, *оқшом* — ҳол, ҳолли ёйиқ гап; 3-гапда *оила билан* — тўлдирувчи, тўлдирувчили ёйиқ гап, 4-гапда *онасини* — тўлдирувчи, *сўнгга* — ҳол, аралаш ёйиқ гап;

ҳар бир содда гап тўлиқ гап;

барча содда гаплар, умуман, қўшма гап, тасдиқ гап, ҳаракатнинг бажарилганлиги бўлишли феъллар билан ифодаланган;

синтактик вазифа бажармаган элементлар бор: *бир минут кечикиш, ё олдин кетиш йўқ* — кириш гап, 1-гап таркибида келган *ҳар кун эрталаб бир вақтда* мураккаб бирикма билан ифодаланган ҳолни изоҳлаган, қўшимча маълумот киритган — кириш гап олдинги мураккаб бирикма мазмунини тўлдирган, таъкидлаган, гапнинг ўртасида, ўзи изоҳлаётган бўлақдан кейин келган, ҳар икки томонидан тире билан ажратилган, асосий гапга нисбатан пастроқ оҳангда, асосий гапдан пауза билан ажратилиб айтилади; *албатта* — кириш сўз, иккинчи гап таркибида, гапнинг ўртасида келган, равиш билан ифодаланган, ишонч мазмунини билдиради, ҳар икки томонидан вергул билан ажратилган, кичик пауза билан, паст оҳангда айтилади; 1-гап кириш гап билан мураккаблашган, 2-гап кириш сўз билан мураккаблашган, 3-, 4-гаплар мураккаблашмаган;

ажратилган гап бўлақлари йўқ;

кириш гап ҳар икки томонидан тире билан, кириш гапнинг уюшиқ эгалари вергул билан, кириш сўз ҳар икки томонидан вергул билан ажратилган, содда гаплар ўзаро вергул билан ажратилган, дарак гап охирига нуқта қўйилган.

*Кабинадан чиқишга тўғри келди.*

(Ч. Айтматов.)

Дарак гап, хабар мазмуни ифодаланган;

шаҳсиз гап, гапда асосий эътибор ҳаракатни ифодалашга қаратилган, ҳаракатни бажарувчи шахс сўзловчи учун аҳамиятли эмас, шунинг учун фикр гапнинг шу структурасида баён қилинган;

*чиқишга тўғри келди* — кесим, кесим жўналиш келишигидаги ҳаракат номи, сифат ва феъл билан ифодаланган, мураккаб кесим, кесимнинг учинчи компоненти

тусланган — III шахс, бирлик, ўтган замон, ижро майли, кесим составидаги феъл формасига қараб эгачи III шахс кишилиқ олмоши дейиш мумкин эмас, эгани тиклашга эҳтиёж йўқ;

ёйиқ содда гап, *кабинадан* — тўлдирувчи, тўлдирувчили ёйиқ гап;

тўлиқ гап;

тасдиқ гап, бўлишли формадаги феъл билан ҳаракатнинг бажарилганлиги ифодаланган;

синтактик вазифа бажармаган элементлар йўқ, мураккаблашмаган гап;

ажратилган гап бўлаклари йўқ;

дарак гап охирига нуқта қўйилган. Схемаси қуйидагича:

*Кабинадан* чиқишга тўғри келди.

— *Ҳалим эшоннинг қизими?*

— *Ҳа, ўша...*

— *Буровойга борганмиди?*

— *Йўқ. (И. Раҳим.)*

— *Султон акам ҳозир Испанияда, Аҳмаджон.*

— *Испанияда?*

— *Ҳа. (А. Мухтор.)*

Дарак гап, хабар мазмуни ифодаланган;

сўз-гап, *ҳа* — тасдиқ билдирувчи сўз-гап, йўқ — инкор билдирувчи сўз-гап, иккаласи ҳам сўроқ гапга жавоб тарзида айтилувчи; жавоб гап, бошқа бўлақлар билан ёйилмайдиган гап, гапда эга ҳам, кесим ҳам ифодаланмаган, эга состави ёки кесим состави деб составга ажратилмайди, эга ёки кесим деб бўлақларга ажратилмайдиган гап, ҳукм ифодаланган гап, диалогда қўлланган.

*«Ййе, ойим-ку, қачон келибди, нима қилиб юрибди?» деб ййлади-да, югуриб унинг олдига борди:*

— *Ойи!*

— *Акрамхон! (И. Раҳим.)*

Ундов гап, эмоционал муносабат ифодаланган, кучли эмоция билан айтилади; вокатив гап, *Ойи! Акрамхон!* кучли мурожаат, шодлик эмоцияси билан айтилади. Структурасига кўра, ундолмага ўхшайди, *Ойи!* вокатив гапидан *ойим келибди ёки ойи, сиз келибсиз-ку!* мазмуни англашилади; *Акрамхон!* гапидан *Акрамхон, мен келдим!* мазмуни англашилади, бу гаплар ҳукм ифодаланган, эга состави ёки кесим составига ҳамда кесим ёки

эга деб бўлақларга ажратилмайдиган гап, диалогда қўлланган.

— *Ким айтди шу гапни? — деди аччиғидан кўзлари чақнаб Ойимхон.*

— *Маориф бўлимининг мудири Хидиров.*

— *Шундай денг?*

— *Шундай. (П. Турсун.)*

Дарак гап, хабар мазмуни ифодаланган, бош бўлақлари (ёки бир бош бўлақ) мавжуд гаплардан кучлироқ оҳангда айтилади;

сўз-гап, тасдиқ билдирувчи сўз-гап, сўроқ гапга жавоб тарзида айтилувчи жавоб гап, олмош билан ифодаланган. *Ҳа сўз-гапи билан функциядош, шундай сўз-гапи ўрнида ҳа сўз-гапини қўллаш мумкин, бошқа бўлақлар билан ёйилмайдиган гап, эга состави ёки кесим составига ҳамда эга ёки кесим деб бўлақларга ажратилмайдиган гап, ҳукм ифодаланган, диалогда қўлланган.*

*Лекин мен газетада бўлганим учун кузатиб юрдим: Маҳмудов билан Каримов аввалгидай сидқидиллик билан ишлади; мана биринчи курсилардан ҳам сўранглар. Бошқа курслар ҳам билса керак.— Тўғри! (П. Қодиров.)*

Ундов гап, эмоционал муносабат ифодаланган, кучли эмоция билан айтилади;

сўз-гап, сифат билан ифодаланган, тасдиқ билдирувчи сўз-гап, *ҳа сўз-гапига функциядош, ҳа сўз-гапида тасдиқдан ташқари сўзловчининг бошқа муносабати ифодаланмайди, бу гапда сўзловчининг суҳбатдош гапини маъқуллаш, ростлигини кўрсатиш, модал муносабати ҳам ифодаланган, ҳукм ифодаланган, бошқа бўлақлар билан кенгайтириш мумкин — гапингиз тўғри, сўзингиз тўғри, айтганларингиз тўғри ва Ҳ., эга состави ёки кесим составига ҳамда эга ёки кесим деб бўлақларга ажратилмайдиган гап, диалогда қўлланган.*

### Қўшма гап таҳлили

Қўшма гапларнинг таҳлили синтактик таҳлилнинг мураккаб ва кўп қиррали турларидан биридир. Ўзбек тилида қўшма гапларнинг мураккаб лингвистик хусусиятларга эгаллиги назарда тутилганда, таҳлил студент ва ўқитувчидан системали назарий билим ва амалий малакага эга бўлишни тақозо этиши табиий.

Қўшма гапларнинг мураккаблиги унинг ўзаро гу-

руҳланишидир. Мазмуни, грамматик тузилиши, бирикиши, грамматик белгилари ва интонациясига кўра қўшма гаплар боғловчисиз, боғланган ва эргаш гапли қўшма гапларга бўлиниб гуруҳланади. Ҳар бир тип ўз ички хусусиятларининг тафовутли белгилари билан фарқланиши жиҳатидан бир неча группаларга ажратилади. Компонентларнинг боғланиши, боғланиш усуллари ва воситалари, бир-бирига мазмун муносабати, тузилиши ва интонацияси каби хусусиятлар қўшма гапларни группаларга ажратишда критерия вазифасини ўтайди. Грамматик таҳлил жараёнида ана шу белгиларни ҳисобга олиш лозим, қўшма гапларни гуруҳ ва группаларга ажратишда ҳар бир гапнинг ўзига хос хусусиятларини назарда тутишга тўғри келади.

Ҳозирги ўзбек тилида қўшма гапларнинг грамматик хусусиятлари проф. Ғ. Абдураҳмонов, М. Асқарова, А. Фуломов, Ф. Камолов, Х. Абдураҳмонов, Ҳ. Рустамовларнинг илмий асарлари ва дарсликларида атрофлича ёритилган. Илмий ва ўқув адабиётларда терминлар ҳар хиллигидан ташқари, қўшма гап типларининг айримлари классификациясида ҳам турличалик мавжуд. Таҳлил жараёнида ёки унга тайёргарлик учун илмий ва ўқув адабиётларни мутолаа қилганда қуйидаги масалаларга эътиборни қаратиш лозим:

1. Қўшма гапларга умумий характеристика бериш, тузилишига кўра турларини аниқлаш.

2. Қўшма гап компонентларини боғловчи воситаларни белгилаш (мазмун, интонация, тартиб, ёрдамчи сўзлар, нисбий сўзлар, сўз формалари).

3. Компонентларнинг боғланиши (боғловчили, боғловчисиз) ва эргашуш хусусиятларини ажрата билиш, ҳар бирининг энг муҳим грамматик белгиларини билиш.

4. Қўшма гапларнинг мазмунига кўра классификацияси ва бу классификация принципларини белгилай билиш.

5. Тиниш белгиларини тўғри қўйиш.

6. Қўшма гап таркибидаги содда гапларга характеристика бериш, мустақил содда гаплар билан қўшма гаплар таркибидаги содда гапларни мазмун, структура, интонация, тартиб жиҳатдан қиёслаш.

7. Гап бўлақларига умумий характеристика бериш, уларнинг ифодаланиши ва бошқа грамматик хусусиятларини кўздан кечириш.

Ана шу масалаларнинг илмий-назарий ва амалий жиҳатлари ўзлаштирилиб, идрок қилинган тақдирдаги на таҳлил системали ва илмий, асосли бўлиши аниқ.

Қўшма гап таҳлилида қуйидаги амалий тартибга риоя этиш тақозо этилади:

а) танланган қўшма гап доскага ёки дафтарга ёзилади, ифодали ўқилади ва тиниш белгилари қўйилади (тиниш белгиларини қўйишда қийинчилик ёки иккиланиш туғилса, гапнинг таҳлили тўлиқ тугаллангандан сўнг ёки таҳлил жараёнида қўйиб борилади);

б) қўшма гап таркибидаги содда гаплар аниқланади, ҳар бир содда гапнинг предикатив ядроси (икки составли гап шаклида бўлса, эга ва кесим, бир составли гап шаклида бўлса, кесими) белгиланади. Сўнгра ҳар бир содда гап чегараси ажратилиб, орасига вертикал жуфт чизиқ қўйилади ва улар рақам билан номерланади;

в) қўшма гап компонентларининг ўзаро боғланиш усуллари белгиланади, боғловчи воситалар аниқланади, содда гапларнинг бир-бирига муносабати ва боғловчи воситалари орқали қўшма гапларнинг турлари аниқланади;

г) қўшма гапларнинг ҳар бир тури (боғланган, эргашган, боғловчисиз қўшма гаплар) ўз ички грамматик ва семантик хусусиятларига кўра алоҳида таҳлил этилади;

д) таҳлил этилган қўшма гап ҳар бир турининг схемаси чизилади. Схепада ҳар бир гапнинг структура ва семантик муносабатлари инобатга олинади.

### Боғланган қўшма гап таҳлили

Олий ўқув юртлари грамматикалари ва илмий адабиётларда бириктирув, чоғиштирув, айирув, зидлов муносабатларини билдирувчи тенг ҳамда инкор боғловчилар, боғловчи вазифасидаги **-у (-ю)**, **-да** юкламалари ҳамда айрим лексик элементлар (*бўлса, бўлмаса, эса*) ёрдами билан бириккан содда гапларнинг грамматик, мазмун ва интонацион жиҳатдан бир бутунлик ташкил этиб, боғланган қўшма гап ҳосил қилиши баён этилган. Боғланган қўшма гап турлари классификациясида айрим фарқлар мавжуд. Бириктирув (бириктирувчи), зидлов (зидловчи), айирув (айирувчи), инкор боғловчилари билан ўзаро муносабатга кирган боғланган қўшма гаплар барча грамматикаларда қайд этилган.



И. Расулов -у (-ю), -да юкламаси, бўлса, эса сўзлари ёрдами билан ҳосил бўлган қўшма гапларни боғланган қўшма гапнинг алоҳида тури сифатида тавсия этган.

А. Гуломов, М. Асқаровалар -у (-ю), -да юкламаси функция жиҳатидан бириктирув ва зидлов боғловчиларига мос келишини назарда тутиб, гоҳ бириктирув, гоҳ зидлов муносабатини ифодаловчи боғланган қўшма гап ҳосил қилганлиги учун алоҳида турга ажратмаган, -у (-ю), -да юкламалари қўшма гап компонентларини боғлаш учун хизмат қилар экан, алоҳида тур сифатида ажратиш мумкин.

Боғланган қўшма гап таҳлилида қуйидаги тартибга риоя этиш тавсия этилади:

а) боғланган қўшма гапнинг таркибий қисмлари аниқланади (печа содда гапдан таркиб топганлиги);

б) компонентларнинг боғланишига диққат қилинади, компонентларнинг қандай воситалар (боғловчилар, юкламалар, айрим сўзлар) ёрдамида боғланганлиги аниқланади. Қўшма гап таркибидаги содда гапларни ўзаро боғлаш вазифасини бажарувчи грамматик воситаларнинг маъно хусусиятлари изоҳланади ва шу асосда боғланган қўшма гапнинг турлари аниқланади;

в) боғланган қўшма гап компонентларининг ўзаро семантик муносабати (бириктирув, зидлов, айирув, чоғиштирув, изоҳлаш, инкор, сабаб, натижа, ҳаракат ёки воқеанинг кетма-кет бўлиши, бир пайтда бўлиши, алмашилиб туриши) аниқланади;

г) интонациянинг характери белгиланади.

### Боғланган қўшма гап таҳлили тартиби

1. Ифода мақсадига кўра гапнинг тури.

2. Компонентларнинг миқдори (икки ёки кўп компонентли).

3. Компонентларни ўзаро боғловчи грамматик воситалар (боғловчилар ва уларнинг турлари, боғловчи воситаларнинг ўрни, юклама, айрим лексик элементлар, феъл кесимларнинг замони, умумий иккинчи даражали бўлақларнинг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги, айрим гап бўлақларининг — кўпинча кесимнинг — такрорланиши, содда гаплар компонентларининг жойлашиш тартиби).

4. Боғланган қўшма гап компонентларининг ўзаро боғланиш усулларига кўра турлари (тенг, бириктирув, зидлов, айирув, инкор боғловчили, юклама ва айрим

лексик элементлар — бўлса, эса, йўқса — ёрдамида боғланган қўшма гаплар).

5. Боғланган қўшма гап компонентларининг семантик муносабати (қийошлаш, бириктирув, айирув, зидлов, сабаб-натига, изоҳлаш, пайт, таъкидлаш ва ҳоказо).<sup>1</sup>

6. Гапнинг тиниш белгиси ва схемаси.

### Боғланган қўшма гап таҳлили намунаси

*Унинг бу ҳақда нималар дейишини кутгандай Акрамхоннинг оғзини пойлади, аммо у тобора хаёлга фарқ бўлар, индамай турарди. (И. Раҳим.)*

Дарак гап;

икки компонентли (компонентлар ажратиб кўрсатилади);

компонентлар *аммо* зидлов боғловчиси билан ўзаро боғланган, боғловчи иккинчи компонентнинг бошида келган;

зидлов боғловчили боғланган қўшма гап;

компонентлар орасида зидлов муносабати мавжуд, зидлаш муносабати *аммо* боғловчиси билан ифодаланган;

икки компонент орасига вергул қўйилган;

схемаси қуйидагича:

$\boxed{1} \text{ , } \text{аммо} \boxed{2} \text{ .}$

*Охири чирманданинг ип илгаги қўлини қабартириб юборган доирачи бармоғини сўриб ўчоқ олдига кетди-ю, ўйин тўхтади. (С. Аҳмад.)*

Дарак гап;

икки компонентли;

компонентлар *-ю* юкламаси билан ўзаро боғланган, юклама биринчи компонент охирида келган;

юклама ёрдами билан тузилган боғланган қўшма гап;

компонентлар орасида сабаб ва натижа муносабати мавжуд; биринчи компонент сабаб, иккинчи компонент натижа мазмунини билдиради, воқеа-ҳодиса кетма-кет рўй берган;

икки компонент орасига вергул қўйилган;

схемаси қуйидагича:

$\boxed{1} \text{ -ю, } \boxed{2} \text{ .}$

<sup>1</sup> Қўшма гап таркибидаги компонентлар юқорнда кўрсатилган содда гаплар, гап бўлаклари, бир составли гаплар таҳлили тартиби ва намунаси асосида таҳлил қилинади.

Гоҳ ўжарлиги тутиб қадамни тезлаштирар, гоҳ бўшашиб тўхтаб қоларди. (С. Лҳмад.)

Дарак гап;

икки компонентли;

компонентлар *гоҳ...*, *гоҳ...* айирув боғловчиси билан боғланган. Иккала компонентнинг феъл кесими бир хил грамматик шаклда (**-ар** аффиксли сифатдош форма, III шахс), 2-компонент кесимидаги **-ди** (<эди) биринчи компонентга ҳам тегишлидир. Боғловчи компонентларнинг бошида келган;

айирув боғловчили боғланган қўшма гап;

компонентлар орасида айириш, таъкидлаб кўрсатиш маъноси мавжуд. Бу мазмун *гоҳ...*, *гоҳ...* боғловчиси билан ифодаланган, алмашилиб турган иш-ҳаракатни билдиради;

икки компонент орасига вергул қўйилган; схемаси қуйидагича:

*гоҳ* 1, *гоҳ* 2.

### Боғловчисиз қўшма гап таҳлили

Боғловчисиз қўшма гаплар қўшма гапларнинг ўзига хос, алоҳида, мустақил тури бўлиб, таркибидаги содда гаплар боғловчиларсиз, боғловчи функциясидаги грамматик ва лексик воситаларсиз (боғланган ва эргашган қўшма гапларнинг компонентларини бириктирадиган боғловчи ва грамматик, лексик воситалар кўзда тутилади) интонация билан бирикиши барча илмий грамматика ва дарсликларда атрофлича баён этилган.

Таҳлил жараёнида боғловчисиз қўшма гап компонентларининг бирикиш усуллари аниқлашга алоҳида эътибор бериш лозим. Интонация содда гапларни ўзаро бириктиришда асосий роль ўйнайди, лекин боғловчисиз қўшма гап компонентларини бириктириш учун хизмат қилувчи бошқа воситалар ҳам бўлиши мумкин. Жумладан, айрим сўзлар (изоҳланишни талаб этадиган сўз навбатдаги гапда изоҳланади), сўзларнинг такрорланиши (*Нон ҳам нон, увоғи ҳам нон. Кўп юрганга эргашма, кўп билганга эргаш*), гап қурилиши (*Гап қувган балога йўлиқар, иш қувган хазинага*), умумий бўлган иккинчи даражали бўлақлар (*Аланганинг тиши йўқ, ҳўл-қуруқ билан иши йўқ*), содда гапларнинг тар-

тиби (*Баҳор келди, бойчечак бўй кўрсатди*), кесимларнинг структураси (*Сув келди — нур келди. Акаси доимо ишга одамлардан олдин келар, укаси одамлар билан бирга келар эди*).

Таҳлил давомида муҳим эътибор талаб масалалардан бири боғловчисиз қўшма гапларнинг классификацияси ва унга асос бўлган принциплардир. Ҳозирги ўзбек адабий тили грамматикасига оид ишларда боғловчисиз қўшма гаплар грамматик тузилишига кўра турлича классификация қилинган. Проф. И. Расулов содда гапларнинг структура хусусиятларини назарда тутиб бир типдаги ва турли типдаги содда гаплардан ташкил топган боғловчисиз қўшма гапларга бўлган. Проф. А. Фуломов, М. Асқаровалар боғланган қўшма гапга синоним, эргашган қўшма гапга синоним бўлган ва боғловчили қўшма гапга синоним бўлмаган боғловчисиз қўшма гаплар тарзида турларга ажратган. Таҳлил мобайнида боғловчисиз қўшма гап турларини аниқлаш учун таркибидаги содда гапларнинг ички грамматик, мазмун ва интонацион хусусиятларидан ташқари, боғланган ва эргашган қўшма гапларнинг структураси, мазмуни ва интонациясини қиёслаб кўриш талаб этилади. Содда гаплар ўртасидаги мазмун муносабатлари ва интонациясини белгилашда қўшма гапнинг бошқа турлари билан қиёслаш катта ёрдам беради. Содда гаплар орасига боғловчи ва бошқа грамматик, лексик воситаларни қўйиб чоғиштириш орқали боғловчисиз қўшма гап типларини аниқлаш мумкин.

Таҳлил жараёнида боғловчисиз қўшма гап таркибидаги содда гапларнинг ўзаро мазмун муносабатларини ҳисобга олиш катта аҳамиятга эга. Ўзбек адабий тилининг илмий грамматикасида (1976) қўшма гапнинг бу тури пайт муносабати, қиёслаш муносабати ва изоҳлаш муносабатини ифодалаган боғловчисиз қўшма гаплар шаклида уч типга бўлиб кўрсатилган.

Таҳлилда тиниш белгиларининг функцияси, тури ва ўрнини тўғри белгилаш лозим.

### Боғловчисиз қўшма гап таҳлили тартиби

1. Ифода мақсадига кўра гапнинг тури.
2. Боғловчисиз қўшма гапнинг компонентларини аниқлаш (икки компонентли ёки кўп компонентли, ҳар бир компонентни вертикал чизиқ билан ажратиш).

3. Компонентларни ўзаро бириктирувчи воситалар (интонация, интонациянинг характери, бошқа ёрдамчи воситалар айрим сўзлар, сўзларнинг такрорланиши, гап қурилиши, феъл кесимларнинг структураси, компонентлар учун умумий сўзларнинг ишлатилиши, айрим сўзларнинг бир хил шаклда қўлланилиши, содда гапларнинг тартиби, айрим лексик элементлар ва ҳоказо).

4. Компонентларнинг ўзаро семантик муносабати (воқеа-ҳодиса, белги-хусусиятларнинг бир пайтда ёки кетма-кет бажарилиши, пайт, қиёслаш, изоҳлаш, зидлик, шарт, сабаб, ўхшатиш, натижа, тўсиқсизлик ва ҳ. к.).

5. Боғловчисиз қўшма гапларнинг турлари: а) бир типдаги содда гаплардан тузилган боғловчисиз қўшма гаплар, турли типдаги содда гаплардан тузилган боғловчисиз қўшма гаплар;

б) боғланган қўшма гапга синоним бўлган боғловчисиз қўшма гаплар, эргашган қўшма гапга синоним бўлган боғловчисиз қўшма гаплар, боғловчили қўшма гапга синоним бўлмаган боғловчисиз қўшма гаплар.

6. Тиниш белгилари (вергул, нуқтали вергул, икки нуқта, тире), ҳар бир тиниш белгиининг қўйилиш сабаби, интонация ва унинг характери, схемаси.

### Боғловчисиз қўшма гап таҳлили намунаси

*Биринчи кунни мудофаа тутган еридан уни кеча тунда бригада командири полковник Ягунов бу ерга кўчирди, вазият шуни талаб этди. (Шуҳрат.)*

Дарак гап;

икки содда гапдан ташкил топган (ҳар бир содда гап ажратилиб, вертикал чизиқ билан чизилади);


компонентлар ўзаро интонация билан бириккан, изоҳлаш интонацияси. Кесимлар бир хил замон (аниқ ўтган замон) ва шахсда (III шахс, бирлик);

сабаб муносабати. Биринчи содда гапда баён этилган иш-ҳаракатнинг амалга ошишига иккинчи гапда баён этилган воқеа-ҳодиса сабаб бўлган. Кетма-кет юз берган воқеа-ҳодисалар ифодаланган;

бир типдаги содда гаплардан ташкил топган боғловчисиз қўшма гап — кесимларнинг замони, содда гапларнинг тузилиши бир хил, боғланган қўшма гапга синоним бўлган боғловчисиз қўшма гап;

компонентлар санаш интонацияси билан айтилади.

Ўзаро вергул билан ажратилган. Биринчи компонент юқорироқ оҳангда, иккинчи компонент ундан пастроқ оҳангда айтилади, ўртада пауза бўлади; схемаси қуйидагича:



*Ҳамма қудуқлар, албатта, икки қатламда цементланади, буфер суюқликлари насосда тортиб олинади, колонналар орасидаги босим доим контроль остида туради, сағиз қоришма бир марказда тайёрланади. (И. Раҳим.)*

Дарак гап;


тўрт содда гапдан ташкил топган;

компонентлар ўзаро интонация билан бириккан, санаш интонацияси. Кесимлар бир хил замон (келаси замон) ва шахсда (III шахс, бирлик);

пайт муносабати. Бир пайтда, биргаликда юз берадиган воқеа-ҳодиса баён этилган. Тўртала гапдаги воқеа-ҳодисалар биргаликда амалга оширилади;

бир типдаги содда гаплардан ташкил топган боғловчисиз қўшма гап — кесимларнинг замони, содда гапларнинг тузилиши бир хил, содда гапларда баён этилган воқеа-ҳодиса бир-бирига боғлиқ эмас. Боғловчили қўшма гапга синоним бўлмаган боғловчисиз қўшма гап.

Барча компонентлар бир хил оҳангда айтилади, ҳар бир компонент вергул билан ажратилган; схемаси қуйидагича:



*Қишлоқнинг азамат йигитлари фронтда, дала ишлари аёллару ёш болаларга қолган. (С. Аҳмад.)*

Дарак гап;

икки содда гапдан ташкил топган;


компонентлар ўзаро интонация билан бириккан, изоҳлаш интонацияси, содда гапларнинг кесимлари турли грамматик шаклда;

сабаб-натижа муносабати. Биринчи содда гапда сабаб, иккинчи содда гапда натижа баён қилинган;

турли типдаги содда гаплардан ташкил топган. Кесимларнинг замони ҳар хил, биринчи содда гапнинг кесими — ҳозирги замон шаклида, иккинчи содда гапнинг кесими — ўтган замон шаклида, иккинчи содда

гапда баён этилган воқса-ҳодиса биринчи содда гапдаги воқеага боғлиқ. Сабаб эргаш гапли қўшма гапга синоним бўлган боғловчисиз қўшма гап;

биринчи компонент юқорироқ (кўтаринки), иккинчи компонент пастроқ оҳанг билан айтилади, компонентлар вергул билан ажратилган; схемаси қуйидагича:



### Эргаш гапли қўшма гап таҳлили

Ўзбек тили синтаксисиди компонентларнинг тузилиши ва мазмуни, ўзаро боғланиш усуллари ва воситалари жиҳатидан мураккаб грамматик хусусиятларга эга бўлган қўшма гап турларидан бири эргашгап (эргаш гапли, эргашишли) қўшма гапдир. Синтактик таҳлилнинг бу турида эргаш гапли қўшма гапларга хос грамматик, семантик ва интонацион хусусиятларни билиш талаб этилади. Таҳлилда қуйидаги системалиликка амал қилиш ва эргаш гапли қўшма гапларнинг тубандаги хусусиятларини ҳисобга олиш талаб этилади.

Танланган гап ёзилгач, ўқилади, тиниш белгилари қўйиб чиқилади, компонентларнинг сопи аниқланади. Сўнгра компонентлар — содда гаплар орасидаги грамматик муносабатга эътибор берилади. Эргаш гапли қўшма гаплар таркибидаги содда гаплар синтактик жиҳатдан тенг бўлмайди, бири иккинчисига тобе бўлади. Тобе компонент бошқа компонентни изоҳлаш учун хизмат қилади. Ана шу хусусиятига кўра компонентларнинг қайси бири бош ва қайси бири эргаш гаплар эканлиги аниқланилади. Бош ва эргаш гапларни аниқлашда содда гапларнинг ўзаро боғланиш хусусиятларини кўзда тутиш лозим. Эргаш гаплар бош гапга эргаштирувчи боғловчилар, феъл формалари, юкламалар, кўмакчилар, боғловчи сўзлар, нисбий сўзлар, келишиқ қўшимчалари, **-дай (-дек)** аффикси, пайт билдирувчи отлар, интонация ва тартиб каби турли воситалар ёрдамида бирикади.

Компонентларни ўзаро бириктирувчи воситаларнинг характерига кўра эргаш гапларнинг бош гапга бирикши йўллари белгиланади: боғловчили эргашиш, боғловчисиз эргашиш. Таҳлилда ҳар бир гап компонентларининг боғловчилар ёрдамида ёки боғловчисиз, яъни

боғловчи вазифасидаги турли грамматик ва лексик воситалар орқали бирикканлиги баён этилади.

Боғловчили эргашишда боғловчилар эргаш гап таркибида ҳам, бош гап таркибида ҳам келаверади. Таҳлил жараёнида эргаш гап ва бош гапларни бириктирувчи воситаларнинг ўрнини билиш ҳам муҳим. Чунки ҳар бир бириктирувчи воситанинг ўз ўрни, қўлланилиш тартиби мавжуд. Ана шу тартибга асосланиб эргаш ва бош гапларни аниқлаш таҳлилни енгиллаштиради. Масалан, **-ки** боғловчиси доимо бош гап таркибида келади, *у эга, кесим, аниқловчи, тўлдирувчи, ўлчов-даража, пайт, сабаб, натижа, ўхшатиш эргаш гапларни бош гапга боғлайди; чунки, негаки, сабабки* боғловчилари эргаш гап составида келади, эргаш гап эса бош гапдан кейин келади; *шунинг учун* боғловчиси бош гап составида бўлади, бош гап эса эргаш гапдан кейин келади, *бўлмаса* боғловчи сўзи бош гап олдида келади, бош гап эса эргаш гапдан кейин келади. *Агар, мабодо, башарти* юкламалари ҳам эргаш гапнинг таркибида бўлади. *Гўё* ёрдамчи сўзи эргаш гап олдида бўлади; *худди, токи, деб* ёрдамчилари ҳам эргаш гап таркибида келади; *балки* бош гап бошида келади; *бўлмоқ* боғловчи сўзи турли морфологик формаларда эргаш гап таркибида қўлланилади, эргаш гапни бош гапга боғлайди.

Эргаш гапни бош гапга боғловчи ушбу боғловчи ва боғловчи вазифасидаги воситалар орқали эргаш гап ва бош гапни белгилаш амалий ва мустақил машғулотларнинг активлиги ва самарали бўлишини таъминлайди.

Боғловчисиз, эргашиш йўли билан бириккан эргаш гапли қўшма гапларда эргаш гапларни аниқлаш анча осон. Эргаш гапни бош гапга бириктирувчи воситалар — равишдош ва сифатдошнинг бўлишли-бўлишсиз формалари, ҳаракат номи, феълнинг шахсли формалари, шарт ва буйруқ ҳамда ижро майллари формалари, юкламалар ва кўмакчилар, келишиқ формалари эргаш гап таркибида (унинг кесимида) бўлади.

Нисбий сўзлар бош гапда ҳам, эргаш гапда ҳам бўлади. Шунини билиш зарурки, сўроқ билдирувчи нисбий сўзлар (*ким, нима, қайси, қанча, қанчалик, нечта, қандай, нечоғлик, қаер, қайёқ, қайтомон*) эргаш гап таркибида бўлади. Шу сўроқ мазмунидаги нисбий сўзларга жавоб тарзида қўлланиладиган нисбий сўзлар (*у, ўша,*



шу, шунча, шу ёқ, шу томон)) бош гап таркибида бўлади. Сўроқ мазмунидаги нисбий сўзлар қўшма гапнинг олдинги компонентда бўлса, жавоб мазмунидаги нисбий сўзлар кейинги компонентда албатта қўлланилади. Кўпинча улар бир хил грамматик формада бўлади. Нисбий сўзлар бош гапдаги кўрсатиш олмоши билан ифодаланган ёки шу сўз билан бирга келган гап бўлагини изоҳлайди, эргаш гап эса ана шу изоҳлаган бўлак номига тўғри келади. *Ким нимани билса, шуни гапирди (нима — шу, тўлдирувчи эргаш гапли қўшма гап (шуни — тўлдирувчи). Чумчуқ қаерда дон мўл бўлса, ўша ерда кун кўради (қаер — ўша ер, ўрин эргаш гапли қўшма гап, ўша ерда — ўрин ҳоли). Ҳосил қанча мўл бўлса, хирмон шунча юксак бўлади (қанча — шунча, ўлчов-даража эргаш гапли қўшма гап, шунча — миқдор ҳоли). Ким доно бўлса, у сўзда янглишмайди (ким — у, эга эргаш гапли қўшма гап, у — эга).*

Демак, таҳлилда қўшма гап компонентларининг боғловчили ва боғловчисиз, эргашини йўли билан бирикканида боғловчиларнинг, турли грамматик формаларнинг, нисбий сўзларнинг ўрни, маъноси ва бошқа грамматик хусусиятларини билиш талаб этилади.

Бош ва эргаш гапларни белгилашда муҳим факторлардан бири компонентларнинг ўзаро қандай функция бажаришини белгилашдир. Бош гап ҳукмронлик, эргаш гап тобелик ҳолатида бўлади ва бош гапни аниқлайди, изоҳлайди, тўлдиради. Бу хусусият бош гапнинг бирор бўлагига ёки бутун гапга тегишли бўлади. Эргаш гап бош гапга тобе бўлганлиги учун бош гапдаги бўлақлардан (бош бўлақлар ёки иккинчи даражали бўлақлардан) бирини изоҳлаб, аниқлаб, тўлдириб келади ёки бош гапни бутунлай яхлитлигича изоҳлаб келади. Бош гапнинг бирор бўлагини изоҳлайдиган эргаш гаплар бажарган функцияси жиҳатидан гап бўлақларига ўхшаб кетади. Бош гапни яхлитлигича изоҳлайдиган эргаш гаплар бажарган функцияси жиҳатидан гап бўлақларига мос келмайди. Шунга кўра, бош гапдан сўроқ белгиланади, эргаш гап шу сўроққа жавоб бўлади. Лекин бош ва эргаш гаплар мазмунан бир-бирига боғлиқ бўлади.

Бош гапдан сўроқ белгилаш эргаш гапнинг қайси тури эканлигига боғлиқ. Пайт, сабаб, мақсад, равиш

эргаш гапли қўшма гапларнинг бош гапидан сўроқ белгилаш осон, чунки эргаш гап шу сўроққа жавоб бўлади. *Кун ботаётганда, уфқ қизаради. (Й. Шамшаров.) Ер унмас, гул кўкармас, бўлмаса кўк томчиси. (А. Тўқай.) Тоғдай оғир билак бердим, Ёвларни муштласин деб. (Ҳ. Олимжон.)* 1-гапнинг сўроғи — қ а ч о н? (*уфқ қизаради*), 2-гапнинг сўроғи — н и м а с а б а б д а н? (*ер унмас, гул кўкармас*), 3-гапнинг сўроғи н и м а м а қ с а д д а? ёки н и м а у ч у н? (*тоғдай оғир билак бердим*). Эргаш гаплар ана шу сўроққа жавоб бўлади. Бу тип эргаш гаплар бош гапни яхлитлигича изоҳлайди. Шунинг учун сўроқ тузганда сўроқ сўз билан бирликда бош гапни ҳам такрорлаш лозим.

Бош гапнинг бирон бўлагини изоҳлайдиган эргаш гапларнинг сўроғини белгилаш бирмунча қийин. Эга, кесим, аниқловчи, тўлдирувчи, ўрин эргаш гапли қўшма гапларнинг эргаш гап қисмига сўроқ белгилаш доимо тўғри бўлавермайди. Чунки бу хил эргаш гапларга белгиланган сўроқ форма ва функция жиҳатидан бош ва иккинчи даражали бўлақларга белгиланган сўроқ билан тенг бўлиб қолади. Гап бўлаги ва эргаш гапга белгиланадиган сўроқ бир-биринга тенг бўлмаслиги керак. *Шуниси қизиқки, ҳаммасининг ёши тенг. (У. Усмонов.) Гапимнинг хулосаси шуки, ҳамма аъло ўқиши шарт. («Ўқитувчилар газетаси».) Шунча ёшлар ҳам борки, меҳнат қилишга бўйни доимо ёр бермайди. («Ўзбекистон маданияти».)* Юқоридаги эга, кесим, аниқловчи эргаш гапларга ўқув-ўқитув тажрибасида н и м а с и? (*қизиқ*), (*хулосаси*) қ а й с и / н и м а?, қ а н а қ а? (*ёшлар*) каби сўроқлар берилади. Бу сўроқлар эга, от билан ифодаланган кесим, аниқловчи бўлақларга тегишлидир. Бу сўроқларни эргаш гапларга нисбатан қўллаб бўлмайди. Маълум бўладикки, бирон гап бўлагини изоҳлайдиган эргаш гапларга сўроқ берилмайди. Шу муҳимки, бош гапда изоҳланишини талаб этадиган бўлақ (эга эргаш гапларда — эга, кесим эргаш гапларда — кесим, аниқловчи эргаш гапларда — аниқловчи, тўлдирувчи эргаш гапларда — тўлдирувчи) ўрнида эргаш гапларнинг структурасини эргаш гап талабига кўра ўзгартириб қўллаш мумкин. Бундай ҳолатларда эргаш гапли қўшма гаплар содда гапга айланади ва эргаш гап битта гап бўлаги бўлади: *Ҳаммасининг ёши тенгелиги қизиқ. Гапимнинг хулосаси — ҳамма аъло ўқиши шарт. Меҳнат қилишга бўйни доимо ёр*

*бермайдиган ёшлар ҳам бор.* Кўринадики, бу тип структурадаги эргаш гапли қўшма гапларнинг турини тўғри белгилашда уларни содда гапга айлантириш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Гапнинг грамматик структурасини ана шу тарзда ўзгартириш орқали эргаш гап турини тўғри аниқлаш мумкин ва шу йўл билан тўғри ёки нотўғри белгиланганлигини текшириш ва унга ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Бош ва эргаш гапларни аниқлашда гапларнинг тузилишига ҳам эътибор қилиш зарур. Бош гап тузилишига кўра мустақил содда гапларга ўхшайди, эргаш гапларда эса бундай хусусият доимо мавжуд бўлмайди. Бош гапларнинг кесими шахс қўшимчаларини қабул қилади, эргаш гапларнинг кесими феълнинг шахсиз формалари (равишдош, сифатдош, ҳаракат номи) билан ифодалангани учун кесими ифодаловчи шахс қўшимчаларини доимо қабул қилиши талаб этилмайди, кесим таркибида шахс қўшимчалари доимо қўлланавермайди.

Бош ва эргаш гапларни аниқлашда компонентларнинг жойлашиш ўрни ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлмаса ҳам, уларнинг тартибини назарга олиш лозим. Эргаш гап гапнинг бошида ҳам, ўртасида ҳам, охирида ҳам келиши мумкин. Лекин таҳлилда шуни ҳисобга олиш зарурки, тўғри тартиб асосида тузилган боғловчисиз бириккан эргаш гапли қўшма гаплар таркибида эргаш гаплар гапнинг бошида келади.

Аксарият ҳолатларда эга, шарт, пайт, мақсад, сабаб, ўрин, қиёс, равиш, ўхшатиш, ўлчов-даража, тўсиқсиз эргаш гаплар қўшма гап таркибида бош гапдан олдин келади. Юқоридаги эргаш гаплар бош гапни яхлитлигича ёки ундаги бирон гап бўлагининг маъносини тўлдириш, конкретлаштириш вазифасини бажаради. Кесим, аниқловчи, тўлдирувчи ва натижа эргаш гаплар қўшма гап таркибида бош гапдан кейин келади. Бу тип эргаш гаплар бош гапдаги бирор бўлакнинг маъносини аниқлаш учун хизмат қилади ёки бош гапнинг натижасини билдиради.

Таҳлилда бош ва эргаш гаплар, уларнинг боғланиш йўллари ва бириктирувчи воситалар, бириктирувчи воситаларнинг маъно ва грамматик хусусиятлари, эргаш гапларнинг бош гапдаги бирор бўлакни ёки бутун гапни изоҳлаши аниқлаб бўлингач, эргаш гапларнинг тури белгиланади.

Таҳлил мобайнида компонентларнинг тартиби, интонацияси, тиниш белгилари ҳам ҳамisha диққат марказда туриши лозим.

### Эргаш гапли қўшма гап таҳлили тартиби

1. Гапнинг ифода мақсадига кўра тури.
2. Бош гап ва эргаш гаплар.
3. Эргаш гапларнинг бош гапга боғланиш йўли (боғловчили ва боғловчисиз эргашини), ҳар бир эргашини турининг грамматик воситалари ва уларнинг маънолари, бириктирувчи грамматик воситаларнинг тартиби (ўрни) ва маъноси.
4. Бош ва эргаш гапларда олмош ва нисбий сўзларнинг мавжудлиги, уларнинг маъноси, грамматик формаси, ўрни, вазифаси.
5. Эргаш гапнинг функцияси (бош гапнинг бирор бўлагини, бош ёки иккинчи даражали бўлақлардан бирини ёки бутун бош гапни изоҳлаши), сўроғи.
6. Бош ва эргаш гапларнинг маъно муносабати.
7. Эргаш гапли қўшма гапларнинг турлари.
8. Эргаш гапларнинг миқдори, бир неча эргаш гапли қўшма гапларда эргаш гапларнинг бош гапга боғланиш шакли (биргалик ва кетма-кет эргашини), аралаш типли бир неча эргаш гапли қўшма гапларда эргаш гапнинг бош гапга боғланиши, кўп компонентли эргаш гапли қўшма гапларда боғловчи воситалар ва ёрдамчиларнинг қўлланиши.
9. Эргаш гапли қўшма гап компонентларининг тартиби, тиниш белгиси, схемаси.

### Эргаш гапли қўшма гап таҳлили намунаси

*Кимки Злобин методи билан ишласа, у уч кишининг нормасини бажаради. («Совет Ўзбекистони».)*

Дарак гап;

*у уч кишининг нормасини бажаради — бош гап, кимки Злобин методи билан ишласа — эргаш гап;*

боғловчисиз эргашини, эргаш гапнинг кесими таркибидаги шарт майли формаси (-са), *ким, у* нисбий сўзлар эргаш гапни бош гапга боғлаган, боғланиш воситаси шарт оттенкасига эга. *Ким, у* олмошлари шахсни

билдиради, бош ва эргаш гаплардаги иш-ҳаракатни бажарувчилар шу шахслардир;


эргаш гап бош гапдаги эга (*у*) ни, яъни бир гап бўлагини изоҳлаган;

эргаш гапда асосий эътибор шу гапда баён қилинган иш-ҳаракатнинг бажарувчисига қаратилган, эргаш гапда *ким*, бош гапда *у* олмошлари қўлланган, *-ки* боғловчиси юкламалик функциясида бўлиб, эргаш гапнинг эгасини таъкидлаган, эргаш гапдаги шарт маъноси бундай структурадаги гапларда эътиборга олинмайди;

эга эргаш гапли қўшма гап;

бир эргаш гап ва бир бош гапдан иборат;

эргаш гап олдин, бош гап ундан кейин келган, вергул эргаш гапни бош гапдан ажратиш учун қўлланган, дарак гап охирига нуқта қўйилган; схемаси қуйидагича:



Кимки Злобин методи билан ишласа, у уч кишининг нормасини бажаради.

*Толеим шулким, ватанда бир гулистон танладим.*

*Бахтни топган эл билан жондош бўлиб оддим одим.*

(Ҳ. Олимжон.)

Дарак гап;

*Толеим шулким — бош гап, Ватанда бир гулистон танладим, Бахтни топган эл билан жондош бўлиб оддим одим — эргаш гап;*

боғловчили эргашиш, бош гапнинг кесими (*шулким*) таркибида *-ким* боғловчиси мавжуд, *-ким* боғловчиси эргаш гапни бош гапга боғлаган ва таъкид ифодалаган;


эргаш гап бош гапнинг олмош билан ифодаланган кесимининг маъносини конкретлаштирган, эргаш гап изоҳлаш вазифасини бажарган. Эргаш гап бош гапнинг бир бўлаги (кесими)ни изоҳлаган. Бош гап таркибида *шу* олмоши мавжуд, у кесим вазифасида, бош келишиқда;

бош ва эргаш гап ўртасида изоҳлаш муносабати мавжуд;

кесим эргаш гапли қўшма гап;

бир бош гап ва икки эргаш гапдан тузилган, бир неча эргаш гапли қўшма гап, биргалик эргашиш, эргаш гаплар уюшган, бир хил— бир жинсли уюшиш, иккаласи ҳам кесим эргаш гап, сапани нитонациясига эга. Эргаш гапларнинг ҳар бири бевосита бош гапга боғланган;

бош гап олдин, эргаш гаплар ундан кейин келган, бош ва эргаш гаплар ўзаро вергул билан ажратилган, дарак гап охирига нуқта қўйилган; схемаси қуйидагича:



*Шуни унутмагинки, ҳеч ким бировга ўйлаш, исташ, орзу қилишни ман эта олмайди. (Ч. Айтматов.)*

Дарак гап;

*Шуни унутмагинки — бош гап, ҳеч ким бировга ўйлаш, исташ, орзу қилишни ман эта олмайди — эргаш гап;*

боғловчили эргашиш, -ки боғловчиси орқали эргаш гап бош гапга боғланган, боғланиш воситаси -ки бош гапнинг таркибда ва у таъкид ифодалайди;

бош гап таркибда *шу* олмоши мавжуд, тушум келишигида, тўлдирувчи;


эргаш гап бош гап таркибдаги тўлдирувчининг маъносини изоҳлаган. Бош гапдаги фикр объектига эътибор қаратилган, тўлдирувчи эргаш гап бош гапдаги фикр объектининг маъносини конкретлаштирган;

объектни изоҳлаш муносабати, асосий фикр эргаш гапда айтилган;

тўлдирувчи эргаш гапли қўшма гап;

бир бош гап ва бир эргаш гапдан тузилган;

бош гап олдин, эргаш гап ундан кейин келган, 1-вергул бош гапдан эргаш гапни ажратиш учун, 2-вергул уюшиқ бўлакларни ажратиш учун қўлланган, дарак гап охирига нуқта қўйилган; схемаси қуйидагича:



<sup>1</sup> Бундан кейинги ўринларда мисоллар такрор езилмади, фақат мисоллардаги гапларнинг эргаш гап ва бош гаплигини билдирувчи шартли чизиқлар чизиб кўрсатилди.

*Шундоқ одамлар борки, улар емишлари толқон, ёстиқлари мана шу тоғларнинг тоши бўлган кезларда ҳам сўзни ҳавога учиртирмасди. (Й. Шамшаров.)*

Дарак гап;

*шундоқ одамлар борки — бош гап, улар емишлари толқон, ёстиқлари мана шу тоғларнинг тоши бўлган кезларда ҳам сўзни ҳавога учиртирмасди — эргаш гап;*

боғловчилни эргашиш, эргаш гап бош гапга **-ки** боғловчиси, *шундоқ*, улар нисбий сўзлари орқали боғланган, **-ки** боғловчиси бош гап таркибида келган ва у таъкидлаш маъносига ҳам эга;

бош гап таркибида *шундоқ* олмоши, эргаш гапда *улар* олмоши мавжуд, *шундоқ* олмоши белгини, *улар* олмоши шахсни билдиради, *шундоқ* — аниқловчи, *улар* — эга;

эргаш гап *шундоқ* олмошининг маъносини изоҳлаган ва *шундоқ* олмоши орқали эга (аниқланмиш — *одамлар*)нинг белгисини аниқлаган, бир гап бўлагини изоҳлаган, асосий фикр эргаш гапда айтилган, бош гап тингловчинин асосий фикрни эшитишга тайёрлаган;

аниқлов муносабати мавжуд;

аниқловчи эргаш гапли қўшма гап;

бир бош гап ва бир эргаш гапдан иборат;

бош гап олдин, эргаш гап ундан кейин келган, 1-вергул бош гапни эргаш гапдан, 2-вергул уюшиқ бўлакларни ажратиб учун қўлланган, дарак гап охирига нуқта қўйилган; схемаси қуйидагича:



*Одамлардан тинглаб ҳикоя, Усар эди шоирда ғоя, (Ҳ. Олимжон.)*

Дарак гап;

*ўсар эди шоирда ғоя — бош гап, одамлардан тинглаб ҳикоя — эргаш гап;*

боғловчисиз эргашиш, эргаш гап **-б** равишдош формаси орқали бош гапга боғланган, боғланиш воситаси **-б** эргаш гапнинг кесими таркибида, сўроғи — қ а н д а й қ и л и б? (*ўсар эди шоирда ғоя*);

эргаш гап бош гапни бутунлай изоҳлаган, эргаш гап бош гап англатган мазмун (*шоирда ғоя ўсиши*)нинг қандай тарзда (*одамлардан ҳикоя тинглаб*) юз берган-


лигини билдиради, эргаш гапдаги иш-ҳаракат олдин, бош гапдаги иш-ҳаракат ундан кейин юз берган;

бош ва эргаш гаплар ўртасида ҳолат, тарз, йўсин муносабати бор;

равиш эргаш гапли қўшма гап;

бир эргаш гап ва бир бош гапдан иборат;

эргаш гап олдин, бош гап ундан кейин келган, вергул эргаш гапни бош гапдан ажратиш учун қўлланилган, дарак гап охирига нуқта қўйилган; схемаси қуйидагича:



*Бу оқим қанча кўпайса, унинг обрўси ҳам шунча орта борарди. (Ш. Рашидов.)*

Дарак гап;

*унинг обрўси ҳам шунча орта борарди* — бош гап,  
*бу оқим қанча кўпайса* — эргаш гап;

боғловчисиз эргашиш, феълнинг шахсли формаси — III шахс шарт майли (-са) формаси, *қанча*, *шунча* нисбий сўзлари орқали эргаш гап бош гапга боғланган, боғланиш воситаси -са эргаш гап таркибида;

*қанча* нисбий сўзи эргаш гапдаги, *шунча* нисбий сўзи бош гапдаги иш-ҳаракатнинг миқдорини билдиради, синтактик вазифаси ҳол;

эргаш гап бош гап таркибидаги бир гап бўлаги — ҳол (*шунча*)ни изоҳлайди, сўроғи — *қанча миқдорда?* (*обрўси орта борарди*);

эргаш гап бош гапдаги воқеани даражасига кўра кўрсатади; эргаш гап бош гапнинг феъл кесими олдидаги даража-миқдор (*шунча*) ҳолининг маъносини конкретлаштирган. Бош гапдаги иш-ҳаракат миқдорининг ортиши эргаш гапдаги иш-ҳаракат миқдорига боғлиқ, эргаш гапдаги иш-ҳаракат олдин, бош гапдаги иш-ҳаракат ундан кейин амалга ошади;


бош ва эргаш гаплар ўртасида миқдор муносабати мавжуд;

ўлчов-даража эргаш гапли қўшма гап;

бир эргаш гап ва бир бош гапдан иборат;

эргаш гап олдин, бош гап ундан кейин келган, улар бир-биридан вергул билан ажратилган, дарак гап охирига нуқта қўйилган; схемаси қуйидагича:





*Бегона юртнинг подшоси бўлгунча, ўз юртингда гадолик қил!* (И. Раҳим.)

Буйруқ гап;

*ўз юртингда гадолик қил* — бош гап, *бегона юртнинг подшоси бўлгунча* — эргаш гап;


боғловчисиз эргашниш, эргаш гап равнишдошнинг **-гунча** формаси орқали бош гапга боғланган, боғланиш воситаси эргаш гапнинг таркибида, сўроғи — ким и *бўлгандан кўра?* (*гадолик қил*);

эргаш гап бош гапни бутунлай изоҳлаган, эргаш гапдаги воқеа-ҳодиса (*бегонанинг подшоси бўлиш*) бош гапдаги воқеа-ҳодиса (*ўз юртида гадолик қилиш*) билан таққосланган, эргаш гапдаги воқеа-ҳодиса қиёс вазифасини бажарган;

бош гап ва эргаш гап ўртасида қиёслаш муносабати мавжуд;

қиёс эргаш гапли қўшма гап;

бир эргаш гап ва бир бош гапдан тузилган. Эргаш гап олдин, бош гап ундан кейин келган, вергул эргаш гап ва бош гапни ўзаро ажратиш учун қўлланган, буйруқ гап охирига ундов белгиси қўйилган; схемаси қуйидагича:



*Бола уни худди ёнма-ён тургандек, ҳатто ёнма-ён турганидан ҳам яқинроқ кўрди.* (Ч. Айтматов.)

Дарак гап;

*ҳатто ёнма-ён турганидан ҳам яқинроқ кўрди* — бош гап, *бола уни худди ёнма-ён тургандек* — эргаш гап;

боғловчисиз эргашниш, эргаш гап ўтган замон сифатдоши (**-ган+дек**) формаси орқали бош гапга боғланган. **-дек** формаси ўхшатиш маъносини билдирган, боғланиш воситалари эргаш гап таркибида, сўроғи — қ а н д а й? (*яқинроқ кўрди*);

эргаш гап бош гапни бутунлай изоҳлаган, эргаш гап таркибидаги *худди* юкламаси ўхшатиш маъносини кучайтирган, бош гапдаги ҳолат (*қисқа масофадан* —


дурбиндан кўриш) эргаш гапдаги ҳолат (ёнма-ён туриб кўриш)га ўхшатишган;

бош ва эргаш гаплар ўртасида ўхшатиш муносабати мавжуд;

ўхшатиш эргаш гапли қўшма гап;

бир эргаш гап ва бир бош гапдан иборат;

эргаш гап олдин, бош гап ундан кейин келган, эргаш гапни бош гапдан ажратиш учун вергул, дарак гап охирига нуқта қўйилган; схемаси қуйидагича:



*Ёвларига осмон тутундир, Шунинг учун бағри бутундир.* (Ҳ. Олимжон.)

Дарак гап;

*шунинг учун бағри бутундир* — бош гап, *ёвларига осмон тутундир* — эргаш гап;

боғловчили эргашниш, *шунинг учун* боғловчиси орқали эргаш гап бош гапга боғланган, боғланиш воситаси *шунинг учун* бош гапнинг бошида келган;


эргаш гап бош гапни бутунлай изоҳлаган, сўроғи — н и м а с а б а б л и н ? (*бағри бутундир*);

эргаш гап ва бош гап ўртасида сабаб ва натижа муносабати мавжуд, эргаш гап сабаб, бош гап натижа билдирадн, эргаш гап бош гапдаги *шунинг учун* бирикмали боғловчиси таркибидаги кўрсатиш олмоши (*шунинг*)ни изоҳлаган;

сабаб эргаш гапли қўшма гап;

бир эргаш гап ва бир бош гапдан иборат;

эргаш гап олдин, бош гап ундан кейин келган, эргаш гап ва бош гап вергул билан ажратилган, дарак гап охирига нуқта қўйилган; схемаси қуйидагича:



*Тоғдай оғир билак бердим, Ёвларни муштласин деб.* (Ҳ. Олимжон.)

Дарак гап.

*Тоғдай оғир билак бердим* — бош гап, *ёвларни муштласин деб* — эргаш гап;

боғловчисиз эргашниш, эргаш гапнинг кесими буйруқ майлидаги феълнинг III шахс бирлиги формасида,

деб ёрдамчиси воситасида эргаш гап бош гапга боғланган, *деб* ёрдамчиси эргаш гап таркибида;


эргаш гап бош гапни бутунлай изоҳлаган. Эргаш гап бош гапдаги иш-ҳаракатнинг нима мақсадда юз берганлигини (*ёвларни мушталасин деб билак берганини*) билдиради, бош гапдаги мазмун бажарилган, лекин эргаш гапдаги мазмун амалга ошмаган (ёки амалга ошганлиги кўзда тутилмайди), сўроғи — нима қилсин деб? (*билак бердим*);

бош гап ва эргаш гап ўртасида мақсад муносабати бор;

мақсад эргаш гапни қўшма гап;

бир бош гап ва бир эргаш гапдан иборат;

бош гап олдин, эргаш гап ундан кейин келган, инверсия юз берган, вергул ва нуқта қўлланилган — вергул бош ва эргаш гапни ўзаро ажратган, дарак гап охирига нуқта қўйилган; схемаси қуйидагича:



*Тоҳир «Бобирнома» дан кўчирилган нусхаларни адабнинг Андижондаги, Тошкент ва Самарқанддаги мухлисларига элтиб топширгач, ўзи Робия билан бирга Қувага қайтди. (П. Қодиров.)*

Дарак гап;

1- гап — эргаш гап. 2- гап — бош гап;

боғловчисиз эргашни, феълнинг равишдош (-гач) формаси орқали эргаш гап бош гапга боғланган, боғланиш формаси эргаш гапнинг таркибида;

эргаш гап бош гапни бутунлай изоҳлаган, сўроғи — қачон? (*Қувага қайтди*);


эргаш гап бош гапдан англашилган иш-ҳаракатнинг бажарилиш пайтини билдиради. Эргаш гапдаги ҳаракат олдин, бош гапдаги ҳаракат кейин бажарилган;

эргаш гап ва бош гап ўртасида пайт муносабати мавжуд;

пайт эргаш гапни қўшма гап;

бир эргаш гап ва бир бош гапдан иборат;

эргаш гап олдин, бош гап ундан кейин келган, иккаласи вергул билан ажратилган, дарак гап охирига нуқта қўйилган, схемаси қуйидагича:



*Шамол уни қайға қайдаса, ұша ёққа оқади. (И. Раҳим.)*

Дарак гап;

*ўша ёққа оқади* — бош гап, *шамол уни қайға қайдаса* — эргаш гап;

боғловчисиз эргашниш, эргаш гап феълнинг шарт майли формаси **-са** орқали ҳамда нисбий сўзлар орқали бош гапга боғланган;

эргаш гапдаги *қайғ*, бош гапда *ўша ёқ* нисбий сўзлари боғланиш воситаси бўлиш билан бирликда ўрин билдиради, иккаласи бир хил грамматик формада — жўналиш келишигида, бир хил синтактик вазифада — ўрин ҳоли;


эргаш гап бош гапдаги *ўша ёққа* нисбий сўзининг маъносини конкретлаштирган, эргаш гап бош гапдаги бир гап бўлагини (ўрин ҳоли)ни изоҳлаган;

эргаш гап ва бош гап ўртасида ўрин муносабати мавжуд, иш-ҳаракатнинг бажарилиш ўринини билдириш бош ва эргаш гапларнинг асосий хусусиятидир;

ўрин эргаш гапли қўшма гап;

бир эргаш гап ва бир бош гапдан иборат;

эргаш гап олдин, бош гап ундан кейин келган, эргаш гап ва бош гап ўзаро вергул билан ажратилган, дарак гап охирига нуқта қўйилган; схемаси қуйидагича:



*Лекин у одам мана бундай қалбакилик қиладиган бўлса, ўзининг баъзи ишларини совет ҳокимиятидан яширадиган бўлса, бундай одамга бизда ҳеч қандай шафқат йўқ! (П. Турсун.)*

Ундов гап;

*бундай одамга бизда ҳеч қандай шафқат йўқ* — бош гап, 1-, 2- гаплар — эргаш гап;

боғловчисиз эргашниш, эргаш гаплар феълнинг шарт майли (**-са**) формаси орқали бош гапга боғланган;

эргаш гап бош гапни бутунлай изоҳлаган, сўроғи — нима қиладиган бўлса? (*бизда ҳеч қандай шафқат йўқ*), эргаш гап бош гапда ифодаланган воқеа-ҳодисанинг шартини билдиради, эргаш гапдаги иш-


ҳаракат олдин, бош гапдаги иш-ҳаракат ундан кейин юз бериши кўзда тутилади;

эргаш гап ва бош гаплар ўртасида шарт ва натижа муносабати мавжуд;

шарт эргаш гапли қўшма гап;

икки эргаш гап ва бир бош гапдан иборат, бир неча эргаш гапли қўшма гап, биргаллик эргашиш, иккала гап бир хил грамматик структурада, бир жиқсли уюшиш, икки эргаш гап ҳам бевосита бош гапга боғланган;

эргаш гаплар олдин, бош гап ундан кейин келган, эргаш гаплар ўзаро ва бош гапдан вергул билан ажратилган, ундов гап охирига ундов белгиси қўйилган; схемаси қуйидагича:



*Сурхонбой шунча ўзини босишга уринса ҳам, ҳаяжондан қалби депсинарди. (И. Раҳим.)*

Дарак гап;

*ҳаяжондан қалби депсинарди* — бош гап. *Сурхонбой шунча ўзини босишга уринса ҳам* — эргаш гап;

боғловчи эргашиш, эргаш гап шарт майлининг -са формаси, ҳам боғловчиси орқали бош гапга боғланган, боғланиш воситаси эргаш гап таркибида, ҳам боғловчиси таъкидлаш оттенкасига эга;

эргаш гап бош гапни бутунлай изоҳлаган, сўроғи — нима қилишга қарамай? (*ҳаяжондан қалби депсинарди*);


эргаш гапдаги мазмуннинг тўсиқ бўлишига қарамай, бош гапдаги мазмун юзага келган, эргаш гапда шартлик маъноси йўқ, бош гапдаги иш ҳаракатнинг амалга ошишига моделлик қилолмаган тўсиқ маъноси мавжуд;

эргаш гап ва бош гап ўртасида тўсиқсизлик муносабати бор, эргаш гапдаги иш-ҳаракат олдин, бош гапдаги иш-ҳаракат ундан кейин юзага келади;

тўсиқсиз эргаш гапли қўшма гап;

тўсиқсиз эргаш гап ва бир бош гапдан иборат;

эргаш гап олдин, бош гап ундан кейин келган, эргаш гапни бош гапдан ажратиш учун вергул, дарак гап охирига нуқта қўйилган; схемаси қуйидагича:



Малоҳатни Нанайдаги тиббий пунктга топшириб, ўзи совқотганига ҳам қарамай, кўчада ўтирди. (И. Раҳим.)

Дарак гап;

(у) кўчада ўтирди — бош гап. (у) Малоҳатни Нанайдаги тиббий пунктга топшириб, ўзи совқотганига ҳам қарамай — эргаш гаплар;

боғловчисиз эргашиш, феълнинг шахсиз формаси — равишдош (-иб) формаси ва қарамай ёрдамчиси орқали эргаш гаплар бош гапга боғланган, боғланиш воситалари эргаш гаплар таркибиди;


биринчи эргаш гап ҳам, иккинчи эргаш гап ҳам бош гапни бутунлай изоҳлаган. 1- эргаш гапнинг сўроги — қачон? (кўчада ўтирди), 2- эргаш гапнинг сўроги — қандай бўлишига қарамай? (кўчада ўтирди);

биринчи эргаш гап бош гапдаги иш-ҳаракатнинг бажарилиш пайтини билдиради, иккинчи эргаш гапдаги мазмун бош гапдаги иш-ҳаракатнинг бажарилишига тўсиқ бўлолмаганлигини билдиради, пайт ва тўсиқсизлик муносабатлари мавжуд. Эргаш гаплардаги иш-ҳаракат олдин, бош гапдаги иш-ҳаракат ундан кейин юз берган;

1- гап — пайт эргаш гап, 2- гап — тўсиқсиз эргаш гап;

икки эргаш гап ва бир бош гапдан иборат, бир неча эргаш гапли қўшма гап, биргалик эргашиш, турли жинсли уюшиш, эргаш гаплар турли грамматик структурада, бош гапни турли томондан изоҳлаган (пайтини, монелик бўлолмаганлигини), бош гапга бевосита боғланган;

эргаш гаплар олдин, бош гап ундан кейин келган, эргаш гаплар ва бош гап орасига вергул қўйилган, дарак гап охирига нуқта қўйилган; схемаси қуйидагича:



Эртасига Рамазон қори шу қадар ҳовлиқиб келдики, эшикдан кираётиб остонага қоқилиб кетди. (П. Турсун.)

Дарак гап;

эртасига Рамазон қори шу қадар ҳовлиқиб келдики — бош гап, эшикдан кираётиб остонага қоқилиб кетди — эргаш гап;

боғловчисиз эргашиш, эргаш гап -ки боғловчиси, шу қадар нисбий сўз (олмош+қўмакчи) орқали бош гапга боғланган, боғланиш воситалари бош гап таркибида;

шу қадар нисбий сўзи миқдор, бош гапнинг кесими англатган ҳаракат (ҳовлиқиб келиш)нинг миқдорини билдирган, эргаш гап бош гапдан англашилган ҳаракатнинг рўй бериш миқдор-даражасининг натижасини билдирган, эргаш гап бош гап таркибидаги бир бўлак (шу қадар — ҳол)ни изоҳлаган;

бош ва эргаш гаплар ўртасида сабаб ва натижа муносабати мавжуд, бош гапдаги ҳаракат олдин, эргаш гапдаги ҳаракат ундан кейин рўй берган;

натижа эргаш гапли қўшма гап;

бир бош гап ва бир эргаш гапдан иборат;

бош гап олдин, эргаш гап ундан кейин келган, бош гап ва эргаш гапни ўзаро ажратиш учун вергул қўлланган, дарак гап охирига нуқта қўйилган; схемаси қуйидагича:



Бўлсин десанг дунё сенга кенг,  
Қолсин десанг қўлингда эркинг,  
Бўлай десанг сен одамга тенг,  
Бўлмай десанг ёвларга ҳаммол:  
Қўлингга қурол ол! (Ҳ. Олимжон.)

Дарак гап;

қўлингга қурол ол — бош гап, 1-, 2-, 3-, 4- гаплар — эргаш гаплар;

боғловчисиз эргашиш, эргаш гаплар шарт майли (-са) формаси орқали бош гапга боғланган, эргаш гап ва бош гапларни боғловчи грамматик восита эргаш гап таркибида;

эргаш гаплар бош гапни бутунлай изоҳлаган. Эргаш гаплар бош гапдан англашилган иш-ҳаракатнинг ба-


жарилишидаги шартни, бош гап эса ана шу шартнинг натижасини билдиради;

шарт муносабати мавжуд;

шарт эргаш гапли қўшма гап;

тўрт эргаш гап ва бир бош гапдан иборат, бир неча эргаш гапли қўшма гап, биргалик эргашиш, эргаш гаплар бир хил, бир жинсли уюшиш, эргаш гаплар структура ва маъно жиҳатидан бир-бирига ўхшаш, ҳаммаси шарт эргаш гаплар, санаш интонациясига эга, боғланиш воситаси (-са) ҳар бир эргаш гапда такрорланган, эргаш гапларнинг ҳар бири бевосита бош гапга боғланган;

эргаш гаплар олдин, бош гап улардан кейин келган, эргаш гаплар ўзаро вергул билан ажратилган, уюшган эргаш гаплардан сўнг, бош гапдан олдин икки нуқта қўйилган; схемаси қуйидагича:



Унинг алоҳида яхши овози бўлмаса ҳам, куйни фақат Маҳкамнинг бир ўзига аталган наст товуш билан шундай юракдан чиқариб айтдики, Маҳкам бахт туйғусидан бошқа ҳамма нарсани бутунлай унутди. (П. Қодиров.)

Дарак гап;

2-гап — бош гап, 1-, 3- гаплар — эргаш гап:

тунлай унутди — бош гап, 1-, 2- гаплар — эргаш гап;

боғловчили эргашиш, -са ҳам боғланиш воситаси 1- эргаш гапни бош гапга, шундай олмоши ва -ки боғловчиси эргаш гап. (3- гап)ни бош гапга боғлаган, боғланиш воситаларни эргаш гап (1-гап) ва бош гап (2-гап)нинг таркибиди;

эргаш гаплар бош гапни бутунлай изоҳлаган, 1- эргаш гапдаги ҳаракат бош гапдаги ҳаракатнинг бажарилишига тўсиқ бўлолмаганлигини, 2- эргаш гап бош гапдаги ҳаракатнинг бажарилиши натижасида қандай натижа юзага келганлигини билдиради;

эргаш гаплар ва бош гап ўртасида тўсиқсизлик ҳамда натижа муносабати мавжуд;



тўсиқсизлик ва натижа эргаш гапли қўшма гап,  
бир неча эргаш гапли қўшма гап;

икки эргаш гап ва бир бош гапдан иборат, биргалик  
эргашиш, турли жинсли уюшиш, турли грамматик  
структурадаги ва мазмундаги эргаш гаплар;

бош гап ўртада, 1-эргаш гап бош гапдан олдин, 2-  
эргаш гап бош гапдан кейин келган, эргаш гаплар бош  
гапдан вергул билан ажратилган, дарак гап охирига  
нуқта қўйилган; схемаси қуйидагича:



*Даргазаб бўлиб тиржайиб турган тош кампир бўм-  
бўи қолган қоп-қора ва нурсиз кўзлари билан мени ку-  
затиб, узоқ асрлар давомида ерга қандай ботиб тур-  
ган бўлса, ҳозир ҳам шу тахлитда бақрайиб турарди.  
(Ч. Айтматов.)*

Дарак гап;

*ҳозир ҳам шу тахлитда бақрайиб турарди* — бош  
гап. 1-, 2- гаплар эргаш гап;

боғловчисиз эргашиш, 1-эргаш гап **-иб** равишдош  
формаси орқали 2- компонентга, 2-эргаш гап *бўлса*  
боғловчи сўзи орқали бош гапга боғланган, боғланиш  
воситалари (**-иб**, **бўлса**) эргаш гапларнинг таркибида;

эргаш гаплар бош гапни бутунлай изоҳлаган, 1-эр-  
гаш гап 2- компонентни изоҳлаган, 2- компонент 1- гап-  
га нисбатан бош гап, 3- компонентга нисбатан эргаш  
гап, 2- эргаш гап бош гапни изоҳлаган, 1- эргаш гап ба-  
восита, 2- эргаш гап бевосита бош гапни изоҳлаган;

эргаш гаплар билан бош гап ўртасида ҳолат му-  
носабати мавжуд, эргаш гаплар бош гапдаги ҳолатнинг  
кўринишини, тарзини билдирган;

равиш эргаш гапли қўшма гап;

икки эргаш гап ва бир бош гапдан иборат, бир неча  
эргаш гапли қўшма гап, кетма-кет эргашиш, бир хил  
эргаш гаплар кетма-кет эргашган, 1-эргаш гап 2- ком-  
понент (нисбий бош гап)га; 2-эргаш гап бош (абсо-  
лют бош) гапга боғланган;

эргаш гаплар олдин, бош гап ундан кейин келган,  
эргаш гаплар ва бош гап ўзаро вергул билан ажратил-  
ган, дарак гап охирига нуқта қўйилган; схемаси қуйи-  
дагича:



*Йўллар тайғоқ бўлиб кетгач, ишчилар қадимий панжарали шийпончага кириб, ёмғир тинишини кутарди. (А. Мухтор.)*

Дарак гап;

ёмғир тинишини кутарди — бош гап, 1-, 2- компонент эргаш гаплар;


боғловчисиз эргашниш, -гач, -иб равишдош формалари орқали эргаш гаплар бош гапга боғланган, боғланиш воситалари эргаш гаплар таркибида, 1-эргаш гап 2-компонентга, 2-эргаш гап 3-компонентга боғланган, 1-эргаш гап 2-компонентни, 2-эргаш гап 3-компонентни бутунлай изоҳлаган, 1-эргаш гап бавосита, 2-эргаш гап бевосита бош гапни изоҳлаган, 1-эргаш гапнинг сўроғи — қачон? (*ишчилар қадимий панжарали шийпончага кирди*). 2-эргаш гапнинг сўроғи — қандай ҳолатда? (*ёмғир тинишини кутарди*);

эргаш гаплар ва бош гап ўртасида пайт, ҳолат муносабатлари мавжуд, бош гапдаги ҳаракатнинг 1-эргаш гап пайтнини, 2-эргаш гап ҳолатини билдиради, эргаш гаплардаги ҳаракат олдин, бош гапдаги ҳаракат кейин бажарилган;

пайт ва равиш эргаш гапли қўшма гап;

икки эргаш гап ва бир бош гапдан иборат, бир неча эргаш гапли қўшма гап, кетма-кет эргашниш, турли эргаш гаплар кетма-кет эргашган, пайт эргаш гап равиш эргаш гапга эргашган, равиш эргаш гап бош гапга эргашган (2-гап 1-гапга нисбатан бош — нисбий бош — гап, 3-гапга нисбатан эргаш гап, 3-гап бош — абсолют бош — гап);

эргаш гаплар олдин, бош гап кейин келган, эргаш гаплар ўзаро ва бош гапдан бергул билан ажратилган, дарак гап охирига нуқта қўйилган; схемаси қуйидагича:



Агар мен кечалар ҳам ухламай, сенинг ёзганларингни оққа кўчириб чиқсам, ёки сени бирон киши келиб уйғотиб қўймасин деб, тун бўйи сенга қоровуллик қилиб чиқсам, ёки сен билан пиёда юз чақирим йўл боссам, шунини ўзим учун катта бахт деб биламан. (А. Чехов.)

Дарак гап;

шунини ўзим учун катта бахт деб биламан — бош гап, абсолют бош гап, 1-, 2-, 3-, 4-, 5-гаплар эргаш гаплар. Бу эргаш гапларнинг баъзилари бири-бирига нисбатан бош гаплик вазифасини ҳам бажарган, 2-гап 1-гап учун бош гап, 4-гап 3-гап учун бош гап, 2-, 4-гапларнинг бош гаплиги нисбий характерга эга, 6-гап ҳамма гаплар учун бош гап;

боғловчили ва боғловчисиз эргашини, 1-гап равишдошнинг бўлишсиз формаси (-май), 2-, 4-, 5-гаплар феълнинг шарт майли (-са) формаси, 3-гап *деб* боғловчиси орқали боғланган, боғланиш воситалари эргаш гапларнинг таркибида келган ва ҳолат (-май), шарт (-са), мақсад (*деб*) оттенкасини билдирган;


эргаш гаплар бош гапни бутунлай изоҳлаган;

1-эргаш гап ҳолат, 2-, 4-, 5-эргаш гаплар шарт, 3-эргаш гап мақсад маъносини билдирган, бош гап натижа маъносини билдиради;

1-эргаш гап равиш эргаш гап, 2-эргаш гап шарт эргаш гап, 3-эргаш гап мақсад эргаш гап, 4-, 5-эргаш гаплар шарт эргаш гаплардир;

бешта эргаш гап ва бир бош гапдан иборат, ҳам кетма-кет эргашини, ҳам биргалик эргашини, яъни аралаш типли бир неча эргаш гапли қўшма гап, 2-, 4-, 5-эргаш гаплар биргалик эргашини усулида боғланган, 1-, 3-эргаш гаплар кетма-кет эргашини усулида боғланган;

эргаш гаплар олдин, бош гап улардан кейин келган, эргаш гаплар ўзаро ва бош гапдан вергул билан ажратилган, дарак гап охирига нуқта қўйилган; схемаси қуйидагича:



## Мураккаб период таҳлили

Мураккаб период таҳлили қўшма гапнинг уч тури — боғловчисиз, боғланган, эргаш гапли қўшма гаплар — таҳлили билан узвий боғлиқдир. Қўшма гап компонентларининг грамматик тузилиши, ўзаро боғланиш воситалари ва усуллари, мазмуни ва интонацияси, тиниш белгилари ва бошқа грамматик хусусиятлари ҳақидаги назарий ва амалий маълумотлар мураккаб период таҳлилида ҳам талаб этилади. Грамматик хусусиятлари жиҳатидан периодлар қўшма гапнинг барча турларига хос хусусиятларни ўзида акс эттиради. Шунинг учун период таҳлилини ҳам қўшма гаплар таҳлилининг мураккаб шакли сифатида ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Грамматик тузилиш, мазмуни ва интонацияси жиҳатидан яхлит бир бутунликни ташкил этувчи синтактик конструкция период ҳисобланади. Бундай мураккаб конструкцияларда фикр тўлиқ ифодаланади. Ифода усулига кўра, улар дарак гап шаклида бўлади.

Период таҳлилини танланган конструкцияни кичик таркибий компонентларга ажратишдан бошлаш лозим. Периодлар тузилишига кўра, уч, тўрт, беш ва ундан ортиқ компонентлар — предикатив бирликлардан таркиб топади. Бу компонентлар ўзаро тузилиш, мазмун ва интонация жиҳатдан узвий боғлиқ бўлади, хусусан, боғлиқлик умумий мазмунда ва фикр ифодалашда очиқ кўринади. Периодлар кўп компонентли бўлиб, умумий мазмун муносабатлари воқса-ҳодиса ва хусусиятларни қиёслаш, изоҳлаш ва бириктириш тарзида бўлади.

Таҳлилда период таркибидаги компонентларнинг тузилиши ва мазмун хусусиятларини ҳисобга олиб қисмларга ажратиш лозим. Период компонентларининг миқдори қанча бўлишидан ва улар қандай мазмун муносабатида бўлишидан қатъи назар, икки (баъзан уч ва ундан ортиқ) қисмдан иборат бўлади.

Период компонентлари ва қисмларининг бир-бирига боғланиш усули ва боғланиш воситаларини аниқлаш таҳлилда муҳимдир. Бу ўринда қўшма гапларнинг уч тури — боғловчисиз, боғланган ва эргаш гапли қўшма гаплар — компонентларининг боғланиш усуллари ва воситалари эсга олинади.

Периодни қисмларга ажратишга таҳлилда асосий эътибор қаратилиши лозим. Период қисмлари тузилиш жиҳатдан турлича бўлади. Ҳар бир қисм бир содда гапдан ташкил топганидек, эргаш гапли қўшма гаплардан ҳам, бир неча эргаш гапли қўшма гаплардан ҳам, боғловчисиз ёки боғланган қўшма гаплардан ҳам, аралаш типли қўшма гаплардан ҳам тузилиши мумкин: *Қайрағоч қалин бўлса, ёмғир ўтмас, оғанин тоғув бўлса, хўрлик етмас. (Мақол.) Сақласа, минг кунлик, сақламаса, бир кунлик (Мақол.)* периодлари икки қисм (тўрт компонент)дан тузилган, ҳар бир қисм эргаш гапли қўшма гапдан иборат.

Период компонентлари ва қисмлари турлича боғланган, компонентлар ўзаро **-са** шарт майли формаси орқали, қисмлар интонация ёрдамида боғланган. Қисмлар ўртасида қиёслаш муносабати мавжуд, биринчи қисмдаги ҳодиса (қайрағочнинг қалинлиги, бирон предметни сақлаш— тежаш) иккинчи қисмдаги ҳодиса (оғанининг тоғувлиги, бирон предметни сақламаслик— тежамаслик) билан қиёсланган. Ҳар бир қисм тенгланиш интонацияси билан бириккан.

*У чанқаб, уйга кирди-ю, йўлакда турган бочкадаги сувдан тўйгунча ичди; кейин печкада исиниб олиш учун шу ерга ўтирди-да, дарров ухлаб қолди (Н. Островский.)* периодни икки қисмдан тузилган. Период составида 5 компонент бор, биринчи қисм уч, иккинчи қисм икки компонентли. Биринчи қисм аралаш типли қўшма гап— эргаш гапли ва боғланган қўшма гап, иккинчи қисм боғланган қўшма гап. Компонентлар **-б** равишдош формаси, **-ю**, **-да** юкламалари орқали бириккан бўлса, қисмлар интонация ёрдамида бириккан, интонация эса тенгланиш тарзида бўлади. Қисмлар ўртасида воқеа-ҳодисаларни бириктириш муносабати мавжуд. Бириктирув муносабати ифодаланган периоднинг қисмларида турлича, бир-бирига улча яқин, бир-бирига боғлиқ бўлмаган ҳодиса-воқеаларнинг тавсифи баён этилади. Ҳодиса-воқеа ёки хусусиятларнинг турли томонлари тасвирланади. Қиёслаш муносабати сингари бириктирув муносабати ифодаланган периодларнинг таркибида ҳам боғловчилар ва боғловчи вазифасидаги элементлар нисбатан кўпроқ қўлланади.

Таҳлил жараёнида шуни доимо назарда тутиш лозимки, период қисмлари ўзаро, асосан, интонация ёрдамида бирикади. Интонация тенгланиш ва тобеланиш

тарзида бўлади. Боғловчилар ҳам период қисмларини бириктириш вазифасини бажаради.

Одатда, периоднинг маълум бир қисми ёки ҳар бир қисми мураккаблашган бўлади. Таҳлил давомида ана шу мураккаблашган қисмга эътибор қаратиш даркор, мураккаблашнинг характери аниқлай олиш зарур.

*Мен бу орада ташқарига чиқиб, тўполонда отиб юборилган гайка ключини қидириб топдим-да, ўтовдан нарироқ бориб, уни тош ҳайкал ёнига қўшиб қўйдим (Ч. Айтматов.)* периодида ҳар икки қисм эргаш гаплар ҳисобига кенгайиб мураккаблашган. Период эргаш гапли қўшма гап+эргаш гапли қўшма гап тарзида тузилган.

Қуйидаги периоднинг биринчи қисми мураккаблашган, мураккаблашиш эргаш гапни қўшиш орқали юз берган: *Аъзойи бадани таранг тортилиб турса ҳам, боя Омонulloхоннинг ислоҳотларига келиб қолгани эсига тушар ва ўзи ўқиб кетгудек эди. (П. Қодиров.)* Аъзойи бадани таранг тортилиб турса ҳам — тўсиқсиз эргаш гап, шу компонент билан биринчи қисм мураккаблашган.

Мураккаблашган қисм компонентлари эргашини ва тенгланиш орқали бирикиши мумкин. Юқоридаги период қисмлари эргаш гаплар ҳисобига кенгайиб мураккаблашган, эргашини орқали бириккан, улар бош гапга тобе, унга эргашган, период қисмидаги бош гапнинг бирон хусусиятини изоҳлайди.

*Унинг кўз олдида Бурганқоқ қудуғида сўндирилган кратернинг оғзидай ғор пайдо бўлди-да, юраги орқасига тортиб кетди: «ер ютмоқда!» (И. Раҳим.)* периоди 3 компонентли, лекин икки қисмдан тузилган. 1-, 2-компонент биринчи қисмин ташкил этган, ўзаро -да юкламаси орқали боғланган, биринчи қисм компонентлари тенгланиш муносабатида, период боғланган ва боғловчисиз қўшма гаплардан тузилган, 2-компонент 1-компонент билан боғловчи орқали бириккан, 3-компонент билан боғловчисиз бириккан, синтактик жиҳатдан тенг компонентлар ўзаро бирикиб периоднинг бир қисмини ташкил этиши мумкин.

Период таҳлилида унинг составидаги тиниш белгилари ва итонациясига ҳам аҳамият берилади, компонент ва қисмларнинг боғланиш схемаси чизилади.

## Мураккаб период таҳлили тартиби

1. Компонентларнинг миқдори ва чегараси.

2. Компонентларнинг ўзаро бирикиши, компонентларни бириктирувчи воситалар (интонация, пайт ва ўрин муносабатини кўрсатувчи лексик элементлар, олошлар, боғловчи ва боғловчи вазифасидаги сўзлар, юкламалар, кўмакчилар, келишик формалар, сифатдош ва равишдош формалари, феълнинг тусланишли формалари, гап қурилиши, тартиб, мазмун, айрим гап бўлақларининг такрорланиши ёки умумий бўлақларнинг мавжудлиги, кесимларнинг замон муносабати, қисмларнинг ўринлашиши ва ҳ.)

3. Периоднинг қисмлари — икки, уч ёки ундан ортиқ қисмдан тузилиши (ҳар бир қисм вертикал қўш чизик билан ажратилади), қисмларнинг боғланиши.

4. Период қисмларининг состави, қисмларнинг мураккаблашган-мураккаблашмаганлиги.

5. Период қисмларининг мазмун муносабати (воқеа, ҳодиса ва хусусиятларни қийёслаш; воқеа, ҳодиса, хусусиятларни изоҳлаш; воқеа, ҳодиса, хусусиятларни бириктириш).

6. Период составидаги тиниш белгилари, периоднинг схемаси.

### Мураккаб период таҳлили намунаси

*Шундай зўр шамолки, дарёнинг бир томони очилиб, тубидаги тошлари кўриниб қолган, суви маҳкам турган қирғоққа йиғилиб кетган. (П. Қодиров.)*

Тўрт компонентли;


1-компонент **-ки** боғловчиси орқали, 2-компонент **-иб** равишдош формаси орқали боғланган, 3-компонент боғловчисиз, интонация орқали боғланган;

икки қисмдан тузилган, 1-компонент биринчи қисми, 2-, 3-, 4-компонентлар иккинчи қисми ташкил қилган, қисмлар **-ки** боғловчиси орқали боғланган;

бош гап+аралаш типли қўшма гап+эргаш гапли қўшма гап ва боғловчисиз қўшма гап, биринчи қисм бир гапдан, иккинчи қисм бир неча гапдан тузилган, иккинчи қисм мураккаблашган;

қисмлар ўртасида изоҳлаш муносабати мавжуд, биринчи қисм изоҳланувчи, иккинчи қисм изоҳловчи;

компонентлар ва қисмлар ўзаро вергул билан ажратилган, дарак гап охирига нуқта қўйилган; схемаси қуйидагича:



Онаси кўзи тириклигида уни унаштирмоқчи бўлса, «ҳали эрта» деб қутулар, дўстлари «доимий бўйдоқ» деб мазахласалар ҳам, учувчи қўшиғини эсга солиб, «Аввал самолёт, сўнгра қизлар» деб ҳазилга ҳазил билан жавоб берарди. (И. Раҳим.)

Олти компонентли;


1-компонент бўлса боғловчи сўзи орқали, 2-компонент интонация билан, 3-компонент -салар ҳам ёрдамчиси, 4-компонент -иб равишдош формаси, 5-компонент деб ёрдамчиси орқали боғланган;

икки қисмдан иборат, 1-, 2-компонент биринчи қисми, қолган компонентлар иккинчи қисми ташкил этган, қисмлар интонация ёрдамида ўзаро боғланган;

эргаш гапли қўшма гап+бир неча эргаш гапли қўшма гап, ҳар икки қисм мураккаблашган, биринчи қисм икки гапдан, иккинчи қисм тўрт гапдан тузилган;

қисмлар орасида қиёслаш муносабати мавжуд;

компонентлар ва қисмлар ўзаро вергул билан ажратилган, кўчирма гаплар қўштирноқ ичига олинган, дарак гап охирига нуқта қўйилган; схемаси қуйидагича:



Лекин бунинг бир ёмон томони шуки, конкурс пайтида ишқаллик чиқиб қолса, Ҳакимов иккинчи марта илтимосини қондирмайди. (П. Қодиров.)

Уч компонентли, 1-компонент -ки боғловчиси орқали, 2-компонент -са шарт майли формаси орқали боғланган;

икки қисмдан тузилган, 1-компонент биринчи қисми, 2-, 3-компонентлар иккинчи қисми ташкил этган, қисмлар -ки боғловчиси орқали боғланган;

бош гап+эргаш гапли қўшма гап, биринчи қисм бир гапдан, иккинчи қисм икки гапдан тузилган, иккинчи қисм эргаш гап ҳисобига кенгайиб мураккаблашган;

қисмлар орасида изоҳлаш муносабати мавжуд, биринчи қисм изоҳланувчи қисм, иккинчиси — изоҳловчи



қисм, изоҳловчи қисм биринчи қисмдаги гап (бош гап)нинг кесимини изоҳлаган;

қисмлар ва компонентлар ўзаро вергул билан ажратилган, дарак гап охирига нуқта қўйилган; схемаси қуйидагича:



*Болани настан тополмай, оёғининг учида юриб, иккинчи қаватга чиқаётган эди, «кимдир зинанинг устидаги ширғини ёқиб юборди», Ҳожи бир чўчиб тушди ва юқорига қаради. (А. Қаҳҳор.)*

Олти компонентли;


компонентлар боғловчи, сўз формалари, интонация орқали боғланган, 1-, 2- компонентлар -май, -иб равишдош формаси ёрдамида, 3-, 4-, 5- компонентлар интонация билан, 5-, 6- гаплар ўзаро ва боғловчиси орқали боғланган;

уч қисмдан иборат, 1-, 2-, 3- компонентлар биринчи қисмни, 4- компонент иккинчи қисмни, 5-, 6- компонентлар учинчи қисмни ташкил этган, қисмлар интонация ёрдамида боғланган;

бир неча эргаш гапли қўшма гап+содда гап+боғланган қўшма гап, биринчи қисм эргаш гаплар билан мураккаблашган;

қисмлар орасида бириктириш муносабати мавжуд;

қисмлар ва компонентлар ўзаро вергул билан ажратилган, дарак гап охирига нуқта қўйилган; схемаси қуйидагича:



*У чанқаб, уйга кирди-ю, йўлакда турган бочкадаги сувдан тўйгунча ичди; кейин печкада исиниб олиш учун шу ерга ўтирди-да, дарров ухлаб қолди. (Н. Островский.)*

Беш компонентли.


1- компонент -б равишдош формаси, 2- компонент -ю юкламаси 4- компонент -да юкламаси ёрдамида боғланган, 3- компонент интонация билан боғланган;

икки қисмдан иборат, 1-, 2-, 3- компонентлар биринчи қисмни, 4-, 5- компонентлар иккинчи қисмни ташкил этган, қисмлар интонация ёрдамида боғланган;

турли типли (эргаш гапли ва боғланган) қўшма гап+боғланган қўшма гап, ҳар икки қисм кенгайиб мураккаб-лашган, биринчи қисм уч гапдан, иккинчи қисм икки гапдан тузилган;

қисмлар орасида бириктириш муносабати мавжуд, период қисмларида турли, бир-бирига боғлиқ бўлмаган ҳодиса ёки ҳолатлар (биринчи қисмда уйга кириб, сув ичиш, иккинчи қисмда печкада исиниб ўтириш ва ухлаб қолиш) ҳақида фикр юритилган, ана шу икки ҳодиса бириктирилган, бир периодда баён қилинган;

қисмлар нуқтални вергул, компонентлар вергул билан ажратилган, дарак гап охирига нуқта қўйилган; схемаси қуйидагича:



*Қўлидан иш келадиган бўлгач, отасининг қўлтиғига кирди: бойнинг боласини кўтарди, сувини ташиди. (К. Яшин.)*


Тўрт компонентли;

1-компонент -гач равишдош формаси орқали, 2-, 3-, 4-компонентлар ўзаро интонация ёрдамида боғланган; икки қисмдан иборат, 1-, 2-компонентлар биринчи қисмни, 3-, 4-компонентлар иккинчи қисмни ташкил этган, қисмлар интонация ёрдамида боғланган;

эргаш гапли қўшма гап+боғловчисиз қўшма гап, ҳар икки компонент иккитадан гапдан тузилган, биринчи қисм эргаш гап билан кенгайиб мураккаб-лашган, иккинчи қисм тўртинчи компонент билан мураккаб-лашган, 3-компонентда 4-компонент учун ҳам умумий бўлак (бойнинг — аниқловчи) мавжуд;

қисмлар орасида изоҳлаш муносабати мавжуд, биринчи қисм изоҳланувчи, иккинчи қисм изоҳловчи қисм, иккинчи қисм биринчи қисм эргаш гапли қўшма гапнинг бош гапини изоҳлаган (отасининг қўлтиғига кириб бойнинг боласини кўтарганлиги, бойнинг сувини ташиганлиги баён қилинган);

қисмлар икки нуқта, компонентлар вергул билан ажратилган, дарак гап охирига нуқта қўйилган; схемаси қуйидагича:



*Вахш ҳамон ўйноқлаб оқар, унинг лойқа тўлқинларидан ҳосил бўлган оппоқ кўпиклар баланд кўтарилиб, майда ёмғир томчиларидек атрофга сачрар, аммо энди буни Шерали пайқамас, бутун хаёли ёшлик йилларида эди. (С. Кароматов.)*

Беш компонентли;

1-компонент интонация ёрдамида, 2-компонент **-иб** равишдош формаси орқали, 3-компонент *аммо* зидлов боғловчиси орқали, 4-компонент интонация ёрдамида боғланган;

уч қисмдан иборат, 1-компонент биринчи қисми, 2-, 3-компонентлар иккинчи қисми, 4-, 5-компонентлар учинчи қисми ташкил этган, биринчи қисм интонация ёрдамида, иккинчи қисм *аммо* зидлов боғловчиси орқали боғланган;

содда гап+эргаш гапли қўшма гап+боғланган қўшма гап, биринчи қисм бир гапдан, иккинчи ва учинчи қисмлар иккитадан гапдан тузилган, иккинчи ва учинчи қисмлар мураккаблашган;

қисмлар орасида бириктириш муносабати мавжуд;

қисмлар ва компонентлар ўзаро вергул билан ажратилган, дарақ гап охирига нуқта қўйилган; схемаси қуйидагича:



*У хиёнат қилишни ўйламаган эди, иложи борича ҳамма ишни яхшироқ қилишга ҳаракат этди, чунки ҳаммасини ўйлаб чиққан эди; лекин шунинг учун ҳам у қўмондонликка ярамайди. (Л. Толстой.)*

Тўрт компонентли;

1-компонент интонация ёрдамида, 2-, 3-компонентлар *чунки, лекин* боғловчилари орқали боғланган;


уч қисмдан иборат, 1-компонент биринчи қисми, 2-, 3-компонентлар иккинчи қисми, 4-компонент учинчи қисми ташкил этган, қисмлар интонация ва *лекин* боғловчиси орқали боғланган;

бир (содда) гап+эргаш гапли қўшма гап+бир (содда) гап, иккинчи қисм эргаш гап билан кенгайиб мураккаблашган;

қисмлар орасида бириктириш муносабати мавжуд;

биринчи ва иккинчи қисмлар ўзаро вергул билан ажратилган, иккинчи қисм ва учинчи қисмлар бир-би-

ридан нуқтали вергул билан ажратилган, дарак гап охирига нуқта қўйилган; схемаси қуйидагича:



*Бойларнинг кўнглини ҳушламади: отини ушламади, остига либос ташламади; ош тортди, сузган товоқни чошламади, ош тортганда ошнинг кетини-бетини тортди. (Ф. Йўлдош.)*

Етти компонентли.


1-, 2-, 3-, 4-, 5- компонентлар интонация ёрдамида, 6- компонент -ганда формаси орқали боғланган.

Тўрт қисмдан иборат, 1- компонент биринчи қисми, 2-, 3- компонентлар иккинчи қисми, 4-, 5- компонентлар учинчи қисми, 6-, 7- компонентлар тўртинчи қисми ташкил этган, қисмлар интонация ёрдамида боғланган;

бир (соғда) гап + боғловчисиз қўшма гап + боғловчисиз қўшма гап + эрган гапли қўшма гап, иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмлар мураккаблашган;

қисмлар орасида изоҳлаш муносабати мавжуд, биринчи қисмдаги ҳодиса иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмлар томонидан изоҳланган, биринчи қисм изоҳланувчи, сўнгги қисмлар изоҳловчи;

биринчи қисмдан сўнг икки нуқта қўйилган, иккинчи қисмдан сўнг нуқтали вергул қўйилган, компонентлар ва бошқа қисмлар ўзаро вергул билан ажратилган; схемаси қуйидагича:



### Ўзга гапли қўшма гап таҳлили

Ўзга гапли қўшма гапда сўзловчи (автор) фикри билан бирликда бошқаларнинг ҳам фикри (гапи) ҳеч ўзгаришсиз ёки мазмуни сақланган ҳолда, грамматик ва айрим лексик хусусиятлари ўзгартирилган тарзда ифодаланган бўлади. Ўзга гапли қўшма гапларнинг тuzилиши турлича бўлади, хусусан, кўчирма гаплар турли тарзда берилиши мумкин. Мазмун ифодаланиши жиҳатидан кўчирма гап асосий бўлиб, автор гапи уни изоҳлаш хусусиятига эга бўлади, таҳлилда кўчирма гап ва автор гапларининг муносабати аниқлашда ана шу хусусиятини ҳисобга олиш лозим.

Таҳлил жараёнида кўчирма гап типларини ўзлаш-тирма гапга айлантириш ҳам талаб этилади, бунда бир неча компонентли қўшма гаплар содда гапга айланади, кўчирма гаплар иккинчи даражали бўлакларга, автор гапи бош ҳамда иккинчи даражали бўлакларга айланади. Натижада фикрни сиқиқ тарзда ифодалаш намуналари пайдо бўлади. Демак, ўзга гап таҳлилида стилистик машқлар ҳам бажариш кўзда тутилади.

Ўзга гап таҳлилида автор гапининг кесимларига, тартибига ва интонациясига ҳам диққат қаратиш тақозо этилади. Автор гапининг интонацияси кўчирма ва автор гапларининг тартибига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлишини унутмаслик лозим.

Таҳлилда муҳим масалалардан бири ўзга гапнинг тиниш белгиларидир. Чунки ўзга гапли қўшма гапда тиниш белгилар жуда кўп — ёлғиз тарзда ҳам, қўшма тарзда ҳам қўлланиладиги, буларнинг принципларини, ўрни ва моҳиятини белгилаш доимо муҳим аҳамиятга эгадир.

### **Ўзга гапли қўшма гап таҳлили тартиби**

1. Ўзга гап ва автор гапининг характери (ўзга гапини ва автор гапини аниқлаш, бу гапларнинг ифода мақсадига кўра турини, кесимларининг структураси)ни аниқлаш;

2. Ўзга гапларнинг типлари (кўчирма гап, ўзиники бўлмаган кўчирма гап ва ўзлаштирма гап);

3. Ўзга гапларнинг структураси (бир сўз, бир ёки бир неча гап, бир абзац, бир составли ёки икки составли бир ва ундан ортиқ гаплар шаклида бўлиши)ни аниқлаш. Автор гапининг структураси (бир ёки икки составли содда гап, қўшма гап — боғланган қўшма гап, эргашган қўшма гап, боғловчисиз қўшма гап шаклида бўлиши)ни аниқлаш;

4. Ўзга гап ва автор гапининг тартиби, тиниш белгиларини аниқлаш ва изоҳлаш, тиниш белгиларининг схемасини белгилаш, интонацияси;

5. Ўзга гапларнинг турини структура жиҳатидан бир-бирига (кўчирма гапни ўзиники бўлмаган кўчирма гапга ёки ўзлаштирма гапга) айлантириш. Кўчирма гапни ўзлаштирма гапга айлантирганда кўчирма гапнинг грамматик тузилиши ва стилистик хусусиятларида юз берган ўзгаришларни аниқлаш.

## Ўзга гапли қўшма гап таҳлили намунаси

— *Ўзингга эҳтиёт бўлсанг-чи, Карим,— деди Қодиров жаҳл аралаш,— бўлар-бўлмасга кекирдагингни чўзаверасанми? (Ш. Рашидов.)*

— *Ўзингга эҳтиёт бўлсанг-чи, Карим, бўлар-бўлмасга кекирдагингни чўзаверасанми?—* ўзга гапи, иккаласи ҳам сўроқ гап, *деди жаҳл аралаш Қодиров* — автор гапи. Ўзга гапларнинг кесими -чи, -ми сўроқ юк-ламали, тусланишли феъл формасида, II шахс, автор гапининг кесими III шахс аниқ ўтган замон формасида. Ўзга гапи — сўроқ гап, автор гапи — дарак гап;

Ўзга гапнинг кўчирма гап тури. Бировнинг гапи, фикри ҳеч ўзгаринсиз, айнан берилган;

кўчирма гап икки содда гапдан иборат, иккаласи ўзаро интонация билан бириккан, иккала содда гап ҳам бир составли содда гап. Автор гапи бир содда гапдан иборат, икки составли содда гап;

автор гапи ўртада, ўзга гапи унинг боши ва охирида келган. Автор гапи ўртада бўлганлиги учун ҳар икки томонидан вергул ва тире билан ажратилган. Диалог тарзида бўлганлиги учун кўчирма гап олдидан тире қўйилган. Бутун гап ифода мақсадига кўра сўроқ гап бўлганлиги сабабли гап охирига сўроқ белгиси қўйилган; схемаси:

— . . . . . , — — — — — , — . . . . . ?

Кўчирма гаплар кучлироқ ва сўроқ интонацияси билан айтилади, автор гапи паст оҳангда айтилади, ҳар бир гап пауза билан ажратилади;

кўчирма гапини ўзлаштира гапга айлантириш:

а) *Қодиров Каримга ўзига эҳтиёт бўлишни, бўлар-бўлмасга кекирдагинни чўзавермаслигини айтди жаҳл аралаш;*

б) *Қодиров жаҳл аралаш Каримга ўзига эҳтиёт бўлишни, бўлар-бўлмасга кекирдагинни чўзавермаслигини айтди;*

в) *Каримга ўзига эҳтиёт бўлишни, бўлар-бўлмасга кекирдагинни чўзавермаслигини айтди Қодиров жаҳл аралаш;*

г) *Каримга ўзига эҳтиёт бўлишни, бўлар-бўлмасга кекирдагинни чўзавермаслигини Қодиров жаҳл аралаш айтди;*

д) Ўзига эҳтиёт бўлишни, бўлар-бўлмасга кекирдагини чўзавермаслигини Каримга жаҳл аралаш айтди Қодиров;

Ўзга гап ўзлаштирма гапга айлантирилганда кўчирма гапли қўшма гап икки составли содда гапга айланди, кўчирма гапнинг қисмлари иккинчи даражали бўлак вазифасини бажарган. Кўчирма гапнинг шахсли феъл шаклидаги кесими ва ундалма тўлдирувчига айланган. Автор гапнинг эга ва кесими сақланиб қолинган.

<sup>1</sup>Райимберди ваҳимали товушларга қулоқ солиб борар экан, <sup>2</sup>аллақандай ғурур ё ички бир туртки олиб чиққан товуш билан деди:

— <sup>3</sup>«Эсингда бўлсин, ошна. <sup>4</sup>Мана шу товушлар қулоғингда турсин. <sup>5</sup>Шу жойларда қамиш ёқиб, <sup>6</sup>ботқоқ қазиб, <sup>7</sup>чивинга таланиб, <sup>8</sup>қишлоқ қурганмиз. <sup>9</sup>Болаларимиз урушда жон олиб, <sup>10</sup>жон беришаётганда <sup>11</sup>биз бекор турганимиз йўқ. <sup>12</sup>Шу эсингда турса, <sup>13</sup>бас». (С. Аҳмад.)

1-, 2- гаплар автор гапи, 3—13- гаплар ўзганинг гаплари. Ифода мақсадига кўра барчаси дарак гап. Автор гапнинг кесими феълнинг III шахс шаклида, ўзга гапларнинг кесими турли сўз туркумлари билан ифодаланган ва турли грамматик шаклда. Автор гапи ва ўзганинг гаплари дарак гап;

Ўзга гапнинг кўчирма гап тури. Бировнинг гапи айнан, ҳеч ўзгаришсиз берилган;

автор гапи тузилиши жиҳатидан равиш эргаш гапли қўшма гап, 1- содда гап — эргаш гап, 2- содда гап — бош гап. Кўчирма гаплар бир неча (11 та) гаплардан иборат. Кўчирма гаплар тузилишига кўра, 2 та мустақил содда гаплардан (3-, 4- гаплар), 3 та эргашган қўшма гаплар (5-, 6-, 7-, 8-, 9-, 10-, 11-, 12-, 13- гаплар) дан иборат;

автор гапи олдин, ўзга гаплар ундан кейин келган. Автор гапи охирига икки нуқта қўйилган, кўчирма гап олдига тире қўйилган. Кўчирма гаплар бир неча содда ва эргашган қўшма гаплардан иборат бўлиб, автор гапини изоҳлайди, шунинг учун икки нуқта қўйилган; схемаси!

..... :— « ——— ».

автор гапи пастроқ оҳангда, кўчирма гаплар баландроқ, кучлироқ оҳангда айтилади, автор гапи ва кўчирма гап тўлиқроқ пауза билан ажратилади;

Ўзга гапни ўзлаштира гапга айлантириш:

*Райимберди ваҳимали товушларга қулоқ солиб борар экан, аллақандай гурур ё ички бир туртки олиб чиққан товуш билан оинасига эсида бўлишни, мана шу товушлар қулоғида туришни, шу жойларда қамиш ёқиб, ботқоқ қазиб, чивинга таланиб, қишлоқ қурганлигини, болаларимиз урушида жон олиб, жон беришаётганда бизлар бекор турмаганлигимизни, ана шулар эсида турса баслигини айтди;*

автор гапининг кесими синоним (*деди — айтди*) сўз билан алмашган, грамматик шакли ўзгармаган. Кўчирма гапларнинг кесими грамматик жиҳатдан ўз шаклини ўзгартирган — мустақил содда гапларнинг кесими ҳаракат номи формасида бўлиб, тушум келишиги формасини олган, эргашган қўшма гапларнинг эргаш гап кесими ўз шаклини ўзгартирмаган, бош гапларнинг кесими *-ган* аффиксли сифатдош формасини, *-лик* от ясовчи аффиксини, эгалик ва тушум келишиги формаларини қабул қилиб, гапда тўлдирувчи (уюшқ тўлдирувчи) бўлиб келган.

<sup>1</sup>*У битмай ётган мураккаб ва чигал ишларини эслади-ю,* <sup>2</sup>*Музаффар мирзога қараб:*

— <sup>3</sup>*Фақирни маъзур тутинг, мирзо ҳазратлари,— деди.—<sup>4</sup>Мен умримда май ичмаганмен! (П. Қодиров.)*

1-, 2- гаплар автор гапи, 3-, 4- гаплар ўзганинг гапи. Ифода мақсадига кўра автор гапи — дарақ гап, ўзга гаплар — буйруқ гап. Автор гапининг кесими ўтган замон феълининг III шахс шакли, кўчирма гапнинг кесими шахсли феълнинг II шахс (*маъзур тутинг*) ва I шахс (*ичмаганмен*) шакллари билан ифодаланган;

ўзга гапнинг кўчирма гап тури. Бировнинг фикри, гапи ҳеч ўзгаришсиз, айнан берилган;

автор гапи тузлиши жиҳатидан ижтима (-ю) билан бириккан, боғланган қўшма гап. Кўчирма гап — боғловчисиз қўшма гап, компонентлари интонация билан бириккан;

автор гапи икки содда гапдан иборат бўлиб, I- содда гап, 2- содда гапнинг эса иккинчи даражали бўлаклари ўзга гапдан олдин келган. Автор гапи таркибидаги 2- содда гапнинг кесими ўзга гап ўртасида келган;

автор гапи таркибидаги содда гаплар ўзаро вергул билан ажратилган. Автор гапи тугамасдан икки нуқта қўйилган. Кўчирма гаплар тире билан бошланган, автор гапининг кесими олдидан вергул, тире қўйилган,



охирига нуқта қўйилган. Кўчирма гапнинг иккинчи қисми бошига тире, охирига ундов белгиси қўйилган; схемаси:

———:—.....,————.....!

автор гапи паст интонацияда, кўчирма гаплар баландроқ интонацияда айтилади, автор гапи таркибидagi 2-содда гапнинг кесими (*деди*) худди кириш сўзлар сингари паст ва ажратилган интонацияда айтилади;

ўзга гапни ўзлаштира гапга айлантириш:

*У битмай ётган мураккаб ва чигал ишларни элади-ю, Музаффар мирзога қараб мирзо ҳазратларининг фақирни маъзур тутшилигини, ўзининг умрида май ичмаганлигини айтди;*

автор гапнинг тузилишида грамматик ўзгариш юз бергани йўқ, кесими синоним сўз билан алмашди (*деди — айтди*). Кўчирма гапнинг тузилишида жиддий ўзгариш юз берган — ундалма сўз қаратқич келишиги аффиксини қабул қилиб, аниқловчи бўлак бўлиб келган, кишилик олмоши билан ифодаланган эга ўзлик олмоши билан ифодаланган аниқловчи бўлиб келган. Кўчирма гапнинг кесимлари феъл негизига от ясовчи **-лик**, эгалик ва тушум келишиги формаларини қабул қилиб, тўлдирувчи бўлиб келган.

### Пунктуацион таҳлил

Тиниш белгилари системаси, уларнинг миқдори ва қўлланилиш усуллари, маъно ва вазифалари, қўлланиш ўринлари ва қондалари, ўзига хос хусусиятлари ва ёзувнинг бошқа махсус белгиларидан фарқи, классификацияси каби масалалар пунктуациянинг ўрганиш объектидир.

Пунктуация ёзма нутққа хос. Ёзма нутқ эса энг барқарор ва тил тараққиётига катта ҳисса қўшадиган нутқдир. Нутқ мазмуни ва унинг ифодаланиши, интонацияси ва услуби, вазияти ва мақсади, нутқ компонентларининг тузилиши каби омиллар ёзувда тиниш белгиларининг хилма-хил тарзда қўйилишини талаб этади.

Ўзбек тилида тиниш белгилари сони 10 та: нуқта (.), сўроқ белгиси (?), ундов белгиси (!), вергул (,), нуқтали вергул (;) кўп нуқта (...), икки нуқта (:); тире (—), қавс ( ), қўштирноқ (« »). Мазкур тиниш белгиларининг ҳар бири мустақил бўлиб, нутқда ҳар қайсиси ўзига хос функция бажаради, ҳар бири маъно ва функ-

дияси, қўлланиш ўрни ва усули, тартиби ва принциплари жиҳатидан бир-биридан тубдан фарқ қилади. Таҳлилда ҳар бир тиниш белгининг ана шу хусусиятларини шарҳлаш лозим.

Таҳлил жараёнида ҳар бир тиниш белгининг қўлланилиши билан боғлиқ барча назарий ва амалий асосларини билиш талаб этилади. Таҳлил учун гап танланиб унга тиниш белгилари қўйиш ва қўйилган белгиларини изоҳлашда нималарга асосланиш зарур? Ҳозирги ўзбек тили пунктуацияси гапнинг мазмуни, грамматик қурилиши ва интонациясига боғлиқдир. Грамматик қурилиш тиниш белгиларини белгилашда асос вазифасини ўтайди. Чунки грамматик қурилиш нутқнинг мазмун, интонацион ва тузилиш жиҳатларининг бир бутунлиги (яҳлитлиги)дир. (К. Назаров.)

Тиниш белгилари ёзма нутқда нутқнинг логик-грамматик, семантик, грамматик, синтактик-стилистик ва интонацион хусусиятларини ҳисобга олиб қўлланилади, шунинг учун у мураккаб вазифа бажаради. Ёзма нутқнинг характери билан боғлиқ равишда тиниш белгилари ёзувчи билан китобхон (ўқувчи) ўртасидаги муносабатларни ташкил этишда зарурий ёрдамчи восита вазифасини ўтайди. Албатта, ҳар бир тиниш белгисининг хусусиятлари ёзувчи ва китобхон томонидан бир хил тушунилгандагина у реаллик касб этади, ўз вазифасини ўтаган бўлади. Ана шунинг учун тиниш белгиларини тўғри қўллаш, ҳар бир тиниш белги зиммасига юкланган функцияни тўғри тушуниш, маъносини англаш лозим. Пунктуацион таҳлил ана шу кўникмаларни ҳосил қилишда асосий роль ўйнайди.

Пунктуацион таҳлил турли мақсадлар асосида бир неча аспектда ўтказилиши мумкин. Гап, гап бўлаклари, хусусан, ажратилган гап бўлаклари, гапнинг уюшқ бўлаклари, гап бўлаклари билан грамматик жиҳатдан боғланмаган сўзлар, қўшма гап ва унинг турлари, кўчирма гапли конструкциялар ўтилгач, ана шу темаларнинг ҳар бири ёки бир печаси асосида пунктуацион таҳлил уюштириш мумкин. Ана шундай сиқик таҳлил, ўз навбатида, синтаксиснинг айрим қисмларини чуқурроқ ўзлаштириб боришга ёрдам беради. Бундан ташқари, бундай сиқик таҳлил орқали келгусида пунктуация қопун-қондалари бўйича кенгайтирилган тўлиқ таҳлил уюштириш учун замин ҳозирланади.

Пунктуацион таҳлил ўтказиш жараёнида интонация

билан боғлиқ ҳолатларга эътибор қилиш лозим. Интонация оғзаки нутқнинг зарурий воситаларидан биридир, у тиниш белгиларига нисбатан кенг ва хилма-хил бўлганлиги учун ҳар бир интонация ёзма нутқда маълум бир тиниш белги билан ифодаланавермайди. Уюшиқ бўлаклар санаш интонацияси билан айтилиб, қисқа паузалар билан ажратилиши ёзма нутқда вергул билан ифодаланади. Лекин ҳар қандай пауза ҳам вергул билан ажратилавермайди. Синтагмалар пауза билан ажратилади, лекин улар орасига ҳаммиша вергул қўйилмайди. Интонациянинг характери асосида тиниш белгилари қўйилади. Интонацияга асосланиб тиниш белгиларини қўллаш ёки тиниш белгиларига асосланиб интонацияни тайинлашда гапнинг мазмуни ва грамматик тузилиши, стилистик ва ситуатив ҳолатларини ҳисобга олиш лозим.

Пунктуацион таҳлил ўтказишда қуйидаги изчилликка амал қилиш тавсия этилади: гап ёзилгач, ўқилади. Гапнинг мазмуний ва грамматик, интонацион ва стилистик хусусиятлари асосида тиниш белгилари қўйиб чиқилади. Қўпинча тиниш белгилари қўйилган гап (ёки текст) танланади. Агар тиниш белгилари қўйилган бўлса, улар шарҳланади, текшириб чиқилади. Тиниш белгиларининг миқдори ва тури, қўлланиш ўрни ва усули аниқланади. Ҳар бир тиниш белгининг гапдаги функцияси шарҳланади, исбот этилади, исбот жараёнида маълум бир тиниш белгининг бошқа функцияларига ҳам экскурс қилиш мақсадга мувофиқдир, чунки бундай экскурс натижасида тиниш белгиларнинг қатор хусусиятлари аниқлапилади, тасаввур ва билим доираси кенгайди. Баъзан тиниш белгиларининг турини алмаштириш ва шу туфайли юз берган семантик ва интонацион хусусиятларни тавсифлаш, қиёслаш ҳам мумкин. Ана шу тарзда ҳар бир тиниш белгининг қўлланиш сабаблари ва грамматик, интонацион хусусиятлари бирма-бир, батафсил изоҳланади.

Пунктуацион таҳлил гап охиридаги якуний тиниш белгини баён этишдан бошланади. Чунки охириги тиниш белги гапнинг ифода усули ва умумий интонациясига катта таъсир этувчи муҳим белги ҳисобланади. Сўнгра гап таркибидаги бошқа тиниш белгилари таҳлил қилинади, гап ичида қўлланган тиниш белгиларининг тузилиши ва тури, функцияси жиҳатдан бир хил бўлганлари анализ этилади, сўнгра ҳар хил тур ва функция-

даги тиниш белгилари изоҳланади. Энг сўнгида гапда қўлланган тиниш белгиларининг оғзаки нутқда берилиши билан боғлиқ интонацион хусусиятлари баён этилади.

### Пунктуацион таҳлил тартиби

1. Ифода мақсадига кўра гапнинг тури ва тиниш белгиси, унинг қўлланиш хусусияти.

2. Гапнинг грамматик тузилиш жиҳатидан тури.

3. Гап таркибидаги тиниш белгиларининг миқдори.

4. Гап таркибидаги тиниш белгиларининг тури (10 та) ва тузилиши (бир элементли—вергул, тире, нуқта; кўп элементли—икки нуқта, нуқтали вергул, қавс, қўштирноқ, ундов, сўроқ белгиси).

5. Гап таркибидаги тиниш белгиларининг ўрни (гап охирида, гап ичида, гапнинг турли қисмларида аралаш ҳолда қўлланиши—гап бошида ва ўртасида (тире) қўлланиши, гап охирида ва ўртасида (икки нуқта, нуқтали вергул) қўлланиши, гап бошида, ўртаси ва охирида (қўштирноқ, қавс, кўп нуқта) қўлланиши), ҳар бир белгининг хусусиятлари.

6. Гап таркибидаги тиниш белгиларининг қўлланиш усули: а) якка тарзда; б) қўша тарзда (бир хил тиниш белгининг такрорий қўлланиши, турли тиниш белгиларининг биргаликда қўлланиши).

7. Гап таркибидаги тиниш белгиларининг функцияси:

а) чегараловчи (қўштирноқ, қавс); б) айирувчи (нуқта, сўроқ, ундов, нуқтали вергул); в) мураккаб функцияли (икки нуқта, вергул, тире, кўп нуқта).

8. Гап таркибидаги тиниш белгиларининг оғзаки нутқдаги интонацияси.

### Пунктуацион таҳлил намунаси

*Гулшан айтишича,<sup>1</sup> иш ўтган,<sup>2</sup> гап мазмунича,<sup>3</sup> ал батта,<sup>4</sup> хон Солиҳ маҳдумга куёв бўлмай қўймас,<sup>5</sup> ҳозир бунинг қаршисига бирор тadbир топиш жуда қийин ва бу хабарни Анварга айтиш-айтмаслик масаласи ҳам яна оғир.<sup>6</sup> (А. Қодирий.)*

Дарак гап. Шунинг учун охирига нуқта қўйилган; грамматик тузилиши жиҳатидан қўшма гап, аралаш типли мураккаб қўшма гап (компонентлар боғловчисиз, боғловчи билан боғланган), 4 та содда гапдан иборат, гап бўлаклари билан боғланмаган иккита кириш бўлак ва бир кириш сўз мавжуд;

6 та тиниш белги қўлланган;

икки хил тиниш белги қўлланган: вергул, нуқта — бир элементли, тузилиши содда;

нуқта гап охирида қўлланган, вергул гап ичида — қўшма гап таркибидеги содда гаплар ўртасида — қўлланган;

барча тиниш белгилар якка тарзда қўлланган;

нуқта айирувчилик функциясини бажарган. Ушбу қўшма гапни навбатдаги гапдан ажратган, вергул 5 марта қўлланиб, турли функцияларни бажарган: 1-вергул гап бошида келган кириш бирикмани содда гапдан ажратган, 2-вергул содда гапни кириш бирикмадан ажратган, 3-, 4-вергуллар кириш бирикма ва кириш сўзни ўзаро ва содда гапдан ажратган, 5-вергул содда гапларни ўзаро ажратган;

нуқта хабар интонациясига, вергуллар санаш, таъкидлаш, ажратиш интонациясига эга, вергул қўйилган ўринларда қисқа пауза бўлади.

*Сержант ярадор бўлиб<sup>1</sup>, шу шаҳарга келаётганида яна Латофатхонни эслаб<sup>2</sup>: <sup>3</sup>«Оёққа босишим биланоқ, йўқлаб бораман»,<sup>4</sup> деб жазм қилган эди<sup>5</sup>, оёққа босганидан кейин йўлаб қараса<sup>6</sup>, тўғри келмайди:<sup>7</sup> хатларига жавоб бермади<sup>8</sup>, рўмолчани урушдан кейин сўраб оламан дегани — <sup>9</sup>фашистларни калла-поча қилмагунингча кўзимга кўринма<sup>10</sup>, дегани<sup>11</sup>... (А. Қаҳҳор.)*

Дарак гап. Гап охирига кўп нуқта қўйилган, гап мазмунан тугалланмаган, кўп нуқта фикрнинг тугамаганлигини билдиради;

аралаш мураккаб гап — ҳар уч муносабат: боғланиш йўли билан, эргашуш йўли билан ва боғловчисиз муносабатга киришиш йўли билан тузилган мураккаб қўшма гап, 9 та компонентдан иборат;

11 та тиниш белгилари қўлланган. 1-содда гап охирига вергул қўйилиши керак, текстда қўйилмаган, 10-тиниш белги (вергул) ортиқча қўйилган;

5 хил тиниш белги қўлланган, бир элементли — вергул, тире, кўп элементли — икки нуқта, қўштирноқ, кўп нуқта;

кўп нуқта гап охирида, вергул гап ичида, икки нуқта гап ўртасида, қўштирноқ гап ўртасида, тире гап ўртасида қўлланган;

кўп нуқта, икки нуқта, тире, вергул якка қўлланган. Икки нуқта ва қўштирноқ, қўштирноқ ва вергул (2-, 3-, 4- тиниш белгилар) қўша қўлланган;

кўп нуқта айирувчилик ва фикрнинг бўлиниши функциясини бажарган, ушбу аралаш қўшма гапни навбатдаги гапдан ажратган ва фикрнинг тугал айтилмаганлигини билдиради. Вергул 6 марта такрор қўлланиб, қуйидаги функцияларни бажарган; эргаш гапларни бош гапдан ажратган (1-, 4-, 6- тиниш белги), қўшма гапларни ўзаро бир-биридан ажратган (5-, 8- тиниш белги). Иккинчи тиниш белги — икки нуқта қўчирма гап олдидан қўйилиб, автор гапини кўчирма гапдан ажратган, фикрнинг тугалланмаганлигини, изоҳланишини билдиради. Икки нуқтанинг яна бири (7- тиниш белги) эргашган қўшма гапни боғловчисиз қўшма гапдан ажратган, боғловчисиз қўшма гап мазмун жиҳатидан ундан олдинги эргашган қўшма гапни изоҳлаган, уни конкретлаштириш учун хизмат қилган;

қўштирноқ кўчирма гапни автор гапларидан ажратган. Тире боғловчисиз қўшма гапнинг биринчи компоненти иккинчи компонентидан ажратган, бу икки компонент ўртасида изоҳлаш, тенглик мазмуни бор. 10- тиниш белги (вергул) нотўғри қўлланган, боғловчисиз қўшма гапнинг иккала компонентлари кесими таркибидан бир сўз (*дегани*) айнан такрорланган ва шу сўзнинг такрорланиши орқали компонентлар боғланган, боғланиш янада кучлироқ бўлган, таъкид маъноси мавжуд, вергул қўйишга ҳеч қандай эҳтиёж йўқ;

кўп нуқта узун, чўзиқ пауза билан ифодаланади. Икки нуқта тугалланмаган интонацияни билдиради. Вергул санаш интонациясига эга. Тире таъкид, ажратиш, юқориноқ ва кўтаринки интонация билан ифодаланади.

*Ягона ҳам эрининг фикрига қўшилди.<sup>1</sup> — <sup>2</sup>Тез кетмасангиз бўларди<sup>3</sup>, ҳар ҳолда отангиз...<sup>4</sup>*

*— <sup>5</sup>У менинг отам эмас!<sup>6</sup> — <sup>7</sup>деди Хиёл аччиқ устида<sup>8</sup>. — <sup>9</sup>Бошимга не-не кунлар солмади!<sup>10</sup> (И. Раҳим.)*

Автор гапларни ва диалогнинг биринчи қисмидаги гаплар дарак гап, диалогнинг иккинчи қисмидаги икки содда гап хабар маъноси ҳам мавжуд бўлган ундов гап;

диалог, иккита автор гапи мавжуд, иккиси ҳам содда гаплардан иборат, кўчирма гап 4 та содда гапдан иборат;

10 та тиниш белгиси ишлатилган;

5 хил тиниш белги — икки нуқта, тире, кўп нуқта, ундов белгиси, нуқта қўлланган. Тире, нуқта — бир элементли, икки нуқта, кўп нуқта, ундов белгиси — кўп

элементли. *ҳар ҳолда* — кириш бирикма, гап ўртасида ҳар икки томондан вергул билан ажратилиши керак, лекин контекстда автор томонидан вергул қўйилмаган, вергул — бир элементли;

ундов белгиси кўчирма гапларнинг охирига қўйилган. Нуқта автор гапининг охирида қўлланган. Кўп нуқта гап охирида, икки нуқта икки содда гап ўртасида, вергул гап ўртасида қўлланган. Тире гап бошида ва ўртасида қўлланган;

6-, 7- тиниш белгилар (! — ундов белгиси, тире) кўша қўлланган, турли тиниш белгилар биргаликда қўлланган. Қолган тиниш белгилар — икки нуқта, тире, вергул, кўп нуқта, ундов белгиси якка тарзда қўлланган;

нуқта, ундов белгиси айирувчи функция бажарган. Нуқта фикр тугаллигини, дарак маъносини билдирган. Ундов белгиси сўзловчининг эмоционал муносабатини ифодалаган. Нуқта кўчирма гап ва автор гапини навбатдаги кўчирма гапдан ажратган. Ундов белгисининг бири (6- тиниш белги) кўчирма гапини автор гапидан ажратган, иккинчиси (9- тиниш белги) навбатдаги гапдан ажратган. Кўп нуқта фикрнинг баён этилмаганлигини, гап тугамаганлигини билдиради. Икки нуқта автор гапини кўчирма гапдан ажратган, кўчирма нутқни таъкидлаган. Вергул (3- тиниш белги) содда гапини навбатдаги гап (ёки кириш сўз, кириш бирикма)дан ажратган. Контекстда *ҳар ҳолда* кириш бирикмасидан сўнг вергул қўйилмаган, лекин вергул қўйилиши керак, чунки қондага биноан кириш бирикма гап ичида ёки ўртасида келса, ҳар икки томондан тиниш белги билан ажратилади. Тире кўп қўлланган, улар турли функцияларни бажарган. Жумладан, кўчирма гапининг бошланиш нуқтасини билдирган, ҳар бир шахснинг нутқни ўзаро бир-биридан ажратилган (2-, 5- тиниш белгилар), кўчирма гап ва автор гапини бир-биридан ажратган (7- тиниш белги), автор гапидан сўнг кўчирма нутқнинг давоми — диалогнинг давоми эканлигини билдирган (9- тиниш белги);

Ундов белгиси кучли, кўтарилувчан интонацияга эга, нуқта пасаювчи интонацияга, икки нуқта ҳам пасаювчи интонацияга, вергул киритма интонацияга — бирмунча қисқа паузага, тире (7- тиниш белги) ажратиш интонациясига эга. 2-, 5-, 9- тиниш белгилар — тире ўз интонациясига эга эмас, чунки улар диалогда шахслар нутқининг бошланишини, давомини билдиради.

## СТИЛИСТИК ТАҲЛИЛ

Стилистика тил ва нутқ услублариши ўрганеди. Унинг предмети «тил стиллари; тилнинг лугат составида, фразеология, морфология ва синтаксисда мужассамлашган ифода воситалари; бадий, илмий, публицистик ва бошқа асарларнинг услублари; баъзи бир стилларга хос бўлган бадий тасвир приёмларидир». (А. Ефимов.) Стилистика функционал стилистика, амалий стилистика, бадий адабиёт стилистикаси, грамматик стилистика, фонетик стилистика каби тармоқлардан иборатдир.

Д. Э. Розенталнинг кўрсатишича, «тил стиллари ҳақида умумий маълумот; тил воситаларининг эмоционал-экспрессив бўёғини баҳолаш; тил воситаларининг синонимияси амалий стилистиканинг асосини ташкил этади». Амалий стилистика нутқнинг ҳар бир конкрет кўринишида тил воситаларини назарий ўрганиш орқали улардан фойдаланишнинг усуллари ва формаларини тадқиқ этади. Тилнинг лексик ва грамматик воситалари амалий стилистика учун кўпроқ, фонетика ва сўз ясалиши ресурслари эса камроқ материал беради.

Ўзбек тили амалий стилистикаси ҳозирги ўзбек адабий тили стиллари ҳамда стилистик имкониятларини ўрганеди. Педагогика институтларида амалий стилистика ўқув предмети сифатида ўқитилиб келинмоқда. Ўқув планида 40 соатга яқин вақт ажратилган бўлиб, унинг кўп қисми амалий машғулотларга берилгандир. Амалий машғулотларни тўғри ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга. Стилистика бўйича бўладиган амалий машғулотларда хилма-хил методик усуллардан фойдаланиш талаб этилади. Албатта, ҳамма усулларнинг ҳам асосида тил воситаларини қиёслаш, солиштириш ва баҳолаш ётмоғи лозим. Амалий машғулотларда энг яхши иш усулларидан бири стилистик таҳлилдир. Стилистик таҳлил принципи, ҳажми, тўлалиги ва мақсадига кўра ҳар хил бўлади.

Стилистика ўзбек тилшунослигида янги соҳа бўлганлиги учун унга бағишланган илмий-назарий ва амалий методик адабиёт кам. Ўзбек адабий тили амалий стилистикасидан олий мактаблар учун дарслик яратилмаган. (Анвар Шомақсудовнинг университетларнинг журналистика ва филология факультетлари учун мўлжалланган икки қисмдан иборат «Ўзбек тили стилистикаси»ни ҳисобга олмаганда. Бу қўлланма ҳам кенг,



оммавий нашр этилмаган). Бу ҳол стилистик таҳлил структурасини белгилашда анча қийинчилик туғдиради. Стилистик таҳлил олдига қўйиладиган талаблар нималардан иборат бўлиши керак ва уларни қандай методик приёмлар орқали амалга оширса бўлади? Стилистик таҳлилда стилистиканинг қайси соҳалари кенгроқ ва қайси соҳалари камроқ акс этиши керак? каби масалалар назарий ва методик жиҳатдан ишлаб чиқилмаган. Стилистик таҳлил олдига қўйилган талаблар, бизнингча, стилистиканинг ҳамма соҳаларини ўзида қамраб олиши лозим. Унда лексик, фонетик, морфологик, синтактик стилистика ўз аксини топиши зарур. Стилистик таҳлил қўйндаги талаблар асосида ўтказилиши мумкин:

- 1) текстнинг нутқ стилларига хослигини аниқлаш;
- 2) текстдаги энг кўп маънавий ва стилистик вазифа олган тил воситаларини аниқлаш;
- 3) шу текст учун «бегона» бўлган услубий воситаларни топиш ва уларнинг стилистик функцияларини аниқлаш.

Стилистик таҳлил айрим томонлари билан лексикологик, фонетик, морфологик ва синтактик таҳлилга ўхшайди. Чунки стилистик таҳлил материал томонидан бу таҳлил турлари билан муштаракликка эга.

### Стилистик таҳлил тартиби

1. Текстнинг қайси нутқ услубига хослиги (китобий услублар, илмий услуб ва ҳоказо).

2. Уша услубни белгиловчи воситалар.

3. Тил услублари (фонетик, лексик, грамматик).  
Бунда:

а) фонетик стилистикага хос (урғунинг ўрни, товуш ўзгартириш, товуш орттириш ва ҳоказо) воситалар;

б) лексик стилистикага хос (синоним, омоним, антоним; тарихий, эскирган ва янги сўзлар; фразеологизм, диалектизм, профессионализмлар ва ҳоказо) воситалар;

в) морфологик стилистикага хос (форма ясовчи қўшимчалар) воситалар;

г) синтактик стилистикага хос (сўз бирикмалари, гап типлари, гапда сўз тартиби, синтактик синонимия, синтактик омонимия ва ҳ.) воситалар кўрсатилади ва уларнинг стилистик функцияси аниқланади.

Кўринадик, стилистик таҳлил талаблари ниҳоятда кўп ва мураккаб. Шунга кўра, таҳлил учун текст танланганда хилма-хилликка, текстнинг кўп талабли бўлишига эътибор қаратилиши зарур.

### Стилистик таҳлил намуналари

**Биринчи мисол:** *«Фуломжон гапга аралашмади, қовундан ҳам ёйилиб емади. Хирмон орқасидаги токзорда сайраётган булбул ноласига ҳуши кетиб ўтирди, тез-тез ўша томонга қараб, булбулни хаёл кўзлари билан қидирар эди. Шу қарашларнинг бирида хирмонга пахта кўтариб келаётган бир аёлни кўриб қолди. Аёлнинг бошида эски чопон бор эди. У пахтасини келтириб хирмондаги энг катта тўпга тўка бошлади. Фуломжон унинг оппоқ момиқ қўлларини кўриб: «Еш экан», деб ўйлади. Аёл пахтасини тўкиб бўлгунча, Фуломжон унга ер остидан разм солиб турди. У этакка илашиб қолган пахталарни қоқайтганда, бошидаги чопон бирдан сирғалиб тушиб кетди. Фуломжон унинг жамолини кўриб сураб бўлиб қолди. Ун беш-ўн олти ёшларда, юзлари ширмондай чиройли қиз эди. Фуломжоннинг тикилиб турганлигини сезгандек, у ҳам чопонини ола туриб, йигитга ер остидан қараб қўйди. Шунда кўзлари тўқнашди, Фуломжоннинг юраги жиғ этиб кетди. Қиз унга бир табассум ҳада қилиб хирмондан тез чиқиб кетди».* (М. Исмоилий.)

1. Текст бадний адабиёт услубига тегишли.

2. Фуломжоннинг Ҳаётхонни биринчи бор кўриш воқеаси турли бадний воситалар орқали тасвирланган. Фуломжоннинг дастурхон ёнидаги хаёл ва кечинмалари, булбул товушига маҳлиё бўлиши (*гапга аралашмади, қовундан ҳам ёйилиб емади, ...булбул ноласига ҳуши кетиб, ...булбулни хаёл кўзлари билан қидирар*), нотаниш аёлнинг қўлини кўргач, олдинги фикрининг ўзгариши (*...унинг оппоқ момиқ қўлларини кўриб, «еш экан», деб ўйлади*), аёл пахтасини тўкаётганида, унга билдирмасдан қараб туриши (*унга ер остидан разм солиб турди*), бошидан тўни тушиб кетган қизга унинг қараб қолиши (*...Жамолини кўриб сураб бўлиб қолди*), қизнинг ҳусни (*юзлари ширмондай чиройли...*), унинг йигитга сездирмасдан қараши (*...йигитга ер остидан қараб қўйди*), йигит ва қизнинг кўзлари тўқнаш келиб қолиши, бу ҳолатнинг Фуломжонга таъсири (*юраги жиғ этиб кетди*), йигитнинг қизга ёққанлигининг жа-

воби (...қиз унга бир табассум ҳады қилиб...) тилнинг бадний воситалари ёрдамида «чизиб» кўрсатилгандир.

Текстда ахборот бериш, фикр баён қилиш ва эстетик таъсир этиш функциялари қўшиб берилганки, бу хусусиятлар бадний адабиёт стилининг белгиларидир.

3. а) Фонетик стилистикага доир хусусиятлар сифатида, гаплардаги синтагмаларнинг айрим логик ургу олган сўзларнинг талаффузини кўрсатса бўлади (мас., *Хирмон орқасидаги токзорда сайраётган булбул ноласига* — ҳаммаси бир синтагма; *йигитга ер остидан қараб қўйди* гапида *ер остидан* бирикмасига ёзувчи гап (логик) урғусини юклаган ва ҳоказо). Текстда фонетик стилистиканинг бошқа белгилари сезилмайди;

б) лексик стилистикага хос хусусиятлар: текстда стилистик нейтрал сўзлар билан бир қаторда услубий нагрузка олган сўзлар ҳам бор.

Текстда *ёйилиб емади, ҳуши кетиб ўтирди, ер остидан разм солиб турди, юраги жиғ этиб кетди, бир табассум ҳады этиб* фразеологик бирикмалари ишлатилган. *Ер остидан разм солиб турди* ва *ер остидан қараб қўйди* иборалари ўзаро синонимлардир. Уларда *разм солмоқ* ва *қарамоқ* қисмлари ёрдамида бир ҳаракат икки хил восита орқали англлатилган. Бу икки иборанинг бош қисми бўлган *ер остидан* кўчган маънода, яъни *билдирмасдан, зимдан* маъносида қўллангандир.

в) морфологик стилистикага хос хусусиятлар тубандагилар: кўплик қўшимчаси *-лар* хаёл кўзлари бирикмасида маънони кучайтириш, *кўзлари тўқнашди* бирикмасида эса оддий кўплик учун қўлланилган, *ката* сифатининг орттирма даражаси ҳам маълум стилистик мақсад билан ишлатилган;

Морфологик стилистикага хос хусусият сифатида кўмакчи феъллар ёрдамида ясалган аналитик формаларни келтириш мумкин. Ёзувчи кўмакчи феълларнинг маъно оттенкаларидан фойдаланиб ёрқин ифодалар яратган. *Қолмоқ* феъли бир бирикмада ҳаракатнинг тўсатдан бўлганлигини (*кўриб қолди*) билдирса, бошқа бирикмада қаҳрамоннинг маълум бир ҳолати узоқ давом этганлигини (*сурат бўлиб қолди*) англади. *Кетмоқ* тўртта бирикмада бўлиб, уларнинг иккитасида (*тушиб кетди, жиғ этиб кетди*) ҳаракатнинг тарзини ифодалаш учун ишлатилади.

г) синтактик стилистикага хос хусусиятлар: текстда 10 гап бор. Уларнинг еттитаси содда, учтаси қўшма гап.

Бу гапларнинг ҳаммаси дарак — хабар мазмунига эга. Содда гапларнинг ҳаммаси содда ёйиқ гаплар шаклида бўлиб, ундалма, ажратилган иккинчи даражали бўлақлар мавжуд эмас. Текстда битта боғланган, иккита эргашган ва битта мураккаб қўшма гап бор. Фикр баён қилиш характерида бўлганлигидан текстда содда дарак гаплар қўшма гапларга қараганда кўпроқ ишлатилган. Ёзувчи хилма-хил сўз бирикмаларидан моҳирона фойдаланиб ёрқин ифодалар яратган. Бир мисол, қиз бошидаги чопон *бирдан тушиб кетди* дейилганда, чопоннинг тушиш жараёни ўқувчи кўз олдида тўлалигича акс этмаслиги мумкин эди. Ёзувчи шу нозик ҳолатни кўрсатиш учун *сирғалиб* равишдошини қўшган: *чопон бирдан сирғалиб тушиб кетди*. Текстда синтактик синонимлар ўринли ишлатилган: *разм солиб турди — қараб қўйди; этиб кетди — қилиб кетди* каби.

**Иккинчи мисол:** «Тилнинг реализацияси эса нутқ орқали бўлади, морфология сўздаги маъноли элементларни ва сўзнинг лексик, грамматик томонларини текширади, морфонология эса буларнинг (морфема ва сўзларнинг) фонологик жиҳатдан шаклланишидаги қонуниятларни белгилайди: уларнинг фонетик қиёфаси, морфемаларнинг қўшилишида, сўз составида учрайдиган фонетик вариантларнинг, ҳар хилликларнинг пайдо бўлишидаги қонуниятлар (...); морфемаларнинг ўз ичида, қўшилиш натижасида бўладиган фонетик ҳодисалар». («Ўзбек тили грамматикаси», 1 т.)

1. Текст китобий услубга, унинг илмий услуб турига тегишлидир.

2. Текстда унинг илмий услубга хослигини белгилайдиган қўидаги хусусиятлар бор:

а) мақсад тилшуносликнинг бўлимлари бўлган морфология ва морфонологиянинг вазифасини тушунтириш. Бу мақсадни ёзувчи (олим) «қуруқ», образли ифодаларсиз, шу фанга тегишли терминларни қўллаш орқали амалга оширяпти;

б) жуда кўп сўзлар, сўз бирикмалари ишлатилганки, булар фақат шу соҳа кишилари учун тушунарлидир (морфология, лексик-грамматик, морфонология, морфема, фонологик, сўз состави, сўзларнинг фонетик қиёфаси ва ҳоказо);

в) текстда илмий стилга хос бўлган фразеология бор: фонетик қиёфа, морфемаларнинг чегараси, морфемаларнинг ичи;

г) айтилиши керак бўлган фикр мураккаб бирикмалар орқали тушултирилган. Текст 55 сўздан ташкил топган бир мураккаб қўшма гапдан иборат. Гапнинг бундай тури бошқа нутқ стилларида кам учрайди;

д) фикр мисоллар билан тасдиқланган (текстда исботловчи мисоллар бор эди, биз уларни тушириб қолдирдик, ўрнига... (кўп нуқта) қўйдик);

е) гапда сўзларнинг тартиби одатдагидек (бадний адабиёт стилига хос гаплар илмий стилда учрамайди).

3. а) фонетик стилистикага тегишли воситалар текстда бўртиб турган эмас: урғу одатдагича, товуш ўзгартириш, товуш орттириш ҳодисалари учрамайди;

б) текстда кўп маъноли, синоним, омоним, тарихий, эскирган сўзлар учрамайди, *фонология, морфология* каби терминлар шу фан доирасида неологизмлар эмас;

в) тилнинг морфологик воситаларидан бу парчада илмий стилнинг талабига кўра фойдаланилган. Чунончи, унда **-и(ш)** билан ясалган ҳаракат номлари, **-ик** билан ясалган сифатлар нисбатан кўпроқ учрайди (*шаклланиш, қўшилиш, пайдо бўлиш, лексик, грамматик, фонологик, фонетик* ва ҳоказо);

г) текстда беш компонентдан иборат битта мураккаб қўшма гап бор. Бу компонентлардан биринчи иккитаси боғловчисиз, иккинчи ва учинчиси *эса* боғловчиси орқали боғланган, қолган иккитаси ҳам боғловчисиз бўлиб учинчи гап билан умумий кесим (*белгилайди*)га эга. Гапдаги сўз бирикмаларининг жойлаштирилиши бошқа нутқ стилларида учрамайди, бундай гап тузилиши фақат илмий стилга тегишли асарларда учрайди.

**Учинчи мисол:** *«Рус тили — дунёда биринчи социалистик революция тилидирки, биз буни ифтихор билан эътироф этамиз. Мамлакатимиздаги барча халқлар шу революция байроғи остида Россия пролетариати теварагига бирлашиб ўз озодлиги ва мустақиллиги учун қаҳрамонона курашга отландилар, бу курашда рус тили революцион кучларни бирлаштирувчи қудратли алоқа воситаси бўлди. Социализм қурилиши йилларида ҳам, Улуғ Ватан уруши пайтида ҳам, ундан кейинги даврда ҳам бу тил йша улуг вазифани ўтамоқда».* (Ш. Р. Рашидов.)

1. Текст публицистик услубга тегишли.

2. Текст тарғибот қилиш принципи асосида ёзилган. Унда рус тилининг хизмати пропаганда қилинмоқда,

Фикр — далиллар билан мустақкамланиб борган. Услубга хос хусусиятлар сўзлар таишлашда, уларга ургу беришда, бирикмаларнинг равонлигида, тил воситаларининг экономиясида, ижтимоий-сиёсий лексикадан (*социалистик революция, пролетариат, озодлик, мустақиллик, кураш, социализм* ва бошқалар) кенг фойдаланишда, тайёр бирикмаларнинг қўлланганлигида (*социалистик революция, революция байроғи остида, Россия пролетариати, революцион кучлар, социализм қурилиши, Улуғ Ватан уруши каби*) ва бошқаларда кўринади.

3. а) парчада фонетик стилистикага хос белгиларни нутқнинг синтагматик бўлинишларида, гап ургуларида кўрамиз. (Масалан, баъзи синтагмаларни кўрсатамиз: *биринчи социалистик революция тилидирки, мамлакатимиздаги барча халқлар, шу революция байроғи остида* ва ҳоказо). Гапларнинг бундай синтагмаларга бўлиб ўқилиши нутқнинг оҳангдорлигини, таъсирлилигини оширади;

б) лексик стилистикага хос белгилар: пайт англаувчи синоним сўзлардан ўринли фойдаланилган: *йилларида, пайтида, даврда* каби. Ижтимоий фанга алоқадор *социалистик революция, революция байроғи, пролетариат, озодлик, мустақиллик, курашга отланмоқ, революция, революцион куч, социализм қурилиши* каби терминлардан фойдаланилган;

в) текстда стил хусусиятларига кўра қаратқич келишиги ва эғалик қўшимчаларидан, хусусан, унинг белгисиз шаклидан усталик билан фойдаланилган;

г) текстда синтактик стилистикага алоқадор белгилар қуйидагилар: кўплаб атрибутив, объектли, кўмакчили, равншли бирикмалар мавжуд (*биринчи социалистик революция, революцион кучлар, қудратли алоқа воситаси, социализм қурилиши, улуғ вазифа; бунга эътироф этамиз, революцион кучларни бирлаштирувчи; революция байроғи остида, озодлиги ва мустақиллиги учун, теварагига бирлашиб* ва ҳоказо). Текст учта гапдан иборат. Улардан иккитаси қўшма гап. Биринчи гап эргаш гапли қўшма гап, иккинчи гап мураккаб қўшма гапдир. Учинчи гап содда гап. Гапларнинг қурилиши публицистик стил талабига мосдир.

## МУНДАРИЖА

|  |     |
|--|-----|
| <i>Сўз боши</i> . . . . .                        |     |
| Лингвистик таҳлил ҳақида . . . . .               | 5   |
| Лексикологик ва фразеологик таҳлил . . . . .     | 10  |
| Фонетик таҳлил . . . . .                         | 15  |
| Орфографик таҳлил . . . . .                      | 26  |
| Орфоэпик таҳлил . . . . .                        | 29  |
| Сўзнинг морфемаларга ажратилиш таҳлили . . . . . | 33  |
| Морфологик таҳлил . . . . .                      | 46  |
| Синтактик таҳлил . . . . .                       | 71  |
| Содда гап таҳлили . . . . .                      | 91  |
| Қўшма гап таҳлили . . . . .                      | 127 |
| Пунктуацион таҳлил . . . . .                     | 170 |
| Стилистик таҳлил . . . . .                       | 177 |

*На узбекском языке*

**Кудратов Тура, Нафасов Тура**

### **ЛИНГВИСТИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ**

Пособие для студентов  
филологических факультетов  
высших учебных заведений

Ташкент «Ўқитувчи» 1981

Редактор *Ҳ. Юсупова*  
Бадний редактор *П. А. Бродский*  
Техн. редактор *Ф. Нурмухамедова*  
Корректор *Д. Абдуллаева*

ИБ № 2016.

Теринга берилди 8.04.1981 й. Босинга рухсат этилди 20.10.1981 й. **Формати** 84x103 Ч<sub>32</sub>. Қоғози № 3. Кегли 10 шпонииз. Гарнитура литературная. Юқори босма усулида босилди. Шартли б. л. 9,66. Нашр л. 8,46. Тиражи 3000. Заказ № 2384/1360. Баҳоси 25 т.

«Ўқитувчи» нашриёти. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома 13—54—81.

Ўзбекистон ССР нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитети Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқарish бирлашмасининг полиграфия комбинатида терилди, 3-босмахонаси, 2-цехида босилди. Тошкент, Т. Шевченко кўчаси, 52. 1981 й.

Набрано на полиграфкомбинате, отпечатано в типографии № 3, цех № 2 Ташкентского полиграфического производственного объединения «Матбуот» Государственного комитета УзССР по делам издательств, полиграфии и книжной торговли, Ташкент, ул. Т. Шевченко, 52.